372.013
З-39.

К. ЗАРИПОВ, Ш. МАРДОНОВ

# ЎҚИТУВЧИЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ПЕДАГОГИКАСИ

ТОШКЕНТ

74
Э-39

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

К.ЗАРИПОВ, Ш.МАРДОНОВ

0626

# ЎҚИТУВЧИЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ПЕДАГОГИКАСИ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

ТОШКЕНТ – 2018

УЎК: 37.013:378.046.4 (075.8)
КБК 74.56р
З-39

З-39 К.Зарипов, Ш.Мардонов. Ўқитувчилар малакасини ошириш педагогикаси. –Т.: «Fan va texnologiya», 2018, 284 бет.

ISBN 978–9943–11–764–8

Ўқув қўлланмада таълим ислоҳотлари ва унинг мантиқий давоми бўлган «2004–2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантиришнинг давлат умуммиллий дастури»да ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш тўғрисидаги кўрсатмасини амалда бажариш борасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 2006 йил 16 февральдаги Қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2015 йил 20 августдаги 242-сонли Қарори ижросини таъминлаш талаблари асос қилиб олинди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг илмий-назарий, аксиологик, педагогик-психологик ҳамда дидактик, ташкилий-педагогик асосларини тадқиқ қилиш, уни яхлит бир фан сифатида асослашдан иборат.

Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг мазмуни, унинг сифат ва самарадорлигини белгиловчи меъёрларни аниқлаш, шунингдек, қулай ва таъсирчан шаклларини тадқиқ қилиш асосида технологиялаштиришнинг илмий-методик жиҳатлари ҳамда шаклларининг тасниф қилиниши, комплекс ривожлантириш муаммолари ҳам мазкур тадқиқотнинг мазмунини ташкил этади.

Ушбу ўқув қўлланма узлуксиз таълим тизимида фаолият кўрсатувчи педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасалари ходимлари ҳамда тингловчилари, шунингдек, шу соҳада тадқиқот олиб борувчилар ва халқ таълим тизимида узлуксиз методик хизмат кўрсатиш мутасаддиларига мўлжалланган.

УЎК: 37.013:378.046.4 (075.8)
КБК 74.56р

Масъул муҳаррир: Г.И. Мухамедов – к.ф.д., профессор.

Тақризчилар: Ш.Абдуллаева – педагогика фанлари доктори, профессор;
А.Т. Нурманов – педагогика фанлари доктори, доцент.

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти илмий Кенгашининг 2017 йил 28 декабрдаги 6-сонли қарорига асосан чоп этилди.*

ISBN 978–9943–11–764–8
© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2018.

## МУҚАДДИМА

Республикамизнинг ҳозирги даврда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тамойиллари жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин олиш учун маънавий салоҳиятимиз ва иқтисодий қудратимизни янада ошириш, шунингдек, таълим ва тарбияни янада такомиллаштириш, уларни XXI аср илмий техника тараққиёти талабларига жавоб берадиган тарзда қайта қуришни талаб қилади.

Республикамиз Президенти Шавкат Мирзиёев Вазирлар Маҳкамасининг 14 январ 2017 йилдаги кенгайтирилган мажлисидаги "Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак" маърузасида: "...ўқув режа ва дастурларни тубдан қайта кўриб чиқиш зарур ... Болалар ва ёшларга махсус фанлар, мамлакатимиз ва жаҳон цивилизацияси тарихини, хорижий тилларни ва замонавий компьютер дастурларини чуқур ўрганиш вазифалари ҳали сифатли ва тўлиқ ҳолда ечилгани йўқ.

Яна бир муаммони ҳал этиш ҳам ўта муҳим ҳисобланади: бу – педагоглар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг профессионал даражаси, уларнинг махсус билимларидир. Бу борада таълим олиш, маънавий-маърифий камолот масалалари ва ҳақиқий қадриятларни шакллантириш жараёнларига фаол кўмак берадиган муҳитни яратиш зарур" [8, 45][1], дея таъкидлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим ислоҳотлари «Таълим тўғрисида»да қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да ўзининг илмий-назарий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ифодасини топган. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсади - таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини яратишдир» [11, 39]. Бу вазифани бажаришда таълим жараёни, унинг мазмун, шакл ва методларини тубдан ўзгартиришни талаб қилади. Айниқса, ислоҳот ёшларни келажак ҳаёт ва турмушга тайёрлаш, ҳаётда ўз ўринларини топишда кўмаклашувчи янги тизим – ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш ўз долзарблиги билан алоҳида ажралиб туради. Жамият ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий тараққиётга янгича қарайдиган, мустақил фикрловчи, ишбилармон, буюк келажак пойдеворини қурувчи мутахассис кадрларни тайёрлаш республикамиз

[1] Изоҳ: китоб охирида фойдаланган адабиётлар рўйхати берилган. Матнда биринчи рақам унинг тартиб рақамини, 2-си бетини билдиради.

педагоглари олдида турган энг муҳим ва долзарб вазифадир. Таълим ислоҳотлари жараёнида бу улкан вазифани тўла амалга ошира оладиган, замонавий ва жаҳоннинг энг илғор таълим технологияларидан моҳирона фойдалана оладиган педагог кадрларга эҳтиёж ҳар қачонгидан ортди.

Жамиятимизда амалга оширилаётган иқтисодий-сиёсий, ижтимоий-мафкуравий ўзгаришлар ҳамда таълим ислоҳоти талаблари нуқтаи назаридан педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимига ёндашадиган бўлсак, унинг янгиланиш ва тараққиёт жараёнларига жавоб бермаётганининг гувоҳи бўламиз.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов: «Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумоти, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз.

Менинг фикримча, таълим-тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо ҳам мана шу ерда. Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун, аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак»,- деб таъкидлайди [4, 7].

Бундан келиб чиқиб, «Таълим тўғрисида»ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да тарихда биринчи бўлиб, узлуксиз таълим тизимида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мустақил таълим тури сифатида қайд қилинди. Бу эса малакасини оширувчи субъектларнинг шахсий-касбий, илмий-методологик, педагогик-психологик, дидактик ҳамда психофизиологик, ташкилий-педагогик хусусиятларини тадқиқ қилишни тақозо қилади. Шу билан бирга уни педагогик тизим сифатида таркибини мазмун ва мақсад ҳамда бошқариш жиҳатдан ислоҳ қилиш вазифаси ҳам кўндаланг бўлиб турганлигини унутмаслик лозим. Мазкур тизимни ислоҳ қилишда «замон талабларига мослашувчан, таълимнинг юқори сифатли ва барқарор ривожланишини кўзловчи тизими вужудга келишига» [6, 16] эришиш муҳим вазифа ҳисобланади. Мамлакатимизда янгиланган, жаҳон андозаларига ҳамоҳанг таълим мазмунини жорий қилиш ўз-ўзидан эмас, балки кўп минглаб педагоглар билими, тажрибаси ва олимларнинг ижодий фаолияти орқали амалга ошади.

Таълим ислоҳоти янгича фикрлай оладиган, асримизнинг шиддатли ахборот оқимида тўғри йўл топа оладиган, ахборотлардан унумли ҳамда ёш авлод таълим-тарбияси, касб-ҳунар ўрганишида фойдалана оладиган, изланувчан, ижодкор педагогларни шакллантириш вазифасини кўндаланг қилиб қўйди. Бу ишнинг муҳимлиги шундаки, педагогик тажриба таълим мазмунига қанчалик янгиликлар киритилмасин, қанчалик мукаммал дастурлар, дарсликлар ва таълим



стандартлари яратилмасин, уларни ўқув-тарбия жараёнига жорий қилиш кўп жиҳатдан ўқитувчи шахси ва унинг педагогик маҳоратига боғлиқ эканлигини кўрсатди. Модомики шундай экан, амалиётчи ўқитувчилар малакасини ошириш жараёнида нималарга асосий эътиборни қаратиш лозим ёки унинг мақсади нималарда ўз ифодасини топиши керак, деган савол пайдо бўлиши табиий?

Фикримизча бунда:

- ҳар бир педагогнинг шахсий сифатлари ва касбий маҳоратини ошириш билан бирга уларни ўз мутахассислиги бўйича ҳам энг сўнгги янгиликлар билан таништириб бориш;

- касбий-педагогик фаолиятнинг юқори даражада бўлиши учун уларнинг янгиликларни амалиётга қўллаш кўникмаларини ривожлантириш;

- педагогларда янгиликларга ташналик ва доимо мустақил ўқиш ҳиссини тарбиялаш;

- ўқув жараёни ва малакасини оширишни илғор педагогик технологиялар асосида ташкил қилиш;

- педагог кадрлар малакасини оширишни такомиллаштириш учун мазкур соҳада банд бўлган ходимларнинг касбий маҳоратини ошириш;

-уларни катталар таълими (андрагогика) хусусиятлари, қонуниятларини тушуниш борасидаги тайёргарликларини такомиллаштириш ҳам муҳим ҳисобланади. Малакасини ошириш натижаларини доимий таҳлил қилиш асосида жараёнга ўзгартиришлар киритиш.

Профессор Ж.Ғ. Йўлдошев педагог кадрлар малакасини ошириш жараёнларини ислоҳ қилиш учун қуйидагиларга эътибор бериш лозимлигини таъкидлайди:

1. Малакасини ошириш ислоҳотини «Таълим тўғрисида»ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талаблари асосида ишлаб чиқилган Давлат талабларига мувофиқ ташкил этиш.

2. Малакасини оширишни педагогларнинг фаол иштироки ҳамда педагогик технология ва инновацион тажрибалар асосида ташкил этиш.

3. Малакасини оширишни жаҳон тажрибалари асосида ташкил этишнинг иқтисодий механизмини яратиш.

4. Малакасини ошириш муассасаларида юқори малакали олимлар, методистлар, муаллифлар, ижодкор ўқитувчилар фаолият юритишларига эришиш.

5. Малакасини ошириш муассасаларини ихтисослаштириш.

6. Ўқитувчининг касбий тайёргарлик диагностикаси ҳамда мониторингини ўтказиш ва малакасини оширишнинг янги шаклларидан фойдаланиш.

7. Малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда ўқитувчининг ўз малакасини ўзи мустақил оширишига муҳим, деб қараш [58, 6-7].

Бунда бутун малакасини ошириш жараёни педагог кадрларнинг шахсий, иродавий-ахлоқий сифатлари ва касбий фаолиятини такомиллаштиришга қаратилмоғи лозим. Чунки уларнинг шахсий, иродавий-ахлоқий сифатлари касбий фаолиятларини кучайтиришга хизмат қилади. Фаолият, ўз навбатида, педагогнинг ҳам касбий, ҳам шахсини такомиллашувининг ҳаракатлантирувчи кучидир. Чунки шахс фаолиятда ўзини намоён қилади ва камол топади.

Шундай қилиб, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг асосий мақсади амалиётчи ўқитувчиларнинг ижодий имкониятлари, шахсий сифатлари ва касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириб, уларнинг таълим-тарбияси сифат-самарадорлигини кўтаришга эришишдан иборатдир.

Таълим ислоҳоти талаблари асосида педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш анча мураккаб муаммо ҳисобланади. У узлуксизлик тамойили асосида қайта қуришни тақозо қилади. Унда:

-инсон омили асосида уни демократик ва гуманистик асосда қуриш;

-педагогларнинг асосий (базавий) маълумоти билан малакасини ошириш ўртасидаги боғлиқлик ва фарқларни ҳисобга олиш;

-давлат томонидан ташкил қилинадиган малакасини ошириш курслари билан ўқитувчилар мустақил таълимининг ўзаро узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш;

-педагоглар эҳтиёжларини ўрганиш ва уларнинг субъектив имкониятларини ижтимоий-иқтисодий талаблар билан мувофиқлаштириш;

-малакасини оширишнинг турли босқичлари (даврийлиги)ни, ўқитувчиларнинг билим, кўникма, малака ҳамда маҳорати даражасига қараб табақалаштириш ва индивидуаллаштириш асосида, унинг мазмун, шакл, методлари ҳамда муддатларини белгилаш;

-аттестациянинг моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳамда ўзаро узвий боғлиқ тизимини ишлаб чиқиш;

-малакасини оширишнинг давлат ва нодавлат, ижтимоий-иқтисодий, мустақил ташкил қилинадиган шаклларининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш;

-малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини катталар педагогикаси (андрагогика) хусусиятлари, педагогларнинг ёши, фаолият мотивлари, шахсий сифатлари, иш стажини ҳисобга олиш асосида ташкил қилиш;



-малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда давлат ва нодавлат муассасалари рақобатига эришиш ҳамда экстернат тизимини жорий қилиш;

-малакасини ошириш асосида педагоглар касбий фаолияти ва шахсий сифатларида бўладиган ўзгаришларни аниқлаш, унинг меъёрларини ишлаб чиқиш;

-малакасини оширишнинг масофавий турини жорий қилишга эътиборни қаратиш зарур.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мустақиллик шароитида янгиланган таълим мазмуни ҳамда ўқитувчилар малакасини оширишни аниқ ташхис ва шахсга йўналтирилган таълим асосида ташкил қилиш муҳим ва долзарб масалага айланди.

Умумий ҳолда бу борада бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, ўқитувчиларни тайёрлаш ва уларнинг шахси, маданияти, педагогик муаммолари Ю.К. Бабанский, В.А. Кан-Калик, Н.В. Кузьмина, А.И. Щербаков, В.Г. Онушкин, Ю.Н. Кулюткин, В.А. Сластенин, М.О. Очилов, Ю.К. Васильев, О. Хаджабоев, У.Н. Нишоналиев, Н.Н. Азизхўжаева, И. Обидов, Б.Р. Жўраеваларнинг ишларида ўз аксини топган.

Бевосита педагог кадрлар малакасини оширишнинг назарий-методологик, ташкилий-педагогик асослари, бу жараённи ташхис асосида ташкил этишнинг умумий жиҳатлари ҳамда янги таълимий қадриятлар билан боғлиқлиги педагогика фанлари докторлари, профессорлар К.З. Зарипов, Ж.Ғ. Йўлдошев, Ш.Қ. Мардонов, Б.Р. Адизовларнинг ишларида тадқиқ қилинган.

Таълим ислоҳотлари шароитида касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари малакасини ошириш шакллари ва таъсирчан методлари Б.С. Нуриддинов, С.Ф. Ражабова, М. Деҳқоновалар, умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари малакасини оширишнинг илмий-амалий, улар шахсининг ривожлантириш ва малакаси даражалари муамолари Ш. Саидқулов, Т. Умматқулов, М. Яҳёев, А. Аминов, А. Гулбоев, Ш. Мажидовалар ишларида амалга оширилган.

Мазкур тадқиқотчиларнинг ҳар бири ўз олдига қўйган мақсадидан келиб чиқиб, ўқитувчилар малакасини ошириш тизими (ЎМОТ)нинг айрим жиҳатлари, масалаларини ўрганган.

Ўрганилаётган муаммонинг ўта муҳим ва ҳар бир киши ҳамда мамлакат тараққиёти учун долзарблиги, маънавий-моддий аҳамиятга моликлиги ва муҳимлигини чуқур англаб, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А. Каримов ўз чиқишлари ва асарларида қайта-қайта такрорлаган эдилар.

Мамлакатимиз узлуксиз таълим тизими ислоҳотларининг илмий-назарий асосларини белгилаб берган "Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори" мавзусидаги маърузасида И.А. Каримов педагог кадрлар малакасини ошириш "пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масала" [4, 7], деб таърифлаган бўлса, "Ислоҳотлар стратегияси – мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир" номли маърузасида "лавозим учун эмас, балки малака учун ҳақ тўлаш" тизимини яратиш, кадрларнинг касбий (профессионал) ўсишини ҳар томонлама рағбатлантириш, ходимларнинг тоифа ва малака мезонларини белгилаш зарурлигини таъкидлайди [7].

Тезкор ахборот ва техникавий тараққиётнинг таълим тизимига шиддат билан кириб келиши, шунингдек, ривожланаётган ҳамда мунтазам янгиланаётган замонавий педагогик технологиялар, ахборотлар оқими, ўта илғор технологиялар ҳам 5-7 йилда эскириб, уларнинг ўрнини янада такомиллашган технологияларнинг эгаллаши, замонамизнинг характерли хусусиятига айланиб бормоқда. Бундай шароитда "тараққиётимизнинг ҳамда аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омили бўлмиш кадрларнинг умумий малакасини ошириш" [18] мамлакат тараққиёти ва кўп минг сонли педагогларнинг ҳар бири учун тақдируломон муаммо ҳисобланади.

Юқоридаги пурмаъно фикрлардан келиб чиқиб, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва унинг мантиқий давоми бўлган «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури»нинг асосий йўналишларидан бири «Мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, уларнинг таркиби, сифатини ошириш, ўқитувчилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришни» [17] кучайтириш долзарб муаммо сифатида қўйилган.

Қўйилган мазкур масалани илмий-назарий ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида" [17] 2006 йил 16 февралда қабул қилган қарори тарихий аҳамият касб этади. Мазкур қарор расмий равишда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга дахлдор вазирлик ва идораларнинг, Давлат тест маркази, таълимни бошқариш ҳудудий органлари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш институт, факультет, марказларнинг бу борадаги вазифаларини аниқ белгилаб берди. Шу билан бирга педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифатига доир давлат талаблари тавсифланди. Шунингдек, қайта тайёрлаш турлари (педагогик қайта тайёрлаш ва



касбий қайта тайёрлаш)ни ҳамда малака оширишнинг тавсифи, турларига аниқлик киритди.

Ушбу қарорда кўрсатилган вазифаларни ҳаётга татбиқ қилишда "Илмий тадқиқот ва методик марказ ҳамда лабораторияларнинг" ҳиссаси алоҳида эканлиги таъкидланди. Мазкур муассасалар мамлакат ва педагогик жараён эҳтиёжларидан келиб чиқиб, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг долзарб масалаларини тадқиқ қилишлари ҳамда бу борада илғор педагогик технологияларни қўллашнинг ихчам, илмий-амалий асосланган шаклларини қўллаш муаммоларини ишлаб чиқишлари лозимлиги таъкидланади.

Шундан келиб чиқиб, мазкур изланишда бу борадаги тадқиқотлар ва тўпланган тажрибани умумлаштириб, амалиётчи ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнларини яхлит бир фан сифатида баён қилишга ҳаракат қиламиз.

Унда дастлаб педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикасининг мақсад ва вазифалари, илмий тадқиқот методлари, педагогик фанлар тизимида тутган ўрни, унинг назарий-методологик муаммолари баён қилинади. Шу билан бирга унинг педагогик-психологик асослари ва дидактик масалалари, мазкур жараённи узлуксиз такомиллаштириш ҳамда технологиялаштириш, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни такомиллаштиришнинг таъсирчан ва қулай шакллари ва тизим сифатида таснифи ҳамда комплекс режалаштириш масалалари ўз талқинини топади.

Фикримизча, тадқиқотда баён қилинган фикрлар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини яхлит тасаввур қилиш имконини бериб, уни педагогиканинг алоҳида тармоғи сифатида қарашга асос бўла олади. Бу соҳанинг йирик тадқиқотчиси ва ташкилотчиси профессор Ж.Ғ. Йўлдошев ўзининг «Малака оширишнинг назарий ва методологик асослари» [59] китобида педагогиканинг янги тармоқлари шаклланиб, унинг мустақил тармоғи сифатида тан олинишига қарамай, малакасини ошириш педагогикаси мустақил илмий йўналиш тарзида ҳанузгача тан олинмаганлигини таъкидлайди. Бунинг асосий сабаби эса «Малакасини ошириш педагогикаси»нинг назарий ва методологик асосларининг тадқиқ қилинмаганлигини кўрсатиш билан бирга унинг бошқа педагогик фанлардан ўрганиш объекти ва предмети, мақсад ва вазифалари, таълим мазмуни, ташкил қилиш шакл ва методлари билан ҳам фарқ қилишини ўринли эътироф этади. Шунинг учун «Малакасини ошириш педагогикаси» ҳам кейинги пайтда пайдо бўлиб, яшаш ҳуқуқини олган педагогика фанининг мустақил тармоқлари каторида «расман эътироф этилиш ҳуқуқига эгадир» [59].

Тадқиқотда республикамизда ушбу муаммо билан шуғулланиб келаётган олимлар изланишларининг умумлаштирилиши асос вазифасини ўтайди.

Китоб қўлёзмасини ўқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилган шу соҳанинг кўзга кўринган тадқиқотчилари педагогика фанлари докторлари, профессорлар Ж.Ғ. Йўлдошев, Б.Р. Адизов, Б.Х. Ходжаевларга чуқур миннатдорчилик билдирамиз.

Мазкур тадқиқот амалиётчи ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича умумлаштирувчи дастлабки ўқув қўлланмаси бўлганлиги учун ҳам хато ва камчиликлардан холи эмас. Қўлланма ҳақидаги холисона фикрларни мамнуният билан қабул қиламиз (Тошкент вилояти Чирчиқ ДПИ, А.Темур кўчаси, 104-уй).



Биринчи бўлим

## ПЕДАГОГЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ПЕДАГОГИКАСИ ЯНГИ ФАН СИФАТИДА

**Режа:**

1. Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикасининг мақсад ва вазифалари.
2. Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикасининг илмий тадқиқот методлари.

**Мавзунинг мақсад ва вазифалари:**

Мазкур мавзунинг мақсади педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикасининг янги фан сифатида шаклланиши, унинг мақсад ва вазифалари, қонун ва қонуниятлари, тушунча ва категориялари ҳамда илмий тадқиқот методлари тўғрисида тушунча бериш, шунингдек, мустақиллик мафкураси асосида педагогларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнларини миллий хусусиятларга мос равишда инсонпарварлаштириш, табақалаштириш, сифат-самарадорлигини, меъёрларини илмий-амалий асослаш; қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш моҳиятан ижтимоий жараён экани, унда малакасини оширувчи – дарс берувчи шахс, услубшунос, гуруҳдаги ҳамкасблари билан кўп томонлама мулоқот ва муносабатларга киришидаги ўзига хосликларни асослашдан иборат.

**Таянч сўз ва иборалар:**

Ўқитувчи малакасини ошириш, таълим субъекти ва объекти, шахс шаклланиши, малакасини ошириш предмети ва объекти, малакасини оширишнинг ўзига хос хусусиятлари, илмий тадқиқот методлари, шахс ижтимоийлашуви, "Таълим тўғрисида"ги қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", "Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари" тўғрисидаги қарор.

### 1.1. Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикасининг мақсад ва вазифалари

XXI аср инсоният тарихига ахборотлар асри сифатида кириб келди. Ахборотлар оқимининг кескин кўпайиши кишиларнинг ўзларини ўраб турган олам сирлари ҳамда инсоннинг маънавий олами, онгишуури, тафаккури, ташқи объектив оламни билишга бўлган қизи-

қишлари, ўзини билиш, англашга йўналганлиги билан ҳам характерланади. Бу ўз навбатида, воқеа ва ҳодисаларнинг инсоннинг ўз моҳиятини чуқурроқ англаши, ҳодисалар моҳиятидаги боғланишларини билишга интилишининг кучайишида намоён бўлади. Ахборот воситалари эса инсоннинг бу борадаги фаолиятини осонлаштиради.

Ахборот воситалари ёрдамида дунёни билиш жараёнлари тезлашади. Мавжуд фанлар тизимида ҳам сон ва сифат ўзгариш жараёнлари содир бўлади. Фанлар ҳамда оралиқ фанларнинг ўзаро таъсири натижасида фанлараро мужассамлашув (интеграцияси) ва табақалашув (дифференциацияси) жараёнлари содир этилиб, янги фанлар пайдо бўлади. Янги бир фаннинг пайдо бўлиши тарихий жараён ҳисобланади. Бунинг маъноси шуки, фанлар интеграцияси ва табақалашуви маълум вақт ва даврни талаб қилади. Аввал фаннинг янги куртаклари вужудга келади, кейинчалик у мустақил, янги фан тармоғи сифатида дунё юзини кўради.

Бу жараён умумий қонуният сифатида амал қилади. Фанлар негизида янги бир фан шаклланиб, ўз ўрганиш соҳаси, мақсад ва вазифалари, қонуният ва принциплари ҳамда илмий тадқиқот методлари шаклланади. Бу жараённи педагогикага нисбатан оладиган бўлсак, ўтган асрнинг 40-50 йилларида педагогика деганда умумий педагогика ёки мактаб педагогикаси ва унинг тарихи тушунилар эди. Айнан педагогиканинг шу тармоғининг ривожланишига асос - жамиятнинг ёшларни ўқитиш ва тарбиялашга эҳтиёжининг эрта пайдо бўлишидир. Бунинг оқибатида кишиларда - педагогика фақат мактаб ўқитувчисига керак, бошқалар учун уни билиш шарт эмас, деган нотўғри тасаввур пайдо бўлди. Жамият тараққиётининг интенсивлашуви оқибатида шахснинг ахлоқий ва касбий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий қиёфасига бўлган талабларнинг ошиши, ундан умрининг ҳар бир даврида шаклланиш қонуниятларини ўзига хос намоён бўлишини билишни тақозо қилади.

Оқибатда, инсоннинг ёш даврлари ва фаолияти (касби) хусусиятларини ўзида акс эттирувчи педагогик фанлар тизими шаклланди. Шахс шаклланишида ёш даврлари ва фаолият тури муҳим ўрин тутади. Шунинг учун инсон шаклланиши ва касб эгаллашнинг ҳар бир даврида унга педагогик-психологик ёндашиш ижтимоий зарурат бўлиб қолади.

Агар педагогика бир вақтлар фақат ўқитувчи учун керак, бошқалар учун муҳим бўлмаган (яъни шахс шаклланишини бошқалар билиши шарт бўлмаган) соҳа, улар учун педагогик жараён ва қонуниятлар «нарса ўзида» (билинмаган соҳа) бўлган бўлса, эндиликда педагогика билан ота-оналар, раҳбарлар, инженер-техник ходимлар шуғулланадилар. Чунки инсонлар билан иш кўрилганда, уларнинг



муомаласи, мулоқотида педагогик ёндашув муҳим бўлиб, педагогика ҳамма учун ёки «биз учун нарсага» айланди.

Ҳадисларда бешикдан қабргача илм изла, дейилади. Педагогика фанининг аниқлашича, бола тарбиясини она қорнидалигидан бошлаш лозим. Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим ислоҳотлари, давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида шахсни туғилгандан, то унинг сўнгги нафасигача ўқитиш ва тарбиялашни долзарб муаммо сифатида қўймоқда.

Шахс шаклланиши ва касб эгаллаши ҳамда унинг шахс ва касб соҳиби сифатида ҳаётининг турли жабҳаларида самарали фаолият кўрсатишини таъминлаши, малакасини ошириш педагогикасининг ҳам мустақил фан сифатида «фуқаролик» ҳуқуқини олишига ижтимоий-педагогик асос бўлди, десак хато бўлмайди.

Ҳар бир фан мустақил, алоҳида бўлиши учун:

- у ўзининг ўрганиш субъекти ва объектига, предметига (мавзуга), қонуният ва принципларига ҳамда илмий тадқиқот методлари ҳамда категорияларига эга бўлиши лозим. Шу билан бирга ўз соҳасини ўрганиш учун маълум қонун, қонуниятлар ва улар ўртасидаги моҳиятли боғланишлар, омиллар, жараёнларининг узвийлигини таъминлаши керак;

- аниқланган қонун ва қонуниятлар, ўрганилиши лозим бўлган жараёнлар тараққиётини аниқлаш ва истиқболини кўра билиш имкониятларининг мавжудлиги ҳам муҳимдир.

Хўш, педагогларни қайта тайёрлаш (ПҚТ) ва малака ошириш педагогикаси (МОП) шу талабларга жавоб берадими? Ҳа, тўла жавоб беради.

Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикасининг (ҚТ ва МОП) объекти - ўқитувчи шахси ва касби ёки касбий маҳоратини ошириш жараёни, унинг ўрганиш предмети эса илмий билимнинг махсус тармоғи сифатида ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятининг турли даврларида касб маҳоратини замон талабларига мувофиқ ошириб, такомиллаштириб бориши, шунингдек, ёш авлод таълим-тарбиясини амалга оширишга назарий ва амалий-методик жиҳатдан тайёрлигини ўрганишдир. Бунда маълум маънода объект билан предмет бир-бирига мос келади.

Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикаси ижтимоий фан сифатида жамият тараққиёти билан узвий боғлиқ. Шунинг учун унинг мақсад ва вазифалари мамлакатимизнинг мустақиллик йўлидан ривожланиш эҳтиёжи билан белгиланади. Оддийроқ қилиб айтадиган бўлсак, ҳар қандай ижтимоий фан каби Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикаси ҳам

жамият ижтимоий буюртмасини бажаради. Шундан келиб чиқиб, Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикасининг ҳозирги пайтдаги бош мақсади Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги [17] қарорида белгиланган давлат талабларини бажаришдир. Мазкур қарорда "Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари" мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларидан, таълим муассасаларининг эҳтиёжларидан, янги педагогик технологияларни ва ўқитишнинг ноанъанавий шаклларини ривожлантиришдан, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасидаги жаҳон фани ва амалиёти ютуқлари ва анъаналаридан келиб чиқиб, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга ошириш [17, 5] асосий мақсад қилиб қўйилган.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогик тизим сифатида кўп компонентли ва мураккаб тузилишга эга. Шунинг учун уни ҳамма шаклларини ягона мақсадга қаратиш ўта қийин вазифа ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 2006 йил 16 феврал 25-сонли қарори тарихий аҳамият касб этади.

Унда мазкур жараёнга бевосита ва билвосита дахлдор вазирлик ва идораларнинг бу йўналишдаги вазифа ва ваколатлари:

- давлат тест марказининг вазифа ва ваколатлари;
- илмий, илмий-методик марказларнинг иш кўлами;
- узлуксиз таълим тизими муассасаларининг ўз педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасидаги вазифалари;
- халқ таълими бошқарув маҳаллий идораларининг вазифа ва ваколатлари;
- қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасаларининг вазифалари, иш тартиби, ўқув юкламалари аниқ белгилаб берилган [17, 7-14].

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш алоҳида ўқитувчи ёки ўқув юртининг иши эмас. Бу аҳоли ва жамият фаровонлигини таъминловчи омилда (И.Каримов) бутун жамият иштирок этади. Мазкур жараённинг ташкилотчи-субъектлари сифатида давлат (вазирликлар), давлат тест маркази, таълим муассасалари, таълимни бошқариш ҳудудий органлари (туман, шаҳар, вилоят ҳокимликлари), илмий-методик муассасалар юқорида қайд этилган ҳукумат



қарорида белгиланган ваколат ва вазифалари доирасида иштирок этадилар. Юқоридаги субъектлар ташкилотчи-меъмор бўлсалар, асосий истеъмолчи - ўқув юрти раҳбарлари, ўқитувчилар ва тарбиячилар ҳисобланадилар.

Шунинг учун ижтимоий буюртмачининг бош мақсади ҳар бир фан ўқитувчи, тарбиячиси, раҳбарларининг малакасини оширишида, шунингдек, янги фанни ўқитишга қайта тайёрловдан ўтадиган шахсни талаб даражасида тайёрлашда конкретлашади. Шундан келиб чиқиб, республика Халқ таълими вазирлиги ҳар бир фан ўқитувчиси, тарбиячилар, раҳбарларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда ҳукумат қароридаги умумий талабларни конкретлаштириб, Давлат талабларини янада такомиллаштирди [18, 19, 20, 21, 22].

Таъкидлаш лозимки, такомиллаштирилган давлат талаблари ўз-ўзидан эмас, балки қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларида фаолият юритаётган кадрлар салоҳияти ҳамда педагогик жараённи ташкил қилиш даражасига боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Бу қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикасининг ривожланганлик даражаси билан белгиланади.

Бундан кўзланган мақсад, ушбу соҳада фаолият юритаётган малакасини ошириш муассасалари ходимлари ҳамда узлуксиз методик хизмат кўрсатиш тизими мутасаддиларини, шунингдек, ўқув юртлари раҳбарларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг назарий асослари, шакл ва методлари ҳамда уларни амалга ошириш йўллари, воситалари, қонуниятларини ўзида мужассам этган методик материал билан қуроллантиришдир.

Тадқиқотларимизнинг вазифаси, шунингдек, мустақиллик мафкураси асосида педагогларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнларини миллий хусусиятларга мос равишда инсонпарварлаштириш, табақалаштириш, сифат-самарадорлигини, меъёрларини илмий-амалий асослашдан иборат.

Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш моҳиятан ижтимоий жараён бўлиб, унда малакасини оширувчи – дарс берувчи шахс, услубшунос, гуруҳдаги ҳамкасблари билан кўп томонлама мулоқот ва муносабатларга киришади. Бу муносабатлар таъсирида у маълум билим, кўникма ва малакаларни эгаллаши билан бирга ўзининг қатор шахсий сифатларини, чунончи, мулоқот маданияти, бошқаларга муносабати ҳамда уларни тушуниши жиҳатидан ўз имкониятларини таққослайди. Бунинг оқибатида, унинг ўзига ва бошқаларга муносабати ўзгаради. Малакасини оширувчида бунинг реал намоён бўлиши ўзининг шахсий сифатлари, ўқувчиларга, касбига муносабатида, унинг ўз касбининг назарий асоси ҳисобланган педагогика, ўқитиш методикаси фанларига

бўлган ихлосида кўринади. Бу ўз навбатида ўзаро таъсир жараёнидир. Малакасини оширувчи бошқалар таъсирини ҳис қилиб қолмасдан, ўзи ҳам уларга ўз интеллекти, шахси, мулоқот маданияти билан таъсир қилади.

Инсон ҳеч қачон ўзи якка ҳолда тўлақонли шахс бўлиб шаклланмайди. У доимо жамиятдаги кўп томонлама маънавий, ахлоқий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, мафкуравий каби ижтимоий муносабатлар тизими таъсирида бўлади (шахснинг ижтимоийлашуви). Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида булар педагогик йўналиш олиб, тингловчининг интеллектуал ва педагогик маҳоратини такомиллашувига кўмаклашади.

Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида мураккаб ва кўп томонлама муносабатлар ўз-ўзидан тингловчининг ўзига ва касбига бўлган муносабатини ижобий томонга ўзгартирмайди. Бу жараённи малакасини оширувчининг шахси ва касбини ўзгартиришга йўналтириш – малакасини ошириш ташкилотчиларининг маҳорати ва мазкур жараён қонуниятларини моҳирона билишига боғлиқ.

Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёни кўп компонентли тизим ҳисобланади. Содда қилиб бу тизимни:

- ўқитувчининг курсгача бўлган даврдаги фаолияти;
- ўқитувчининг малака ошириш курсларидаги фаолияти;
- курсдан кейин ўқитувчининг педагогик фаолияти тарзида тасвирлаш мумкин.

Бу кўп компонентли тизим - малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш таркибий қисмларининг ўқитувчиларнинг малакасини оширишида ўзаро боғлиқ ва бир-бирини узвий тақозо қилсагина, ўзини оқлайди. Мазкур ўзаро боғлиқлик, узлуксизлик ва узвийлик малакасини ошириш жараёнининг бевосита иштирокчилари - малакасини ошириш институтлари, халқ таълими муассасалари раҳбарлари (туман, шаҳар, вилоят, республика) ва узлуксиз методик хизмат муассасалари (туман, шаҳар методика кабинетлари) ҳамда мактаб маъмурияти, энг муҳими, ўқитувчларнинг индивидуал фаоллиги орқали амалга оширилиши мумкин. Бунда малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёни иштирокчиларнинг ҳар бири ўз функционал вазифаларини ўз вақтида бажаришлари ҳамда фаолият кўрсатишлари муҳим саналади.

Мазкур уч бурчакли функционал тизимда ўқитувчининг мактабдаги фаолияти назарий-методик ҳарактерда бўлиши, унинг психологик жиҳатдан курсда ўқиш мақсадини англаб етиши ҳамда бу таълим-тарбия жараёнига эҳтиёж жиҳатидан ёндашиши лозим бўлади. Ўқитувчининг курсдаги ўқиши (ўқув-тарбиявий фаолияти), унинг назарий-



методологик тайёргарлиги педагогика фани ютуқлари даражасида яхлит такомиллаштирилиши лозим.

Педагогик жараёнларнинг умумий тузилишидан келиб чиқиб, ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ҳам жараён сифатида қуйидаги таркибий тузилишга эга: мақсад – мазмун – метод – шакл – шарт-шароит – натижа. Буларнинг ҳар бирининг умумий жараёндаги ўрнини малакасини ошириш объекти ва предметидан келиб чиқиб, аниқлаймиз.

Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикасининг объекти ўқув юртини тугатган олий маълумотга эга, аниқ бир фандан дарс берувчи амалиётчи ўқитувчининг педагогик фаолиятидир. Малакасини оширишнинг бу объекти асосий бўлиб, унинг мақсадини амалга ошириш мураккаб ва истиқболли ҳисобланади. Ўқитувчи назарий ва амалий тайёргарлигининг яхлитлигини мазкур мураккаб объектнинг асосий шароити сифатида қараш мумкин. Бунда ўқитувчининг олий ўқув юртида (ОЎЮ) олган назарий билим ва тайёргарлиги, унинг педагогик фаолиятидаги ўрни ҳамда амалий тажрибаси, шунингдек, ўқувчиларга муносабати ва таълим-тарбиясини ташкил қилишдаги ролининг моҳиятини англаб етганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикасининг объекти ҳисобланган ўқитувчининг олий ўқув юртидан кейинги фаолиятида олган назарий билимларини махсус адабиётларни ўқиш ва турли семинар, илмий анжуманларда иштирок этиш ҳамда ҳамкасблар билан тажриба алмашиш орқали тўлдириб борганлигини ҳам назарда тутмоқ лозим. Булар оқибатида ўқитувчининг умумий касбий тайёргарлиги анча такомиллашади. Ўқитувчи педагогик фаолиятида олий ўқув юртида олган билими билан мактаб амалиётидан олган амалий тажрибасини таққослаш, қайта баҳолаш, уни шахсий ҳамда касбий сифатлар даражасига кўтариш имкониятига эга бўлади. Маълумки, ўқитувчи касбий фаолиятининг самарасини унинг шахсий ва касбий сифатлари уйғунлиги таъминлайди. Бу жараёнлар унинг фаолиятида ўз-ўзидан эмас, балки моҳирона **таҳлилий** фаолиятини ривожлантириши натижасида содир бўлади.

Кўп йиллар давомида амалиётчи ўқитувчилар фаолиятини ўрганишимиз натижаларининг кўрсатишича, ўқитувчиларнинг таҳлилий фаолияти асосан ўқувчилар фаолиятини ўрганишга йўналтирилган. Бунда ўқитувчи ўз фаолиятини эмас, балки кўпроқ ўқувчиларни ўрганишга эътибор беради. Ваҳоланки, ўқитувчи фаолиятининг самараси, унинг ўз фаолиятини ҳам мунтазам таҳлил қилиб боришига (ўз фаолиятини коррекциялаш) боғлиқ.



0626
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

Бунинг боиси шундаки, бўлажак ўқитувчилар олий ўқув юртларида асосан ўқувчиларга дарс бериш фаолиятга тайёрланади. Бўлажак ўқитувчи ўз фаолияти, унинг тузилиши ҳамда мустақил ўз-ўзини, шунингдек, ўз дарсини ўзи таҳлил (ауто) қилишга олий ўқув юртларида ўргатилмайди. Шунинг учун биз танлаган уч компонентли тизимда, унинг айрим қисмларининг тўлиқ ишламаслиги кўзга ташланади, оқибатда, ундаги ўзаро уйғунлик ва бир-бирини тақозо қилиш тамойили бузилади.

Шундан келиб чиқиб, биз ўқитувчининг педагогик маҳоратини узвий ошириб боришида таҳлилий фаолият белгиловчи, устувор бўлганлигини инобатга олиб, уни амалиётчи ўқитувчилар малакасини ошириш предмети сифатида ҳам қараш ўринли, деб ҳисоблаймиз. Ўқитувчининг ўз фаолиятини ўзи таълим ислоҳоти талаблари асосида илмий-назарий таҳлил қилиб бориши, педагогика фани ютуқлари даражасида улар орасидаги боғлиқликни аниқлаши ўта муҳим ҳисобланади. Ўқитувчи ўз педагогик фаолиятини таҳлил қилиши асосида таълим-тарбиянинг ислоҳотлар талабларига номувофиқлигини аниқлаши, унинг олдини олишида курс машғулотлари ва курсдан кейинги фаолиятини муттасил равишда фан-техника ютуқлари, педагогик тадқиқотлар натижалари билан бойитиб бориши ҳамда ўз фаолиятида қўллаши зарур. Шунингдек, ўқитувчининг иш жойидаги методик ишлар ҳамда мустақил билим олиш тизимларининг самарали ташкил қилиниши ҳам белгиловчи аҳамиятга эга.

Демак, ўқитувчининг фаолияти курс машғулотлари мазмунини белгилаши билан бирга курсдан кейинги фаолияти ягона ғоя - таълим-тарбия ва ўз шахсини такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, улар ўртасидаги боғланиш асосини ташкил этади.

Ўз навбатида, бу учала компонентнинг яхлитлиги ва ўзаро боғлиқлиги ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими мазмунини ташкил этади.

Ўқитувчи фаолиятининг курсгача ва курсдан кейинги ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро мутаносиблиги, олиб бориладиган илмий-амалий ва методик ишлар жараёнида амалга оширилиши, шунингдек, методик ишларнинг конкрет шаклларининг ўзига хос хусусиятга эга бўлиши, уларнинг мақсад ва мазмун бирлиги орқали амалга оширилади. Методик ишларнинг шакл ва мазмуни малакасини ошириш предмети билан белгиланади. Ўқитувчининг таълим-тарбияни ташкил қилишдаги амалий фаолияти ва унинг бу жараёнларни муттасил таҳлил қилиб бориши курсгача, курс жараёни ва ундан кейинги фаолиятлари учун асос бўлади, шунингдек, пайдо бўлган муаммолар, масалалар ечимини топишда ундовчи мотив, омил вазифасини ўтайди.



Методик ишлар амалиётчи ўқитувчилар малакасини ошириш тизимининг назарий ва методик йўналишлари, уларни ҳал қилишнинг шарт-шароитини тақозо қилади. Шундай қилиб, ўқитувчининг амалий фаолияти унда муамолларнинг пайдо бўлиш манбаи саналса, педагогик назариялар уларни амалий ҳал қилиш йўлларини белгилаб беради. Ҳар бир ўқитувчи ўзи учун зарур таълим-тарбия муаммоларини (фаолияти эҳтиёжидан келиб чиқиб) ҳал қилишида амалиёт билан назария уйғунлигидан келиб чиқади ва улар ўқитувчи педагогик фаолиятини фаоллаштириш манбаи ҳисобланади.

Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикаси қонуниятлари жамият тараққиётининг ҳар бир босқичи учун ўқитувчилар касбий маҳорати даражасининг ёш авлод таълим-тарбиясига мос келишидаги номутаносиблик ва зиддиятларни аниқлаш ва бартараф қилиш йўлларини белгилашдан иборатдир.

Юқорида таъкидланганидек, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикаси якка ўзи тақир ерда эмас, балки педагогик фанлар интеграцияси маҳсули сифатида юзага келди. Шунинг учун у ўз соҳасини ўрганишда ижтимоий-гуманитар, жумладан, психология, биология, физиология фанлари натижаларига таянади ва ўзининг нисбий мустақиллигини сақлаган ҳолда, улар ютуқларидан фойдаланиб, ўз соҳасини ўрганади, тадқиқ қилади. Ҳозирги пайтда фанлар интеграциялашуви ва табақалашуви оқибатида бир қатор педагогик фанлар шаклланиб, улар инсоннинг ҳаёти ва фаолияти даврларини ўрганмоқда.

Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикаси таълим-тарбиянинг назарий-методологик масалаларини, унинг жамиятдаги ўрни, ўқитувчи касбининг ижтимоий моҳияти, таълим жараёни субъектларининг ўзаро муносабатлари моҳиятини англашда фалсафа ва социология, ижтимоий психология ва педагогик психология фанлари билан узвий алоқадорликда бўлади. Ўз навбатида улар таълим-тарбия ҳамда ўқитувчилар малакасини ошириш муаммоларини ечишда методологик асос ролини бажаради. Шу билан бирга Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикаси ўз муаммоларини ечишда педагогик фанлар тизимига таянади.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида таълим-тарбия муаммолари билан шуғулланувчи қуйидаги педагогик фанлар тизими мавжуд:

1. **Оила педагогикаси** – болаларни оилада тарбиялаш ва оилавий муносабатларни ўрганиш билан шуғулланади.

2. **Халқ педагогикаси** – халқимизнинг кўп асрлик тарихий тараққиёти давомида шаклланган таълим-тарбия масалаларини, педагогик ғоялар тизимини ўрганади.

3. **Мактабгача таълим педагогикаси** – болаларнинг боғчаларда руҳий, жисмоний, ақлий ривожланиш қонуниятларини ўрганади.

4. **Умумий ёки мактаб педагогикаси** – умумий ўрта таълим мактабларида таълим-тарбияни амалга ошириш қонуниятларини ўрганади.

5. **Махсус педагогика ёки дефектология** – кар, соқов (сурдопедагогика), кўзи ожиз, яхши кўрмайдиган (тифлопедагогика), ақлий заиф, нутқида камчилиги бўлган болаларни ўқитиш, тарбиялаш (олигофрено, логопед) педагогикаси.

6. **Касб-ҳунарга ўргатиш педагогикаси** – ўрта махсус ва касб-ҳунар коллежларида умумий маълумот билан бирга ёшларга касб-ҳунар сирларини ўргатиш билан шуғулланади.

7. **Олий мактаб педагогикаси** – олий ўқув юртларида юқори малакали кадрларни касб соҳиби ва шахс сифатида шаклланишини ўрганади.

8. **Ҳарбий педагогика** – мустақил Ватанимизни қўриқловчи аскарларни тарбиялаш ва уларнинг командирларини педагогик тайёрлайди.

9. **Ахлоқ тузатиш педагогикаси** – жиноят қилган кишиларни қайта тарбиялаш билан шуғулланади.

10. **Қиёсий педагогика** – турли мамлакатларда таълим-тарбия, касб ўрганиш масалаларини қиёсий ўрганади ва ижобий жиҳатларни амалиётда қўллайди.

11. **Коррекцион педагогика** – тарбияси қийин ўқувчиларни ўқитиш-тарбиялаш ҳақидаги фан.

12. **Ижтимоий педагогика** – таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёни ва оиладаги тарбия жараёни иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини ўрганади.

13. **Педагогика тарихи** – таълим-тарбиянинг турли даврлардаги тараққиётини ўрганади.

14. **Фанларни ўқитиш методикаси** ёки махсус фанлар методикаси – хусусий фанларни ўқитиш услубиёти билан шуғулланувчи фан соҳаси.

15. **Бошқарув педагогикаси** – таълим тизимини бошқариш қонуниятларини ўргатади.

16. **Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикаси** (ПКҚТ ва МОП) - педагогик тизимга кирувчи фанларнинг ташкилотчи-субъектларининг илмий-методик маҳоратини



такомиллаштириш асосида уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Чунки уларни ўқитувчи амалга оширади, агар унинг малакаси паст бўлса, фаолиятининг натижаси самарасиз бўлади. Самара эса педагогик маҳоратга боғлиқ. Демак, мазкур фанлар учун Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикаси тўлдирувчи ва ривожлантирувчи функциясини ўтайди.

Фан-техника ва ижтимоий тараққиётнинг жадаллашуви инсон шахси, унинг жисмоний ва руҳий, ижтимоий-сиёсий ҳамда касбий камолоти, ривожланишига оширилган талабларни қўяди. Бу эса инсон камолоти тўғрисидаги фан - педагогиканинг янги тармоқларининг пайдо бўлишига эҳтиёж туғдириб, уларнинг ўзаро алоқадорлигининг кучайишига олиб келади.

Мустақиллик шароитида озод, эркин инсонни тарбиялашда маънавий-маърифий, ахлоқий, ғоявий-сиёсий тарбиянинг роли ва ўрни ошиб бормоқда. Бу эса яқин вақтларда педагогиканинг янги тармоғи «Маънавий-маърифий тарбия педагогикаси»нинг шаклланишига олиб келишини аён қилмоқда.

Фанларнинг жадал ривожланиши жамият эҳтиёжи ва инсон фаолиятининг маҳсули сифатида янги жараёнларни келтириб чиқаради. Бунда илмий фаолиятни методологик жиҳатдан ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Фалсафий таълимотларда объектларнинг ўз-ўзидан ривожланиши назарияси замирида инсон фаолиятининг барча соҳаларида ўзини ўзи ривожлантириш, такомиллаштириш зарурий моҳият касб этади. Буларнинг таъсирида педагогикада ўзини ўзи такомиллаштириш ижтимоий моҳият касб этиб, синергетик (синергетика – ўзини ўзи ташкил этиш орқали янги объектларнинг вужудга келиши ва ўз-ўзидан ривожланиш ҳақидаги назария) педагогикасининг янги бир тармоғининг фан сифатида шаклланишига замин ҳозирлайди.

Таъкидлаш лозимки, мавжуд педагогик фанлар ва (тараққиёт маҳсули сифатида шаклланадиган) улар тармоқларининг ҳар бири ўз ўрганадиган соҳасини алоҳида-алоҳида эмас, балки ўзаро боғлиқ ва алоқадорликда амалга оширадилар.

Шу билан бирга улар умумий ва ёш психологиясисиз иш кўра олмайди. Чунки психология инсон шахсининг турли даврлари, психикасининг ривожланиши ва ўзгаришини, шу асосда унда руҳий, жисмоний, ақлий, ахлоқий ўзгаришлар содир бўлишини, шунингдек, ўзи ва бошқаларга, таълим-тарбия ва жамиятга бўлган муносабатнинг ўзгаришини илмий асослайди.

Педагогик фанлар ўз соҳасини ўрганишда биология, одам анатомияси ва физиологияси, генетика, ген инженерияси, ижтимоий психология ҳамда ижтимоий педагогика билан ҳамкорликда иш кўради.

Ижтимоий педагогика таълим-тарбия масалаларини мазкур жараён иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари, яъни уларнинг ҳиссиёти, руҳий оламининг ўзига хослиги, характер хислатлари билан алоқадорликда ўрганади.

Шу билан бирга педагогик фанлар инсон табиатининг жисмоний ривожланиш даврлари ва қонуниятларини ўрганувчи умумий ва ёш физиологиясига таяниб, шахс шаклланишининг табиий-илмий асосларини тадқиқ қилади.

Педагогик фанлар билан алоқадорликда бўлган мактабшунослик фани, ўзининг тор доирасидан чиқиб, бошқарув педагогикасига айланди ҳамда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур фан ютуқлари асосида педагогик фанлар таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини тартибга солиш, ҳар бир соҳанинг жорий ва истиқбол ривожланишини олдиндан кўра билиш ва режалаштириш асосларини ўз соҳаларида қўллайдилар.

Жумладан, Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикаси биология, генетика, физиология, анатомия, умумий психология билан бирга катталарни ўрганувчи фанлар геранталогия, андрагогика, акмеология фанлари ютуқ ва натижаларига таянади. Чунки ёш ўзгариши билан инсон организми ва муносабатларида кескин ўзгаришлар юз беради.

Ҳар бир фаннинг мустақиллиги унинг бошқа фанлар ютуқларидан фойдаланиш ёки фойдаланмаслиги билан эмас, балки ўз вазифасини ҳал қилиш учун оралиқ фанларнинг материал ва маълумотларидан танлаб, ўринли фойдалангандагина самара беради.

## 1.2. Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикасининг илмий тадқиқот методлари

Ҳар қандай фан сингари малакасини ошириш педагогикаси ҳам интуитив тажриба, кўрган ва бошидан кечирганларга асосланиб иш кўрса, ўз мақсад ва вазифасини бажара олмайди. Эртами кечми унинг ўз воқелигини мантиқий назария асосида қуриши - ижтимоий зарурат ҳисобланади. Мустақиллик эҳтиёжи асосида амалга оширилаётган таълим ислоҳотлари шундай заруратни ҳамда мазкур фаннинг шаклланишига шарт-шароит яратиб, унинг илмий тадқиқот методларини асослашни тақозо қилади.

Илмий тадқиқот методлари тадқиқот мақсади ва унинг методологик асосларидан келиб чиқади. Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикасининг методологик асосини миллий истиқлол ғояси ва Президентимизнинг таълим-тарбия, маънавиятга



доир асар, нутқ, фармонлари, шунингдек, Шарқ мутафаккирларининг таълим-тарбияга оид қарашлари ташкил қилади. Шу билан бирга, шахснинг босқичма-босқич шаклланиш назарияси, методологик принцип ҳисобланган тизимли ёндашувнинг шахс ва фаолият таълимотига асосланади.

Табиат, жамият ва инсон тафаккури тараққиётининг умумий қонуниятларини ўргатувчи фалсафа, уларни билишнинг тўғри йўлини кўрсатиш билан бирга, нарса ва ҳодисаларнинг ички моҳиятини, уларнинг ўзига хос хусусияти, ривожланиш мантиқини ҳам билиб олишга ёрдам беради. Жумладан, ҳар бир фан ички изчиллик ва мантиқ билан боғлиқ бўлган нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиш мантиқини акс эттирадиган тушунчалар тизимидан иборат бўлишини ҳам уқтиради. Айнан шу ички боғлиқлик диалектикаси ҳамда нарса ва ҳодисалар орасидаги мантиқий боғлиқлик фаннинг методларини келтириб чиқаради. Таъкидлаш жоизки, фан методи ҳамда илмий тадқиқод методлари орасида гарчи фарқ бўлса-да, уларнинг умумийлиги кўпроқ кўзга ташланади.

Илмий тадқиқот методи – бу илмий назарияларнинг қонуниятли алоқалари, муносабатлари, боғлиқликлари ва тузилишини аниқлаш мақсадида илмий ахборот олиш усулларидир. Улар ўрганиладиган соҳанинг мазмун, мақсад ҳамда вазифаларидан келиб чиқади.

Билиш, жумладан, педагогик ҳодисаларни билиш, икки – эмпирик ва назарий босқичларини ўз ичига олади. Педагогикада илмий тадқиқот методларини танлаш шу босқичларга мувофиқ бўлиши лозим.

Педагогик ҳодисалар ва жараёнларни билишнинг эмпирик босқичида – фактларни тўплаш, танлаш, таққослаш, мантиқий таҳлил қилиш, синтезлаш, уларни миқдор ва сифат жиҳатдан қайта ишлаш ишлари амалга оширилади. Бу асосан кузатиш (ўз-ўзини – ауто-кузатиш ва бевосита – бировни кузатиш);

- сўров – ёзма (анкета), оғзаки – интервью, суҳбат;
- ўқув-тарбия жараёни ва унга дахлдор мавжуд архив ҳужжатларни ўрганиш;
- педагогик жамоалар, алоҳида педагоглар фаолиятини ўрганиш.

Шу билан бирга ташхис методлари: рейтинг, тестдан фойдаланиш мумкин.

Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикасининг илмий-тадқиқот методлари тўғрисида фикр юритар эканмиз, тажрибага алоҳида эътиборни қаратишни истар эдик. Ўзбекистон ҳукуматининг эслатилган 16 февраль 2006 йилдаги 25-сонли қарорида малака ошириш шаклларининг таснифи келтирилган (улар жами 10 та бўлиб, улардан 3 таси тажриба орттиришдир). Булар

ишлаб чиқаришда (мактаб ўқитувчилари илғор таянч мактабларда, касб-ҳунар ўқитувчи-муҳандислари ишлаб чиқариш корхонаси, фермер хўжаликларида), илмий тадқиқот муассасаларида, хорижда тажриба орттириш. Булар гарчи малака ошириш шакллари тарзида тавсифланган бўлса-да, улар, ўз навбатида, илмий тадқиқот методлари бўлиб ҳам хизмат қилади.

Шакл ва мазмун диалектикасидан келиб чиқадиган бўлсак, улар маълум боғланишлар, йўналишларда ўрин алмаштиришлари мумкин. Яъни шакл мазмунга, мазмун эса шаклга айланади. Бу ҳодисани биз таълим жараёнида ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, маъруза ўқиш жараёнида ўрганиш ва ўргатиш методи, шунингдек, таълимни ташкил қилиш шакли ҳам бўла олади. Бундан ташқари, педагогларнинг ўқув машғулоти жараёнида ўзаро тажриба алмашувига педагогик маҳоратни эгаллаш шакли сифатида ҳам қарашимиз мумкин. Худди шундай тажриба орттириш ҳам педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикасининг илмий тадқиқот методи бўлиб хизмат қилади. Чунки тажриба ҳақиқат мезони сифатида назарий билимларни амалда синаш ва уларнинг тўғрилигини тасдиқлаш воситаси саналади.

Назарий тадқиқод методлари эмпирик материалларга таянган ҳолда педагогик ҳодисалар қонунияти ва моҳиятини очиб бериши лозим. Булар:

- педагогик экспримент;
- моделлаштириш;
- мантиқий таҳлил;
- ахборотларга математик-статистик ишлов бериш методлари.

Педагогик экспримент эмпирик тўпланган материаллар асосида мазкур жараённи такомиллаштириш, ўзгартириш ғоясини таққослаш, яъни назорат гуруҳи (ўзгаришсиз, аввалги ҳолатда) ва эксприментал гуруҳида ғоя асосида ўзгартиш киритиб, синаш демакдир.

Мантиқий таҳлил назарий характерга эга бўлиб, жараённи тарихийлик, мантиқийлик, қисмларга бўлиш ва бутунлигича ўрганишга асосланади.

Моделлаштириш – бу мавжуд тизимни такомиллаштириш учун унга ўхшаш андоза (модель)ни яратиб, янги тизимни ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш принципларини моддий ёки хаёлий (фикрий) тарзда синаб кўришдир.

Моделлаштириш педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикасининг илмий тадқиқот методи сифатида бошқа фанларда бажарадиган функциясидан анча фарқ қилади. Бунда моделлаштириш педагогик воқеа ва ҳодисаларни мантиқий ёки лисоний (сўз билан) тингловчи (ўқитувчи) кўз ўнгида гавдалантириш ёки



уларнинг тасвирларини, вазиятларни техника воситалари, видеолар ёрдамида таҳлил қилиш асосида ютуқ ва камчиликларни аниқлашга хизмат қилади. Худди шундай ҳар бир ўқитувчи мустақил ёки биров ёрдамида ўз дарсини, тарбиявий ишларини, мулоқотини видео материаллар ёрдамида таҳлил қилиши ҳам мумкин. Шу асосда педагогик жараённинг хилма-хил ҳодисаларини моделлаштириб, ўз фаолияти учун ижобий жиҳатларини қабул қилиб олиши муҳим. Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикасининг илмий тадқиқот методлари ҳақида фикр юритар эканмиз, юқорида таъкидланганидек, таҳлилий фаолиятнинг муҳимлигини эътибордан соқит қилмаслик керак. Таҳлилий фаолият энг аввало ўз фаолияти, шунингдек, ўқитувчилар педагогик тажрибаси, фаолиятини таҳлил қилиб, ундаги илғор, таъсирчан, самарадор усулларни аниқлаб, ўз тажрибасида қўллашда намоён бўлади.

Педагогик фаолият ривожи учун бу ниҳоятда муҳим, шунинг билан бирга анча мураккаб жараён ҳисобланади. Кўп йиллар давомида ўқитувчилар иш тажрибасини ўрганиш натижаларининг кўрсатишича, ҳатто илғор ўқитувчилар ҳам ўз тажрибалари моҳиятини талқин қилишда қийналадилар. Бунинг боиси, уларнинг тажрибалар асосини ташкил этувчи назариянинг педагогик-психологик, дидактик асосларини чуқур билмасликларидадир.

Ҳар қандай педагогик ҳаракат маълум педагогик, психологик, дидактик қонуниятларга асосланади. Шунинг учун ўқитувчи ўзи ва бошқалар тажрибасини қонуниятлар асосида ўрганиши, умумлаштира олишни билиши лозим. Илғор тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш назария билан амалиёт уйғунлигини таъминлаб, янги назария учун пойдевор қўяди. Бу эса педагогик маҳоратни оширишда энг кучли ва қулай ҳамда тежамкор йўл ҳисобланади. Шунинг учун ўқитувчининг ўз фаолияти ва бошқалар тажрибасини ўрганиши малака ошириш педагогикасининг самарали илмий тадқиқот методларидан бири, десак хато бўлмайди.

Кейинги вақтда педагогик жараёнларни ўрганиш, таҳлил қилишда аниқ миқдорий, математик тадқиқот усулларига асосланган математик-статистик усули кенг қўлланилмоқда. Таъкидлаш ўринлики, малака ошириш жараёнларини тадқиқ қилиш айнан бир ёки икки метод асосида эмас, балки уларнинг комплексини уйғунликда қўллаганда самара беради.

Педагогик жараён фаолият нуқтаи назаридан ўрганилганда, унинг ташкил этувчи қисмларини мантиқий яхлитликда, яъни мақсад, мотив, ҳаракат ва натижа тариқасида қараб, самарадорлигига эришиш учун

ўзгартириш, коррекция қилиш, назоратни мужассам олиб бориш талаб қилинади.

Малакасини ошириш жараёнида инсон шахси ва касбини такомиллаштириш билан биргаликда унинг шахсий сифатларни ҳам инобатга олиш муҳимдир. Шахсий сифатларни инобатга олишнинг методологияси инсоннинг жамиятдаги, жамоадаги ўрни ҳамда уларнинг ўзаро муносабати, бир сўз билан айтганда, жамият тараққиётининг барча жабҳаларида инсон омилининг ошиши билан боғлиқ.

Малакасини ошириш жараёнлари, унинг таркибий қисмлари, шакл ва методларининг ўзаро муносабатларини ўрганишда тизимли, структуравий метод қулай келади. Унинг ёрдамида тизимга кирган элементларнинг умумийлиги ва ўзига хос функционал вазифалари ҳамда ички яхлитлигини тушуниш тизим таркибий қисмларини ягона мақсадга бўйсундириш имконини беради.

Бу айниқса кўп компонентли педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикаси учун ўта муҳим ҳисобланади.

Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш (ПҚТ ва МОП)ни яхлит бир таълимот сифатида асослашга ҳаракат қилишимизнинг боиси, унинг объекти ҳисобланган ўқитувчи шахси ва касбига ҳамда у билан боғлиқ ёш авлод таълим-тарбияси ҳамда касб ўрганиши давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралишидадир. Республикамиз ҳукумати томонидан масаланинг айнан шундай қўйиши, фикримизча, икки асосга эга. Биринчи асос, миллий мерос ва қадриятларда инсон ахлоқи, тарбиясига кучли эътибор берилганлиги бўлса, иккинчи асос, миллий мустақиллик шароитида жамият тараққиётини жадаллаштириш инсон ақл-заковати ва касбий баркамоллигига боғлиқлигидадир. Чунки таълим-тарбиянинг ижтимоий моҳияти дунёдаги барча бойликлардан қимматли ва мураккаб ҳисобланган инсон яратилиши билан боғлиқлигидир.

И.Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида: «Маънавиятни шаклланишида бевосида таъсир қиладиган яна бир муҳим ҳаётий омил – бу таълим-тарбия тизими билан чамбарчас боғлиқдир. Шуни унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ», - деб таъкидлайди [5, 60].

Бу вазифаларни амалга оширувчи меъмор ўқитувчидир. Унинг касби ва шахси ҳақида ҳар қанча гапирсак кам.

**Мавзуни мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар:**

1. ПКҚТ ва МОПнинг шакллантириш жараёнининг ижтимоий-педагогик асосларини изоҳланг.



2. Педагогик фанлар тизимини айтиб беринг.
3. Педагогик фанлар тизимида ПКҚТ ва МОПнинг ўрни нима билан белгиланади?
4. ПКҚТ ва МОПнинг эмпирик илмий-тадқиқот методларини эсланг.
5. ПКҚТ ва МОП илмий-тадқиқот методларидан моделлаштиришни характерлаб беринг.
6. Тажриба алмаштириш ва тажриба орттириш ПКҚТ ва МОПнинг илмий-тадқиқот методи бўла оладими?

**Мавзу юзасидан тавсия этилаётган адабиётлар:**

1. Каримов И. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори // Шу номли тўпламда. –Т.: Ўзбекистон,1998. 4-18-бетлар.
2. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. -2008. -176 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. -104 б.
4. Ўзбекистон Республикасида кадрлар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлар. 1 қисм. Педагог кадрлар малакасини ошириш бўйича ўқув режа ва дастурлар. –Т.: 2000.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида". 16 февраль 2006 йил 25-сон қарори. –Тошкент, 2006
6. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш давлат талабларининг қайта такомиллаштирилган варианти. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги. 1-қисм. Умумий талаблар. Ижтимоий фанлар. Умумкасбий фанлар. Мутахассислик фанлари. –Тошкент, 2009.
7. Адизов Б.Р. Организационно-педагогические условия совершенствования системы повышения квалификации учителей начальных классов. Автор.: канд. дисс. –Т.:1990. -17 с.
8. Аминов А.Х. Халқ таълими ходимлари малака ошириш тизимини такомиллаштиришнинг ташкилий-педагогик асослари.-Самарқанд,2001.-99 б.
9. Александрова И.Ф. Специфика, методы и средства активизации учебного процесса в системе повышения квалификации. –М.: Знание,1975. -56 с.
10. Вершловский С.Г. Социально-педагогические и психологические вопросы повышения квалификации педагогических кадров. -М.: АПН СССР,1984. -50 с.

11. Гулбоев А.Т. Педагогик ташхис воситасида ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириш.-Т.: Фан ва технология, 2009. -112 б.
12. Зарипов К.З. Научно-техническая революция: образование и повышение квалификации учителей. –Т.: Фан, 1979. -123 б.
13. Ибрагимов Х.И., Зарипов К.З. Узлуксиз таълим: бошқариш, ички назорат назарий асослари, шакл, методлари ва технологияси. –Т.: Фан, 2005. -334 б.
14. Йўлдошев Ж.Ғ. Узлуксиз таълим: Малака ошириш муаммолари ва ечимлари. –Т.: Ўқитувчи, 1975. -98 б.
15. Йўлдошев Ж.Ғ. Малака оширишнинг назарий ва методологик асослари. –Т.: Ўқитувчи, 1998. -208 б.
16. Кулюткин Ю.Н. Психология обучения взрослых. –М.: Педагогика, 1985. -128 с.
17. Мардонов Ш.Қ. Янги таълимий қадриятлар асосида педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш. –Т.: Фан, 2006. -232 б.
18. Мардонов Ш.К. Подготовка и повышение квалификации педагогических кадров. Тошкент: Фан ва технология, 2008. -128 с.
19. Нуриддинов Б.С., Абдуқудусов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муаммолари. –Т.: 2001. -114 б.
20. Обидов Қ.Қ. Педагогларнинг узлуксиз малакасини ошириш жараёнида фаолият мотивлари ва шахсий сифатларининг ўрни. –Т.: Фан, 2008. -100 б.
21. Очилов М. Муаллим – қалб меъмори. –Т.: Ўқитувчи, 2001. -431 б.
22. Сластенин В.А. Формирование личности учителя советской школы в процессе профессиональной подготовки. –М.: Просвешение, 1976. -160 с.
23. Усмонов С.А. Малака ошириш курси сифатини аниқлаш меъёри // Малака ошириш: муаммолар, изланишлар, ечимлар. –Т.: 2001. 16-26 бетлар.
24. Яҳёев М.С. Ўқитувчиларга қўйиладиган малакавий талаблар даражаланадими? // Маърифат газетаси, 2009 йил, 16 сентябрь.



**Иккинчи бўлим**

# ПЕДАГОГЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ПЕДАГОГИКАСИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

**Режа:**

1. Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёни илмий тадқиқот объекти сифатида.
2. Узлуксиз таълим тизимида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ўрни.
3. Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда таълимнинг гносеологик таҳлили, унинг ўзига хослиги.
4. Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълимини ўқитишнинг бошқа шаклларидан фарқи.
5. Ўқитувчи педагогик фаолиятининг тузилиши ва унга бўлган ижтимоий педагогик талаблар.

**Мавзунинг мақсад ва вазифалари:**

Мазкур мавзунинг мақсади педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёни илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганиш, унинг узлуксиз таълим тизимидаги ўрни ва ўзига хослигини кўрсатиш ҳамда малакасини ошириш таълимининг ўқитишнинг бошқа шаклларидан фарқи, шунингдек, ўқитувчининг педагогик фаолиятига қўйиладиган ижтимоий талабларни аниқлаш; шунинг билан бирга мустақиллик мафкураси асосида педагогларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнларини миллий хусусиятларга мос равишда инсонпарварлаштириш, табақалаштириш, сифат-самарадорлигини, меъёрларини илмий-амалий асослаш; қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш моҳиятан ижтимоий жараён эканини, унда малакасини оширувчи – дарс берувчи шахс, услубшунос, гуруҳдаги ҳамкасблари билан кўп томонлама мулоқот ва муносабатларга киришидаги ўзига хосликларни асослашдан иборат.

**Таянч сўз ва иборалар:** умумий ўрта таълим, тизимли ёндашув, таркибий таҳлил, касбий маҳорат, мутахассисларнинг касбий билимлари, малака ошириш тизими, касб-ҳунар ўргатиш, ўқитувчи қобилияти, интернет тизими, масофавий таълим, гносеологик таҳлил.

## 2.1. Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёни илмий тадқиқот объекти сифатида

Умуман фанда, жумладан педагогикада, мавжуд педагогик тизим фаолиятининг натижаси ва унга қўйилган ижтимоий жамият талаблари, мақсад билан натижа орасида вужудга келган зиддият, ёки фан олдида янги ташкил этилган тизим фаолиятини амалий ва назарий жиҳатдан ҳал қилиш талаб қилинганда муаммолар пайдо бўлади. Мамлакатимизда мустақилликгача мавжуд бўлган таълим тизими жамиятнинг ижтимоий талаби ва зарурий мақсадини қанотлантира олмади. Шунинг учун И.А.Каримов таълим тизимини ислоҳ қилиш орқали жамиятнинг бутун ҳаётини қайта қуриш вазифасини мақсад қилиб қўйди. Бунинг оқибатида таълимнинг мақсад ва вазифалари, шакллари, таълим муассасалари ҳамда турлари ўзгарди.

Таълим ислоҳотлари асосида мамлакатимиз таълим тизими босқичлари, тузилиши, мақсад ва вазифалари, фаолият кўрсатиш тамойиллари, ғоявий-сиёсий, мафкуравий асоси тубдан ўзгарди. Бунинг оқибатида умумий ўрта таълим икки босқич (1-4-синфлар -бошланғич, 1-9-синфлар умумий ўрта ) ҳамда янги бўғин - ўрта махсус (академик лицей, касб-ҳунар коллежлари) таълими пайдо бўлди. Янги пайдо бўлган педагогик тизимнинг илмий-амалий, ташкилий-педагогик муаммоларини ечиш ҳам педагогика фани олдига кўндаланг қилиб қўйилди. Шулардан бири – амалиётчи ўқитувчининг малакасини оширишини такомиллаштириш бўлиб, унинг ташкилий-педагогик шарт-шароитларини ишлаб чиқиш муаммосидир. Ўқитувчини касбий педагогик фаолиятга малакасини ошириш орқали мунтазам тайёрлаш, демак, педагогик жараённи тадқиқ қилиш тизим сифатида намоён бўлади. Ҳозир фанда қабул қилинган тизимни ўрганиш методикаси ва методологиясига кўра педагогик жараёнлар тизимли ёндашув ва таркибий-таҳлил асосида амалга оширилади (Т.И. Ильина, Ф.Ф. Королев, Н.В. Кузьмина, К.З. Зарипов, Ж.Ғ. Йўлдошев ва бошқалар). Ўқитувчининг малакасини оширишини илмий тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қиламиз.

Республикамизда амалга оширилаётган таълим ислоҳотлари ўқув-тарбия жараёнига юқори талаблар қўйиб, унинг самарадорлигини оширишни тақозо қилмоқда. Бу эса ўз навбатида, педагог кадрлар малакасини ошириш тизимининг мақсад, ташкилий шакл ва мазмунини илмий жиҳатдан тўғри асослаш билан боғлиқдир. Булар эса бир қанча оралиқ масалалар, чунончи, малакасини ошириш жараёнида муҳим ҳисобланган таълимни ташкил этишнинг хусусияти ва моҳиятини таҳлил қилиш, касбий такомиллаштиришнинг асосий метод ва



принципларини аниқлаш, ўқитувчи малакасини оширишнинг узлуксизлигини таъминлаш каби муаммоларни ечишни тақозо қилади. Энг аввало, «малакасини ошириш» атамаси, унинг назарияси ва амалиёти билан шуғулланувчи олимлар томонидан талқин қилинишини қараб чиқайлик. Бу атама айрим ҳоларда ўз-ўзидан аниқ, аввалдан маълумдек талқин қилинади. Аммо бу борадаги адабиётлар билан чуқурроқ танишиш уни уч хил тарзда, яъни:

- маълум мураккабликдаги аниқ бир ишни ходимнинг бажариш қобилияти;
- маълум маънодаги конкрет ишлаб чиқаришни бажариш қобилияти;
- касбий маҳоратини бажариш даражасини такомиллаштириш каби талқин қилинишини кўрамиз (С.Г. Вершловский, В.Г. Онушкин, Ж.Ғ. Йўлдошев ).

Педагогик тадқиқотларда «малакасини ошириш» таълим жараёнини ва тингловчилар ахборот имкониятини тартибга солиш сифатида ҳам қаралади.

Малака ошириш – мутахассисларнинг касбий билимлари ва кўникмаларини янгилаш ва чуқурлаштириш, уларни замон талабларига жавоб бера оладиган қилиб қайта тайёрлаш [113, 258].

«Малака ошириш тизими» тушунчаси О. Федорованинг ишида унга тўлиқроқ таъриф берилган [107, 103-108]. Унда малакасини оширишга билим, кўникма ва малакани маълум даражада сақлашни таъминловчи мазмун, ташкилий шакл сифатида қаралади. Фикримизча, бу таъриф ҳам педагог кадрлар малакасини оширишнинг моҳиятини тўлиқ очиб бера олмайди. Чунки ҳар қандай малака ошириш тизими маълум маънода мутахассис фаолиятини ўзгартиришга йўналтирилган бўлади. Шу муносабат билан малака ошириш тушунчасининг мазмунини мақсадга қаратилган, оптимал муддатда тингловчиларда илмий билим, кўникма ва малакалар тизимини шакллантирувчи, уларни фан янгиликлари билан таништирувчи, илғор тажриба ва назарияни амалиётга қўллаш ҳамда уларда мустақил ишлаш эҳтиёжини ўстириш борасидаги фаолиятини такомиллаштирувчи жараён сифатида қарашимиз мумкин. Мамлакатимизда "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" таълимни узлуксиз амалга оширишга қаратилган бўлиб, малакасини ошириш эса унинг таркибий қисми сифатида қаралади. Чунки педагогик тадқиқотларда олимлар В.Г. Онушкин, С.Г. Вершловский, Ю.Н. Кулюткин, К.З. Зарипов, Ж.Ғ. Йўлдошев ва бошқалар унга шу нуқтаи назардан ёндашганлар. Узлуксиз таълим олиш алоҳида фаолият сифатида эгаллаган билим ва янгиликларни бутун ҳаёти давомида такомиллаштириш жараёни

тарзида намоён бўлади. Бундай фаолият турли таълим муассасаларида ва мустақил билим олиш орқали амалга оширилади. Шунингдек, педагог кадрлар малакасини оширишни тадқиқ қилишда мақсадини аниқлашдан бошлаш ўринли бўлади. Чунки мақсад натижага олиб борувчи йўл ва воситаларни қатъий белгилаш мезонидир. Ҳар қандай тизим мавжудлиги ва ривожланишининг асоси, унинг аниқ мақсади саналади ҳамда педагогик жараённи такомиллашиш негизи вазифасини ўтайди. Аммо «малакасини ошириш» тушунчаси асосини белгилашда ҳозиргача аниқликка эришилган эмас. Бу эса малакасини ошириш мақсадини белгилашда турлича ёндашувлар ва унинг оқибатида ноаниқликларга сабаб бўлмоқда.

Масалан, малакасини оширишнинг турли бўғинларда мақсад турлича таърифланади:

- билим савиясини ошириш;
- педагогик маҳоратини ошириш;
- ҳозирги замон фан ва техникаси масалаларини ўрганиш.

Малакасини ошириш мақсадини белгилашда булардан ўзгачароқ уринишлар ҳам мавжуд.

Мақсадни белгилашдаги бундай ноаниқлик ва ҳар хиллик малакасини ошириш тизими фаолиятига ҳамда тингловчиларнинг кейинги иш тартибига ҳам салбий таъсир қилмоқда. Шубҳасиз, мақсадни белгилашдаги зарурият ҳамда уни аниқлаштиришни мураккаблаштираётган яна бир омил мавжуд. Бу олимларимиз К.З. Зарипов, Ж.Ғ. Йўлдошевларнинг фикрига кўра, касбий маҳоратини такомиллаштириш бўйича мутахассис профессиограмма, яъни касбий эталонининг йўқлиги ёки умуман ишланмаганлиги билан изоҳланади. Педагог кадрлар малакасини ошириш муаммоларига доир эълон қилинган ишларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, уларда фаолиятни такомиллаштириш мақсадини белгилашда ноаниқлик, турли-туманлик билан бирга миқдорий мезонларининг ҳалигача аниқланмаганлиги ҳам масалани илмий ҳал қилишда тўсқинлик қилади. Малакасини ошириш тизимини баҳолашга келганда, мауаллифларнинг кўпчилиги «яхшилаш», «кенгайтириш», «чуқурлаштириш» каби атамаларни ишлатадилар. Шу мезонларга асосланиб, ўқув-тарбия жараёни даражасини аниқлаш умуман мумкин эмаслигини исботлашнинг ҳожати бўлмаса керак.

Агар биз малакасини ошириш жараёни субъектлари амалиётчи ўқитувчилар тўғрисида гапирганда, улар фаолиятининг таълим-тарбияга йўналганлиги, малакасини оширишнинг мақсади самарали педагогик фаолиятга тайёрлигини такомиллаштиришга қаратилганлигини назарда тутмоғимиз керак. Аммо бу ҳам фақат тингловчилар билим, кўникма ва



малакаларини кенгайтириш ва чуқурлаштиришнинг бошланғич босқичига тўғри келади, холос, аммо бутун тизим мақсадини белгилашда етарли бўла олмайди. В.К. Дьяченко мазкур тушунчага бир қалар аниқлик киритади. Олимнинг фикрича, малакасини ошириш жараёни тингловчилар фаолиятини оптимал муддатларда қайта қуриб, уларда фан янгиликлари ҳақида билимлар тизимини фаоллаштиради, назария ва илғор тажрибаларни қўллашнинг йўллари ва мустақил билим олишга эҳтиёжини шакллантиради [43, 101-103]. Бу таъриф узлуксиз малакасини оширишнинг яна бир поғонаси сифатида ўқитувчида шаклланган одат (стереотип – «мен буни ўзим биламан») ва фаолиятини қайта қуришга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир.

Аммо бунда биз фақат малакасини ошириш муассасалари (курс) да бир марталик ўқишни назарда тутмаслигимиз керак. Бу босқичда тингловчиларда курсдан кейинги фаолиятида доимий мустақил ўқиш орқали ўз фаолиятини такомиллаштиришга эҳтиёж ҳамда мунтазам билим, кўникма ва малакаларни янгилашга хоҳиши бўлмаса, малакасини ошириш мақсадининг амалга ошиши ҳақида гапириш ортиқча.

Тажрибаларимизнинг кўрсатишича, шахснинг назарий ва амалий фаолияти характери муттасил ўзгариб, эгаллаган ва эгаллаши лозим бўлган билимларига муносабати ҳам ўзгариб боради. Фақат шундай ҳолларда малакасини ошириш тизимининг мақсади, яъни таълим олувчиларнинг фаолиятини ўзгартириш, қайта қуриш ҳамда кейинги босқичда ўқишини оптималлаштиришга эришиш мумкин. Шу тарзда таълим олувчини узлуксиз ўқишга руҳий тайёрлаш ҳамда малакасини оширишини мунтазам давом эттириш ва ўқитувчида билиш фаолиятига доимий интилиш истагини сингдириш ҳамда ўзида шаклланган «мен ҳамма нарсани биламан» стереотипини қайта қуриш мумкин бўлади.

Педагог кадрлар малакасини ошириш мақсадини белгилашда турли ёндашувлар мавжудлиги, унинг мураккаблиги ҳамда ижтимоий аҳамиятлилигини ифодалайди. Маълумки, ўқув юртидаги ўқув-тарбиявий фаолият мураккаб интеллектуал жараён сифатида муҳим ижтимоий талабларга жавоб бериши керак. Биз тадқиқ қилаётган объект ўзининг кўп қирралилиги ва мураккаблиги билан характерланади. Объектнинг мураккаблигидан келиб чиқиб, унга мос келувчи тадқиқот методи ҳамда методологик асос сифатида тизимли ёндашувни танладик. Шунга асосланиб, малакасини ошириш ҳамда унинг мақсадини белгилашда ҳам тизимли ёндашув талабларидан келиб чиқамиз.

Педагогик тизимларни тадқиқ қилишда Н.В. Кузьмина томонидан амалга оширилган метод анча самарали ҳисобланади [66; 67; 68; 69]. Олима тизимли ёндашувнинг умумий назариясидан фойдаланиб, педагогик тизимнинг ягона моделини яратди. Ҳар қандай педагогик

тизимнинг таркибий қисмлари ўзаро яқин алоқадорликда бўлиб, таълим-тарбия мақсадлари ечимига қаратилгандир.

Шунинг учун мазкур тадқиқотда биз тизимли ёндашувни методологик асос қилиб олдик ҳамда унинг объектни ўрганишда катта имкониятлар очиб беришига асосландик. Ўз навбатида, педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида таълимнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг муҳим имкониятлари, улар ўртасидаги муҳим боғланишларни очиб беради. Шу асосда объектни тадқиқ қилиш эса, унинг бутун мураккаблиги ва ривожланишини аниқлашга имкон беради. Агар биз ўқитувчилар малакасини ошириш тизимига, яъни тадқиқот объектига тизимли ёндашув асосида қарасак, унинг мураккаб педагогик тизим сифатида бир-бирига боғлиқ муассасалар мажмуидан иборат эканлиги ҳамда педагоглар узлуксиз малакасини оширишининг умумий мақсадини амалга оширишга қаратилигини кўрамиз.

Демак, тизимли ёндашув мураккаб педагогик тизимларни яхлит-бутунликда ва маълум қисмларга бўлиб ҳамда бошқа тизимлар билан алоқадорликда тадқиқ қилиш имкониятини беради. Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикаси (ПКТ ва МОП)ни яхлит тизим сифатида тасаввур қилиш ва унинг бошқа педагогик тизимлардан фарқини аниқлаш учун, энг аввало, унинг компонентлари (тузилишини)ни аниқлаш лозим.

Ҳар қандай тизимни, жумладан, педагогик тизимни, характерловчи компонентлар мақсад ва вазифа, мазмун ва таълим жараёнининг моҳияти, субъектлар фаолиятининг аҳамияти (тингловчилар), таъсир кўрсатиш субъектларининг хусусияти (ўқитувчилар таркиби), жараён амалга ошадиган муҳит (таълим ва субъектлар фаолияти, шароити), жараённи амалга ошириш учун зарур воситалар (таълим шакл ва методлари), субъектлар фаолиятини ташкил қилиш воситаси, уларни турли фаолиятга жалб қилиш, субъектлар ўртасидаги мулоқот шакллари (улар фаолиятини бошқариш жараёни) биргаликдаги фаолият натижаси сифатида таълим самарасидан (тингловчиларнинг билим даражаси ёки уларнинг малакаси - ўқув юртидаги педагогик фаолиятига таъсиридан) иборатдир.

Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикасининг ягона ва яхлит педагогик тизимлилиги унинг барча компонентларининг ўзаро боғлиқлигидадир. Шунинг учун унинг таркибий қисмлари ўртасидаги боғланишларни таҳлил қилишдан олдин уни ташқи олам ёки ўзидан катта тизимлар билан боғлиқлигини қараб чиқиш жоиздир.

Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикаси педагогик тизим сифатида очиқлиги билан ҳам характерланади.



Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикасининг ижтимоий тизим сифатидаги муҳим хусусияти, унинг субъекти – кишилар, инсонлардир. Шунга асосан мазкур тизим билан ташқи муҳит орасида ўзаро таъсир ва ахборот алмашуви юзага келади. Биз тадқиқ қилаётган Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимда тингловчилар таркиби доимий ўзгариб туради ва бошқалари ҳисобидан тўлдириб борилади. Бунинг оқибатида уларнинг малакасига бўлган талаб ҳам ўзгариб туради.

Таълим ислоҳотининг энг муҳим талаби – ўқувчиларга чуқур билим бериш ва касб-ҳунар ўргатиш орқали уларга ҳаётда ўз ўринларини топишларига руҳий, илмий-педагогик шарт-шароит яратишдан иборатдир. Шу билан бирга ўқувчиларда умумий ўрта таълим билан олий таълим ҳамда ишлаб чиқариш ўртасидаги узвийлик, ворислик риштаpraларини ўрнатишдан иборат.

Ўқувчиларга чуқур билим бериш ҳамда касб-ҳунарга ўргатиш даражаси ҳам доимий қотиб қолмайди, балки жамият ривожланиши билан уларга талаб ҳам ошиб бораверади.

Педагог кадрлар малакасини ошириш тизими самарадорлигини ошириш ва уни илмий асосда қайта қуришдан мақсад ўқитувчининг ижтимоий имконияти, унинг шахсий сифатлари ҳамда касбий билим, кўникмасини такомиллаштириш орқали уларнинг таълим-тарбияси сифатини оширишдир. Педагог кадрлар малакасини ошириш тизими доимий равишда амалиётчи ўқитувчиларнинг ғоявий-сиёсий, умуммаданий, касбий, иқтисодий, экологик, ҳуқуқий билимларни тўлдириш, янгилаш ва кўллаш асосида уларнинг педагогик маҳоратини шакллантириш, такомиллаштиришдан иборатдир.

«Ўқитувчининг қобилияти, назарий-методик тайёргарлиги, малакасини мунтазам ва мукаммал ошириб боришини таъминлайдиган изчил тизимни барпо этиш зарур бўлиб қолди» [57, 15]. Шундан келиб чиқиб, Ж.Ғ. Йўлдошев узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми сифатида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг мақсадини аниқлайди. Унинг позицияси В.Г. Онушкин, С.Г. Вершловский, Ю.Н. Кулюткинлар томонидан ишлаб чиқилган узлуксиз таълим тизимида педагог кадрлар малакасини ошириш концепциясига яқиндир. Ж.Ғ. Йўлдошевнинг фикрича, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдан мақсад ўқитувчининг ижтимоий имкониятларини ривожлантириш, унинг шахсий сифатлари, касбий билимлари ва умумий савиясини такомиллаштириш, пировард мақсад эса, ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш сифатини кескин оширишдан иборатдир [57, 62].

Юқоридаги фикрларни инкор қилмаган ҳолда биз педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими мақсадини белгилаш муаммосига ўз муносабатимизни билдирамиз.

Аввал таъкидлаганимиздек, педагог кадрлар малакасини ошириш - шахснинг мунтазам тарбияланиши ва билим олишини таъминловчи узлуксиз таълимнинг таркибий қисми ҳисобланади. Узлуксиз таълим эса шахснинг бутун онгли ҳаёти давомида касбий ва шахсий сифатларини такомиллаштиришга хизмат қилмоғи лозим. Шундан келиб чиқиб, Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикаси ҳам узлуксиз ривожланиши лозим, чунки у узлуксизлик принципининг аниқ бир бўғинда, яъни яхлит педагогик тизим – педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини таъминлаши лозим. Демак, Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикаси тизимда узлуксиз таълимнинг таркибий қисми сифатида унинг талаб ва принципларига риоя қилиш шарт. Шунингдек, педагог мазкур тизимнинг бош субъекти-фигураси бўлганлиги учун унинг педагогик маҳоратини ошириш ҳам узлуксиз давом эттирилиб, бутун касбий фаолиятини қамраб олмоғи лозим. Аммо жамият ривожланишининг маълум даврларида ўқитувчининг малакасини такомиллаштиришга бўлган талаб ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Бу унинг касби орқали ечилиши лозим бўлган таълим-тарбия, касб-ҳунар мақсад ва вазифаларидан ҳамда жамият ва ўқувчилар шахсининг ўзгаришидан келиб чиқади. Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикаси педагогик тизим сифатида бутун узлуксиз таълим билан ўзаро боғлиқ экан, унинг мақсади ҳам жамиятнинг комил инсонни шакллантиришга бўлган талаби билан белгаланади. Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикаси халқ таълимининг бошқа бўғинлари билан боғлиқликда жамиятнинг комил инсон таълим-тарбияси мақсадини амалга ошириш имконини беради. Педагогик тизимнинг очиқлиги, унинг бошқа тизимлар билан алоқадорлиги, шунингдек, уларнинг бир-бирига ўзаро таъсири, бирида бўлган ўзгаришлар бошқаларига таъсир қилиши ҳамда ҳар бири мақсадининг ўзгариши умумий мақсадга ҳам таъсир қилишини кўрсатади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, биз танлаган тадқиқот йўли тизимли ёндашув объектга муҳит билан алоқадорликда қарашни тақозо қилади, шу билан бирга мақсадни амалга ошириш воситаларини тўғри танлашга ҳам алоҳида талаб қўяди.

Ёшларга дунё андозалари асосида чуқур билим бериш, уларни бозор муносабатлари талаблари негизида касб-ҳунарга ўргатиш ўқитувчи касбий тайёргарлик ва педагогик маҳоратига юксак ижтимоий талаб қўймоқда. Бунинг оқибатида, ўқитувчининг таълим муассасасида



ва бутун жамият ҳаётидаги ижтимоий мавқеи ҳамда фаоллиги ҳар қачонгидан ҳам ошди. Чунки ўқитувчи сифатли дарс бериш билан бирга мустақиллик ғоясини ёшларга сингдириши, уларни оташин халқпарвар, ватанпарвар қилиб тарбиялаши лозим. Бундай шароитда педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикасининг бош мақсади нафақат ўқитувчилар фаолиятини такомиллаштириш, балки уларнинг ҳар бирининг шахси ҳамда таълим-тарбия муаммоларини ечишдаги касбий тайёргарлиги, ўқитувчи шахси ва билим савиясининг доимий равишда ўсиб борувчи ижтимоий талаб ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш кўникмасини шакллантиришдан иборатдир [48,15]. Бу мақсад ўқитувчи фаолияти орқали воқеликка айланади. Шунинг учун педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикаси ўқитувчида билимга ташналик, янгиликка интилувчанлик каби одатларни сингдириб, доимий ўқиш, ўрганиш, малакасини оширишнинг фойдалигига ишончини ошириши, шунингдек, «мен ҳамма нарсани биламан» каби ўзига ортиқча баҳо бериш, эски андозаларидан қутқаришга ёрдам бериши зарур. Билишга қизиқиш, бу борадаги фаолиятни ташкил қила олиш кўникмаларини ўқитувчиларда шакллантириш, малакасини ошириш жараёни учун белгиловчи ҳисобланади. Шу асосда ўқитувчида педагогик такомиллашувни ички эҳтиёжга айлантириш ва уни узлуксиз давом эттиришга руҳан тайёрлаш жуда муҳимдир. Ўқитувчида педагогик такомиллашувга ҳозирликни шакллантириш учун унда нафақат эҳтиёж, хоҳишнинг ўзи етарли эмас, балки эҳтиёжни амалга ошириш учун етарли шарт-шароит ҳам яратилиши зарур.

Инсон фаолияти қандай характер ва шаклда бўлмасин, у маълум ички интилиш, истак, майл, мотив асосида у ёки бу мақсадини амалга ошириши оқибатида рўёбга чиқади. Демак, амалиётчи ўқитувчининг ўз фаолияти ва шахсини такомиллаштиришнинг ижтимоий зарурлигини онгли англаб етиши ва унга интилиши узлуксиз малакасини оширишда белгиловчи ҳисобланади. Шунинг учун амалиётчи ўқитувчининг етук шахс сифатида мунтазам билим, кўникма ва малакасини ҳамда шахснинг такомиллашувига шахсий ишончи ва уни амалга оширишга эҳтиёж сезиши, ниҳоятда мураккаб жараён ҳисобланади, шу билан бирга унинг ўз шахси ва касбий фаолиятидаги камчиликларни тузатиш жараёнига кириши учун асос бўлади.

Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни педагогик тизим сифатида фаолият кўрсатишини баҳолашда, унинг жамиятнинг талабини бугунги кунда тўла қаноатлантира олмаётганлигини айтиб ўтган эдик. Бундай хулоса чиқаришга сабаб, амалиётчи ўқитувчилар малакасини ошириш даражасини белгиловчи аниқ миқдорий меъёрларнинг илмий асосланган андозасининг йўқлигидир. Бундан ташқари,

олимларнинг ҳақли эътироф этишларича, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун махсус катталар таълимини амалга оширувчи ўқитувчи кадрларнинг махсус тайёрланмаслиги ҳам унинг самарали фаолият кўрсатишига салбий таъсир қилмоқда. Шуларга асосланиб, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўз олдига қўйилган мақсадга тўла эриша олмай келмоқда, деган хулоса чиқарилади.

Маълумки, педагогик маҳоратни такомиллаштириш педагог кадрлар малакасини ошириш тизимининг асосий мақсади ҳисобланади. Бунда такомиллаштириш ўз моҳияти билан аввалдан шаклланган салбий одатларни ўзгартириш, эски қотиб қолган андозалардан воз кечиш, доимий билим, кўникма ва малака эгаллашга ҳозирликка тайёрлаш - педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг асосий вазифаси ва мақсадидир, десак тўғри бўлади.

Шундай қилиб, педагог кадрлар касбий маҳоратини ошириш тизимининг **бош мақсади** нафақат амалиётчи ўқитувчи касбий фаолияти ва шахсини такомиллаштириш, балки унинг жамиятнинг таълим-тарбияга ошиб бораётган талабларини қоноатлантириш билан шахсий тайёргарлиги ўртасидаги ўзаро мутаносибликка эришишини таъминлашдан иборатдир.

## 2.2. Узлуксиз таълим тизимида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ўрни

Биз тадқиқотимизга асос қилиб тизим ва тизимли ёндашувни танладик. Тизимли ёндашув ўз навбатида педагогик жараёнларни ҳар томонлама яхлит таҳлил қилиш асосида уларнинг изчиллик ва узвийлигини таъминлашга хизмат қилади. Шунинг учун тизимли ёндашув таълим жараёнининг узлуксизлигини таъминлашда ҳам муҳим ҳисобланади.

И.А. Каримов «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» маърузасида: «халқ таълимининг асосий бўғинини узлуксиз таълим ташкил этади. Шу сабабли, бу масалага алоҳида диққат-эътибор қаратиш даркор. Узлуксиз таълимни давлат таълим стандартлари ва тегишли таълим дастурлари билан таъминлашда, аввало, уларнинг жаҳон талаблари даражасида бўлишига, юксак маънавият заминида қурилишга асосий эътибор бериш керак», [4, 15] - таъкидлаб ўтади. Мамлакатимизда узлуксиз таълимга ўтишнинг зарурияти қатор ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ахлоқий, ташкилий-педагогик омиллар билан бирга шахсининг комиллигини таъминлаш билан ҳам белгиланади.



Мустақил тараққиёт йўлига кирган Республикамиз ижтимоий ҳаётининг барча жабҳалари янги мафкуравий асосда ривожланиши, мазкур мафкуранинг характерли томони - инсон шахсининг камолоти орқали жамиятни ривожлантириш - таълим узлуксизлигини ижтимоий заруриятга айлантирди. Бундан ташқари янги ахборот воситаларнинг ҳаётга кенг кириб келиши, кишилар ўртасидаги муносабатларга кескин таъсир қилиши, инсоннинг таълим муассасасида олган билимини доимий тўлдириб туриш заруриятини тақозо қилмоқда.

Ижтимоий тараққиётнинг ҳамма соҳаларида билимнинг етарли эмаслиги каби зиддиятли вазият билан ҳар биримиз рўпара келмоқдамиз. Инсон касбий фаолияти ва меҳнатининг сифати, характери ва йўналишининг тез ўзгариши таълимнинг моҳиятини, унинг шахс ва жамият ҳаётидаги ўрнининг ўзгаришига олиб келади. Булар таъсирида инсоннинг таълим муассасасида олган маълумоти етарли бўлмай қолмоқда, меҳнат фаолиятини тўла бажаришда ноқулайлик сезмоқда, ёки айрим ҳолларда касбий ва технологик саводсизликни келтириб чиқармоқда. Ижтимоий тараққиётнинг тезлашуви ва мураккаблашуви оқибатида инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, технологогик, экологогик, ижтимоий-психологогик билимларга кучли эҳтиёжи ошиб бормоқда. Жамиятимизнинг янги бозор муносабатлари асосида ривожланиши айрим касб намоёндаларининг ўз мансаб лавозимларини бажаришини қийинлаштирмоқда, ёки умуман яроқсиз қилиб қўймоқда. Булар қаторига бошқарув ходимлари, иқтисодчилар, инженерлар, айрим ҳолларда амалиётчи ўқитувчиларни ҳам киритиш мумкин. Узлуксиз таълимнинг асосий ғояси таълимни максимал равишда шахс ва жамият манфаатларига мослаштириш, унинг барча бўғинларини шахс камолотидаги имкониятлардан тўла фойдаланишга йўналтиришдан иборатдир. Демак, узлуксиз таълим инсонни нафақат таълим муассасасида ўқиш даврини, балки ундан кейин, бутун амалий меҳнат фаолияти давомида ҳам ўз қобилиятини намоён қилиши, касбининг ҳамда маънавий эҳтиёж, қизиқишларини қаноатлантириш учун ижтимоий, педагогик шарт-шароитлар яратиб бериш даврларини ҳам қамраб олади. Узлуксиз таълим педагогик тизим сифатида турли-туман йўл, восита ва шакллар орқали билим олиш, уни чуқурлаштириш, касбий маҳоратини такомиллаштириш, фуқаро сифатида ўзлигини намоён қилиш, маънавий қизиқишларини қондиришдир. Бундан ташқари таълимнинг барча турлари ўртасида алоқадорлик, узвийликни таъминлаш учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Инсон таълимнинг бир босқичидан иккинчисига ўтишда руҳий, иқтисодий, ташкилий қийинчиликларга олдини олиш, босқичлар ва турлар ўртасидаги ворисликни мустаҳкамлаш, улар ўртасида тарихий эволюцион ривожланишни таъминлаш орқали ўзига

қулайлик яратишда ҳам узлуксиз таълим муҳим роль ўйнайди. Мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг доимий равишда касбий ва маънавий қизиқишларини қаноатлантириш учун узлуксиз таълимнинг кенг тармоқлари мавжуд. Инсон ўз шахсининг имконият ва хусусиятларидан келиб чиқиб, таълимнинг босқич ва кўламини танлаши, унинг таркибий қисмларига таяниб, ўз мақсадларини қондириши мумкин. Бунинг учун таълимнинг турли босқич ва турлари ўртасидаги узвий боғланишни шакллантириш муҳимдир. Бунда асосий базавий таълим (мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим) асос (вертикал бўйича) ҳамда қўшимча таълимни (турли қизиқишларни қондириш - хобби, техник, табиатшунослик, бадиий, мусиқа, мактаб-интернатлар, компьютер ахборот воситалари, INTERNET орқали таълим, масофавий таълим, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш) ўзаро мувофиқлаштириш, яъни уларнинг интеграцияси ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Тажрибаларнинг кўрсатишича, таълим узлуксизлигини таъминлашда вертикал ва горизонтал йўналишлар, яъни таълимнинг тури ва босқичлари ўртасидаги тадрижий узвийликни таъминлаш, энг мураккаб илмий-назарий, ташкилий-педагогик масаладир. Шу масала илмий ҳал қилинса, узлуксизлик кўп жиҳатдан таъминланади. Узлуксиз таълим тушунчаси кўп қиррали бўлиб, унинг асосида шахс ҳаётининг ҳамма босқичларида комил инсон (баркамол шахс) сифатида ривожланиши ётади. Ўзининг мақсадига кўра узлуксиз таълим шахснинг баркамоллиги шароити, унинг ижтимоий имкониятларининг ривожланиши, қобилият ва куч-қудратини намоён қилиши, умумий ҳамда касбий камолотининг ўсиши, аввалги олган тайёргарлигини такомиллаштириш жараёнидир. Шунинг учун узлуксиз таълим инсон бутун ҳаётининг умумлашган хусусияти сифатида ундан ажралмасдир. Ҳадиси шарифда айтилгандек, "бешикдан қабргача илм изла", деган фикр узлуксиз таълим ғоясига ҳамоҳангдир. Бундан ташқари, узлуксиз таълим ижтимоий-педагогик тамойил сифатида ижтимоий тараққиёт характеридан келиб чиқиб, таълимнинг яхлит тизим сифатида ривожланиши, шахснинг ижтимоий тараққиётнинг фаол субъекти тарзида такомиллашишга қаратилгандир. Таълим тизимига бундай ёндашув янги методологик тамойил сифатида мустақиллик мафкураси ва сиёсатининг моҳиятидан келиб чиқиб, қуйидагиларни тақозо қилади:

1) таълимни энг аввало ёшларни чуқур билимли, моҳир касб-ҳунар эгаси бўлишга, шу асосда бутун аҳолининг ижодий имкониятларини ривожлантиришга хизмат қилдириш;

2) умумий узлуксиз таълим тизимида таълимнинг таркибий қисмлари, мақсад ва вазифасини тўғри белгилаш;



3) узлуксиз таълимни жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маданий тараққиётини тезлаштиришга йўналтириш. Шу нуқтаи назардан ёндашганимизда, узлуксиз таълим давлат ва нодавлат, ижтимоий ташкилотларнинг яхлит бирлиги базасида мавжуд бўлиб, инсоннинг умумий ва касбий тайёргарлиги, шунингдек, шахсий ҳамда ижтимоий эҳтиёж талабларини қондиришга қаратилган. Булардан касбий фаолият эҳтиёжини қоноатлантириш белгиловчи ҳисобланади. Касбий маҳоратни ошириш инсон узлуксиз таълимининг таркибий қисми сифатида педагогнинг мунтазам шахс ва касб эгаси сифатида камол топиши ҳамда касбий фаолиятининг такомиллашуви кафолатидир.

Педагогнинг бундай камолотини белгиловчи омил, унинг амалий ва назарий фаолияти ҳисобланади. Педагогика ва психология фанларининг исботлашича, инсон фаолиятдан ташқарида ривожланмайди ва ўзини намоён қила олмайди. Шунингдек, ўқитувчи фаолияти ва шахсининг ривожланиши ўртасидаги боғлиқлик ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Бу боғланишнинг таъсирчанлиги бир қатор шарт-шароитларга боғлиқдир. Чунончи, педагогнинг касбий такомиллашуви амалга ошиши мумкин, агар:

а) фаолиятда фаоллик позициясини эгалласа, унинг ижодий куч ва қобилияти реал юзага чиқиши мумкин;

б) педагогик жамоада шахслараро муносабатлар «ўқитувчи-ўқувчи», «ўқитувчи-жамоатчилик» тизимида тенг ва масъулиятли ўрнатилса;

в) ўзининг шахсий тажрибасини жамоа тажрибаси, назария ва амалиёт нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, баҳолай билса;

г) доимий равишда унинг меҳнати ижтимоий адолат нуқтаи назаридан моддий ва маънавий рағбатлантирилса ҳамда эътиборда бўлса [53, 4]. Бундан ташқари ўқитувчини узлуксиз таълим тизими билан қамраб олиш нафақат ижтимоий-сиёсий ёки методологик муаммо, балки унинг касбий моҳиятидан келиб чиқувчи зарурият ҳамдир. Бу ўз навбатида ўқувчига нафақат ўзини муттасил шахсий ва касбий такомиллаштириш, шунингдек, ташкилий, илмий-методик кўникмаларни эгаллаш, балки уларни ҳам доимий ўқиш, ўрганиш, мустақил фикрлаш ҳамда билим олиш билан қуроллантириш учун ҳам зарурдир.

Педагог кадрлар малакасини узлуксиз ошириш, доимий равишда уларнинг ғоявий-сиёсий, умуммаданий, касбий, иқтисодий, экологик, ҳуқуқий билимларини чуқурлаштириш асосида юксак педагогик маҳоратини шакллантиришдир. Шу тариқа ўқитувчилар малакасини ошириш жараёни узлуксизлигини таъминлаб, мустақиллик талаблари

асосида қайта қуриш мумкин. Шунингдек, педагоглар малакасини ошириш жараёни узлуксизлигини таъминлаш, энг аввало, уни демократиялаштириш ва инсонпарварлаштиришни тақозо қилади. Узлуксизлик тамойили ўқитувчининг аввалги ўқув юртида олган билимлари билан малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда кўрсатиладиган методик хизматнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлашни ҳам талаб қилади. Бундан ташқари, ўқитувчиларга малакасини ошириш курсларида кўрсатилган методик хизмат билан унинг ўз устида мустақил ишлаш жараёнлари узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашни ҳам тақозо қилади. Шу билан бирга педагогларнинг реал эҳтиёжлари, ижтимоий заруриятларини, уларнинг субъектив имкониятларига мос келишини таъминлаши зарур. Педагоглар малакасининг оширилиши уларнинг аттестацияси билан узвий боғлиқ, шунингдек, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш меъёрларини белгилашда, таълим узлуксизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Чунончи ўқитувчилар малакасини оширишнинг давлат ва нодавлат шакллари, курсларининг ўзаро уйғунлиги, узвийлиги ҳамда изчиллигини таъминлашнинг муҳим воситаси бўлади.

Профессор Ж.Ғ. Йўлдошев педагог кадрлар малакасини ошириш жараёнида ўқитувчи фаолиятига ижтимоий ва иқтисодий жараёнларнинг кескин таъсир этишини таъкидлайди. Ўқитувчи таълим олиш жараёнида ўзини бутунлай таълим ва тарбияга бағишлайди ҳамда касбий виждон ва маҳоратининг юқори чўққиларини эгаллаган шахс бўлиб шаклланади.

Узлуксиз таълим тизимида педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш - **тўлдириш, мослаштириш ва ривожлантириш** функцияларини бажаради. **Тўлдириш** функцияси – ёши катталарнинг турли сабабларга кўра болаликда ололмай қолган таълимни олиш, ёхуд етказиб олиш имкониятини беради. **Мослаштириш** функцияси – шахснинг доимий ўзгарувчи олам, жамиятга мослашиб боришини таъминлайди. **Ривожлантириш** функцияси – шахснинг ижодий имкониятини узлуксиз бойитиб боришидир. «Узлуксиз таълимнинг бўғини ҳисобланмиш малакасини оширишнинг юқорида кўрсатиб ўтилган функциялари шахсни такомиллаштиришга йўналтирилган, технологик ва иқтисодий томонларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши ва шахснинг ижодий имкониятларини ривожлантиришга қаратилган бўлиши керак. Узлуксиз таълимнинг энг муҳим вазифаси шахсни ҳар томонлама камол топтириш, маданиятини оширишдан иборатдир» [94, 26]. Узлуксиз таълим инсон ва унинг яшаши, меҳнат қилиш шарт-шароитларини яхшилаш, маънавий ва касбий даражасини такомиллаштиришга қаратилган экан, унинг босқич ва шаклларини



белгилашда кишининг ҳаёт йўли, ёш даврлари белгиловчи бўлиши керак. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг 3.3.3-бандида ҳам таълимнинг ҳар бир бўғинининг узлуксиз таълим тизимидаги мақсад ва вазифалари кўрсатилиб, «Узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб бориши давлат таълим стандартлари асосида турли даражадаги таълим дастурларининг изчиллиги асосида таъминланади», - дейилган [11, 45].

Мамлакатимизда таълим узлуксиз деб эълон қилинган экан, бу унинг таркибида янги бир тузилма ёки таълим турининг кўпайиши билан эмас, балки фуқароларга қулайлик туғдириш, уларни таълимнинг турли шакл ва воситалари билан қамраб олиш, касбий, шахсий ва маънавий қизиқишларини қондиришларида ноқулайлик сезмасликларини таъминлашдир.

Узлуксиз таълим тизимида педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тўғрисида фикр юритар эканмиз, педагогларнинг базавий таълими, тайёргарлигини ҳам жиддий такомиллаштириш зарурлигини таъкидламоқчимиз. Чунки педагогнинг базавий таълимида йўл қўйилган барча камчиликларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, ҳар қанча мукаммал бўлмасин, тўлиқ бартараф қила олмайди.

Республикамиз мустақил бўлгандан сўнг таълимни ривожлантиришга жиддий эътибор берилиб, жуда кўп янги таълим муассасалари ташкил қилинди. Республикамиз вилоятларидаги педагогика институтлари университетларга айлантирилди. Олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш тест асосида амалга ошириладиган бўлди. Булар шубҳасиз олдинга ташланган қадам, буни ҳеч ким инкор қилмайди. Аммо масалага бошқача томондан қарайлик. Таълимга миллий даромаднинг жуда катта қисми сарфланмоқда. Лекин таълим муассасалари ишлаб чиқаришга таълим-тарбия, ислоҳот талабларини амалга оширишга тўла жавоб берадиган тарбиячи, ўқитувчи-педагог кадрларни тайёрлаб беряптими? Йўқ, албатта!

Қайта ташкил қилинган педагогика институтлари базасидаги университетларда бевосита ўқитувчилик касбининг асоси ҳисобланган – педагогика, психология, ўқитиш методикаси ва педагогик амалиётга ниҳоятда кам соат ажратилган. Ёки олий ўқув юртлари учун кадрлар етиштириб беришга мослаштирилган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ўқув режаларидаги педагогика, психология, методика ва амалиётларга ажратилган соатлар миқдори ҳамма университетларга айнан жорий қилинган. Ҳолбуки, Ўзбекистон Миллий университети ҳамма вақт ҳам кенг профилдаги мутахассислар тайёрлаб, уни битирганлар халқ хўжалигининг турли соҳаларига, илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда олий ўқув юртларида ишлашга тайёрланган. Вилоятлардаги университетларни битирган мутахассислар

асосан умумий ўрта таълим муассасаларига ишга боради. Уларда эса педагогик тайёргарлик, ўқувчилар билан муомала қилиш маданияти, методик тайёргарлиги етарли эмас.

Шунинг учун университетларда халқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлаш, келажакда таълим муассасасида фаолият кўрсатадиган мутахассисларни педагогик йўналишдаги факультет ва бўлимларда алоҳида-алоҳида тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Педагогик йўналишдаги талабаларни олий ўқув юртига қабул қилишдан аввал уларнинг педагогик қобилияти, болалар билан ишлай билишни аниқловчи синовдан ўтказиб, сўнг билим савиясини аниқловчи тестларга киритиш керак. Педагогик йўналишдаги факультетларда педагогика, психология, методика фанлари ва педагогик амалиёт салмоғини кескин ошириш керак.

Узлуксиз таълим билан педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ўзаро боғлиқлиги шундаки, унда ўқитувчига шахс ва касб соҳиби сифатида қаралади, унинг мунтазам камолоти жараён тарзида амалий ҳаётининг бутун давомида амалга оширилиши ижтимоий зарурият сифатида намоён бўлади. Бундан ташқари ўзаро боғлиқликнинг бир жиҳати - ўқитувчи фаолиятида ижтимоий фаолликнинг таъсири кучайиб бориб, малакасини оширишда унинг шахси ва касбий шаклланиши тезлашади. Бунинг оқибатида ўқитувчи доимий ўзининг касбий маҳоратини такомиллаштириб бориб, шахс сифатида ўзини маънавий бойитади. Чунки шахснинг мунтазам ижодий имкониятининг ўсиши, - деб кўрсатади В.Г. Онушкин, - узлуксиз таълимнинг бош ғояси ҳисобланади [85, 8].

Узлуксиз таълимнинг ривожлантирувчи функцияси тўлиғича ўқитувчи касби ва шахсига мос келади ҳамда унинг малакасини ошириш жараёнини босқичма-босқич мураккаблашиб бориш моҳиятига хосдир.

Хўш, узлуксиз таълим тизимида педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш қандай ўрин эгаллайди? Энг аввало улар ўртасидаги боғлиқлик уларнинг ягона тизим эканлиги, яъни педагоглар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш педагогик тизим сифатида катта тизим - узлуксиз таълимнинг таркибий қисми эканлиги билан характерланади.

Тизимли ёндашув талабларига кўра улар ўзаро таъсирда бўлади. Катта тизимдаги ўзгаришлар кичик тизимга таъсир қилади. Бундан ташқари педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими узлуксиз таълимнинг ҳамма бўғинлари учун тўлдирувчилик ва мослашувчанлик функциясини бажаради. Малакасини ошириш тизимида янги шакл ва воситалар пайдо бўлиб, унинг таркибий қисм-



ларининг интеграциялашуви кучаяди. Тизимнинг имкониятларидан унумлироқ фойдаланиш мақсадида унинг илмий-амалий масалаларини тадқиқ қилишга эътибор ошиб боради. Малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда янги имкониятлар ва манбалар, воситалар пайдо бўлади. Жумладан, ижтимоий тараққиётнинг ҳамма соҳаларининг ривожланиши компьютерга асосланган ахборот технологияларнинг кенг кириб келишига олиб келади, оқибатида касб-ҳунар ўргатиш, малакасини ошириш имкониятлари кенгайиб боради. Малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда INTERNET, масофадан ўқитиш ва малакасини ошириш маънавий ва касбий қизиқишларини қаноатлантириш имкониятини ошириб боради. Бунинг натижасида нафақат фан-техника, касбга доир янгиликларни билиб олиш, балки қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муддатлари, уларга сарфланадиган куч ва маблағни тежаш имконини беради.

Ижтимоий тараққиётнинг бозор муносабатларга хос ривожланиши малакасини ошириш муддатлари, унинг даврийлигига кескин таъсир ўтказиб, қисқаришига олиб келади, ишлаб чиқариш талаблари рақобатга бардош беролмайдиган соҳалар ва касблар ўрнига янги касбларга эҳтиёж ошиб боради. Бозор талабларига мос янги ишлаб чиқариш муносабатлари шаклланади. Бу муносабатлар инсонни ўз гирдобига олиб, рақобат ва бозор талабига жавоб бермайдиган, мослаша олмайдиганларни, худди марказдан қочирма куч каби, улоқтиради. Янги шароитга мослашган, янги касб-ихтисосликни эгаллаганларнинг марказга интилма кучдек моддий ва маънавий манфаатдорлиги ошиб боради.

Шундай қилиб, мавжуд узлуксиз таълим тизимида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш шахснинг моддий ва маънавий, касбий ва шахсий эҳтиёжларини қоноатлантириш воситаси сифатида интеграциялашуви, яъни узлуксизлигини таъминлаш воситаси сифатида намоён бўлади.

### 2.3. Педагогларни қайта тайёрлаш малакасини оширишда таълимнинг гносеологик таҳлили, унинг ўзига хослиги

Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида ўқитувчиларнинг ўзига хос психологик, физиологик хусусиятлари, ўқитишнинг тамойил, шакл ва методларини тўғри белгилаш бу жараён моҳиятини гносеологик таҳлил қилишни тақозо қилади. Шунинг учун бу жараённи билиш назарияси нуқтаи назаридан қараб чиқиш лозим.

Ҳар қандай таълим жараёнининг методологик асосини билиш назарияси ташкил этади. Бунда билиш назарияси инсоннинг оламни ўз

онгги орқали англашга асосланади. Киши борлиқни онг орқали англайди, борлиқ эса кишиларнинг мавжуд ҳаёт жараёнидир. Шунинг учун моддий борлиқнинг инсон онггида акс этиши объектив бўлиб, у ҳақдаги инсон билимлари ҳам объектив мазмунга эга бўлади. Бу умумий қонуният бўлиб ўқитувчиларнинг малакасини ошириш тизими, ўқитиш жараёнига ҳам дахлдор ҳисобланади. Инсоннинг дунёни билишининг чуқурлашиб бориши ва жамият тараққиётининг тезлашуви, ҳар қандай таълимнинг мазмуни, мақсади, ташкилий шакл, методларини ўзгаришига сабабчи бўлади. Бундан педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳам мустасно бўла олмайди. Ўз вақтида рус олими М.А. Данилов айнан шу ҳақда ёзган эди: "Ҳақиқатда билим билан ўқитиш орасида боғланишлар мавжуд. Билиш ва ўқитиш муаммосини ўзаро қиёслаш шунга иқрор қиладики, ўқитишда ҳамма вақт билиш содир бўлади. Шунинг учун билиш назарияси ўқитишнинг моҳиятини ва ғоявий йўналишини белгилайди" [41, 83].

Билиш ва ўқитишни таққослашнинг кўрсатишича, ўқитиш мазмуни билишнинг натижаси ҳисобланади. Билим жамият томонидан фойдаланиши, ёки амалиётда қўлланиши, жамият аъзолари томонидан ўзлаштирилиши лозим. Билиш ўқитишдан аввал содир бўлади. У жамият эҳтиёжига боғлиқ бўлиб, унинг асосини ижтимоий тажриба ташкил этади [41, 87].

Аммо педагогикада қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнидаги таълим гносеологик нуқтаи назардан, ёки катталар, касб соҳиблари таълими сифатида таҳлил қилинмаган. Фикримизча, биринчидан, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг тўлиқ тизимли ҳозирги пайтга қадар тадқиқ қилинмаган, иккинчидан, катталар (касб соҳиблари)ни ўқитиш, малакасини ошириш педагогикаси бундай методологик таҳлил учун етарли даражада тайёр эмас. Ахборот технологиялари асрида жамиятнинг ҳамма соҳаларида инсон фаолиятини қайта қуриш, жумладан, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда ҳам таълимнинг барча томонларини чуқур гносеологик таҳлил қилмасдан, унинг имкониятларидан ўқитувчилар маҳоратини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин эмас.

Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини методологик жиҳатдан таҳлил қилиш, унинг имкониятларини тўлиқ очиш ҳамда ўқитувчилар касбий маҳоратини оширишда фойдаланиш билан бирга уни такомиллаштиришнинг ижтимоий-психологик, психофизиологик, дидактик жиҳатларини ўрганиш учун асос бўлади.

Билиш назариясини таълим жараёнида қўллаш педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдаги ўқув жараёни моҳияти ва унинг ривожланиш қонуниятларини чуқур тушуниш имкониятини беради.



Таълим жараёнида билиш, кузатиш, маълумотларни таҳлил ва синтез (қисмларга ажратиш) қилиш, назарий умумлаштириш, мантиқий фикрлаш ва билимларни амалда қўллаш тарзида амалга ошади. Шу билан бирга таълим жараёнидаги билиш, сезиш, идрок, тасаввур, тушунча ва ҳукм тарзида бўлиб, ўқитувчининг дидактик йўналтириши асосида амалга ошади. Маълумки, таълим жараёни иккиёқлама жараён бўлиб, икки фаолият уйғунлигида: ўқитувчининг (маърузачи) фаолияти ўқитиш ва тингловчининг тушуниши, билимларни ўзлаштириш бирлигида кечади. Ҳар иккала фаолият ўзаро боғлиқликда бўлиб, улар учун умумий билиш жараёнидир.

Ўқиш, ўргатиш билиш жараёни билан ўзаро боғлиқликда бўлиб, улар учун умумий билиш жараёни ҳисобланади.

Ўқиш, ўрганишнинг билиш жараёни билан ўзаро боғлиқлиги тўғрисида фикр юритар эканмиз, унинг илмий изланиш, тадқиқот билан умумийлиги, фарқига ҳам муносабат билдириш жоиздир. Илмий тадқиқотлар олимлар томонидан амалга оширилиб, унда ҳали фанда маълум бўлмаган, мактаб дарсликларига кирмаган илмий янгиликлар очилади. Аммо илмий билиш билан олимлар амалга оширадиган ва тингловчиларнинг билиш фаолияти ўртасидаги умумийлик - уларнинг мазмун ва ғоявий йўналишларининг бирлиги билан характерланади. Шу билан бирга улар учун умумийлик инсоннинг иньикос ва ўзгартириш фаолияти ётишидир. Лекин бу умумийлик уларни бир-бирига тенглаштириш учун асос бўла олмайди. Чунки илмий тадқиқотда олим янгилик яратади, малакасини оширишда эса фанда аниқланган, маълум қолипга солинган, тажрибада синалган ва дидактик ишлов берилган фан асослари ўрганилади. Шунинг учун илмий тадқиқот бирламчи, малакасини оширишда ўрганиладиган билим иккиламчи илмий тадқиқот натижаси бўлиб, тараққиёт жараёнида ҳар иккаласи ҳам муҳим ҳисобланади.

Шу билан бирга ҳар иккала фаолият ҳам илмий тадқиқот ва таълим жараёни – билим эгаллаш – ташқи оламни билиш, англашга йўналтирилган. Биринчиси иккинчисига йўл очади.

Таълим ҳамма босқичларда ўзига мақсад қилиб билишни қўяди. Аммо бу билиш восита бўлиб, бевосита англанган, яратилган билимларни эгаллаб, жамият ривожини чуқурлаштиришга хизмат қилади. Олим дунёни бевосита ўзи билади, англайди. Аммо таълим жараёнидаги билиш бошқа бир киши, ўқитувчи раҳнамолиги, раҳбарлигида амалга ошади.

Тингловчи фаолиятини билиш объектига йўналтириш ўқитувчи (маърузачи) фаолияти орқали амалга ошади. Бу ҳар иккала фаолият (ўргатиш ва ўрганиш) муваффақиятли бўлиши учун ўқитувчи нафақат

чуқур билимга эга бўлиши, балки уни бошқаларга ўргатиш усул ва воситаларини ҳам чуқур билиши талаб қилинади. Бунда ўқитиш восита ва шакллари ўқитувчининг ўз фаолиятини ва таҳсил олувчилар фаолиятини самарали ташкил қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Тингловчи (ўқувчи, талаба) билиши (ўрганиши) энг аввало ўқиш-ўрганиш фаолиятидир. Билиш жараёни инъикос этиш бўлиб, билиш фаолияти ҳисобланади. Таълим жараёнида билиш фаолиятнинг асосий йўналиши бўлиб, бир вақтнинг ўзида амалий фаолият тарзида намоён бўлади. Бунинг оқибатида тингловчи ташқи оламни ҳодиса, воқеа, нарсаларнинг моҳияти, тараққиёт қонуниятларини билиш, англаш сифатида ўзлаштиради.

Бу ўзаро боғлиқлик жараёнида ажойиб бир ҳодиса, моддий олам билан боғланиш ва унинг қонуниятларининг (моддийлик) маънавийликка айланиш жараёни содир бўлади, яъни инсон билимлари маънавийликка айланади (моддийлаштирилади). Инсон бу маънавий бойлик билан ўзини бойитади ва уларни амалиётда қўллаб, оламни ҳам ўзгартиради. Бунда инсон фаолияти ҳаракатлар тизимидан иборат бўлиб, унинг воситаси билиш, ўқув материалларини ўзлаштириш фаолиятининг узлуксиз ўзгариши, билимларни эгаллаш жараёнидан иборат бўлади. Таълимни ташкил қилишнинг назарий асоси ҳисобланган дидактиканинг бу жараёндаги вазифаси таҳсил олувчи фаолиятини самарали ташкил қилиш усул, восита ҳамда шаклларини аниқлашдир.

Кўраяпмизки, моддий олам ва таълим жараёни ҳам борлиқнинг инсон онгида акс этиш жараёни сифатида гносеологик йўналишга эга. Аммо таълим жараёнида бу гнесологик жараён яна бир қўшимча асосга эга бўлади Таълим жараёни педагогик жараён сифатида дидактик жиҳатдан йўналтирилиб, билимларни ўзлаштиришни осонлаштиради. Демак, таълим жараёни оламни билишдан дидактик ташкил қилиниши билан ажралиб туради.

Дунёни билиш ва таълим жараёнларини гносеологик таққослаш шуни кўрсатадики, дунёни билиш кўпроқ жамият эхтиёжига ва билиш воситаларига (асбоб-ускуна, техник ва ахборот воситаларига) боғлиқ, таълим жараёни эса таҳсил олувчиларнинг ёши, касби, тажрибаси ва фаолиятини ташкил қила билиши, ўрганиши лозим бўлган нарсалар моҳиятини англаши билан белгиланади. Яъни таҳсил олувчиларнинг таълимнинг ҳар бир босқичида (мактабгача, мактаб, касб-ҳунар таълими ва олий ўқув юрти талабаси, малака ошириш тингловчиси) турлича қизиқиш, фаолият мақсадини англаш, билимни ўзлаштиришга муносабати турлича бўлади. Шундан келиб чиқиб, таълимнинг ҳар бир босқичида уни дидактик жиҳатдан ташкил қилиш турлича усул, восита



ва шакллар ёки педагогик ахборот технологияларидан фойдаланиш турли даражада – таҳсил олувчиларнинг ёши, касби, тажрибаси ва фаолиятининг ривожланганлик даражасига мос бўлиши шарт. Бу дидактик қонуният сифатида таълим жараёнининг ҳар бир босқичида инобатга олиниши лозим. Оддийроқ қилиб айтадиган бўлсак, таълимни ташкил қилиш шакл, метод, воситалари таҳсил олувчиларнинг ёши, ўзига хос руҳий, физиологик хусусиятлари ва шахсий, касбий эҳтиёжларига мос бўлиши мутлақо зарур.

Малакасини ошириш жараёни билиш фаолияти сифатида фан билан боғлиқ. Шунинг учун бу жараён қонуниятларини аниқлаш илмий билиш ва педагогика фанининг ривожланиш даражасига боғлиқдир. Малакасини ошириш жараёни билиш фаолияти тарзида касбий маҳоратни эгаллашнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўз ичига олади. Бундан кўринадики, малакасини оширишни ташкил қилганда таҳсил олувчилар эҳтиёжи ва фаолиятининг хусусиятига мос келувчи билиш методларини танлаш зарур. Бу жараённи гносеологик таҳлил қилишимизнинг моҳияти ҳам шунда. Дидактик жиҳатдан қараганда, малакасини ошириш жараёнида қўлланиладиган таълим шакл, метод ва воситалари ундаги ўқув-тарбия жараёни мақсад, мазмуни ҳамда ўқитувчининг касбий маҳорат даражасига мос келиши зарур. Малакасини ошириш жараёнида мунтазам равишда касбий маҳорат таркибида миқдор ва сифат ўзгаришларининг содир бўлиши янги педагогик тажриба ҳосил бўлишига замин ҳозирлайди. Қайд қилинганидек, малакасини ошириш жараёни назарий ва амалий тайёргарликнинг диалектик бирлигидан иборат: 1. Улар ўртасидаги бирлик ҳар иккаласи ҳам ўқитувчининг мавжуд билим, кўникмасидан иборат. 2. Малакаларини такомиллаштиришга қаратилган. Улар ўртасидаги бундай яхлитлик, фарқ борлигини инкор қилмайди. Фарқ эса билимларни ўрганиш ва амалий фаолиятда қўллаш шаклида намоён бўлади [59, 109].

Ўқитувчининг малакасини ошириш жараёнидаги назарий тайёргарлиги педагогик жараёнларнинг моҳияти ва қонуниятларини билиши, шунингдек, педагогик фаолиятини амалга ошириш усуллари тингловчиларда педагогик билимларга маълум муносабатни шакллантирилиши лозим. Бундай билиш жараёнида билимларнинг чуқурлашуви абстрактликдан конкретликка, назариядан амалиётга ҳамда уни педагогик вазиятга қараб қўллашга қаратилган бўлади. Бундай билиш натижасида ўқитувчи педагогик ҳодисаларни назарий тушуниш тажрибасини эгаллайди ҳамда уни илмий асослай олади.

Амалий тайёргарлик эса билиш, педагогик фаолиятини амалга ошириш усуллари, ўрганган билимларни қўллаш кўникмаси ҳамда янги

касбий билимларни эгаллашга асос бўлиб, ақлий ва интеллектуал қобилиятларни ривожлантиради.

Яхлит икки хил билиш даражаларини эмпирик ва назарий жиҳатларга бўлиш, билиш фаолиятлари ўртасидаги фарқ ва ўзаро боғлиқликни тушуниш билан бирга, улар ўртасидаги илмий назариянинг яратилиши, аниқлигини текшириш ва амалиётда қўллашнинг моҳиятини англаш имкониятини беради. Шу билан бирга бу «бизга билиш фаолиятининг икки жиҳатини англаш имконини беради: 1) ақлий билиш билан боғлиқ ҳаракатлар (таҳлил, синтез, умумлаштириш) фаолиятини ва уларнинг билимларни эгаллашга йўналганлиги билан боғлиқ фаолиятини; 2) билимларни таълим жараёнига амалий қўллаш билан боғлиқ фаолиятни» [59, 108].

Бундан шундай муҳим вазифа келиб чиқади: малакасини ошириш курслари ва улардан ташқарида таълим мазмунини шундай ташкил қилиш керакки, улар тингловчи билиш фаолиятига мос келиши билан бирга уларни амалий фаолиятида қўллашга ўргатсин. Таъкидлаш лозимки, айнан шу икки фаолиятнинг узвий бирлиги педагогларнинг ҳар томонлама тайёргарлигини таъминлайди. Чунончи, шунга мос равишда таълим мазмуни, шакли ва методлари ҳамда уни баён қилиш мантиқи ўзаро бир-бирига мос бўлиши мутлақо зарур. Ҳозирги пайтда курс машғулотларини кузатишларимизнинг кўрсатишича, маъруза ва амалий машғулотлар мактабдаги таълимга ўхшаб кетади ҳамда кўрсатма (инструктаж) бериш тарзида олиб борилади. Таълимни ташкил қилишнинг бундай шакли ўқитувчининг ижодий ривожланишига ёрдам бера олмайди [48, 19].

Ҳар қандай фаолият асосида билим ётади. Таълим ва тарбия ҳам ўқитувчининг касбий фаолияти сифатида назарий ва амалий билимларга асосланади.

Мустақиллик йилларида юқори малакали ва тарбияланган кишиларга бўлган эҳтиёж ҳам ҳар қачонгидан ошди. Бу эса ўқитувчи фаолиятида педагогик билимларга бўлган эҳтиёжни ошишига олиб келди. Бунинг моҳиятини англаш, билишнинг алоҳида тури, педагогик фаолиятнинг пайдо бўлишига асос бўлиб, амалий иш жараёнида намоён бўлади. Шунинг асосида аста-секин ўз тузилиши ва компонентларига эга мураккаб ижтимоий тизим шаклланади. У қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади:

1. Кишиларнинг билиш фаолиятлари.
2. Билиш воситалари.
3. Билиш объекти (нарсалар, ҳодисалар).



4. Билиш фаолияти натижалари: билим, усул, фикрлаш ва ҳаракат. Булар оқибатида янги юқори натижа ва янгича ечимлар топилади [31, 89].

Шунга мувофиқ педагогик ҳодиса ва қонуниятларни билиш ҳам ўз-ўзича амалга ошмайди. Булар ҳам ижтимоий-тарихий жараён сифатида умумий гносеологик қонуниятларга бўйсунади. Жамиятнинг барча жабҳалари тезлик билан ўзгараётган бир пайтда методологиянинг аҳамияти ҳар қачонгидан кўра ошади. Шунинг учун педагогик ҳодиса ва жараёнларни методологик жиҳатдан асослаш педагогик фаолиятнинг муваффақиятини таъминлаши лозим. Бунда гносеология педагогик жараёнларнинг назарий таҳлили тарзида намоён бўлиб, педагогик воқеликнинг моҳиятини очиш имкониятини беради ҳамда аниқ бир ўқитувчи фаолиятида акс этиши билан боғлиқликда кечади.

Таълим-тарбия ташкилотчилари бўлган амалиётчи ўқитувчилар фаолиятини ўрганишнинг кўрсатишича, улар махсус билимларни (кўпинча ўзлари дарс берадиган фанни) яхши биладилар, аммо уларнинг назарий асосларини амалиётда қўллаш ва ўқувчиларга етказиш, тушунтиришда қийналадилар.

Педагогика ва психологиянинг назарий асосларини билиш ўқитиш методикаси бўйича ўқитувчининг маҳоратини белгиламайди. Ўқитувчи педагогик маҳоратининг шаклланиши, ёки мавжуд билимларнинг таълим-тарбия санъатига айланиши – фаолият, конкрет технологиясининг намоён бўлиши каби кўплаб омилларга боғлиқ. Энг аввало, бу асос - ўқитувчини олий ўқув юртида тайёрлаш, сўнгра мактабда амалга оширилиши лозим. Бу бўғинда малакасини ошириш ўқитувчининг назарий ва амалий тайёргарлигини таъминловчиси сифатида муҳим роль ўйнаши лозим.

Кузатишларимиз ва тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, ўқитувчиларнинг методологик, педагогик, психологик ва махсус билимлардан муваффақиятли фойдалана билиши кўп жиҳатдан ўқитувчини мактабда ва малакасини ошириш жараёнида тайёрлаш, унинг онгига узлуксиз равишда билимларни эгаллаш ва қўллашга оид қўйиладиган талабларни босқичма-босқич сингдириб боришга боғлиқ бўлади. Бундан ташқари ўқитишнинг ҳамма босқичларида ўқитувчи таълим мақсадини аниқлаши ва кўя билиши, ечилиши лозим бўлган вазифаларга мос келишига ўргатилиши зарур.

Педагогик вазифаларни аниқлаш фикрий ташхис асосида амалий фаолиятда ҳал қилиши лозим бўлган педагогик воситалар моделини белгилаш йўли билан амалга оширилади. Бу масалани махсус ўрганишимизнинг кўрсатишича, ўқитувчини тайёрлаш жараёнида фойдаланиладиган педагогик назария ва амалиёт, шунингдек, педагогик вазифа,

топшириқ, воситалар бевосита мактаб фаолиятида боғловчи кўприк вазифасини ўтайди. Бунда талабаларни олий ўкув юртларида маъруза ва семинарларда ўзлаштирилган билимларини амалда қўллашга ўргатиш муҳим ҳисобланади. Аммо назарий билимларни амалиётга тадбиқ қилиш тўғридан-тўғри кўчмайди, балки ўзида бир неча оралиқ бўғин ва босқичларни синаб кўришига тўғри келади [69, 15].

Маълумки, ҳар бир фанни ўрганиш (ўқитиш) ҳамма вақт унинг ички мантиқидан келиб чиқади, уни ўзлаштириш ва қўллашда асосий эътибор ана шунга қаратилиши ҳамда асосий мақсад қилиб қўйилиши лозим. Аммо малакасини ошириш жараёнида бунга унча аҳамият берилмайди. Бунда фанларни ўқитишга таълим-тарбия жараёнлари нуқтаи назаридан ёндашмоқ ўта муҳим вазифа ҳисобланади. Ўқитувчини фан мантиқини чуқур билишга йўналтириш билан бирга ўқувчиларга уни ўргатиш (тушунтира олишга) ўргатишдир.

Таъкидлаш лозимки, педагогика фанининг ҳозирги тараққиёт босқичида биз малакасини ошириш жараёнига асосий муаммо сифатида қараб, ўқитувчини ўзлаштирган билимларини ўз амалиётида қўллаш усул ва воситалари билан қуроллантиришга қаратишимиз лозим. Билимларни амалиётда қўллаш маълум касбий, педагогик вазиятларни таҳлил қилиш, амалий топшириқларни бажариш, роли ўйинларни ечиш орқали амалга оширилиши мумкин.

В.В. Краевский педагогик назария ва амалиётнинг ўзаро боғлиқлигини тадқиқ қилиб, педагогиканинг амалиётга нисбатан икки функциясини аниқлайди. Биринчиси илмий-назарий бўлиб педагогик тажриба тўплаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштиришдир. Бу назарий ва экспрементал тадқиқотларда умумий педагогик қонуниятлар вазифасини ўтайди. Педагогиканинг иккинчи функцияси техник лойиҳалаш бўлиб, педагогик қонуниятларни педагогик талаблар тарзида билимларга айлантиради. Улар эса педагогик қоидалар, тавсиялар, методик тизим, энг муҳими аниқ "педагогик лойиҳалар" тарзида бевосита амалиётга дахлдор бўлади.

Агар биз назарий ва амалий билимларнинг ўзаро алоқадорлигини аниқлашга келсак, назарий умумлашмалар амалиётнинг узоқ таҳлили ва умумлаштирилиши ҳосиласидир. Шу тариқа назарий ва амалий билимлар ўзаро алоқадорликда ривожланади, абстрактлашади, амалиётда текширилиб, ўқитувчилар фаолиятини такомиллаштириш воситасига айланади. Бу жараён яхлитликда ўқув-тарбия жараёнини ривожлантиради.

Педагок амалий фаолият эҳтиёжи унинг билимлар тизимини тартибга солади, олган билимлари яхлитлигини таъминлайди ва ўзгарувчанлигига сабабчи бўлади.



Маълумки, малакасини ошириш жараёнида илм-фан ютуқларини педагогика, психология ҳамда ижтимоий-сиёсий фанларни ўқитиш (ўрганиш)нинг касбий, утилитар характер касб этиши педагогик зарурат ҳисобланади.

Мазкур жараённинг гносеологик таҳлили ташхислик функцияни бажариб, қатор муаммоларни аниқлаш ва моҳиятини тушуниш омили сифатида намоён бўлади. Чунончи, 1) тингловчилар таркибини билиш, малакаси даражасига қараб шакллантириш, табақалаштириш; 2) таълим мазмуни, мақсади, шакли, методи ва воситаларини тингловчилар эҳтиёжи асосида танлаш; 3) билимни ўрганиш ва уни амалиётда қўллаш – ўрганиш ва ўргатиш яхлитлигини таъминлашга хизмат қилмоғи лозим.

Бу яхлитлик таълим мазмуни ҳамда ўқитувчининг касбий эҳтиёжига қараб белгиланади. Касбий билимларни эгаллаш ўқитувчи педагогик фаолиятидан келиб чиқади. Агар биз малакасини ошириш тизимини шу талаблар нуқтаи назаридан қараб чиқсак, у анча абстракт, ўқитувчилар эҳтиёжига тўла жавоб бермайди, яъни ўқитувчи эҳтиёжига тўла хизмат қилмаслиги билан ажралиб туришини кўрамиз. Таъкидлаш лозимки, ижтимоий-сиёсий, махсус фанларни ўқитиш аксарият ҳолларда ахборот бериш тарзида бўлиб, конкрет педагогик вазифаларни ечиш ёки таълим-тарбия билан боғлиқ жиҳатларга эътибор қаратилмайди.

Ўқитишнинг бундай мавҳум характери тингловчиларнинг касби, шахси, таълим-тарбияси билан боғланмаган. Шунинг учун тингловчида уларни чуқур билиш шарт эмас, деган тасаввур ҳосил бўлади. Бу эса ўқитувчи қизиқишининг пасайишига, ижодий ишлашига салбий таъсир қилади. Таълим жараёнини ташкил қилиш шакли ва даражаси ўқитувчини ижодий ишлашга ундаши ва унга йўл-йўриқ воситаларини очиб бериши лозим. Чунки ўқитувчининг ўз касбининг ижодий табиатини чуқур англаши, унга касбий тафаккурини ривожлантириши, педагогик муаммоларни ижодий ва мустақил ҳал қилишига асос бўла олади.

Ижодий тафаккур ва ижодий фаолиятнинг диалектик бирлиги ўқитувчи ишида юқори натижага эришиш ва педагогик назарияга эҳтиёжни таъминлайди. Малакасини ошириш жараёнида «субъект-объект» муносабатларининг ўзига хос жиҳати доимий равишда фаолият хусусиятини ҳисобга олиш ҳамда ижод қилиш, аниқроғи, ижодий билишнинг асосидир [83, 90].

Ижодий фаолият жараёнида амалий эҳтиёж педагогик қийинчиликларни англашга ва ўқитувчининг пайдо бўлган зиддиятларни ечиш йўлларини ахтариш учун педагогик адабиётларга мурожаат

қилишига сабабчи бўлади. Пайдо бўлган муаммоларни ечиш йўлларини ахтариш турлича бўлиши мумкин. Бу ўқитувчининг ўзи ишлаган, ёки фанда ҳал қилинган йўлдан боришига, ёки унинг илмий тайёргарлиги ва эрудициясига боғлиқ бўлади. Ўқитувчининг илмий ва педагогик тайёргарлиги унинг эрудициясининг жиддий юксалишига олиб келади. Бу эса ўқитувчининг ижодга, фанга, ўқитиш санъатига, методологик муаммоларга қизиқишини оширади. Илмий потенциал ўқитувчининг педагогик маҳорат асосларини эгаллашига замин тайёрлайди. Шунинг учун малакасини ошириш жараёнида ҳар бир фаннинг ўқитилиши, семинар, амалий машғулотларнинг ташкил қилинишини, ўқитувчи эҳтиёжига мувофиқ бўлиши лозим.

Фаолиятнинг мақсадга қаратилганлиги ўқитувчи касбий йўналиши билан боғлиқ бўлиб, унинг педагогик, махсус, ижтимоий-сиёсий тайёргарлигини таъминлайди. Педагогик мақсадга қаратилганлик ўқитувчининг педагогик фаолият мақсадини англаш ифодасидир.

Ўқитувчилар малакасини ошириш жараёнидаги таълимнинг гносеологик таҳлили яна бир муҳим нарсани аниқлаш имконини беради. Бу ҳам бўлса мазкур таълимнинг ўзига хослиги - катталар касбий таълими бўлиб, қўлланиладиган восита, усул, шакл ва методлар катталар билиш имкониятларидан келиб чиқиши лозим.

Маълумки, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг мақсади педагогик жараёнда амалга оширилиб, қуйидаги характерга эга бўлади:

1. Айнан педагогик тизим субъектларининг ҳаракати шу жараёнда содир бўлади.

2. Жараён бир онда эмас, балки тизим субъектлари ҳаракатининг маълум вақт бирлигида давом этади.

3. Субъектларнинг ўзаро таъсири даражаси уларнинг бир-бирини тушуниш даражасига, яъни ўқитувчи ва тингловчиларнинг ўзаро мувофиқ ҳаракати даражаси билан белгиланади.

Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдаги таълим жараёни инсон турли-туман фаолиятининг алоҳида шакли сифатида иккиёқлама характерга эга бўлиб, унинг мана шу иккиёқламалиги асосий хусусияти сифатида таълим жараёни учун белгиловчи ҳисобланади. Бунда ўқитувчи билан тингловчи ўзаро ҳамкорлиги дидактика ва психология қонуниятлари асосида амалга ошади. Шунинг учун ўқитувчи ва тингловчининг ўзаро таъсири оддий механик бир-бирига яқинлашиш эмас. Бу ўзаро таъсир инсоннинг ўзига хос индивидуаллиги асосида бўлиб, улар дидактик ва психологик қонуниятлар билан белгиланади ва ижтимоий характерга эга.



Иккиёқламалик таълим жараёнининг барча босқичларида амал қилиниб, ўқитувчи ва таҳсил олувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолияти тарзида амалга оширилади, бунда бир фаолият бошқасига бўйсунган бўлса-да, бутун жараённинг мақсади тингловчининг эҳтиёжини қондиришдан иборат бўлади.

Билиш ва таълим жараёнларини қиёсий таҳлил қилганимизда, улар ўртасида яна бир муҳим ўхшашлик мавжудлигини кўрамиз: таълим жараёнидаги иккиёқлама субъект-объект муносабатлари тўлиқ ҳолда борлиқни билиш жараёнига мос келади. Тингловчиларнинг педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдаги билиш фаолиятидаги субъект-объект муносабатлари диалектик боғлиқликда бўлиб, билиш инсон фаолияти билан сабаб-оқибат боғланишларидадир. Чунки инсон фаоллиги объектив олам ривожланишининг қонуниятларини билиш билан боғлиқ. Инсон бу қонуниятларни билиб, англаб, мақсадга мувофиқ уни ўзгартиради. Малакасини ошириш жараёнида тингловчиларнинг билиш объекти педагогик ходисалар ва қонуниятлардир. Тингловчилар таълим жараёнида олган билимларини мақсадга мувофиқ ўз педагогик фаолиятларида қўллаб, шу асосда иш жойида ўқув-тарбия жараёнини юқори савияда ташкил қилишга эришади.

Айнан шу жойда билишнинг амалий табиати ва билиш объектининг фаолият тури билан боғлиқлиги методологик аҳамият касб этади. Объект-субъект диалектикаси айнан шунда намоён бўлади. Бунда объект билиш манбаи, субъект эса билимни эгаллаш учун фаолият кўрсатади. Субъектнинг билиш объектига бўлган фаоллик даражаси унинг бир қатор шахсий сифатлари (ўз ўрни ва бурчини англаганлиги) ва фаолият мотиви ҳамда билишида қўллайдиган воситалар сифати билан белгиланади.

«Кенг маънода фаолиятнинг мазмуни, - деб ёзади Л.П. Буева, - объект билан субъектнинг ўзаро таъсир жараёни бўлиб, маълум восита (моддий ва маънавий)лар ёрдамида амалга оширилади. Мақсадга қаратилган фаолият натижаси эса объектни субъектни қаноатлантирадиган ҳолатга келтириш бўлиб, белгиланган эҳтиёжни қондиришга хизмат қилади» [32, 113]. Демак, субъектнинг ўзгариши, унинг касбий фаолияти, уни қўллайдиган воситалар ва фаолият мотивига боғлиқ бўлади.

Объект билан субъектнинг ўзаро таъсир диалектикаси яна шунда намоён бўлади: объектни ўрганиб, субъектнинг қизиқиши, маҳорат даражаси ўзгаради, бу эса ўз навбатида, объектнинг ўзгаришига асос бўлади. Шундай қилиб, мақсадга қаратилган фаолиятни ўзгариш даражаси фаолиятнинг ўрганадиган объект хусусиятларига мос келишига боғлиқ бўлади. Объектни ўзгартириш (ўрганиш) воситалари

таркибида инсоннинг интеллектуал даражаси муҳим ҳисобланади. Инсон интеллекти унинг маънавий бойлиги бўлиб, субъектнинг фаоллигида намоён бўлади, фаолиятнинг мотивларини англашга ёрдам беради. Инсон интеллекти фаолият бўлиб, маълум қонуниятларга бўйсунади, деб ёзади Б.Г. Ананьев. Инсон фаолияти иерархик хусусиятга эга бўлиб, ўз навбатида маълум ҳаракат ва операциялардан таркиб топади. Агар билиш фаолиятига шу тариқа қаралса, унда бу операциялар инсон интеллекти орқали амалга оширилади [30, 54].

Тингловчи (субъект) ўз интеллекти билан нафақат малакасини ошириш жараёнини, балки уни мактабда ҳам ўзгартиради. Шу тариқа тингловчи ўзининг мактабдаги асосий фаолияти билан малакасини ошириш институтидаги вақтинчалик фаолияти ва тажрибаси орасида алоқа ўрнатади. У ўтмиш талабалик йиллари тажрибасини ўқитувчилик тажрибаси ва малакасини ошириш институтдаги ўқуви билан таққослайди.

Бу операцияларни тингловчи ўз онгини тартибга солувчи интеллекти ёрдамида амалга оширади. Шундай қилиб, субъект ўзининг аввалги тажрибасини фикран ҳозиргиси билан боғлайди ҳамда келажакда самарали билиш фаолиятини ташкил қилиш учун шароит яратади. Бунинг оқибатида объектнинг субъектга таъсири янги сифат даражасига кўтарилади ҳамда фикран ўтмишдан ҳозирга ва ундан келажакка – ҳаракат сабаб ва оқибат шаклини олади.

Бундай маънавий-интеллектуал операциялар натижасида моддийлик маънавийликка айланиб, инсоннинг маънавий бойлигига айланади ва унинг билими тарзида намоён бўлади. Бу билимлар педагогик амалиётда қўлланилганда ақлий ёки интеллектуал операциялар шаклини олади. Бунда ўзаро алмашиниш диалектикасининг моҳияти шундаки, моддийликнинг маънавийликка айланиши тўғридан-тўғри эмас, балки интеллектуал ҳаракатлар воситасида амалга ошади. Интеллектуал операциялар айнан амалий ишларда намоён бўлиб, мавжуд таълим-тарбия амалиётини ўзгартириш воситасига айланади.

Билиш субъектининг шу тарзда ўзгариши унинг фаолият мақсадини ҳам ўзгартиради. Шунга мувофиқ билиш воситалари ҳам ўзгариши керак. Инсоннинг интеллектуал билим даражаси унинг мақсадни ҳам ўзгартиради. Бунинг оқибатида, билиш характери ҳам ўзгариб, янада чуқуррок, мураккаброқ ва юқорирок самаралироқ бўлади. Шунда билиш объекти ва билувчи интеллекти даражаси билишда фойдаланадиган воситалар характерини белгилайди.

Бу қонуният бизнинг тадқиқот объектимизга ҳам дахлдордир. Унинг методологик моҳияти шундаки, ҳозирги замон тараққиёт даражасида тингловчилар фаолиятини ташкил қилиш ва қўллани-



ладиган воситаларнинг бир-бирига мос бўлиши, таълим методлари, унинг мазмун ва ташкил қилиниш шаклларига мутаносиб бўлиши зарур. Шунинг учун малакасини ошириш институтида субъект-объект муносабатлари мактаб ва олийгоҳга қараганда бошқача бўлиши табиийдир. Ҳақиқатда ҳам педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда таълим жараёни анча юқори билиш даражасида бўлиб, фаолиятнинг характери ва мақсади билан белгиланади. Агар мактабда таълимнинг мақсади ўқувчиларга фан асосларини ўргатиш, уларнинг кўникма ва малакаларни шакллантириш, уларни ҳаёт, меҳнатга тайёрлаш бўлса, олийгоҳда - касбга ўргатиш, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда эса таълимнинг бош мақсади касбий педагогик фаолиятни ўзгартириш ва уни такомиллаштириш (ўзгартириш)дир. Шунинг учун педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда субъект-объект муносабатлари бутунлай бошқача кечади.

Маълумки, билиш жараёнида субъект-объект муносабатларининг энг муҳим хусусияти унинг ижтимоий-тарихийлигидадир. Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда тингловчилар билиш фаолиятининг амалий характерга эгалиги оқибатида, уларнинг ўқув жараёнига муносабати ўзгарувчан бўлади. Тингловчиларнинг ўрганиладиган объектга нафақат муносабати, балки уларнинг фойдали ёки фойдасизлиги, амалий йўналганлигига ҳам муносабатлари ўзгарувчан бўлади.

Таълим билиш жараёни сифатида икки фаолият – ўқитиш ва ўқиш бирлигидан иборат бўлиб, унда ўзаро боғлиқликнинг моҳияти, субъект ва объектнинг ўзаро ўз муносабатлари, педагогик қонуниятларни билиш асосида тартибга солиниши лозим. Шунинг учун бу иккала фаолиятнинг ўзаро бирлиги, субъект ва объект муносабатларида улар интилишларининг бир-бирига мос келиши ҳамда таълим жараёнида ўзаро таъсирини тақозо қилади. Аммо ўзаро муносабатларни тартибга солиш бу билан чегараланмайди. Бундай вазиятда субъектлар характерларининг ўзаро мувофиқлиги ҳамда таълим жараёни мақсадининг субъект ва объект томонидан тушунилишига ҳам боғлиқ. Бундай ҳолатларда томонларнинг ўзаро таъсири нисбатан мустақил бўлиб, бирбирларини бойитади. Икки фаолият (ўқитиш ва ўқиш)нинг бирлиги малакасини оширишда таълимнинг айнан дидактик томонлари бирлигини ҳам тақозо қилади, аммо ўзаро алоқадорлик муносабатлари уларнинг нисбатан мустақиллигини инкор қилмайди.

Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда таълим жараёнининг яна бир муҳим хусусияти, унинг катталар орасида амалга оширилишидир. Шунинг учун бу ерда таълимни ташкил қилиш катталар педагогикаси қонуниятлари асосида ташкил қилиниши лозим.

Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда катталарни ўқитиш хусусияти педагогик жараён тарзида тингловчи фаолиятига таъсир қилади.

Малакасини ошириш жараёнида ўқиш ўқитувчи (тингловчи) мақомини ўзгартиради, уни педагогик фаолият субъектидан таълим объектига айлантиради, натижада, унинг билиш фаолияти ўқувчи (ўрганувчи) характер касб этади.

Таълим жараёнининг гносеологик таҳлили малакасини ошириш тизимида билиш ва ўқитишни ўзаро қиёслаш, уларнинг умумий ва хусусий жиҳатларини аниқлаш имконини берди. Шундай қилиб, билиш жараёнисиз таълим ҳам бўлмайди. Таълим билиш бўлиб, инсоният тарихий тажрибасини ўрганишга асосланади ҳамда махсус билиш методларининг ташкилий шаклларидан фойдаланиш асосида содир бўлади.

Ўқитиш бу - сунъий ташкил этилган билиш фаолияти бўлиб, шахс-индивиддан руҳий ривожланишини, уни ўраб олган оламнинг қонуниятлари орқали тезлаштиришга йўналтирилган. Таълим жараёни яхлит тизим сифатида ўз тузилишига эга бўлиб, унинг компонентлари билиш жараёнини тезлаштиришга хизмат қилиши мумкин.

Бундан яна бир муҳим методологик принцип келиб чиқади. Танланадиган компонентлар таълим олувчиларнинг билиш имко-ниятлари, интеллектуал ривожланиш даражаси, ёш ва касбий хусусиятларига мос келиши шарт. Агар таълим олувчиларнинг ҳар бирининг тоифасига мос таълимни ташкил қилиш ва унга мос ўқитиш компонентлари танласа, унинг натижаси юқори бўлади. Билишга эҳтиёж бўлмаса, ўрганиш жараёни ҳам бўлмайди. Шунинг учун билимларни ўрганиш жараёнини ташкил қилганда, таълим олувчиларда билишга қизиқишни уйғотиш зарур. Чунки ҳар доим шахснинг интеллектуал ривожланиши, «тўсиқ»ни (зиддиятни) енгиш ёки интеллектуал қийинчилик шароитида амалга ошади.

Шундай қилиб, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнидаги таълимнинг гносеологик таҳлили, унда билиш ўзига хос тарихий-ижтимоий ҳарактер касб этишини кўрсатди. Бу эса билиш фаолиятининг субъект ва объект муносабатлари тарзида кечишининг моҳиятини аниқлашга имкон берди.

Гносеологик таҳлил натижасида таълим жараёнини билиш фаолияти бир қатор кетма-кет келувчи интеллектуал операциялар тарзи-да келишини аниқлашга муваффақ бўлинди. Бу эса ўқитувчиларни ўқитиш жараёнида таълимнинг шакл ва методларини, уларнинг шахсий ва интеллектуал ривожланганлик даражасига мос танлашни заруриятга айлантиради.



## 2.4. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълимининг ўқитишнинг бошқа шакллардан фарқи

Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида ўқитишнинг мақсади, уларнинг фаолияти ва шахсини такомил-лаштиришдан келиб чиқиб, бошқа таълим шакллари билан солиштириш, унинг умумий ва ўзига хос томонларини аниқлаш имконини беради. Педагог кадрлар малакасини ошириш жараёнининг таҳлили, унинг таълимнинг бошқа шакллари ва турлари билан қуйидаги умумий томонлари мавжудлигини кўрсатди:

1) ўқитишнинг иккиёқламалиги ва ундаги субъект-объект муносабатлари;

2) таълим жараёнининг барча босқичларида тизимлилик ва яхлитлик ҳамда билиш фаолиятининг босқичма-босқич мураккаблашиб бориши;

3) таълим мазмун, шакли ва методларининг ҳар бир босқичида кечадиган мақсад ва вазифалари билан узвий боғлиқлиги;

4) таълим натижаларининг билиш фаолияти мотивлари ва таълим олувчи шахснинг хусусиятлари билан боғлиқлиги;

5) таълим натижаларининг ўқув жараёнини режалаштириш ва ташкил қилиниш даражасига боғлиқлиги.

Умумийлик ва хусусийликнинг ўзаро диалектик боғлиқлиги таълимнинг ҳар бир босқичида (турида) ўзига хос хусусиятлар ҳам мавжудлигини инкор қилмайди. Чунки ҳар қандай умумийлик хусусийликсиз мавжуд бўлмайди, айримликда умумийлик бўлиб, умумийлик айримлик орқали мавжуд бўла олади. Бу қонуният катталар таълимининг мураккаб шакли бўлган таълим-тарбия соҳасидаги мутахассис педагогларни ўқитишнинг ўзига хос томонларини очиш имконини беради.

Бу ўзига хос хусусият, энг аввало, таълим мақсади, фаолият тузилиши ва унинг мазмуни, шакли ва методларида ўз ифодасини топади. Таълим жараёнидаги асосий компонентларнинг ўзаро диалектик боғлиқлиги шунда намоён бўладики, уларнинг бирида бўладиган функционал ўзгариш бошқасининг ҳам ўзгаришига олиб келади. Чунки таълим жараёнининг турли компонентлари бир-бирига мутлақо тенг эмас. Бу бирликда бири белгиловчи (доминант) бўлса, иккинчиси унга тобе бўлади. Бизнинг таҳлилимизда, таълим мақсади белгиловчи бўлиб, унинг ўзгариши мазмун, метод ва ташкилий шакллар, ўқитиш принципларининг ўзгаришини тақозо қилади. Биз малакасини ошириш жараёнида ўқитишнинг таълимнинг бошқа шаклларидан ўзига хос фарқларини кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Умумий ҳолда улар қуйидагича:

1) таълимнинг ўзига хос мақсади – педагог касбий фаолияти ва шахсини такомиллаштириш. Бу малакасини оширишнинг энг муҳим вазифаси тарзида қўйилади. Ўқитувчининг ўқувчиларга таълим-тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатиш сифатини ошириш бу борадаги вазифаларнинг моҳиятини чуқур англаш ва ўзидаги бунга халақит берадиган одатларни бартараф қилиш;

2) таълим объектининг ўзига хослиги, яъни катта киши, шаклланган мутахассис сифатида ўқитувчи шахси ва унинг малакасини ошириш жараёнидаги таълимнинг ўрни, унинг ўқув фаолияти хусусиятини белгилаши;

3) ўқитувчи билиш фаолиятининг ўзига хослиги: унинг фикрлаши, идроки, диққати ва билимини ўзлаштиришининг юқорилиги;

4) таълим жараёнида ўқитувчиларда билиш мотивлари, қизиқиш, интилишларнинг бошқа таълим олувчилардан (ўқувчи, талабадан) фарк қилиши;

5) ўқитувчиларда рефлексив ҳолат (бошқаларни тушуниш, ҳолатига кириш, ўзини ва руҳий ҳолатини бошқара олиш)нинг ўқувчи, талабаларга нисбатан юқорилиги;

6) ниҳоят, малакасини оширишга ажратилган вақтнинг кескин чегараланганлиги.

Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнидаги ўзига хос хусусиятларнинг ўқувчи ва талабалардан фарқ қилишининг барча хусусиятларини батафсил баён қилмасдан айримларига тўхталамиз. Малакасини ошириш жараёнидаги таълимнинг энг муҳим хусусиятларидан бири унда ўқитувчининг ўзига хос ўрни бўлиб, педагогик жараёнда у тингловчи сифатида иштирок этади ҳамда унинг малакасини оширишнинг ташкилотчиси - ўқитувчи билан ўзаро муносабатга киришади.

Бунда «тингловчи» тушунчаси вақтинча ва шартли бўлиб, у ўқитувчининг ўқув юртидаги асосий фаолияти - таълим-тарбияни юқори савияда ташкил этишга тайёрлаш давридаги ўрнини ифодалайди. Шу билан бирга «тингловчи» сўзи унинг малакасини ошириш жараёнида фаол иштирок этишини, илмий-методик тадқиқот иштирокчиси сифатида педагогик муамоларнинг ечимини топишидаги фаолиятини инкор қилмайди.

Малакасини оширувчи бошқа нопедагог мутахассислардан (иқтисодчилар, шифокорлар, инженерлар) фарқли ўлароқ у бир педагогик тизимдан (мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежидан) иккинчи педагогик тизимга малакасини оширишга ўтади. Шунинг учун мутахассис сифатида у малакасини ошириш жараёнидаги



таълимнинг кучли ва кучсиз, нозик томонларини жуда тез аниқлайди. Шунингдек, ўқитувчилар катта ёшдаги мутахассис сифатида малакасини оширишдаги таълим жараёнини ўзларининг мактабдаги фаолиятлари учун фойдалилиги жиҳатидан таққослайдилар (баҳолайдилар). Педагогларнинг малакасини ошириш тизимида ўқитишнинг энг муҳим тамойили - таълим жараёнини педагогнинг асосий фаолият кўрсатадиган ўқув юртидаги ўқув жараён билан боғлаган ҳолда ташкиллаштиришидир. Шунинг учун улар малакасини оширишда ўзлари учун фойдали натижага эришмасалар, ўқишга бўлган қизиқишлари кескин пасаяди.

Педагогнинг ёш авлод таълим-тарбиясидаги мураккаб ва кўп қиррали фаолияти малакасини ошириш тизимидаги таълим-тарбия жараёнига оширилган талаблар қўяди. Чунки малакасини ошириш фаолиятининг бош мақсади амалиётчи ўқитувчиларни умумий ўрта таълим муассасаларидаги ўқитувчилик фаолиятига атрофлича тайёрланишдан иборат. Педагог малакаснии ошириш тизимига келиб таълим субъектидан унинг объектига айланади. Ўз навбатида бу ҳам педагогик тизим бўлса-да, бутунлай бошқа характерга эга.

Ўқитувчи ўқув муассасасида таълим-тарбия жараёнининг ташкилотчиси бўлиб, унинг фаолиятида ўқувчилар билиш фаолиятини ташкил қилиш белгиловчи ҳисобланади. Малакасини оширишга келиб эса педагог ўқувчи ўрнини эгаллайди. Бу ерда унинг учун белгиловчи бўлиб билиш жараёни, яъни ўз фаолиятини ташкил этиш ҳисобланади. Агар у умумий ўрта таълим муассасасида асосий ташкилотчи бўлса, малакасини ошириш жараёнида эргашувчи ролига тушиб қолади, бошқача айтганда, у таълим субъектидан унинг объектига айланади.

Педагог фаолияти характерининг ўзгариши унинг ўқув жараёнидаги барча муносабатларига таъсир кўрсатади. Шунинг учун малакасини оширишнинг дастлабки даврида ўқитувчининг ўз янги ролига кўникиши анча қийин кечади. Фаолият характерининг ўзгариши, унинг муносабатлари ва руҳиятига ҳам таъсир қилади. Ўқитувчи ўзининг янги ролида малакасини ошириш ташкилотчилари билан янги муносабатларга киришади.

Ўқитувчи мақомининг тингловчи мақоми билан алмашуви, унинг мулоқоти, хулқ-атвори, фаолият мотивларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Унинг иккала фаолияти (ўқитувчи-тингловчи)нинг ўзаро яқинлашуви янги муносабатлар асосида амалга ошади. Бу муносабатлар кўп жиҳатдан малакасини ошириш муассасаси ўқитувчисининг шахсий, касбий сифатларига ҳам боғлиқ. Шу билан бирга, янги шароитда тингловчининг ўз фаолият мотивларини қай тарзда белгилаши ҳам муҳим ҳисобланади.

Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида тингловчи ва ўқитувчи орасида янги муносабатлар пайдо бўлар экан, уларнинг характерига ўқитувчининг профессионаллик даражаси, шахсий-касбий, психологик сифатлари, педагогик маҳорати катта таъсир кўрсатади. Бу муносабатлар диалектикаси тингловчи фаолиятини юқори даражада ташкил этиш ҳамда унинг фаолияти хусусиятини ҳисобга олишни тақозо қилади. Ўқув жараёнининг бундай бирлиги субъект ва объект муносабатларининг таълим жараёнида ўзгаришига сабабчи бўлади.

Қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда таълим жараёнини ташкил этувчи ўқитувчи тингловчи билан шундай муносабатлар тизимини танлаши керакки, унда тингловчи ўқув жараёнида ўз ўрнини англасин ҳамда ўзини таълим объекти сифатида эмас, балки унинг иштирокчиси, яққол субъекти тарзида кўрсин. Таълимни ташкил этиш тажрибасида муносабатларнинг икки тури мавжуд:

1) «Субъект-объект» муносабати, яъни таълим олувчининг ўқув материалига муносабати;

2) «Субъект-субъект» муносабати, яъни тингловчининг таълим жараёни ташкилотчилари билан муносабати.

Бу муносабатларнинг икки тури «субъект-объект» муносабатларини ташкил этиб, биргаликда ўқув жараёни тузилишини белгилайди. Буни схема кўринишида қуйидагича тасвирлаш мумкин:




Муносабатларнинг биринчи тури таълим жараёни иштирокчилари фаолиятининг йўналишини ташкил этади. Муносабатларнинг иккинчи тури таълим жараёни иштирокчиларининг ролини (ўрнини) шу ижтимоий бирликда белгилайди.

Ўқиш маълум фаолият шакли сифатида таълим жараёни иштирокчиларининг муносабатларидаги ўринларини ҳисобга олмай ташкил қилиши мумкин эмас. Бу қонуният таълимнинг объектив табиатидан, унинг иккиёқлама, кўп қиррали жараён эканлигидан келиб чиқади. Агар таълимнинг иккиёқламалиги таълим берувчи ва таълим олувчининг муносабатларида намоён бўлса, кўпёқламалиги таълим берувчиларнинг ўзаро ва ўқув жараёнининг бошқа иштирокчилари муносабатларида намоён бўлади. Таниқли психолог олим С.Л.Рубинштейн таъкидлаганидек, киши фаолияти ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун субъектнинг бошқа кишиларга муносабатини, унинг



асосини ташкил этувчи ўзаро алоқа ва мулоқоти ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмоқ лозим [90].

Шахсларaро муносабатларнинг бу жиҳатларини инобатга олиш яна шунинг учун ҳам зарурки, катта ёшдаги кишиларнинг ўз ҳамкасблари ва ўқитувчилар олдида «уялиш» ва «ўзини тийиш», яъни бирон нарсани билмасдан уятда қолиш, ўз обрўлари ҳақида ташвиш чекишлари ҳам бор. Шуни истиҳола қилиб, тингловчи ўқитувчилар маълум мавзуда ўз фикрларини очиқ баён қилишлари сўралганда, хато қилиб, гуруҳ олдида ўз обрўсининг пасайишидан қўрқадилар. Бундай «тортинчоқлик» тингловчиларни ўзаро ва ўқитувчи билан фаол мулоқотга киришишларига халақит беради.

Шунинг учун малакасини ошириш муассасасининг профессор-ўқитувчилари ҳамда маъмурияти тингловчилар билан таълим жараёнида шундай субъект-объект муносабатларини танлашлари лозимки, унинг оқибатида ҳар бир тингловчи ўз фикрларини эркин баён эта олсин.

Юқорида таъкидланганидек, ўқув фаолияти бошқа фаолият турларидан мақсад ва воситалари билан фарқ қилади. Ўқишнинг мақсади – унинг кутилган натижаси, субъект фаолиятидаги ўзгариш ва ривожланишда ҳамда тажрибасининг ошишида намоён бўлади. Маълумки, кишининг ёши ўтиши билан унда мураккаб ижтимоий, руҳий, биологик, физиологик ўзгаришлар содир бўлади. Бу ўзгаришлар инсон фаолиятининг барча жабҳаларини қамраб олади. Ўз навбатида улар катта киши ўқув фаолиятига ҳам таъсирини ўтказади. Бу ўзгариш унинг тингловчи сифатида эгаллаган позицияси ва мақомига, шунингдек, асосий фаолияти-ўқитувчилиги, жамоадаги мавқеи, маълумоти, ҳаёт тажрибасига ҳам таъсир кўрсатади. Бунинг оқибатида катта кишининг ижтимоий мавқеи, унинг ҳаёти турли даврларида ўқишга муносабатини белгилайди. Ўқув муассасаси ўқитувчисининг малакасини ошириш таълими жараёнидаги иштироки, унинг мавқеини ўзгартиради. Аммо бу ўзгариш силлиқ, руҳий қийинчиликларсиз ўтмайди. Ўқитувчининг ўқувчи сифатидаги янги роли ўзгача муносабатларга асосланади – мулоқот усулининг ўзгариши ҳамда ўқитувчининг ташкилотчиликдан ўқувчиликка ўтиши билан характерланади. Дарс бераётган ўқитувчининг тингловчилик роли, унинг ўз билими ва тажрибаси ҳамда ўқув материалини асосий фаолиятига кераклилиги жиҳатдан баҳолашига халақит бермайди. Аксинча, бу унинг интилишини кучайтиради. Шунинг учун ўқитувчи ҳаракати ва муносабати ҳамда ўқув материалининг мазмуни унинг касбий талабларига жавоб бермаса, ўқишга нисбатан унда салбий муносабат пайдо бўлади. Унинг бундай муносабатининг яна бир сабаби ҳозирги ўқиш унинг учун асосий эмас, балки асосий фаолиятга тайёрлаш вазифасини ўтайди

ҳамда бу ўқиш катта киши учун ёрдамчи бўлиб, асосий меҳнатини муваффақиятли амалга ошириш заруриятидир, – деб ёзади Ю.Н. Кулюткин [74]. Бу эса катта кишиларнинг болаларга нисбатан ўқишга руҳий муносабатини кескин ўзгартиради.

Бундан келиб чиқадиган хулоса, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида тингловчиларнинг ижтимоий ўрни ҳамда ижтимоий-психологик, психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Шунинг учун таълим жараёнини шундай ташкил қилиш керакки, унда ўрганилаётган муаммо тингловчининг асосий фаолиятига боғлиқ ҳамда ўқув муассасаси ўқув жараёни, шунингдек, ўқувчи фаолиятини қайта қуриш зарурияти сифатида қаралсин.

Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнидаги яна бир ўзига хос хусусият - тингловчи савияси, тажрибаси, тафаккурининг юқорилиги ва ўқиш мотивининг англаганлигидадир. Шунинг учун малакасини оширишни ташкил қилиш билиш фаолияти сифатида таълим субъектининг фаол иштирокида олиб борилиши керак.

Ўқиш эхтиёжи, ўз маълумотини чуқурлаштириш,- деб ёзади Ю.Н. Кулюткин, - катта кишиларда амалий ҳаётда ва ишлаб чиқариш фаолиятида пайдо бўлади, шунингдек, муаммоларни ечиш жараёнида вужудга келади. Катта киши эгалланаётган билимларини амалий жиҳатлари билан солиштириб, баҳолайди. Катта кишида билиш фаолиятининг мотиви, фаоллиги ва мақсадга қаратилганлиги, билимининг шахсий моҳияти билан белгиланади. Бу ҳам бўлса ўқув жараёнида ўқитувчиларнинг (тингловчиларнинг) ижтимоий-психологик хусусиятлари, шунингдек, таълим тизимида муҳим ўрин эгалловчи мулоқотнинг аҳамиятини эслатиш жоиз. Чунки малакасини ошириш жараёнидаги педагогик мулоқот даражаси ва функцияси билан умумий ўрта таълим мактаби, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими ҳамда олий ўқув юртидаги мулоқотдан кескин фарқ қилиши керак [74].

Тадқиқотлар педагог кадрлар малакасини оширишнинг юқоридаги талабларига жавоб беролмаслиги, курслардаги ўқув режалари реал ўқув юрти ҳамда педагогларнинг талаб ва эхтиёжларига тўла жавоб бермаслиги, уларнинг бирёқламалигини кўрсатади.

Малакасини ошириш жараёнидаги бу каби камчиликларни бартараф қилиш учун ўқув муассасасидаги таълимни ташкил қилишда илм-фаннинг сўнгги ютуқлари ҳамда илғор тажрибаларни, ўқув жараёнида янги педагогик ҳамда ахборот технологияларини қўллашнинг аниқ усуллари ва типик қийинчиликларни бартараф қилиш йўлларини кўрсатиш лозим. Таълим жараёнини шу талаблар асосида ташкил қилиш малакасини ошириш тизимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар маҳоратига ҳам оширилган талаблар қўяди. Малакасини



ошириш жараёнини ўқув муассасаси ва унда ишлаётган педагоглар эхтиёжи билан боғлаш принциплари ҳамма вақт, ҳамма жойда, ҳамма ўқитувчилар томонидан тўлиқ амалга оширилмай келмоқда. Бу талабни ҳам малакасини ошириш тизимида, ҳам ўқув муассасасида бир вақтнинг ўзида ишлайдиганларгина амалга ошира оладилар. Фақат умумий ўрта таълим мактаблари, ёки олий ўқув юртларида ишлайдиганлар малакасини оширишидаги ўқув хусусиятларини чуқур тушунмайдилар, уларнинг машғулотлари бир ёқлама ва тингловчиларнинг талабларини тўлиқ қондира олмайди.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнини такомиллаштиришни илмий асосда қайта қуриш учун бу жараён ташкилотчиларнинг тайёргарлик даражаси, тингловчилар билан муомаласи, мулоқотининг юксак даражада бўлиши ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Чунки бу тизим ўқитувчисининг вазифаси махсус методикалар, таъсир этиш усуллари, шахсий ва касбий сифатлари билан таълим жараёнида тингловчиларга янги инсонпарварлик, демократик муносабатларини шакллантиришнинг намуналарини кўрсатишлари зарур. Шу асосда тингловчилардаги салбий - «Мен ҳамма нарсани биламан» стереотипни йўқотиш мумкин.

Тингловчилар фаолияти ва тажрибасини таҳлил қилганда шундай вазиятларда бошқа ўқитувчилар тажрибасида учрайдиган қийинчиликлар, уларни бартараф қилиш учун қандай ҳаракатлар қилиш лозимлиги, ўқувчилар билими турлича бўлганда таълим мазмунини белгалашнинг ўзига хос томонлари, ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш йўлларини аниқ мисолларда кўрсатиш муҳимдир. Шунингдек, ўқитувчилар томонидан қўлланиладиган қандай усул ва воситалар ўқувчиларда билим эгаллашда рағбат уйғотиши ҳамда ўқув фаолиятини фаоллаштириб, руҳий сифатлари ва дунёқараши шаклланишига асос бўлишини аниқ мисолларда кўрсата билиш тингловчиларда курс машғулотига нисбатан қизиқиш уйғотади. Чунки таълим жараёнида ўқитувчи касбий фаолиятининг бош субъекти – ўқувчи, унинг предмети – ўқувчи маънавий дунёсининг шаклланишидир.

Тингловчиларни асосий фаолиятига сифатли тайёрлаш - уларнинг иш тажрибасидан кенг фойдаланишни тақозо қилади. Бу дидактик усул тингловчилар фаоллигининг ошиши ҳамда ўқитувчи фаолиятига маълум оширилган талаблар қўяди.

Юқоридаги вазифаларнинг тўғри ҳал қилиниши қуйидаги масалаларни ижобий ечишга асос бўлади:

1) курс машғулотлари ва улардан кейинги ўқишга бўлган салбий муносабатлар бартараф қилинади;

2) ўқитувчиларда кўп учрайдиган - курсда баён қилинган маълумотлар уларга маълум эди, деган нотўғри тасаввур бартараф қилинади.

Баён қилинган омиллар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишида таълимни ташкил қилишга таъсир қилади. Аммо таълим жараёнига салбий муносабат ва ўзига ортиқча ишонч руҳий-дидактик омиллар ҳисобланади. Таълим жараёнида ўқитувчининг катта киши сифатида фаолияти ва шахсининг хусусияти эътиборга олинмаса, бундай ҳолат кучли намоён бўлади. Бунинг оқибатида шаклланган эскича фикрлаш стереотипи билан касбий фаолиятга янги илмий ёндашувлар, ижтимоий талаблар орасида зиддиятлар вужудга келиб, таълим-тарбияда юқори кўрсаткичларга эришиб бўлмайди. Кўриб чиққанимиздек, катталарни ўқитишнинг ижтимоий-психологик, дидактик хусусиятлари малакасини ошириш муассасаларидан кўчиб, мактаб таълимини ташкил қилишга ҳам таъсир қилади. Буларга асосланиш эса малакасини оширишда ўқув жараёнини тўғри ташкил қилиш, унда ўқитувчи ва тингловчи муносабатларини йўлга қўйишга асос бўлиб, анъанавий ўқитиш методикасидан воз кечишга олиб келади.

Ўз навбатида бу ишларни тўғри ташкил қилиш асосида қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида таълимни ташкил қилишнинг юқори савиясига эришиш, тизим хусусияти ва таълим субъекти даражасини инобатга олиш мумкин бўлади. У ёки бу воситаларни танлаш мезони, улар фаолиятининг кутилган мақсадига мос келишидир. Чунки мақсад худди қонун каби усул ва ҳаракатни белгилайди. Бу хулоса ўқитувчига педагогик таъсир воситаси ўқувчи, талабадан фарқ қилишини илмий асослайди, десак хато бўлмайди.

Таълимнинг бу функцияси ечилиши лозим бўлган вазифаларни ҳал қилишда ўқитувчи ва тингловчи ҳаракатининг яхлитлигини таъминлайди. Таълим жараёнини шу асосда бошқариш унинг натижаларига эришишни тезлаштиради. Шу билан бирга таълим берувчиларнинг ўз ҳаракатларини ўзлари назорат қилишлари учун шароит яратиб, ўқув ахборотини ўзлаштиришни ҳам назорат қила олади. Бунда энг муҳими ўқув операцияларини бажариш кетма-кетлигига риоя қилиш, ўзлаштириш натижаларини назорат қилиш ҳамда ўз-ўзини назорат усуллари муҳим ҳисобланади.

Бунинг оқибатида билим, кўникма ва малакаларининг кучли ва саёз томонлари аниқланади. Таълим жараёнида иккиёқлама алоқанинг ўрнатилиши, таълимда режалаштирилган натижа билан эришилган натижа ўртасидаги ўзаро мувофиқлик, коррекциялаш, ташхис қўйиш имкониятини яратади.



Коррекция, қўлланилган воситалар таълим натижалари билан таққосланганда, натижалар ўқитувчини қаноатлантирмаса - бу танланган воситаларнинг ҳам яроқсизлигини англатади. Шу асосда таълимни ташкил қилиш, унинг шакл, метод ҳамда воситаларини ўзлаштириш лозимлигини кўрсатади. Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида таълимни йўналтиришнинг моҳияти яна шундаки, бунда нафақат ўқитувчи фаолиятини тартибга солиш, балки уларнинг биргаликдаги фаолиятини ташкил қилиш жуда муҳимдир.

Бизнинг тадқиқотимиз мантиқи нуқтаи назардан ҳамда катталар таълимини ташкил қилиш жиҳатдан бундай ёндашув методологик аҳамиятга эга. Бунда таълим жараёнини ташхис қилишнинг икки хилидан фойдаланилади. Яъни ўз-ўзига баҳо бериш (ҳам ўқитувчи, ҳам тингловчи) ва эксперт баҳолаш (тингловчи фаолиятини ўқитувчи) амалга оширилади. Бу икки хил ташхисли баҳолашнинг муҳимлиги яна шундаки, унда икки фаолият ўқитиш ва ўқиш яқинлашади. Бундай яқинлашиш тингловчи касбий маҳоратини янада такомиллаштириш учун туртки бўлади.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёни тизимли таҳлилининг кўрсатишича, уни ташкил қилишдаги энг катта камчилик катталар таълимининг руҳий-педагогик хусусиятларини инкор қилиш, шунингдек, катталар таълимида ҳам ўқувчи ва талабаларни ўқитиш усул ва воситаларининг қўлланилиши унинг таъсирчанлигини кескин пасайтириб юборади.

Катталар таълимини ташкил қилишдаги авторитар вазият яна бир салбий ҳолатга - курс тингловчиси шахсий ғурурининг поймол бўлишига олиб келади. Ўз навбатида бундан келиб чиқувчи хулоса, катталар таълимини ташкил қилиш шакли ва методларини ҳамда жараён (иштирокчилари) субъектларининг ўзаро муносабатларини мустақиллик мафкураси талаби асосида – эркин, озод ва мустақил фикрловчи фуқарони шакллантириш томон ўзгартиришдир. Бундай шароитда катталар, айниқса ўқитиш, ўргатишда мутахассис бўлган ўқитувчиларни ўқитишнинг илмий-назарий асослари, уларнини ижтимоий-психологик, физиологик хусусиятлари асосида ишлаб чиқиш долзарб муаммо ҳисобланади (катталар таълимини инсонпарварлаштириш, гуманитарлаштириш).

Катталар таълимида ўқишга муносабат уларнинг касбий эҳтиёжларини ҳисобга олиш даражасига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Айнан шу омилларни ҳисобга олиш катталарни ўқитишда таълимга муносабатнинг характерини ва ўқишдаги хулқ-атворига жиддий таъсир қилади.

Тадқиқотимиз жараёнида ўтказилган таҳлилларимиз тингловчилар ўқишига муносабатининг характери уни ташкил қилиш даражаси,

ўқитувчилар билан тингловчилар орасидаги муносабат ва тингловчилар ўқув-билиш фаолиятини ташкил қилиш усулларига боғлиқлигини кўрсатди. Катталар таълимини қайта қуриш фақатгина таълим жараёни бошқарув механизмларини қайта қуриш орқали амалга оширилиши мумкин. Юқорида қайд қилганимиздек, ўқув жараёни таълим субъект ва объектларининг ўзаро алоқадорлиги тарзида қурилади. Бунда ўзаро алоқадорликни ўқув вазиятлари тарзида ҳам қарашимиз мумкин. Бошқача қилиб айтганда, вазиятни субъектларнинг ўзаро таъсири тариқасида ҳам қараш мумкин. Ўқув-педагогик вазиятлар ўз моҳияти билан ижтимоий бўлиб, бошқа ижтимоий ҳодисалардан ўзининг субъект-объект муносабатлари билан фарқ қилади. Аммо бу муносабатлар маълум босқичлар билан белгиланади. Бу жараёнларга эталон меъёрларининг киритилиши ўқув жараёнини назорат қилиш учун шароит яратишга мўлжаллангандир. Аммо таълим-тарбияда улардан фойдаланишда шаблон ва қаттиқ чегаралар бўлмаслиги (белгиланмаслиги) лозим. Уларни таълимда қўллаш ташқи таъсирнинг ички ўз-ўзини назорат қилишга ўтказиш воситаси сифатида қараш мумкин.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишининг ҳозирги босқичида тингловчилар билиш фаолияти репродуктив даражада ташкил қилиниб, олинган билим ва кўникмалар хотира омборига тўпланиб, керак бўлган ҳолларда улардан фойдаланилади. Таълимни ташкил қилишнинг бундай шакли тингловчиларнинг ўқишда билиш имкониятларидан тўла фойдаланиш ҳамда уларнинг фикрлаш фаолиятларининг ривожланишига йўл очиб бера олмайди. Ҳолбуки, малакасини ошириш жараёни ўқув фаолияти фаол мустақил изланиш, ўрганиш тарзида, ёки ижодий жараён сифатида тингловчи назарий билим ва амалий тажрибасидан фойдаланиш, уни маълум масалаларни касбий ҳал қилиш жараёнига жалб қилиш тарзида ташкиллаштирилиши лозим. Шундай қилиб, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдаги катталар таълимининг хусусияти тингловчининг онгли мустақил ва фаол фаолиятини ташкил этишга асосланиши, уни касбидаги маълум педагогик вазиятларни ечишга жалб қилишдан иборат бўлмоғи лозим.

Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёни ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги мураккаб ва кўпқиррали фаолиятларидан ташкил топади. Бундай жараённинг моҳияти уларнинг индивидуал хусусиятлари, ўқув материалининг мазмуни, жараённи амалга ошириш шароитларига боғлиқ бўлади. Бу эса катталар таълимига ижодий ёндашув ҳамда турли-туман методларни қўллашни тақозо қилади.



Шундай қилиб, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнидаги таълимни ўқитишнинг бошқа шакллари билан таққослаш, унинг ўзига хос тузилиши ва хусусиятларини - таълим мақсади, объектнинг ўзига хослиги, ўқитувчи шахси ва фаолиятининг катта ёшдаги шаклланган мутахассис сифатида намоён бўлишини тасдиқлади. Бу эса тингловчи ўқув фаолиятининг тузилиши билан белгиланиши, унинг таълим жараёнининг фаол субъекти бўлишини тақозо қилишини кўрсатди.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнининг камчиликларидан бири таълим жараёнини ташкил этишда катталар таълимига хос психологик-педагогик хусусиятларни инкор қилишдир. Мактаб таълими, ёки ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, ёки олий таълимга доир методикалар, ўқитиш усулларини асоссиз равишда катталар таълимига кўчириш ҳам унинг таъсирчанлигини пасайтирмоқда. Шунингдек, унинг самарадорлигига салбий таъсир қилаётган омиллардан яна бири малакасини ошириш жараёнининг авторитар тарзда ташкил қилиниши, яъни катталар таълимида демократик ва инсонпарварлик муносабатларининг йўқлигидир. Таълим берувчи ўқитувчининг диктаторлиги, баҳолаш мезонлари ва ўқув режаларининг «қаттиқлиги» ҳам тингловчиларда ўқишга хоҳишнинг пасайишига ёки «қўрқуви»га сабабчи бўлмоқда. Булардан ташқари малакасини ошириш босқичлари ва шакллари ўртасида узвийлик ҳамда қатъийликнинг маънавий ва моддий жиҳатдан баҳоланмаслиги тингловчининг малакасини оширишга бўлган рағбатининг пасайишига сабабчи бўлмоқда.

Юқорида таъкидлаганимиздек, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ўзига хос касбий таълимнинг тури ҳамда катталар таълимининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, мазкур тизим учун махсус мутахассис ўқитувчиларнинг махсус тайёрланмаслиги ҳам бу тизимнинг ривожланишига салбий таъсир қилмоқда. Шу асосда катталар таълимининг методик асосларини ишлаб чиқиш, малакасини ошириш тизимида ёши ҳамда руҳий-физиологик, педагогик фаолияти ва шахси хусусиятларини ҳисобга олиш асосида малакасини оширишни ташкил этиш илмий-амалий заруриятга айланмоқда.

Биз изланишимизни шаклланган илмий фаразимизни асослаш ҳамда малакасини ошириш муассасалари ходимлари иш тажрибаларини ўрганиш мақсадида ташкил қилдик.

Бунда соҳа мутахассисларининг (малакасини ошириш институтлари ўқитувчилари) аксарияти малакасини ошириш тизимидаги таълимнинг умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий таълим мактабидаги фарқини аниқ тасаввур қила олмайдилар.

Жумладан, сўралганлардан кўрсатилган таълим муассасалари билан малакасини ошириш курсларида ўқитиш фарқини изоҳлашда: 33,3% - «малакасини ошириш курсларида касб маҳоратини оширади»; 49-50% - «ҳа, фарқ қилади»; 13,33 % - «жуда ҳам фарқ қилади» ва 3,33% - жавоб беролмадилар. Шунингдек, кўрсатилган таълим муассасалари орасидаги умумийлик ва фарқни аниқ педагогик нуқтаи назарда асослай олмадилар.

Малакасини оширишнинг ўзига хос томонларини аниқ тасаввур қила олмаслик таҳсил олувчилар билим савиясига ҳам салбий таъсир қилади.

Малакасини ошириш муассасалари ходимларидан тингловчиларнинг «Таълим олиш даражаси сизни қаноатлантирадими?», деб сўралган саволга - 51,6% - асосан қаноатлантиради; 38,3% - унча эмас; 36,8% - қаноатлантирмаслигини эътироф этишди.

Бундан ташқари тингловчилардан: «Курс давомида ўзингиз учун етарли амалий ва назарий билим ола билдингизми?», деб сўралганда - 46,6% - «ҳа»; 53,33% - етарли эмас; 10% - фақат амалий билим олдик; 16,66% - фақат назарий билим олдик, деб жавоб беришди. Рақамларда ифодаланган кўрсаткичлар (фарқлар) ҳам бу таълим муассасаларида кадрларни қайта тайёрлашни тақозо қилинишини кўрсатмоқда.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнининг камчиликларини аниқлар эканмиз, уни такомиллаштириш, қуйидаги асосларда амалга оширилиши мумкин, деб ҳисоблаймиз:

1. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш нафақат катталар таълим тизими, балки уларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш тизими ҳамдир. Шунинг учун унинг мазмун, шакл ва методлари умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда олий таълим тизимларидан фарқ қилиши лозим.

2. Педагог кадрлар малакасини ошириш - таълим соҳаси мутахассиси фаолиятини такомиллаштириш тизими ҳисобланади. Чунончи, малакасини ошириш тизимининг бошқа таълим тизимларидан кескин фарқи шундаки, унда таълим олувчилар таълим-тарбия соҳаси мутахассиси сифатида ўқишга ёндашадилар. Тингловчиларнинг мутахассислиги нафақат малакасини оширишнинг фойдалилиги, яъни қандай билим, кўникма ва малакаларга эга бўлганлиги нуқтаи-назардан, балки уларни ўқитганларнинг фаолияти қай даражада амалга ошганлигини ҳам баҳолашга имкон беради.

3. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг юқоридаги хусусиялари, уни амалга оширувчилар - маърузачи, дарс берувчилардан касбий тайёргарликка эгалик, катталарнинг ўзига хос хусусиятларини билувчи мутахассислар бўлишларини педагогик заруриятга айлантиради.



## 2.5. Ўқитувчи педагогик фаолиятининг тузилиши ва унга бўлган ижтимоий педагогик талаблар

Ўқитувчи касбий маҳоратини оширишни илмий тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилиб, шундай хулосага келдик: касбий маҳоратни оширишнинг бош мақсади ўқитувчи шахси ва унинг фаолиятини такомиллаштириш ҳамда шу асосда таълим-тарбия сифатига жамиятнинг ошиб бораётган талаби билан ўқитувчи шахсий тайёргарлиги ўртасидаги ўзаро мутаносибликни шакллантиришдан иборат. Мадомики шундай экан, педагог фаолияти мазмуни ва тузилишининг илмий-назарий ҳамда амалий асосларини ёритиш ҳам муҳим масала ҳисобланади.

Ўқитувчи меҳнатини такомиллаштириш - унинг педагогик фаолияти тузилишига асосланиши лозим. Инсон фаолияти ниҳоятда мураккаб ҳамда ижтимоий муҳим бўлганлиги учун уни ўрганишга кўплаб ижтимоий фанлар - фалсафа, социология, психология, педагогика - жалб қилинган. Ушбу фанлар далиллари асосида инсон фаолиятига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Фаолият инсоннинг воқеликка бўлган фаол муносабатининг шундай шаклики, у орқали у ўзи яшаб турган олам билан реал алоқа ўрнатилади. Фаолият - ҳар бир шахснинг ички руҳий ва ташқи жисмоний онгли мақсадга қаратилган фаоллигидир.

Инсон ўз фаолияти воситасида табиат, нарса ва ҳодисалар, кишиларга таъсир кўрсатади. Фаолияти давомидаги ҳаракатларда инсон ўз ички руҳий хусусиятларини ошкор амалга оширади. Шу жараёнда ташқи олам нарса ва ҳодисаларига нисбатан шахс субъект сифатида, ўз фаолиятида уларга нисбатан объект тарзида намоён бўлади. Фаолият билиш ва ирода билан боғлиқ бўлиб, уларга асосланади. Фаолият инсоннинг ички (психик) ва бошқа (жисмоний) онгли мақсадга қаратилган фаоллиги тарзида англаган мақсад орқали бошқарилади.

Юқорида айтганимиздек, фаолият кўпқиррали бўлиб, у инсон онгли ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олади, ёки турли хилда намоён бўлади. Илм-фан намоёндаларининг уни ҳар томондан тадқиқ қилишларига асос бўлди. Фаолият назарияси билан файласуфлар (Л.П. Буева, М.С. Каган, Г.А .Спиркин), психологлар (А.Н. Леонтьев, С.Л. Рубинштейн, Б.Г. Ананьев, Н.Д. Левитов, Ф.Н. Гоноболин), педагоглар (И.А. Щербаков, Н.В. Кузьмина, В.А. Сластенин, Г.И. Щукина, Ю.Н. Кулюткин, Ж.Ғ. Йўлдошев, К.З. Зарипов)лар шуғулланганлар. Улар фаолиятни ташкил қилишда инсоннинг мақсадли ҳаракати асосан субъект ва объектнинг ўзаро таъсири тариқасида намоён бўлишини асосладилар. Фаолият эхтиёж асосида содир бўлади. Инсон ўз эхтиёжини қондириш учун мақсадли ҳаракат қилади.

Аммо бизни умуман фаолият назарияси эмас, балки кўпроқ педагогик фаолият қизиқтиради.

Педагогик фаолиятни, айниқса, ўқитувчи фаолиятини тадқиқ қилишда Н.В. Кузьминанинг хизматлари каттадир. Унинг ишлари асосида ўқитувчи фаолиятининг тузилиши аниқланади. Олиманинг фикрига кўра, фаолият кўпгина педагогик топшириқларни ҳал қилиш жараёни ва шу асосда педагогик қийинчиликларни бартараф қилиш йўлларидир. Ўз тадқиқотлари [67; 68; 69] асосида Н.В. Кузьмина шундай умумназарий хулосага келадики, ўқитувчи фаолиятининг тузилиши унинг шахси тузилишига мос келади.

В.А. Сластенин [98] ўқитувчи шахсини ўрганиб, унинг фаолият билан яхлитликда шаклланишида таълим (яъни ўқиш даври) ва амалий фаолият белгиловчи роль ўйнашини аниқлади. Шу асосда ўқитувчи шахсининг модели – профессиограммаси (касбий характеристикаси) ишлаб чиқилди.

Хўш, педагогик фаолият нима? Педагогик фаолият, деб инсоният тўплаган билим, ижтимоий тажриба, маданий ва маънавий бойликларни ёш авлодга сингдириш, улар шахсини ривожлантириш ва жамиятда маълум ижтимоий вазифаларни бажаришга тайёрлашга қаратилган ижтимоий фаолиятнинг алоҳида турига айтилади, десак хато бўлмайди. Унинг мазмуни мақсадида намоён бўлади. Мақсад олдиндан кўзлаган натижанинг англанган образи бўлиб, инсон фаолияти унга эришишга қаратилади. Мақсад – ўз фаолиятининг мазмунини замон талабларига жавоб берадиган этиб ташкил қилиш ва ёш авлод тарбиясини ислоҳот талаблари даражасида ташкиллаштириш ҳисобланса, ўқитувчи фаолиятининг мазмунини таълим олувчиларнинг ривожланиши ва ижтимоий-маданий тажрибасини ўзлаштиришларига қаратилган ўқув фаолиятларини ташкил қилишга ўз фаолияти мақсадини мувофиқлаштиришдир. Ўқитувчи ўз фаолиятини маълум воситалар ёрдамида амалга оширади. Ўқитувчи фаолият воситалари билим (назарий ва амалий), дарслик, ўқув қўлланмалари воситасида ўқувчиларни табиат ва жамият тараққиёт қонунларини англаб олишларини таъминлашдан иборат. Ўқитувчи фаолиятининг мухтасар натижаси ўқувчиларнинг эгаллаган билим ва тарбияланганлик даражаси билан ўлчанади. Педагог фаолиятининг намоён бўлиш шакллари таълим ва тарбия жараёнидир. Педагогик фаолиятни такомиллаштиришнинг зарурлигини тушуниш учун, энг аввало, унинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятини аниқлаш керак. Ўқитувчи педагогик фаолиятининг ўзига хос хусусияти унинг объекти билан белгиланади. Педагог фаолиятининг объекти ривожланаётган ўқувчи шахсидир. Педагогик фаолият маҳсули бошқа одам руҳий



қиёфасида, унинг билим, кўникма ва малакасида, характер ҳислатларида ўз ифодасини топади.

Ўз фаолияти жараёнида педагог кўпгина педагогик масалаларни ечишга тўғри келади. Ҳар сафар ўқувчи фаолиятининг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши билан масала яна бошқача тарзда пайдо бўлади. Чунки ўқувчиларга билим бериш доимий равишда улар фаолиятининг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши орқали амалга оширилади. Бунда педагог ўз ва ўқувчи фаолиятини ўзгартириб, бошқариши муҳим.

Бундан ташқари педагогик фаолиятнинг яна бир муҳим хусусияти унинг билим бериш, ўргатиш эканлигидадир. «Ўқув- билув фаолияти, - деб ёзади Г.И. Щукина, - таълим жараёнини аниқ характерлайди: бу махсус фаолият бўлиб, жамият учун зарур, бу биргаликдаги фаолият, бола билан катталарнинг ҳамкорлик шакли, энг муҳими, унда билиш жараёни, ёш авлоднинг ижтимоийлашуви амалга оширилади» [109, 15-16]. Шунинг учун ўқитувчи фаолиятининг тузилиш, мазмун ва хусусиятларини билмасдан туриб, унинг касбий билим, кўникма ва малакалари ҳамда шахсий сифатларини мақсадга мувофиқ шакллантириш мумкин эмас. Бундан ташқари ўқитувчи фаолиятини ўрганишга шундай ёндашув методологик жиҳатдан ҳам зарур. Педагог касби ва шахсига методологик ёндашиш педагогика фанининг ҳозирги тараққиёт босқичида фаолият ва шахс таҳлили нуқтаи назаридан қарашни тақозо қилади. Шу билан бирга биз танлаган тизимли ёндашув уни ҳам амалий, ҳам муқаррар эҳтиёжга айлантиради. Педагог фаолиятига шундай ёндашув бу мураккаб ва жамият учун зарур бўлган ижтимоий касбнинг назарий ва амалий томонларини очиш имкониятини беради.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримов ўқитувчининг мураккаб ва шарафли касбини фахр билан таъкидлаб, ёзади: «Тарбиячи-устоз бўлиш учун бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқаро этиб етиштириш учун, энг аввало, тарбиячининг ўзи ана шундай юксак талабларга жавоб бериши, ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак» [3, 371]. Кўраяпмизки, бунда педагог шахсининг тарбиявий таъсирига алоҳида урғу берилган. Педагог касбининг моҳияти таълим ва тарбиявий таъсирларни яхлитликда касби ва шахси орқали амалга оширишдир. Шунинг учун ўқитувчи касбини фаолият ва шахс нуқтаи назардан таҳлил қилиш муҳимдир. Бунда фаолият жиҳатдан ёндашув касбий вазифаларини тушуниш учун асос бўлса, шахси жиҳатдан таҳлил унинг таълим-тарбия учун зарур бўлган сифатларини тушунишга хизмат қилади. Буларсиз ўқитувчи касбий фаолиятини тўлиқ амалга ошира олмайди. Педагогик тажриба ҳамда педагогика,

психология фанларининг ютуқлари шундай хулоса чиқаришга тўлик асос бўла олади. Ёшларга таълим бериш, касб-ҳунар ўргатиш ўқитувчининг нафақат мактабда, балки ундан ташқаридаги қатор муассаса ва ташкилотлар, маҳалла, жамоатчилик орасида амалга оширишини тақозо қилади. Бундай ижтимоий муносабатлар тизимида ўқитувчи ўз мансаб лавозими талабини бажаради. Маълумки, таълим-тарбия, касб-ҳунарга ўргатиш жараёнида ўқитувчи якка ўзи эмас, балки бутун педагогик жамоа билан биргаликда ҳаракат қилади. Бунда у жамоа аъзоси сифатида ўз муносабат ва ҳаракатлари ҳамда ролини жамоа билан мувофиқлаштиради.

Н.В. Кузьмина ўқитувчи фаолиятининг тузилишини конструктив, ташкилотчилик, коммуникатив, гностик, режалаштириш, лойиҳалаштириш тарзида баён қилади ва унинг фаолияти билан шахсий сифатлари бир-бирига тенг, деб таъкидлайди. Амалда фаолият билан шахсий сифатлар бир-бирига тенг эмас. Шунинг учун ҳам биз уни қабул қилолмадик. Педагог кадрлар малакасини ошириши масалаларини кўп йиллар давомида тадқиқ қилган ва шу соҳада ҳам амалий фаолият билан шуғулланганимиз учун педагог фаолиятининг тузилишини тасниф қиламиз.

Ўқитувчи фаолиятининг тузилиши қуйидагича: а) ролли; б) функционал; в) бошқарув; г) рефлексив; д) тадқиқотчилик (қаранг: 2.5.1- чизма).

Ўқитувчи фаолиятининг ролли тузилиши унинг таълим муассасасидаги ўрни, муносабатини ифодалаб, ҳамкасблари ўртасидаги мавқеи, иш жараёнидаги муносабатларда маълум позициясини билдиради. Ўқитувчининг нафақат ҳамкасблари, балки ўқувчилар билан муносабатларини ҳам ифодалайди. Ҳар бир педагог маълум жамоада фаолият кўрсатади. Жамоада ўқитувчи раҳбар (директор), унинг ўринбосарлари ҳамда ўқувчиларнинг ота-оналари билан ҳам мулоқотда, муносабатда бўлади, яъни турли ҳолатларда турли ролларни бажаради.

Педагогнинг функционал фаолияти тузилиши ўзининг таълим-тарбия, касб-ҳунар ўргатишда бевосита ўқувчиларга йўналганлиги билан характерланади. Ўқитувчининг функционал фаолияти тузилишини биринчилардан бўлиб Н.В. Кузьмина ўрганиб, таҳлил қилиб, компонентларга бўлиб, янгилик сифатида таклиф қилган эди. Шунга кўра ўқитувчи фаолияти тузилиши конструктив, ташкилотчилик, коммуникатив, лойиҳалаш ва гностик компонентлардан иборат бўлади. Бу компонентлар бугунги кунга келиб етарли даражада ўрганилган. Улардан лойиҳалаш компоненти анча кам ўрганилган. Шунинг учун ушбу компонент устида қисқача тўхталамиз.



2.5.1-чизма

**Ўқитувчи педагогик фаолиятининг тузилиши:**




**Лойиҳалаш** компоненти ўқитувчи фаолиятида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил қилиш, касб-ҳунар ўргатиш шарт-шароитларини иш истиқболини режалаштиришда намоён бўлади. Шунингдек, лойиҳалаш қолган компонентларни ягона мақсадга йўналтира олиш функциясини ҳам бажаради. Таълим жараёнини тўғри ташкил қилиш, машғулотни эмоционал жиҳатдан таъминлаш, уни амалга ошириш каби талаблар ҳам лойиҳалаш компонентининг вазифасига киради.

Ўқитувчи фаолияти амалиётида юқорида кўрсатиб ўтилган компонентлар яхлитликда намоён бўлади. Ўқитувчи фаолиятининг мураккаб томони ҳам тузилишининг кўп қиррали, турли компонентдан иборат эканлигидадир.

Ўқитувчи фаолиятида бошқарув компонентининг моҳияти ниҳоятда муҳимдир, чунки у таълим-тарбия жараёнида ўқувчилар руҳий ривожланиши ва ҳолатини бошқаради. Таълим-тарбия жараёнида

ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятларини тартибга солиш, мақсадга йўналтириш унинг натижасининг юқори бўлишини таъминлайди. Маълумки, таълим жараёни субъект-объект даражадаги муносабатлардан иборат бўлади. Бунда ўқувчи таълим-тарбия жараёнининг бошқарилувчи объекти сифатида, ўқитувчи бошқариш субъекти тариқасида намоён бўлади. Таълим-тарбия жараёни иштирокчиларниг муносабатлари ва роллари ҳам маълум вазиятларда ўзгаради - объект-субъект, субъект-объект каби. Ўқитувчининг ўқув-тарбия жараёнидаги бошқарувчилик роли ўзгарувчандир. У ўқиш моҳияти, таълим-тарбия, касб-ҳунарга ўргатиш мақсад ва вазифаларга қараб ўзгариб туради.

Ўқув-тарбия жараёнининг инсон фаолиятининг бошқа турларидан фарқи - мураккаблиги ва икки ёқламалигидир. Таълимда ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларининг икки ёқламалилигидаги уларнинг ўрни, ролининг тарихий характерга эгалигидан дарак беради. Узоқ йиллар давомида таълим жараёнида асосий фигура ўқитувчи, таълимни бошқариш роли унгагина боғлиқ, деб қаралиб келинди. Ҳозир таълим тубдан ислоҳ қилинаётган шароитда ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари (субъект-объект)нинг моҳияти ўзгарди. Жамиятимизда инсон энг олий қадрият сифатида қаралаётган, ҳамма жабҳаларда инсон омили ошаётган пайтда, таълим жараёнини инсонпарварлаштириш, демократлаштириш муҳим бўлиб қолди. Шу билан бирга таълимнинг мақсади ҳам ўзгарди. Таълим ёшларни ўзгарувчан бозор муносабатларига, рақобатга тайёрлаши лозим бўлиб қолди. Бу талаб уларни мураккаб вазиятлардан мустақил равишда чиқишга ўргатишни тақозо қилади. Бундай шароитда ўқув-тарбия жараёнидаги субъект-объект муносабатларининг моҳияти кескин ўзгарди, энди ўқувчини ўқитиш, тайёр билимларни эгаллаш эмас, балки унинг ўзини билим олишга, мустақил ўрганишга ўргатиш ҳолати вужудга келмоқда. Бундай шароитда ўқитувчининг таълим жараёнидаги бошқарувчилик роли ўқувчи шахсини фаоллаштиришда бўлиб қолмоқда. Таълим жараёнидаги бошқарувчанликнинг моҳияти ҳам икки ёқламадир, яъни педагог ҳам ўз фаолиятини, ҳам ўқувчилар фаолиятини бошқариш функциясини бир бутунликда амалга оширади. Бунда бошқаришнинг натижаси ҳар икки фаолиятнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш билан белгиланади.

Бу эса ўқитувчида ўқувчи фаолиятини турли ўқув топшириқларини ечишга йўналтириш, тартибга солиш маҳоратининг шаклланганлигидан дарак беради. Назорат ва баҳолаш - ўқувчиларнинг ўқув топшириқларини бажариш жараёнининг натижаларини якуний баҳолаш, таҳлил қилиш, камчиликларни бартараф қилиш, ўзгартиришлар киритиш (коррекциялаш) каби вазифасини ўз ичига олади.



Ўқитувчининг рефлексив фаолияти моҳияти шундан иборатки, агарда ўқитувчида ўзи-ўзини бошқариш механизмлари шаклланган бўлса, шунда ўқувчи фаолиятини рефлексив бошқариш муваффақиятли кечади. Бунда фаолиятининг йўналиши, мақсадини танлай билиш ҳамда уни амалга ошириш йўл ва воситаларини ўз-ўзини назорат асосида ташкил қила билиш муҳим аҳамият касб этади. Инсон ижтимоий бошқарув ва назоратни ички эҳтиёж тариқасида қабул қилганда, унда ички «мен назоратчи» ва «мен бошқарувчи»лик ўртасида функционал боғланишлар тизими ҳосил бўлади [64, 22]. Буларнинг ўзаро алоқаларини инсоннинг ўзини рефлексив акс этишига асосланади. Бунда шахс «мен назоратчи» субъект тарзида намоён бўлиб, ўз ҳаракатларини ўзининг таҳлил объектига айлантиради ва ўзини ўзи бошқаради. Реал ўқув-тарбия жараёнида рефлексив бошқариш жараёнлари ўзаро яхлитликда намоён бўлади ва ўқитувчи фаолиятини ташкил этишда муҳим ўрин эгаллайди.

Шундай қилиб, ўқитувчи фаолиятининг рефлексив компоненти бир томондан ўқувчи шахсини рефлексив акс эттирса, иккинчи томондан ўз-ўзини инъикос этишидир. Бошқача қилиб айтганда, ўқитувчининг ўқувчи ҳолатига кириши, уни тушуниши, унинг ўрнига ўзини қўя билиши асосида педагогик таъсир кўрсатиш тактикаси ва стратегиясини белгилаши ҳисобланади. Рефлексив компонентнинг функциясига мустақил фикрловчи, фаол, ўзини идора қила оладиган, комил шахсни шакллантиришда ўқитувчи фаолиятини осонлаштириш вазифаси киради.

Ўқитувчи фаолиятининг тадқиқотчилик компоненти етарли тадқиқ қилинмаган. Албатта, унинг кам ўрганилганлиги уни инкор қилиш учун асос бўла олмайди. Жамият қанча юксак ривожланса, унинг таълим-тарбиянинг сифат ва самарадорлигига талаби ҳам ошиб бораверади. Буни ҳозир ҳар қайсимиз таълим ислоҳотининг вазифаларини ечишда ўз амалий фаолиятимизда ҳис қилмоқдамиз. Таълим-тарбия, касб-ҳунарга ўргатиш, нелоҳот қўйган мураккаб вазифалар ҳар бир ўқитувчини изланишга, тадқиқотчи бўлишга ундайди.

Таълим-тарбия, касб-ҳунарга ўргатишни янги методологик асосда ташкил қилиш ўқув жараёнини фан билан, тадқиқот билан яқинлаштиради. Шу билан бирга ўқитувчидан илғор педагогик тажрибаларнинг моҳиятини тушуниш, уларни ўрганиш ва умумлаштириш ҳамда ўз амалий фаолиятида қўллашни ҳам долзарб масалага айлантиради. Шу вақтда ўз педагогик тажрибасини мунтазам таҳлил қилиш, ундаги ютуқ ва камчиликларни аниқлаш асосида ўзгартиришлар киритиш ўқитувчининг изланишларисиз амалга ошмайди. Бунинг учун педагог ўқув-

тарбия жараёни ҳамда ўқувчилар шахсини мунтазам ўрганиб бориши лозим бўлади.

Ўқитувчи ўзининг умумпедагогик ва методик тайёргарлиги, таълим-тарбияга ижодий ёндашуви, касбий билим, кўникма ва малакалари ҳамда ўз фаолиятини доимий таҳлил қилиш билан қўшиб олиб бора олсагина, юксак педагогик маҳоратга эришиши мумкин.

Таҳлилий фаолият малакасини оширишнинг мазмунини ташкил этар экан, тадқиқот изланишсиз амалга ошмайди.

Педагогик маҳорат шаклланишининг дастлабки босқичи тадқиқотчиликдан бошланади. Ўқитувчи фаолиятида тадқиқотчилик ғайритабиий ҳол эмас, балки унинг касби ва шахсининг тақозосидир. Ўқитувчининг тадқиқотчилик фаолияти касб-ҳунар ўргатиш ва таълим-тарбиянинг назарий ва амалий муаммоларини ечиш калитидир.

Таълим жараёни таҳлилининг кўрсатишича, ўқитувчида тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш ҳамда фаолиятининг белгиловчи хусусиятига айлантириш учун уни ўқитувчининг касбий заруриятига айлантирилиши керак. Ўқитувчи бу сифатларни ўз ўқувчиларида ҳам шакллантириш муҳимдир.

Таълим ислоҳоти мустақил фикрловчи, эркин, озод шахсни шакллантириш вазифасини зарурият тарзида қўйди. Ўқувчи ўқиш, шаклланиш даврида мустақилликка ўргатилмаса, келажак фаолиятида муваффақиятга эриша олмайди. Маълумки, ўқитувчи фаолияти таркибида тадқиқотчилик унинг маънавий ва касбий камолотининг асосидир. Ўқитувчининг мураккаб фаолиятини таҳлил қилишда тадқиқотчилик, ундаги камчиликларни ўз вақтида аниқлаш, педагогик қийинчиликларни бартараф қилиш воситаси ҳамдир. Шулардан келиб чиқиб, педагогик фаолият таркибида тадқиқотчиликни алоҳида компонент сифатида белгилаш илмий ва амалий нуқтаи назардан ўринлидир.

Ўқитувчи фаолиятидаги ҳар бир компонент ўз тузилиши ва хусусиятига эга. Аммо ўқитувчи педагогик фаолиятида барча компонентлар ўзаро алоқадорлик принципига амал қилади. Ўқитувчи фаолиятидаги ҳар бир компонент худди тўлқинлар интерференциясидек бир-бирини кучайтиради.

Ўқитувчи педагогик фаолиятининг тузилишини тадқиқ қилишни якунлар эканмиз, таълим жараёнининг субъект-объект муносабатлари тарзида содир бўлишини қайд қилишимиз лозим. Шундан келиб чиқиб, ўқитувчи қандай алоқага кириши, унинг ўрни ва ролини ҳамда фаолиятининг характер ва турини белгилайди.



Шундай қилиб, ўқитувчи фаолият тузилиши бўйича мураккаб ва кўп қирралидир. Табиий равишда бу мураккаблик унинг касбий функцияси характерига мосдир.

Агар биз малакасини ошириш муассасалари фаолиятига шу нуқтаи назардан қарасак, аксарият ҳолларда ўқув жараёнида ўқитувчи фаолиятини такомиллаштириш, ёки ўзгартириш, ҳеч бўлмаганда тузилиши ва таркибини ўрганишга эътибор берилмаслигини кўрамиз. Кўпчилик ҳолларда малакасини оширишда гностик (билим бериши) фаолият билан чегараланадилар.

Ўқитувчи педагогик фаолиятининг тузилиши ҳамда унинг малакасини ошириш жараёнида такомиллаштириш орасидаги алоқадорликни ўрганишга кам эътибор берилади. Аксарият ҳолларда малакасини ошириш жараёнида педагогик фаолиятнинг умумий илмий масалалари ҳамда унинг тузилишига эътибор ҳам берилмайди.

Баркамол шахс таълим-тарбиясида Шарқ донишмандларининг прогрессив ғояларидан, халқ оғзаки ижоди намуналаридан ижодий фойдаланиш ўзининг ижобий натижаларини бериши шубҳасиз.

Шарқ мутафаккирларининг педагогик қарашлари - жаҳон педагогикаси ривожига қўшилган улкан ҳиссаси саналади. Уларнинг бой мероси ўқитувчи (педагог)нинг маънавий-ахлоқий қиёфаси ва касбий етуклигини такомиллаштиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Мутафаккирлар томонидан илгари сурилган педагогик қарашлар ўрта асрлар шароитида инсон, уни тарбиялаш, шахснинг ҳар томонлама ривожланишини таъминловчи омиллар, инсонпарварлик ғояларини мазмунан бойитиш билан бирга барча даврлар учун бирдек аҳамиятга эга маънавий-ахлоқий Концепциянинг шаклланишини таъминлади. Қуйида биз Муҳаммад ал-Хоразмий (783-850 йй.), Абу Наср Форобий (873-950 йй.), Абу Райҳон Беруний (973-1050 йй.), Абу Али ибн Сино (980-1037 йй.), Умар Хайём (1048-1123 йй.), Бурҳониддин Зарнужий (1150 йилда туғилган, вафот этган йили номаълум), Муслиҳиддин Саъдий (1184-1291 йй.), Абдураҳмон Жомий (1414-1494 йй.), Алишер Навоий (1441-1501 йй.), Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530 йй.) ҳамда Аҳмад Югнакий (Х11 аср) каби Шарқ мутафаккирлари, олимпедагогларининг ўқитувчиларга қўйиладиган асосий талабларини жамлашга ҳаракат қилдик:

1. Концептуал талаблар: ҳар томонлама ривожланиш, хусусан интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан; чуқур билимга эга бўлиш; комил инсонни тарбиялаш; инсонпарварлик (инсонни ҳурмат қилиш).

2. Касбий-шахсий талаблар: касбий билимларни чуқур ўзлаштириш; соғлом фикрлаш, интизомли бўлиш, ўз ишига ижодий ёндашиш;

болаларни севиш, уларни ҳурмат қилиш; педагогик этика; юксак маънавий-ахлоқий қиёфага эга бўлиш; ўқувчиларга ҳар жиҳатдан намуна бўлиш.

3. Психологик-педагогик талаблар; боланинг руҳияти ва унга хос хусусиятларни билиш; унинг шахсий имкониятларидан самарали фойдаланиш, ушбу имкониятларга ишониш; уларнинг рўёбга чиқиши учун шароит яратиш; ўқитиш ва тарбиялашга йўналтирилган фаолиятда мимика, имо-ишоралардан ўринли фойдаланиш; болаларда билим олишга қизиқишни тарбиялаш.

4. Педагогик талаблар: ўқувчиларни фақат ўқиш ва ёзишгагина эмас, балки билимлар моҳиятини англашга ҳам ўргатиш; ўқувчида эгаллаган билимларини ҳаётга татбиқ эта олиш малакасини шакллантириш ва такомилаштириш.

5. Тарбиявий талаблар: болани маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, унда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш, хусусан, интизомлилик, ирода, мақсадга интилиш кабиларни; болаларга яхши одатларни ўргатиш, уларни ахлоқ қоидалари билан таништириш; яхшини пастдан, мумкинни мумкин бўлмагандан ажратишга ўргатиш; инсонпарвар, ҳаётни сева олувчи комил инсонни тарбиялаш.

Бугунги глобаллашув шароитида баркамол шахсни (ўқувчи, талаба, тингловчини) тарбияловчи ўқитувчи юқорида жамланган талабларга жавоб берганда, шунингдек хорижий тилларни ҳамда ахборот-коммуникацион технологияларда ҳабардор бўлгандагина, муваффақиятли амалга ошириши мумкин.

Шарқ мутафаккирларининг ўқитувчи шахси ва фаолиятига қўйган талабларининг бугунги кундаги долзарблиги, улардан узлуксиз таълим тизими мазмунини ёритувчи меъёрий ҳужжатлар, замонавий педагогика, замонавий ўқитувчи шахси кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, педагогик кадрларни тайёрлаш, шунингдек, халқ таълими ходимларининг касбий малакасини оширишда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

**Мавзуни мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар:**

1. Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнини тадқиқ қилиш зарурияти нимада?
2. Узлуксиз таълим тизимини тавсифлаб беринг.
3. Узлуксиз таълим тизимида педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш қандай вазифаларни бажаради?
4. Малакасини оширишда таълимнинг таҳлили нима учун зарур?
5. Педагоглар малакасини оширишидаги таълим ўқитишнинг бошқа шаклларидан қандай фарқланади?



6. Ўқитувчи педагогик фаолияти тизилишини айтиб беринг.
7. Ўқитувчи педагогик фаолияти тузилишини ўрганиш нима учун керак?
8. Шарқ мутафаккирларининг педагогларга қўйган талабларини таърифланг.

**Мавзу юзасидан тавсия этилган адабиётлар:**


1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. -176 б.
2. Адизов Б.Р. Организационно-педагогические условия совершенствования системы повышения квалификации учителей начальных классов. Автор.: канд. дисс. –Т.:1990. -17 с.
3. Аминов А.Х. Халқ таълими ходимлари малака ошириш тизимини такомиллаштиришнинг ташкилий-педагогик асослари. – Самарқанд,2001. -99 б.
4. Александрова И.Ф. Специфика, методы и средства активизации учебного процесса в системе повышения квалификации. – М.: Знание,1975. -56 с.
5. Ананьев Б.Г. Интеллектуальное развитие взрослых людей как характеристика обучаемости // Советская педагогика. -1969, №10. 48-57 с.
6. Вершловский С.Г. Социально-педагогические и психологические вопросы повышения квалификации педагогических кадров. -М.: АПН СССР,1984. -50 с.
7. Гулбоев А.Т. Педагогик ташхис воситасида ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириш.-Т.: Фан ва технология, 2009. -112 б.
8. Даньков А.Л. Диагностика асосида малака ошириш // «Халқ таълими» журнали. Тошкент, 1996, 5-сон. 53-54-бетлар.
9. Елканов С.Б. Профессиональное самовоспитание учителя.–М.: Просвещение, 1986. -143 с.
10. Зарипов К.З. Научно-техническая революция: образование и повышение квалификации учителей. –Т.: Фан, 1979. -123 б.
11. Зарипов К.З. Дифференциация и индивидуализация обучения учителей в системе повышения квалификации // Ред. Т.П. Василько. – Л.: НИИ ООВ АПН СССР, 1989. -52 с.
12. Ибрагимов Х.И., Зарипов К.З. Узлуксиз таълим: бошқариш, ички назорат назарий асослари, шакл, методлари ва технологияси. –Т.: Фан, 2005. -334 б.
13. Йўлдошев Ж.Ғ. Узлуксиз таълим: Малака ошириш муаммолари ва ечимлари. –Т.: Ўқитувчи, 1975. -98 б.
14. Йўлдошев Ж.Ғ. Малака оширишнинг назарий ва методологик асослари. –Т.: Ўқитувчи, 1998. -208 б.

15. Ингемкамп К. Педагогическая диагностика. -М.:
16. Кулюткин Ю.Н. Психология обучения взрослых. –М.: Педагогика, 1985. -128 с.
17. Мардонов Ш.Қ. Янги таълимий қадриятлар асосида педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш. –Т.: Фан, 2006. -232 б.
18. Сластенин В.А. Формирование личности учителя советской школы в процессе профессиональной подготовки. –М.: Просвешение, 1976. -160 с.
19. Содиқов А. Малакадаги тингловчи: машғулотдан нима олади, кейинги фаолияти қандай таҳлил қилинади? // Маърифат газетаси, 2009 йил, 10 октябрь.
20. Усмонов С.А. Малака ошириш курси сифатини аниқлаш меъёри // Малака ошириш: муаммолар, изланишлар, ечимлар. –Т.: 2001. 16-26 бетлар.
21. Яҳёев М.С. Ўқитувчиларга қўйиладиган малакавий талаблар даражаланадими? // Маърифат газетаси, 2009 йил, 16 сентябрь.



## Учинчи бўлим

# ПЕДАГОГЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

**Режа:**

1. Ўқитувчи касбий маҳоратини такомиллаштириш – қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг муҳим талаби.
2. Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида педагогларнинг ёши ва интеллектуал даражасини ҳисобга олиш.
3. Педагогларнинг фаолият мотивларини ҳисобга олиш – касбий маҳоратини оширишнинг таъсирчан омили.
4. Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида педагог шахсий сифатларини ҳисобга олишнинг аҳамияти.

**Мавзунинг мақсад ва вазифалари:**

Мазкур мавзунинг мақсади педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида педагогларнинг ёши ва интеллектуал даражасини ҳисобга олиш, педагог касбий маҳоратини оширишнинг таъсирчан омилларини аниқлаш, унинг шахсий сифатларини ҳисобга олиш, шунингдек, педагогларнинг фаолият мотивларини ҳисобга олиш – касбий маҳоратини оширишнинг таъсирчан омили эканини исботлашдан иборат.

**Таянч сўз ва иборалар**: касбий маҳорат, таълим субъекти ва объекти, педагогнинг ёши ва интеллектуал даражаси, фаолият мотивлари, педагогнинг шахсий сифатлари, ўз-ўзини назорат қилиш, ташкилий-педагогик асос, билим, кўникма ва малака, илк етуклик даври, етуклик даври, сўнгги етуклик даври; дидактик қоидалар, инсон иродаси, Ватан олдидаги бурч, таълимни бошқариш, педагогик вазият, педагогик-психологик қийинчиликлар, баркамол инсон, тажрибали педагог, методик кенгаш, методик бирлашма.

## 3.1. Ўқитувчи касбий маҳоратини такомиллаштириш – қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг муҳим талаби

Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим ислоҳотларининг туб мақсади баркамол инсонни тарбиялаб вояга етказишдир. Бу вазифани муваффақиятли ечиш ҳамда ўқитувчининг касбий маҳоратини шакллантириш масаласи педагогика фанининг муҳим назарий ва амалий

муаммоси саналади. Чунки мустақиллик комил инсонни шакллантиришни давлат сиёсатининг устувор масаласига айлантирди. Бу вазифани ҳар жиҳатдан баркамол инсон, тажрибали педагог амалга ошириши мумкин. Педагог, ўқувчининг маънавий дунёсини ўзгартириши учун ҳамда унга педагогик ва шахсий таъсир кўрсата билиши учун бу таълим-тарбия жараёнларини мукаммал ўрганган бўлиши керак. Бу эса ундан юқори касбий маҳоратни талаб қилади.

Касбий маҳорат – бу ўқув-тарбия жараёнининг барча шаклларини моҳирона ташкил қила билиш, уни мақсадга йўналтириш ҳамда ўз маҳоратини шахснинг баркамоллиги, дунёқараши, қобилиятини ривожлантиришга қарата билишидир.

«Педагогик маҳорат, - деб ёзган эди рус педагоги А.С. Макаренко, - такомиллаштирилиб, қарийб техника даражасида мукаммалаштирилиши мумкин. Бунинг учун педагогик таъсир кўрсатишнинг кучли ва универсал воситаларига эга бўлиш лозимки, бунда тарбияланувчига ҳар қандай салбий таъсирнинг олди олиниб, кучли таъсирнинг пасайишига ёки йўқолишига йўл қўймаслик керак» [77, 91-92].

Бундай вазифани фақат моҳир педагог амалга ошириши мумкин. Ҳар қандай маҳорат каби касбий маҳорат ҳам фаолиятда намоён бўлади ва унда шаклланиб, ривожланади. Аммо касбий маҳорат билан фаолият айнан бир нарса эмас. Педагогик фаолият ўзининг мураккаб тузилишига эга бўлганидек, унинг ҳосиласи бўлган касбий маҳорат ҳам мураккаб ва маълум шаклланиш жараёнининг маҳсулидир. Ижтимоий педагогик жараён сифатида касбий маҳорат ҳам ўз тузилишига ва шаклланиш босқичларига эга. Касбий педагогик маҳоратнинг шаклланиши олий ўқув юртидан бошланади ва ундан кейин ҳам давом этади.

Ҳар қандай маҳорат билим асосида шаклланади. Касбий педагогик маҳорат ҳам маълум билимлар пойдеворида шаклланиб, ривожланади. Билим – кишиларнинг табиат ва жамият ҳодисалари ҳамда ўзлари ҳақидаги ҳосил қилган аниқ маълумотлардир. Ўз навбатида билим ижтимоий меҳнат ва тафаккур маҳсули бўлиб, мавжуд оламнинг объектив қонуний алоқаларини тил воситаси билан ифода қилади. Билим билиш билан узвий боғлиқ, унинг натижаси ва таркибий қисмидир. Инсоннинг билими илмий-техник, фан тараққиёти асосида доимо чуқурлашиб боради. Билим асосида инсон табиат ва жамият ривожланиш қонунлари ва ўзининг моҳиятини, касбининг сирларини эгаллаб олади. Ўз навбатида билим ҳам ўз тузилишига эга. У ўз таркибига кўникма ва малакаларни олади.

Кўникма – инсоннинг аввалги тажрибалари асосида муайян фаолият ёки ҳаракатни амалга ошириш қобилиятидир. Кўникманинг физиологик асоси бош мия ярим шарлари пўстлоғида ҳосил бўладиган



мураккаб шартли рефлекслардир. Кўникма малака билан узвий боғлиқ. Лекин кўникма муайян ҳаракатларни бажаришда махсус машқларсиз ҳам шаклланиши мумкин. Бундай ҳолда кўникма унча мураккаб бўлмай, мавжуд билим ва малакага таянади. Масалан: велосипед ва автомобилни ҳайдаш кўникмасига мотоциклни бошқариш қонун-қоидалари ҳақидаги билимлар қўшилганда машқларсиз ҳам мотоциклни ҳайдаш кўникмаси пайдо бўлади. Кўникмалар асосида кишида маълум касбий малакаси шаклланади.

Малака – муайян ҳаракатларни бажариш ва бошқариш жараёнларининг автоматлашишидир. Малаканинг физиологик асоси инсонда шаклланган одатлар, яъни динамик стереотип, бош мия катта ярим шарлари пўстлоғидаги нерв боғланишлари тизимидир. Инсоннинг ҳар қандай фаолияти турли даражада шаклланган малакалардан иборат бўлади. Малакалар кўплаб машқлар қилиш натижасида таркиб топади.

Малакалар инсон фаолиятидаги ўрнига нисбатан умумий меҳнат, умумий ишлаб чиқариш, спорт ва махсус малакаларга бўлинади. Умумий меҳнат малакаларига режалаштириш, меҳнатни ташкил қилиш ва ўз-ўзини назорат қилиш киради. Бу малакалар фаолиятнинг турли соҳаларида қўлланилади.

Умумий ишлаб чиқариш малакаларига ишлаб чиқариш фаолиятининг турли шаклларида керакли ўлчаш, ҳисоблаш, график тузиш, йиғиш, ишлов бериш, монтаж, тажриба, синов, танлаш кабилар киради. Спорт малакаларига – жисмоний тарбия ва спорт соҳасига дахлдор инсон организмининг руҳий, жисмоний, биологик хусусиятлари билан боғлиқ машқларни бажариш малакалари киради. Махсус малакаларга маълум касбга доир меҳнат операцияларини бажариш киради. Масалан, кесиш, қирқиш ва ҳоказолар. Кўрсатилган малакалар ўзаро боғлиқликда машқлар ва назарий билим асосида шаклланади.

Инсон фаолиятида малакаларнинг аҳамияти тўғрисида фикр юритар эканмиз, бизни педагогик маҳорат асосини ташкил қилувчи малакалар кўпроқ қизиқтиради. Шу нарсани алоҳида қайд қилиш керакки, педагогик малакаларнинг моҳияти, уларнинг кўникмалар билан ўзаро таъсири масалалари ҳалигача педагогика ва психологияда тўлиқ ўрганилган эмас.

Педагогик малакаларнинг шаклланиши масаласи билан рус олимларидан Н.Д. Левитов, Л.Ф. Спирин, Н.В. Кузьмина, О.А. Абдулина, В.А. Сластенин, Е.А. Милерян, С.Я. Батишев, К.К. Платонов каби олимлар шуғулланганлар. Уларнинг ҳар бири малакага ўз илмий қизиқиши нуқтаи назаридан ёндашганлар. Уларнинг илмий қарашларида педагогик фаолиятда кўникма ва малакаларнинг ўзаро

боғлиқлиги ва алоҳида хусусиятлари ҳақида ягона бир қараш шаклланган эмас.

Республикамиз олимларидан мазкур муаммо билан Ж.Ғ. Йўлдошев, Р.Х. Жўраев, К. Давлатов, У.Н. Нишоналиев, Н.Ш. Шодиев, Т. Мирсаидов, К.Ш. Мирсаидов, А.Р. Хўжабоев, О.А. Абдуқуддусов, Р.К. Чориев, Б.С. Нуриддиновлар шуғулланган. Улар асосан касб таълими ўқитувчилари кўникма ва малакаларини шакллантириш жараёнларининг турли назарий ва амалий томонларини тадқиқ қилганлар. Шунга қарамай, педагогик фаолиятда кўникма ва малакаларни шаклланишининг яхлит бир назарияси яратилган эмас.

Таълим ислоҳоти талабларини амалиётга муваффақият билан тадбик этиш эҳтиёжи ушбу назарияни муҳим қилиб қўймоқда. Шуни қайд қилиш керакки, олимлар ўртасида педагогик кўникма ва малакаларни тавсифлаш ва таърифлашда ҳам бирлик йўқ. Чунончи, К.К. Платонов малака – бу инсоннинг қандайдир фаолият ёки ҳаракатни аввал эгаллаган билим ва кўникмалари асосида янги шароитда бажариш қобилияти, деб қайд қилади [89]. Бу таъриф ҳам тўлиқ бўла олмайди. Чунки педагогик кўникма ва малакаларнинг ўқитувчи фаолиятидаги ўрни унинг педагогик маҳоратини юқори даражада бўлишини таъминлашдир. Касбий малакалар ривожланиб юқори педагогик маҳоратнинг шаклланиш пойдевори бўлиши лозим.

Педагогик фаолият таркибида педагогик ҳаракат муҳим ҳисобланади. Ҳаракатлар педагогик машқлар воситасида малакага айланиб, педагогик вазифаларни ечишни осонлаштиради. Демак, педагогик малакалар касбий маҳорат асосини ташкил этади.

Шундан келиб чиқиб, Б.С. Нуриддинов, О.А. Абдуқуддусовлар касбий педагогик маҳорат, бир томондан, шахснинг жами ҳислат ва фазилатларидир, ҳар қандай фазилат каби касбий маҳорат ҳам фаолият кўрсатишда шаклланади, деб эътироф этадилар. Иккинчидан, у фаолият натижаси ҳисобланади. Педагогнинг касбий маҳорати унинг фуқаролик бурчи, етуклиги ва шу кабилар билан боғлиқ шахсий фаолият моҳиятининг умумлашган кўрсаткичдир [82, 35]. Шу асосида улар касбий таълим ўқитувчилари малакасини ошириш мазмуни ва методикасини қуйидаги йўналишларда тадқиқ этишни тавсия қиладилар. Мақсадлар, вазифалар, тамойиллар, шакллар, методлар, воситалар ташкил этилади.

Педагоглардан У.Д. Хидиров, К.Ш. Мирсаидов, Р.К. Чориев ва бошқалар касбий маҳорат асосини малака тавсифи белгилашини қайд қилиб, у мутахассис билими ҳамда касбий савиясига қўйиладиган асосий талаблар мужассамлашган меъёрий ҳужжатдир, деб таъкидлайдилар. Унда мутахассис у ёки бу касб фаолияти доирасидаги



ишларни онгли ва тўғри бажарилиши учун эгаллаши зарур бўлган билимлар ўз аксини топади [108].

Ж.Ғ. Йўлдошевнинг фикрича, зикр қилинган уқув, илм ва ақл беҳисоб меҳнат, машқ қилиш натижасида вужудга келади. Буни илмий тилда малака, дейилади. Инсон яхши меҳнат қилишни, меҳнатнинг яхши самара беришини, меҳнат натижасининг яхши сифатлигига эришишни истар экан, унга малака керак [57, 69].

Малака машқ қилиш, укув, билим, кўникма ва ақл ҳосиласидир.

Ўқитиш жараёнида эгаллаган билим, кўникма ва малака доим такрорланиб келадиган меҳнат – машқ қилиш натижасида вужудга келади. Буни илмий тилда илм дейилади.

Илм – машқ қилиш, билим, кўникма ва малака ҳосиласидир.

Педагогик малакаларнинг маҳоратга айланиши кўп босқичли жараёндир. Энг аввалло, улар учун умумий бўлган шаклланиш босқичларини қараб чиқайлик. Малаканинг ҳосил бўлиш жараёнини уч босқичга ажратиш мумкин: таҳлил, синтез ва автоматлашиш.

Малака ошириш ҳам инсон ҳаёти ва турмушида муҳим аҳамиятга эга. Малака таълим-тарбия беришда асосий омил бўлиб ҳисобланади. Ўқитувчининг малакасини ошириш деганда энг аввало унинг билим доирасини кенгайтириш ва замонавий таълим технологиялари асосида дарс ўтиш методикасини такомиллаштириш ва чуқурлаштиришни назарда тутиш керак. Бу зарурий вазифаларни ўқитувчилар турли усуллар билан амалга оширишлари мумкин. Жумладан: ўз устида мустақил ишлайдилар, методик бирлашмаларда фаол иштирок этадилар, малакасини ошириш институтларида фан асослари бўйича маърузалар тинглаб, амалиётчилар раҳбарлигида амалий машғулотлар ўтказадилар. Педагогларнинг тинимсиз, турли йўллар билан малакасини оширишлари ва амалий фаолиятлари оқибатида юқори маҳоратга эришадилар.

Педагогик маҳорат – педагогик билим, фаҳм-фаросат билан бирга педагогик техника соҳасидаги малакаларни ҳам ўз ичига оладики, уларнинг воситасида таълим-тарбияда оз куч сарфлаб, кўпрок натижага эришиш мумкин бўлади.

Малака педагогик воситаларни танлаш, уларнинг таълим-тарбия мақсадларига мувофиқлиги билан белгиланади. Мақсад ўзига хос ички йўл, кўрсаткич сифатида педагогик фаолиятни ечилиши лозим бўлган вазифага йўналтиради.

Таълим-тарбиянинг мақсад, восита ва натижалари орасида, шунингдек, ўқувчи ва ўқитувчилар тафаккури, мотивлари ўртасида ғоят мураккаб боғлиқлик мавжуд. Бунда педагогик воситалар педагогик мақсадларни амалга оширишга хизмат қилади. Восита мақсад билан натижа ўртасидаги боғловчи бўғин ҳисобланади. Буларнинг ўзаро

муносабати ва салоҳиятини доимо таҳлил қилиб бориш лозим. Чунки таълимда универсал воситалар йўқ.

Ўқитувчи нафақат ўзининг маҳорати ёки малакасининг шаклланиши ҳақида ўйлаши, балки ўқувчиларда ҳам мукаммал малакалар шаклланишини таъминлаши лозим.

Кўникма ва малакалар доимо ривожланишда бўлиб, ўзаро алоқадорликда бўлади. Фаолият давомида янги кўникмани ўзлаштириш осон ёки қийин кечиши мумкин. Унинг аввалги шаклланган кўникмалар билан ўзаро алоқаси кўникмаларнинг татбиқ этилиши, деб аталади. Улар ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Кўникманинг салбий татбиқ этилиши шундай ҳолда учрайдики, унда маълум бир ҳаракатни бажариш кўникмасига эга бўлган киши уни бошқа йўл билан бажаради. Масалан, бошқа станокга ўтиб ишлаш, ёки хайдовчининг бошқа машинани ҳайдаши ва ҳоказолар. Кўникмаларни ижобий татбиқ этишда киши янги ва ўхшаш кўникмаларни тезда эгаллаб олади. Жумладан, пичоқ билан кесиш кўникмаси силлиқлашдаги кўникманинг ҳосил бўлишига ёрдам беради. Ҳар қандай фаолиятда ҳам кўникмаларни малакага айланиши ниҳоятда мураккаб ва қийин бўлиб, ақлий, руҳий ва амалий ҳаракатлар тарзида амалий фаолиятда шаклланади. Шунинг учун ўқувчиларга ҳар бир машғулот давомида шундай усул ва ҳаракатларини танлаш керакки, улар ёрдамида ўрганилган билимлар кўникмадан малакага айланишига замин ҳозирласин. Бунинг оқибатида кўникма ва малакалар касбий маҳоратни шаклланиш пиллапояларига айланади. Чунки маҳорат касбий малакалар ривожининг юқори даражаси сифатида таълимнинг мутлоқ вазифасидир. Маҳорат – бу мураккаб ишни тез, аниқ, сифатли бажариш ва юқори меҳнат унумдорлигига қийинчиликсиз эришишдир. Ўз навбатида малакаларнинг ритмик амал қилиши ва фаолиятда тўла ишонч билан ўзини намоён қилишидир.

Инсонни унинг умумий маҳоратидан педагогик маҳоратининг ўзига хос томонлари билан фарқлаш керак.

Касбий маҳоратни ўқитувчи шахсининг сифатларидан ажратиш керак эмас. Бу сифатларни унинг малакасидан эмас, балки шахсий сифатлари ва ҳаётий позициясидан излаш лозим. Фикримизча, айнан шу сифатлар педагогнинг ижодий ва муваффақиятли ишлашини таъминлайди. Ўқитувчи педагогик маҳоратининг пойдеворини унинг умумий маданияти ва маънавияти ташкил қилади. Улар орасидаги боғланиш ўзига хос равишда намоён бўлади. Умумий маданият педагогик жараён шароитида унинг самарадорлигига кучли таъсир кўрсатади. Ўқитувчи педагогик маҳоратини талқин қилишда икки хил йўналиш мавжуд. Булардан бири функционал (Н.В. Кузьмина),



иккинчиси – ўқитувчи шахси ва фаолияти хусусиятларини (А.И. Щербаков, Ж.Ғ. Йўлдошев, К.З. Зарипов) инобатга олишдир. Бунда функционал ёндашув билим, кўникма ва малакаларни белгиловчи, деб шахсий сифатларни эътиборсиз қолдиради. Ўқитувчининг билими билан бирга унинг шахсий сифатлари ҳам муҳим ҳисобланади. Ўқувчи билимларини унинг шахсини шаклланиш воситасига айлантиришда, унинг ахлоқий, шахсий сифатлари, ибрат-намунаси, умумий маданияти муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳар иккала ёндашувни, назаримизда, яхлитликда қараш муҳимдир. Педагогик маҳоратнинг моҳияти, мазмуни, таркибини, шаклланиш босқичларини талқин қилишда олимлар орасида умумий яхлит бир қараш шаклланган эмас. Жумладан, А.И. Щербаковнинг фикрича, педагогик маҳорат – бу ўқитувчининг илмий билим, кўникма ва малакалари билан услубий санъати ва шахсий сифатларининг ўзаро уйғунлашувидир [95, 119].

В.А. Сластенин: педагогик маҳорат назарий билимлар ва уларга асосланган малакалар бўлиб, унинг бош объекти ва мазмуни барча ўқитувчиларга умумийдир, деган фикрни билдиради. У фикрини давом эттириб, педагогик маҳорат – бу шахснинг педагогик жараённинг юқори самарадорлигини белгилайдиган шахсий фазилатлари эканлигини таъкидлайди [98, 70]. Н.В. Кузьмина бўйича, педагогик маҳорат – эгалланган билим ва малакалар асосида маълум фаолият турларини ўзгарувчан шароитда бажариш қобилиятидир [66, 28]. Олима ўз тадқиқотлари асосида педагогик фаолиятнинг (маҳоратнинг) 5 даражаси мавжудлигини кўрсатади. Чунончи, 1) паст даража – репродуктив фаолиятининг бу даражасида ўқитувчи ўзи билган билимларни тайёр ҳолда ўқувчиларга гапириб беради; 2) кам унумли – ўқитувчи ўз билимларини ўқувчилар талабига мувофиқлаштира олади; 3) ўртача даража – локал моделлаштирувчи. Бунда ўқитувчи фаннинг бўлимлари бўйича ўқувчиларга билимларни ўргатиш стратегиясини билади. Педагогик мақсадни амалга ошириш учун зарур натижаларни англайди ва ўқувчилар ўқув-билув фаолиятини кетма-кет шунга қарата олади; 4) билимларни – тизимли моделлаштирувчи. Бунда ўқитувчи бутун фан бўйича ўқувчиларга керакли билимларни тизимли шакллантириш стратегиясига эга. Бу унумли даража; 5) ўқувчилар хулқи ва фаолиятини – тизимли моделлаштирувчи. Бунда ўқитувчи ўз фанини ўқувчиларга чуқур етказади ва билимларни унинг эҳтиёжига, ўз-ўзини тарбиялаш воситасига айлантира олиш стратегиясига эга. Бу юқори унумли даража ҳисобланади [66, 96].

Педагогик маҳорат ҳам ижтимоий-тарихий характерга эга. Унинг мазмуни, мақсади, таркиби фан, техника, маданият, педагогика ва психология фанларининг ривожланиш даражасига қараб ўзгаради.

Айникса, ҳозирги вақтда янги педагогик технологиялар ва ахборот технологияларининг (ЯПТ ва АТ) таълим-тарбия жараёнига кенг кириб бориши педагогик маҳорат таркибига ўз таъсирини ўтказади.

Демак, педагогик маҳорат нима?

Педагогик маҳорат – педагогик фаолият ривожланишининг, педагогик технологияларни эгаллашнинг юқори даражасини ифодалайди ҳамда педагог шахси ва тажрибаси, шунингдек, фуқаролик позициясининг уйғунлигидан иборат жараёндир. Ёки уни қисқача қилиб, педагогик жараённинг юқори самарадорлигини таъминлайдиган шахсий сифатлар ва касбий уйғунлик, дейиш ҳам мумкин. Педагогик маҳорат фаолиятда намоён бўлади, аммо маҳорат ва фаолият бир бирига тенг эмас. Педагогик маҳорат махсус умумлашган малакаларнинг юқори ривожланиши билан белгиланади. Шу билан бирга ўқитувчи шахсининг моҳияти, унинг ҳаётий позицияси ўз фаолиятини юқори даражада бошқара билишидир. Педагогик фаолият мақсадини жамият белгилайди. Ўқитувчи ўз меҳнатининг кўлами, йўналиши, мақсадини ўзича белгилай олмайди. Бу жамият томонидан ижтимоий буюртма сифатида белгилангандир.

Ўқитувчи ўз фаолиятининг мақсадини педагогик шароитлар билан мувофиқлаштириши асосида жамият топшириғини педагогик вазифалар тарзида амалга ошириши керак. Бунда педагогик мақсадлар ижтимоий жиҳатдан белгиланиб, улар ўқитувчи фаолияти орқали амалга ошади. Аммо ўқитувчи жамият топшириғини тўғридан-тўғри ўз фаолияти билангина эмас, балки бошқа фаолият – ўқувчи фаолиятини бошқариш орқали ҳам амалга оширади. Бунда ўқитувчи фаолиятининг мақсади ўқувчи фаолиятининг мақсадига ҳам айланиши керак. Педагогик фаолиятининг мақсадини белгилашида ўқитувчининг жамият талаби, ўзининг педагогик позицияси ҳамда шахсий хусусиятлари билан ўзаро мувофиқлигини таъминлаши муҳим роль ўйнайди. Бунинг мураккаблиги шундаки, ўқитувчи жамият талабларини ўз фаолияти ҳамда ўқувчи шахси, унинг қизиқишларидан келиб чиқиб, ўқув мақсадларига айлантира олиши лозим бўлади.

Педагогик маҳорат мураккаб тузилишга эга бўлган тизимдир. Педагогик маҳорат ўз таркибига ўқитувчи шахсининг комплекс хусусиятларини олиши ҳамда ўқитувчининг ўз касбий фаолиятини юқори даражада ташкил қила билишидир. Унинг таркибига кирувчи шахсий сифатлар сирасига – ўқитувчи фаолиятининг гуманистик йўналиши, унинг касбий билимлари, педагогик қобилияти ва педагогик техникаси киради. Бошқача айтганда, педагогик маҳорат энг аввало ўқитувчи шахси таркибида ўзини ташкил қилиш тизими бўлиб, унинг асосини гуманистик йўналиш ташкил этади.



Бу йўналиш ўқитувчи шахси ва фаолиятини ижтимоий талаб – мустақиллик мафкураси асосида педагогик жараённи ташкил қилишни тақозо қилади. Педагогик маҳоратнинг кўлами ва ривожланиш асосини ўқитувчи касбий билимлари ташкил этади.

Йўналганлик билан касбий билим ўқитувчи фаолиятининг схлетини, юқори профессионализмини ташкил этиб, ўз-ўзини яхлит ташкил этишини таъминлайди. Педагогик қобилият эса маҳоратни эгаллаш йўллари сифатида унинг тез такомиллашувини таъминлайди. Педагогик маҳорат таркибида педагогик техника билим ва қобилиятга асосланиб, таъсир воситаларини мақсад билан омихталаб, фаолият таркиби ва ўзини такомиллаштиради. Шундай қилиб, педагогик маҳорат таркибига кирувчи ҳар тўрттала компонент ҳам ўзаро диалектик боғлиқликда бўлиб, улар доимий ривожланишда бўлади. Маҳоратнинг ўз-ўзидан ривожланиш асосини билим ва йўналганлик, унинг муваффақиятини - қобилият, уларнинг яхлитлиги ва боғлиқлигини – йўналиш ҳамда юқори натижасини – педагогик техника белгилайди. Схематик тарзда педагогик маҳоратни қуйидагича тасвирлаш мумкин (3.1.1-чизма).

**3.1.1-чизма**

**Педагогик маҳоратнинг тузилиши**




Ҳар бир ўқитувчи ўз касбий маҳоратини таълим жараёнида тўлақонли намойиш қилиши учун, энг аввало, ўзи дарс берадиган

фандан чуқур билим билан қуролланган бўлиши зарур ҳамда яна бир асосий омил – ҳаётий тажрибага эга бўлиши, шунингдек, таълим олувчининг муаммоларини ҳал этиб, уларни таълим олишга йўналтира билиши лозим. Ўқитувчи ўз фанини чуқур билиши билан бир қаторда педагогик технологияларни ҳам чуқур ўзлаштирган бўлиши зарур.

### 3.2. Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида педагогларнинг ёши ва интеллектуал даражасини ҳисобга олиш

Кўпгина педагогик адабиётларда таълим жараёни иккиёқлама – ўқитиш ва ўқиш сифатида талқин қилиниб, таълим инсоннинг билиш фаолияти эканлиги эътибордан четда қолади.

Таълимнинг табиати ва моҳиятини гносеологик таҳлил қилиш унинг моҳияти, принциплари ва методлари ўртасидаги боғланишни очиш имкониятини беради. Таълим жараёнини инсон ривожланишининг умумий қонуниятлари ва билиш қонуниятлари асосида талқин қилишга биринчилардан бўлиб Я.А. Коменский уринди. У ўзининг «Буюк дидактика» асарида таълимнинг табиатига мослик моделини асослаб, унинг жараён сифатида моҳияти, тузилиши, принцип ва методлари табиат ва жамият қонунларига боғлиқлигини таъкидлаган эди.

Инсон ўз фаолиятида табиатга тақлид қилади. Табиат ҳам маълум нарсага шакл беришдан олдин материал тайёрлайди. Қўш уя қуради ва тухум қўйиб, уни босиб, жўжа очади. Ақлли меъмор бинони қуришдан олдин керакли қурилиш материалларини тайёрлайди. Чунки шундай қилмаса, материал етишмаслигидан қурилиш тўхтаб қолади. Худди шундай, рассом маълум картинани чизишдан олдин полотно тайёрлаб, уни рамага тортади, маълум фон бериб, бўёқларни тайёрлаб, чизишга киришади, - деб кўрсатади Я.А. Коменский. Таълим жараёни ҳам инсон фаолиятининг шаклларидан бири сифатида шу принциплар асосида амалга оширилади. Шу асосда Я.А. Коменский ўзининг дидактик қоидаларини асослаган эди. Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқадиган бўлсак, таълимни такомиллаштириш учун китоб ва ўқув қуролларини тайёрлаш, ўрганиш қоидаларини ишлаб чиқиш лозимлигини кўрсатади.

Ҳозирги замон таълим назарияси нуқтаи назаридан Я.А. Коменский таълимоти гарчи камчиликлардан ҳоли бўлмаса-да, педагогик фикр тарихида айнан у таълим жараёнининг моҳиятини анча чуқур тушунишга эришади. Энг муҳими Я.А. Коменский таълим дунёнинг умумий тараққиёт қонунларидан келиб чиқишини тушунди. Шунинг учун педагогик назария табиат ва инсоннинг умумий ривожланиш



қонунларидан келиб чиқиши кераклигини илмий асослашга уринди [61].

Таълим жараёнини илмий, қатъий дидактик қоидалар асосида ташкил қилишда буюк рус педагоги К.Д. Ушинскийнинг ҳам хизматлари катта. У таълим жараёнини билиш жараёнлари ва фаолияти билан махсус танишиб, таҳлил қилади, таълимнинг прицициал асосларини аниқлашга киришади. К.Д. Ушинский ўзининг фундаментал уч томлик «Инсон тарбия предмети сифатида» [106] асарида таълимнинг табиати ва моҳиятининг асосларини аниқлашга уринади. Унинг психологик қарашларида таълим жараёнининг гносеологик асосларини излашга ёндашиш ётади. К.Д. Ушинский педагогикасидаги билиш назарияси асосини унинг психологик қарашлари ташкил этади. Алломанинг таълимотида психология педагогик назариянинг илмий асосини ташкил этади. К.Д. Ушинский педагогик тизимида таълим ва билиш жараёнларини психологик асослаш белгиловчи ҳисобланади. Таълим жараёни асосида инсон психик жараёнлари ётади, улар орқали ўқувчини билиш фаолиятининг педагогик қонуниятларини очиш муҳим ҳисобланади. У психология фани таълимотида нафақат таълим жараёнининг моҳиятини, балки уни бола шахсининг хусусиятлари асосида таълим-тарбияни ташкил этишни асослаш лозимлигини таъкидлайди [106].

Бола шахсининг хусусиятларини билмасдан туриб, таълим мазмуни, мақсад ва шаклларини, билиш жараёнини ташкил қилиш мумкин эмаслиги психологик жиҳатдан асосланиб, таълим принциплари илмий талқин қилинади. Бу келтирилган фикр таълим жараёнининг умумий қонуниятидир. Умумий қонуният дейишимизнинг сабаби, у фақат умумий ўрта таълим мактаби, ёки касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, ёки олий таълимга тегишли бўлмай, балки узлуксиз таълимнинг барча бўғинларида, чунончи педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида ҳам ўзига хос амал қилади. Шунинг учун биз мазкур параграфда имкониятимиз доирасида педагог кадрлар малакасини ошириш жараёнида уларнинг ёш хусусиятлари ва интеллектуал ривожланиши, касб маҳоратини узлуксиз ва мунтазам оширишни ташкил қилишга таъсирини таҳлил қиламиз.

Педагог кадрлар касбий маҳоратини ошириш жараёни ва унинг субъекти ўқитувчи фаолиятини илмий таҳлил қилиш турли, аммо бир-бирига боғлиқ даражаларда амалга оширилиши лозим. Чунончи:

1. Шахсий даражада. Шахсий ёндашувда педагоглар касбий маҳоратини ошириши ёш жиҳатдан тадқиқ қилинганда, уларнинг ўқув ва билув фаолиятига яшаши, ҳаётий турмуш тарзи негизида қараш, уларнинг қизиқишлари, ҳаётий режалари, инсоний қадриятлари асосида

малакасини оширишининг мазмуни, ижодий ривожланиш имкониятини чуқур англашга асосланиши лозим.

2. Фаолият – ролли даражада. Бу малакасини ошириш субъектини аниқроқ ўрганиш. Бунда илмий таҳлилнинг предмети малакасини оширувчининг ўқув фаолиятига ҳаётининг бир шакли сифатида қаралади ҳамда ўқув фаолиятининг тузилиши, мақсади, мотивлари, шунингдек, уни амалга ошириш восита, усул ва шакллари асос қилиб олинади.

3. Жараён даражасида (процессуал). Бунда малакасини ошириш жараёнини амалга оширишда иштирок этувчининг руҳий ҳолатлари ҳамда улар воситасида амалга ошириладиган ўқув-билув мақсадлари. Булар малакасини оширувчи педагогларнинг психологик-физиологик хусусиятлари, ёши, интеллектуал даражаси ва ўқув материалини идрок қилиш, тушуниш, фаҳмлаш, эсда сақлаш ва қайта тиклаш жараёнларидир [73, 24].

Педагогика фанининг ҳозирги тараққиёт босқичида, таълимнинг маълум босқичини тугаллаб, олий маълумотли (бакалавр ёки магистр) дипломига эга бўлган, катта ёшдаги кишиларни, шу жумладан, педагог кадрларнинг касбий маҳоратини ошириш жараёнида билим эгаллаш фаолиятлари билан боғлиқ жараёнлар етарли даражада ўрганилмаган.

Катта ёшдаги кишиларнинг билим олиши ва шахсининг ривожланиши масалаларини тажриба (экспериментал) асосда ўрганиш машҳур психолог олим Б.Г. Ананьев томонидан ташкил этилган эди. Бунда олим катталарнинг индивидуал ривожланиши ёши билан боғлиқлиги, уларда ўзгаришлар психологик-физиологик характерга эга бўлиши, диққати, хотираси, тафаккурини ўрганишга асосланиши лозимлиги уқтирилган эди.

Шу каби тадқиқотларда асосланишича, киши организмининг умумий жисмоний етилиши (18-20 ёш), физиологик имкониятларининг ривожланиши ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилади ва кишида меҳнат қилиш қобилияти кучаяди. Шу даврда юқори психик функциялар (ихтиёрсиз диққат, хотира, тафаккур) ҳам ўз ривожланишининг юқори чўққисига чиқади. Кишидаги психологик-физиологик хусусиятларнинг ривожланиши унинг билимга, жумладан, касбий малакаларни ўзлаштиришга батамом тайёрлиги билан характерланади. Б.Г. Ананьев кишининг юқори билим эгаллаш имконияти, унинг ахборотларни қабул қилиш, тушуниш, хотирада мустаҳкамлаш билан бирга уларни турли касбий вазиятларни ечишда қўллай билиш билан белгиланишини таъкидлаган эди [30].

Шахснинг катта ёшдаги ривожланиш даврида қизиқ ички ўзгариш қонуниятлари юз беради. Чунончи, турли психик функцияларнинг



ривожланишида нотекис ва вақт жиҳатидан бир хил бўлмаган гетерохронли ривожланиш юз беради. Айрим ҳолларда хотира тез ривожланса, бошқа ҳолатда тафаккур ривожланади. Шу билан бирга ёш ўтиши билан турли функциялар ўртасида ўзаро боғлиқлик, мувофиқлик, интегратив ҳолатлар асосида яхлит ансамбль ҳолатида ишлаш, уларнинг айримларидаги етишмовчиликни бошқасининг қоплаши, жумладан, хотира пасайишини тафаккур кучайиши орқали юқори ривожланишга эришилади. «Мамлакатимизнинг миллий асосда шаклланаётган узлуксиз таълим тизимида кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим тури жиҳатидан касбий таълим бўлиб, ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусият энг аввало унинг катталар таълими эканлигидадир. Катталар таълими касбий таълим сифатида ўқиб, маълумот олган, таълим-тарбия, ёшларга касб-кор ўргатаётган шахс сифатида жамиятда маълум ижтимоий мавқега эга бўлган кишилардан ташкил топганлиги билан характерланади», - деб ёзади А. Каримов [64, 44].

Шунинг учун қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг мақсади, мазмуни, вазифалари ҳамда шарт-шароитларини белгилашда таълим олувчи-тингловчиларнинг ушбу хусусиятларидан келиб чиқиш лозим.

Тингловчиларнинг билиш имкониятларини инобатга олиш шунинг учун ҳам муҳимки, таълим мазмунига қандай компонентларни киритиш, уларни қайси кетма-кетликда бериш, мутахассис шахсини шакллантириш ва уни зарурий назарий ва амалий билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантиришда муҳим ҳисобланади. Педагог кадрлар касбий маҳоратини ошириш жараёнини илмий ташкил қилиш уларнинг руҳий ва психологик-физиологик ривожланиш қонуниятларини билиши асосида амалга оширилиши мумкин. Педагог кадрларнинг ёши билан боғлиқ ривожланиш қонуниятларини уларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини билмасдан ўрганиш мумкин эмас. Уларнинг индивидуал ривожланишининг моҳиятини ёши билан боғлиқ умумий қонуниятларини очиш орқали аниқлаш мумкин.

Педагог кадрлар касбий маҳоратини ошириш жараёнлари, уларнинг ёши, интеллектуал ривожланиш даражаси ва руҳий ҳолати билан яхлитликда ўрганишни ишимизда асос қилиб олган ҳолда, тизимли ёндашувни танладик. Тизимли ёндашув илмий билиш методи сифатида яхлит тизимнинг хусусиятларини ва унинг ички тузилишини аниқлаш имкониятларини беради. Шу асосда ўрганилаётган соҳанинг умумий алоқадорлигини, боғланишларини аниқлаш учун асос бўлади. Инсоннинг психик жараёнлари ҳам мураккаб ва кўп хусусиятли ҳисобланади.

Ҳозирги замон психология фанида шахснинг интеллекти ва унинг тузилиши мукаммал ўрганилмаган. Фақат унинг яхлит ташкил этувчи (сезги, идрок, хотира, тафаккур, диққат, хаёл) қисмлари ва уларнинг компонентлари ўртасидаги боғланишлар умумий ҳолда ўрганилган. Булар ҳам шахснинг интеллектуал хусусиятларини аниқлашда қўлланилиб, билим (ақлий) фаолиятини ўрганишда фойдаланилади. Шахс фаолиятининг билиш жараёнлари таҳлил қилинганда психик жараёнлар интеллектнинг ривожланишидаги ўрни, тизими доирасидагина ўрганилганлиги маълум бўлди.

Б.Г. Ананьевнинг кўрсатишича, билиш психик жараёнлар орасидаги функционал боғланишлар, интеллектнинг яхлит ички тузилиши усулларининг тизимини ташкил этади. Шахс интеллекти билиш жараёнлари билан боғлиқ экан, у ўз-ўзидан эмас, балки иродаси кучи орқали амалга ошади. Билиш ҳамма вақт маълум маънода ҳайратланиш, завқланиш билан боғлиқ. Демак, интеллект ирода ва ҳиссиётни ҳам ўз ичига олади. Инсоннинг шахс сифатида ижтимоийлашувида унда шаклланган интеллект тизими белгиловчи ҳисобланади. Шунинг учун инсоннинг интеллектуал ривожланиши унинг ҳаёти даврларида муҳим аҳамият касб этади.

Инсон интеллекти имкониятларидан унумли фойдаланиши учун катта ёшдаги кишининг ақлий фаолиятининг бутун умри давомида амал қиладиган қонуниятларини билишни тақозо қилади. Ижтимоий ҳаётнинг инсон фаолиятига қўядиган талаблари, унга таъсир қилиш воситаларини инсон руҳий ривожланиши қонуниятларига мувофиқлаштиришдан иборат. Ўз вақтида рус педагоги К.Д. Ушинский таъкидлаганидек, таълим-тарбиянинг мақсади инсон табиатидан келиб чиқиб белгиланиши лозим. Бунинг учун эса инсон шахси ривожланишининг даврлари тўғрисида билимга эга бўлмоқ керак.

Таъкидлаш лозимки, педагог кадрлар касбий маҳоратини ошириш тизими узоқ тарихга эга бўлишига қарамай тингловчиларнинг ёш ва интеллектуал хусусиятларини ҳисобга олиш алоҳида масала сифатида кун тартибига қўйилган эмас. Аммо мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим ислоҳотлари ҳужжатларида педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, таъкидлаб ўтганимиздек, узлуксиз таълимнинг алоҳида тури сифатида тавсифланди.

Мустақиллик шароитида узлуксиз таълимнинг барча бўғинларини такомиллаштириш долзарб масала қилиб қўйилди. Айниқса, унда энди мустақил таълим мақомини олган педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг ривожланишини илмий асосга қўйиш шу куннинг муҳим илмий-назарий ва амалий муаммосидир. Келгусида бу тизим интуитив-амалий тараққиёт босқичидан ўзининг илмий-назарий



асосларида ривожланиши ва сифат босқичига кўтарилиши лозим. Малакасини ошириш тизимини илмий-назарий ривожланиш рельсига қўйиш кўп омилларга, жумладан, тингловчиларнинг ёши ва интеллектуал хусусиятларини ҳам инобатга олишга боғлиқ.

Таъкидланган муаммонинг илмий-назарий, амалий аҳамиятининг долзарблигига қарамай тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиб келмоқда. Хўш, бунинг боиси нимада?

Фикримизча, бунинг бир неча сабаблари бор. Чунончи, улардан бири мазкур муаммонинг чуқур тажриба (экспериментал) тадқиқотларни талаб қилишидадир. Бундан ташқари, унинг мураккаблиги, тадқиқотчидан фалсафий, психологик, педагогик, биологик билимлар ҳамда амалий тажрибани талаб қилувчи фанлараро алоқадорликни тақозо қилади. Шу билан бирга мазкур муаммонинг ҳозир кўндаланг қўйилиши жамият эҳтиёжи ва илмий-техник, маданий тараққиёт даражаси билан боғлиқ.

Мустақиллик шароитида мазкур малакасини ошириш тизимнинг алоҳида таълим тури сифатида тавсифланиши уни илмий асосга қўйишни тақозо этмоқда. Агар биз педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнини илмий асосда ташкил қилмоқчи бўлсак, унинг ривожланишини илмий асосда бошқаришимиз ҳам лозим бўлади. Ўз замонасида К.Д. Ушинский педагогиканинг антропологик муаммоларини тадқиқ қилиб, «Агар педагогика инсонни ҳар томонлама тарбиялашни истаса, уни энг аввало ҳар томонлама билиши керак», - деган эди [106, 287].

Педагог кадрлар малакасини ошириш тазимининг ҳозирги ҳолати XX асрнинг 20-30 йилларида таълим-тарбия соҳасидаги педагогик ёндашувга жуда ўхшаб кетади. Ўз вақтида педагогик таълим жараёнини боланинг ёшига қараб, ўсиш қонуниятлари тарзида талқин қилиниб, ундан таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи вазифаларни чиқариб ташланган эди. Ўқув жараёнига ўқувчисиз қаралиб, педагогика ўқитиш муаммоси билан машғул бўлиши лозим эмасдек эди. Таълим-тарбияга бундай ёндашув образли қилиб, боласиз педагогика, деб аталган эди.

Таълим жараёнига бундай педагогик ёндашув педагогикани фан сифатида ўз ўрганиш объектидан маҳрум қилган эди. Бундай шароитда таълим назарияси педагогик томондан белгиланган боланинг ривожланиш қонуниятларига боғлиқ бўлиб қолган эди.

Бунинг оқибатида боланинг билиш фаолияти таълим назариясининг предметидан четлатилган эди. Педагог кадрлар касбий маҳоратини ошириш жараёнида ҳозирги вақтда юқоридаги ҳолат ҳукмрон, десак хато бўлмайди. Чунки унда малакасини оширувчиларнинг ёши ва билиш хусусиятлари ҳисобга олинмай ташкил

қилинмоқда. Бу эса табиийки, мазкур жараённинг самарадорлигини пасайтирмоқда.

Мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимида ҳар бир организмининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолатда ташкил қилинса, у таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширади. Шахснинг ёш ва индивидуал хусусиятлари, организмининг ривожланиш қонуниятларини нафақат таълим-тарбия жараёни, балки ҳар қандай фаолият жараёнида ҳам ҳисобга олиниши лозим.

Бундан ташқари таълим тамойиллари таълим берувчи фаолиятини тартибга солади, унинг таъсирчанлигини кучайтиради, ўқув материалининг ўзлаштирилишини осонлаштиради. Шунинг учун умумий педагогикадаги таълимнинг илмийлик, тизимлилик, кетма-кетлик, таълимнинг ҳаёт, ишлаб чиқариш билан боғлиқлиги, ўқувчилар фаоллиги ва мустақиллиги, уларнинг ёши ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш малакасини ошириш жараёнида таълим тамойилларини ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Албатта, кўрсатилган таълим тамойиллари тўғридан-тўғри катталар таълимига кўчирилмай, ижодий ва танқидий асосда уларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ташкил қилинса, катталар таълимининг дидактик асослари вазифасини ўташи мумкин.

Бундан ташқари педагогларнинг касбий маҳоратини ошириш жараёнида уларнинг ёши ва билиш имкониятларини ҳисобга олиш катталар таълимининг муҳим тамойили ҳисобланади. Уларни инобатга олиш катталар касбий таълими ва билиш фаолиятига мақсадга қаратилган характер бериб, самарадорлигини оширади. Инсон ҳаётининг ҳар бир даври унинг организмининг функцияларидаги хилма-хил ўзгаришлар билан характерланади. Бу ягона ҳаётий циклда шахснинг етуклик даври алоҳида аҳамиятга эга. Инсон етуклик ёши даврида, унинг организмида қатор биологик, физиологик, психологик ва ижтимоий ўзгаришлар рўй бериши билан фарқланади. Унинг энг муҳим хусусияти инсон умрининг (18 ёшдан 60 ёшгача) 40 йилга яқин даврини ўз ичига олишидир. Яна бир муҳим томони инсон ҳаётидаги ижтимоий моҳиятининг шаклланишидир. Айнан шу даврда инсон фаол моддий ва маънавий бойликларни яратишда мустақил иштирок этади. У ота-она ва ўқитувчиларга тобеликдан қутулиб, ўз яшаш тарзини ўзгартиради. Шахс сифатида шаклланади, жамиятда ўз бурчини бажариш мавқеига эга бўлади. «Айнан шу даврда, - деб ёзади Ю.Н. Кулюткин, - инсоннинг маънавий ва жисмоний кучларининг ривожланиши содир бўлиб, улар касбий фаолиятнинг энг юқори самарадорлигини таъминлайди» [74, 65].

Маълумки, инсоннинг мактабгача ва мактаб даври ёш хусусиятлари яхши ўрганилган бўлиб, етуклик даври умуман “оқ доғ”



бўлиб қолмоқда. Инсон ҳаётидаги бу даврнинг ўзига хос хусусиятларининг ўрганилмаганлиги, унинг меҳнат фаолияти, дам олиш ва турмушини ташкил қилишга салбий таъсир кўрсатади.

Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларини тўғри ташкил қилиш учун тингловчиларнинг касбий маҳорати, билиш қобилияти, интеллектуал имкониятларининг ёши билан боғлиқ хусусиятларини билиш жуда муҳимдир. Малакасини оширувчиларнинг ёш хусусиятлари билан боғлиқ билиш қобилияти, интеллектуал ўзгаришларини англаш, улар фаолиятини малакасини ошириш жараёнида бошқариш, уларнинг ёшига мос келувчи таълимнинг мазмун, метод ва ташкилий шаклларини тўғри танлаш имкониятини беради.

Инсон етуклик ёшида маълум касбни эгаллаб, ижтимоий меҳнат фаолиятининг субъектига айланади. Агар у умрининг бошланғич даврида маълум фаолиятга тайёрланиши даври бўлса, етукликнинг бошланиш даврида мустақил ҳаётга қадам қўйиши, унумли ижтимоий, шахсий фаолиятининг бошланиши билан характерланади. Шунинг учун унинг хулқ-атвори, қизиқишлари, фаолият мотивлари касбий фаолиятга йўналтирилган бўлади. Катта ёшдаги киши ҳамма нарсани касбий ва ижтимоий фаолиятда кераклиги жиҳатидан баҳолайди. Катта кишилар ўқув фаолиятида белгиловчи омил касбининг эҳтиёжларини қаноатлантириш бўлиб қолади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, агар ўқувчини билиш фаолиятига йўналтиришда ўқитувчи асосий рол ўйнаса, катталар таълимида тингловчи ўз фаолиятининг фаол субъекти сифатида мустақил равишда шахсий қадриятлари, мотив ва эътиқодлари асосида иш кўриб, касбий фаолияти эҳтиёжига белгиловчи эътибор беради. Шунинг учун малакасини оширувчи шахсининг касбий фаолияти эҳтиёжларини тўла қондиришда, унинг ёш хусусиятларини инобатга олиш асосида машғулотларини ташкил қилиш заруриятга айланади. Шу тариқа ташкил қилинмаган ўқув машғулотлари тингловчиларда бефарқликни келтириб чиқаради. Тингловчиларнинг малакасини оширишларига жиддий ёндашувида уларнинг маънавияти, тарбияланганлик даражаси ҳам ижобий рол ўйнаши мумкин.

Шунинг учун катталар ўқишини ташкил қилиш, ўқув материалини идрок қилишда уни психолог-педагогик тавсиялар асосида илмий ишлаш, касбий фаолиятига мослаштириш муҳимдир. Агар ўрганилаётган ўқув материалини тингловчининг идрок қилиши, тушуниши ва кераклилиги, уни қабул қилишини ҳисобга олиб ёндашадиган бўлсак, бу компонентлар ичида кераклилик белгиловчи ҳисобланади. Чунки, юқорида айтилганидек, катта киши учун ўрганиш касбий қизиқишлари ва шахсий сифатлари билан белгиланади. Шу билан бирга катта киши

учун ўқув материалини ўрганишнинг асосий омили, унинг самарадорлигини белгилаш, олдига қўйган мақсадлари мажмуаси билан белгиланади.

Юқорида баён қилинган омилларнинг психологик-педагогик асослари шундаки, етуклик ёшида шахснинг руҳий ва шахсий сифатларининг ривожланишида ўзига хос давр бошланади, улар шахснинг ҳаёт шароити ва фаолияти турига қараб ихтисослашади. Биз бу ерда шахс психикаси ва онгининг ривожланишида фаолият асосий роль ўйнайди, деган қонуниятнинг ёрқин намоён бўлишини кўрамиз. Шунинг учун психик жараёнлар ва билимнинг йўналиши шахс фаолиятининг услуби, шароити, эҳтиёжлари билан белгиланади.

Шуни қайд қилиш керакки, ҳаёт шароити ва фаолият нафақат шахс ижтимоий меҳнат фаолиятини қамраб олади. Шу билан бирга унга яшаш муҳити ва унда шаклланган мулоқот усулларига ўз таъсирини ўтказади. Катталарнинг ёш даврлари қуйидагича бўлиши мумкин.

Шахснинг етуклик ёши – 18 дан 60 гача. Ўз навбатида бу давр ҳам микро даврларга бўлинади: илк етуклик – 18 дан 46 ёшгача ва кейинги етуклик 46 ёшдан қариликгача. Илк етуклик микро даврида психик функциялар ривожланишининг уч даври аниқланган.

Булар:

- 18 – 25 ёш илк етуклик;
- 26 – 35 ёш ўрта етуклик;
- 36 – 46 ёш сўнгги етуклик.

Бу даврлар бир-биридан шахс психик жараёнларининг ривожланиш функциялари ва тузилиш тавсифлари билан фарқ қилади, бу ўз навбатида, шахснинг билиш қобилиятларига таъсир кўрсатади [69, 4].

Мазкур даврларда шахс психик функциялари юқори ривожланишга эришиб, ўзига хос тузилишга эга бўлади ва асосий фаолият таъсири остида ихтисослашиб, бир ёқлама йўналиш олади. Бунда бир ёқлама йўналиш тор, салбий маънода эмас, балки фаолият эҳтиёжини қаноатлантиришга хизмат қилиб, ижтимоий фаолиятда юқори натижага эришишни таъминлайди.

Тадқиқотлар ва амалий кузатишлар кўрсатишича, шахснинг интеллектуал ривожланиш даражасига кучли таъсир ўтказувчи омил доимий ва мунтазам ақлий фаолият билан шуғулланишидир. «Психик функциялар даражаси ва тузилишига энг кучли таъсир қилувчи омил таълимдир. Ўқиш ва мустақил билим олиш билан фаол шуғулланиш катталарнинг билиш фаолияти имкониятларини кенгайтириб, юқори психик функцияларнинг юқори ривожланишини таъминлаб, самарали бўлишига олиб келади» [71,4].



Катта ёшдаги кишилар [41-45] психик функцияларининг ўзгаришида диққат юқорига кўтарилиб, хотира даражаси анча пасаяди. Бу психик функциялардаги тез ўзгаришлар шахс интеллектуал фаолиятида ихтиёрий диққатнинг йўналтирувчилик функциясини кучайтириб, ихтиёрсиз диққатнинг интеллект таркибидаги ролининг пасайишига олиб келади.

Тажриба (экспериментал) тадқиқотлари натижасида шу нарса аниқланганки, етукликнинг 18-25 ва 26-35 ёш даврларида психик функциялар ривожланади ва унинг таъсирида интеллект ўсади. Шу даврларнинг биринчисида тафаккур ва хотиранинг сезиларли ривожланиши (пульсацияси) юз беради. Тафаккурдаги пасайиш кўтарилишлар билан алмашади. Тафаккур учун ривожланишнинг юқори чўққиси 32 ёш, сўнг пасайиш сезилди, хотира ритмик характерда бўлиб, сезилмас тебранишлар юз беради.

«Ёш ўсиши билан шахс фаолиятида амалий тафаккурнинг роли кучайиб, унинг образли, вербал-мантиқий ва таъсирли жиҳатлари алоқалари ўзгарувчан бўлади» [74, 82-83].

Ю.Н. Кулюткин ва Г.С. Сухобскаялар тадқиқотларининг кўрсатишича, катталар таълими ва ўқиши таъсирида интеллект механизмлари ўз вазифасини ўтайди ва ривожланади. Катта ёшдаги кишилар фаолиятини илмий ташкил қилиш улар меҳнатининг самарадорлиги гаровидир. Бу ўз навбатида педагог кадрлар касбий маҳоратини ошириш жараёнига ҳам таалуқлидир. Чунки ўқитувчи ақлий фаолиятининг педагогик-психологик асосларини билиш, унинг касбий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш жараёнларини бошқариш имкониятини беради.

Педагоглар касбий маҳоратини оширишни тўғри ташкил этишда, ўқув материалига қизиқиш уйғотиш учун фақат касбий эҳтиёжларини ҳисобга олиш етарли эмас. Шу билан бирга шахсий сифатларини ҳам билиш зарур. Бунинг учун эса малакасини оширишни ташкил қилувчилар ёш даврлар психологияси, ўқитиш методикаси, дидактик қонуниятларини ҳамда фақат шу асосда жараён субъектларининг ёши ва интеллектуал хусусиятларини билишлари мумкин.

Тадқиқотлар кўрсатишича, ёш ва интеллектуал ўзгаришлар таъсирида организмда айрим психик функцияларнинг вазифаси бошқаларининкига қараганда кучаяди. Бу шахснинг ҳаёт тажрибаси, шароити ҳамда психик функцияларнинг асосий фаолият эҳтиёжига мосланиши асосида юз беради. Етуклик ёшида шахс фаолиятининг ҳар қандай соҳасида, жумладан, касбий маҳоратини оширишда ҳам англанган онгли ҳаракатлар муҳим аҳамиятга эга. Шахснинг ўз фаолиятининг мақсадини онгли англаши уни фаolликка ундайди. Бу ўз

навбатида, биз тадқиқ қилаётган ақлий фаолият белгиловчи бўлган соҳага ҳам тегишлидир.

Кишилар қаришининг тезлашуви ёки секинлашуви ҳаётий даврларнинг ўтиш мазмуни билан боғлиқдир. Шахснинг махсус қобилиятлари ва умумий иқтидорлилиги унинг ҳаёт тарзига таъсир кўрсатади. Меҳнатсеварлик, ҳаётий қувноқлик, доимий ақлий фаолият, меҳнат ва ижод ҳамда фаол ижтимоий фаолият тез қаришнинг олдини олади.

Инсон ҳаёти давомида унинг психик функциялари узвий боғлиқликда ривожланади. Бу энг аввало хотира ва тафаккурнинг ўзаро боғлиқлигида яққол намоён бўлади. Б.Г. Ананьев хотира ва тафаккур бир хил характердаги психик жараёнлар бўлиб, ахборотларни йиғиш ва уларга ишлов беришга хизмат қилади, -деган эди. Киши интеллекти психик функциялар тизимида ўзаро алоқадорлик ҳосиласи бўлиб, унинг ривожланиши кўпчилик ҳолларда хотира ва тафаккур алоқадорлигига боғлиқ бўлади. «Хотира ахборотни йиғиши, тафаккур эса унга ишлов бериб, ўзгартиришни янги концепция ҳосил бўлгунча амалга оширади. Бу ҳар иккала жараён - ахборот йиғиш ва ишлов бериш хотира ва тафаккурда ўзаро яқиндан боғлиқ ва улар доимий ўзаро таъсир ва ўзаро боғлиқликда бўлади», - деб ёзган эди Б.Г. Ананьев [30, 51].

Катта ёшдаги кишилар ҳаёт тарзи ва фаолиятини ўрганишнинг кўрсатишича, таълим ва ақлий меҳнат, шунингдек, доимий ақлий функцияларни машқ қилдириш шахс интеллектуал ривожланишининг асосини ташкил этади.

Шу асосда ҳар бир кишининг ҳаётий одатлари ва режимини белгилаши унинг ақлий меҳнати ҳамда ўзига боғлиқдир. Шахснинг тўғри ташкил этилган иш режими ва ақлий меҳнати, ўз фаолияти ва шахсий сифатларини мунтазам, мақсадга мувофиқ такомиллаштириши унинг мазмунли ҳаётини таъминлайди. Педагогларнинг интеллектуал имкониятларини тадқиқ қилиш таълим-тарбия ва малакасини ошириш жараёнини илмий ташкил қилишга асос бўлади. Агар биз катталар интеллектини ёши билан ўзгаришини кўрадиган бўлсак, у қуйидагича:



**Тафаккур, хотира, диққатнинг турли ёшдаги кишиларда ривожланиши. Экспериментал тадқиқот натижалари фоиз ҳисобида [74, 21]:**

| Психик функциялар | Ёш даврлари | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 16 – 21 | 22 – 25 | 26 – 28 | 30 – 35 | 36 – 40 | 41 – 46 |
| Диққат | 97,5 % | 100,5 % | 100,5 % | 102,8 % | 94,6 % | 96,2 % |
| Хотира | 102,0 % | 100,5 % | 97,0 % | 94,5 % | 93,7 % | 87,6 % |
| Тафаккур | 103,0 % | 102,5 % | 95,0 % | 102,3 % | 99,0 % | 89,6 % |

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, юқоридаги психик функцияларнинг билиш жараёнидаги вазифаси шахс ақлий ва билиш фаолиятининг интенсивлигига боғлиқ экан. Уларнинг ривожланишининг функционал асоси ўқиш, ўрганиш ва мунтазам ўз устида ишлаш, яъни ақлий фаолиятнинг узлуксизлигидир.

Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, тингловчининг ўқув материалини эсда сақлаш ва ундан фойдаланиши нафақат психик функцияларга, балки уни баён қилиш услуби, билим берувчи ўқитувчи шахси ва маҳоратига ҳам боғлиқ.

Кўп йиллик амалий тажриба ва кузатишларимиз бу хулосани тўлиқ тасдиқлайди. Малакасини ошириш жараёнида ўқув материалини эсда сақлаш тингловчи хотирасининг хусусияти ва йўналганлигига ҳам боғлиқ. Бу борада ўтказилган махсус тадқиқотлар кўрсатишича, 45-46 ёшдаги кишиларнинг хотираси 18-40 ёшдагилар билан солиштирилганда, анча пасайиши кузатилган. Аммо 41-46 ёшдаги кишиларда умуман хотиранинг кескин пасайиши (бутунлай инволяцияси) кузатилган эмас.

Тадқиқотлар, шунингдек, катта ёшдаги кишиларда тафаккурнинг йилдан-йилга ўзгариши ҳамда унинг шакллари нотекис ривожланиши ва компонентларнинг қайта қурилиши юз беришини кўрсатди. 41-42 ёшли кишида тафаккурнинг пасайиши, амалий ва образли тафаккурнинг ўзаро боғланганлиги кузатилган. Бу даврда тафаккурда вербал-мантиқий хусусият белгиловчи бўлади. 43-44 ёшга келиб тафаккур ҳамда унинг шакллари кўрсаткичлари ўртасида боғланишнинг кучайиши юз беради.

Бу даврда образли ва амалий тафаккурнинг алоқадорлиги кучаяди. Умуман, бу даврда тафаккурнинг у ёки бу шаклининг кучайиши ҳисобига умумий интеллектуал даража сақланади.

Таҳлил қилинган даврларда хотиранинг билиш хусусиятлари киши организмидаги биологик-физиологик ўзгаришлар таъсирида бўлади.

Аммо киши интеллекти таркибига кирувчи, бошқа билиш жараёнларидагидек, хотирада ҳам ўзгаришлар содир бўлади.

Баён қилинганларни якунлаб, таъкидлаш лозимки, катта ёшдаги кишиларнинг билиш жараёнларини таҳлил қилишда умумий хусусият ўз-ўзини тартибга солиш, ўз-ўзини бошқаришдир. Аммо унда мотивация муҳим аҳамият касб этиб, билиш эҳтиёжлар тизими ва ўрганиладиган ахборот моҳиятига муносабат – катталар билиш фаолиятини ўз-ўзича тартибга солиш ва ўзича бошқариш даражасига ҳам боғлиқдир. Педагог шахсий сифатлари ташқи шароитга мос келса, билиш фаолиятини кучайтирувчи кучли омилга айланади. Ташқи шароит сифатида турли омиллар, чунончи, қизиқиш, эҳтиёж, ёш ва билиш имкониятлари, таълим мазмуни, шакли ва методларининг педагоглар касбий эҳтиёжларига мос келиши мумкин. Бу эса педагогларнинг касбий маҳоратини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

### 3.3. Педагогларнинг фаолият мотивларини ҳисобга олиш - касбий маҳоратини оширишнинг таъсирчан омили

Шахс маълум фаолият билан шуғулланиш учун унда рағбат, интилиш ва маълум шарт-шароит бўлиши лозим. Касбий маҳоратини ошириш учун ҳам педагогда хоҳиш-истак бўлсагина, у фаол фаолият кўрсата олади.

Психологияда фаолият шахснинг мақсадга мувофиқ йўналтирилган онгли муносабати ва хатти-ҳаракатларни амалга ошириш шакли сифатида талқин этилади. Инсоннинг ҳар қандай фаолияти, шунингдек, касбий даражасини ошириш ҳам ақлий фаолият сифатида ўқув-билиш жараёнидан иборат. Шунинг учун ҳам у маълум рағбат ва ҳозирланишсиз амалга ошмайди.

Чунончи, ўқув-билиш фаолиятида ҳам фаоллик ўз-ўзидан пайдо бўлмай, балки поляк олими В. Оконь таъкидлаганидек, таҳсил олувчилар фаоллиги асосини ўқув материалининг ҳозирги ҳолати ва келажак учун муҳим ва зарурийлигини англаб етишлари, уни мукаммал ўзлаштиришга хоҳиш-истак, қизиқиш, қўйилган ўқув муаммосининг ечимини топиб, интеллектуал қониқиш ҳосил қилиш ташкил этади.

Педагогик адабиётларда жуда кам ўрганилган, касбий маҳоратни ошириш жараёнида ўқитувчи фаолиятининг мотивлари тўғрисида фикр юритамиз. Бунда шу нарсага алоҳида эътибор бериш керакки, ўқитувчи фаолияти масалалари Н.В. Кузьмина, А.И. Щербаков, Ф.Н. Гоноболин, В.А. Сластенин, Ю.Н. Кулюткин, Г.С. Сухобская, Ж.Ғ. Йўлдошев, К.З. Зариповлар томонидан ўрганилган. Аммо унинг мотивацион соҳаси ўрганилган эмас. Шахс фаолиятининг тузилишида мотив муҳим рол



ўйнаб, унинг марказий компоненти ҳисобланади. Шахс шаклланишида мотивнинг ўрнини биринчилардан бўлишини С.Л. Рубенштейн [97] таъкидлаган эди. Унинг кўрсатишича, интилиш, мотив маълум вазиятда пайдо бўлиб, шахс характери билан узвий боғлиқдир. Шахс фаолиятини ҳаракатга келтиришда мотивнинг мазмуни муҳим ҳисобланади.

Мотив мазмунининг функцияси шундаки, у энг аввало шахс фаолияти йўналтирилган объектнинг моҳияти, мазмуни, унинг субъект учун аҳамияти қанчалик даражада ўсиб бораётган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилишда намоён бўлади. Мотив мазмуни бир неча хил бўлиши мумкин. Бунда кўпчилик мотивлар ичида шахс фаолияти ва хулқ-атворини белгиловчи, уни ҳаракатга ундовчи ҳамда тартибга солувчи турли мотивлар амал қилади. Шахснинг мотивацион соҳаси кўп қирралидир. Аммо катта ёшдаги кишилар учун асосийси касбий фаолият ҳисобланади. Чунки педагог учун касбий фаолият нафақат ижтимоий муҳим ва объектив ҳодиса, балки субъектив шахсий қадрият ҳамдир. Шунинг учун уни эгаллаш, касбий фаолият субъектига айланиши ўқитувчи учун касбий педагогик ижоднинг бош йўналишини ташкил қилади.

Кўпчилик ҳолларда мотивни ўз вақтида маълум соҳага нисбатан қўзғалиш, деб ҳам қарайдилар. Бу қўзғалиш асосида шахс эҳтиёжи ётади. Мотив фаолиятда шахсий мазмун касб этади. Инсон фаолияти ҳамма вақт субъектив мотивланган бўлади.

«Мотив», «мотивация» сўзлари лотинча сўздан олинган бўлиб ҳаракатга келтириш, юрғизмоқ, деган маъноларни билдиради. Шахснинг мотивация соҳаси ўз ичига эҳтиёж, мотивлар, қизиқиш, ишонч, мақсад, ҳиссиёт ва иродани олади.

Инсонни ҳаракатга чорловчи ва унинг ривожланишида муҳим ҳаракатлантирувчи куч унинг эҳтиёжидир. Инсоннинг энг муҳим ва шу билан бирга олий инсоний эҳтиёжи меҳнатдир. Меҳнат касбий фаоллик таркибида белгиловчи бўлиб, ҳамма вақт ўзига хослиги билан ажралиб турувчи хусусият ҳисобланади. Эҳтиёж инсон фаолияти мотивациясида асосий бўлиши билан бирга ягона ҳам эмас. Эҳтиёжлар ҳаракатлантирувчи куч сифатида қаралса-да, шахс фаолиятига маълум йўналиш бера олмайди. Шахс фаолиятига йўналиш берувчи асосий нарса унинг маълум предмет, ҳодисага қаратилганлигидир. Фаолиятнинг маълум объект, нарсага йўналганлиги унга зарурий йўналиш беради. Эҳтиёж объект билан тўқнашиб фаол йўналиш олади ёки мотив шаклида намоён бўлади, «…ташқи олам предметлари, - деб ёзган эди С.Л. Рубинштейн, - фақат билиш объектлари тарзида намоён бўлмасдан, балки хулқ-атворнинг ҳаракатлантирувчи кучи, унинг ҳаракатлантирувчи двигатели

инсонга маълум ҳаракатларни келтириб чиқарувчи мотивлар» тарзида ҳам намоён бўлади [97, 121].

Агар эҳтиёжлар инсон фаоллиги механизмининг моҳиятини ташкил этса, мотивлар эса унинг моҳияти, аниқ мазмунини ташкил этади. Эҳтиёж билан мотив ўзаро боғлиқ. Мотивлар шахс ядросини, унинг фаоллиги йўналишини ташкил этади. Мотивларнинг тузилиши шахснинг бошқа ташкил этувчи тузилишида марказий бўлиб, унинг бошқа хусусиятларига кучли таъсир қилади. Шунинг учун ўқитувчи шахси ва фаолиятини тушунишнинг калити, унинг мотивацион соҳаси, мотивлар тизимида белгиловчиси орқали амалга ошириши мумкин. Инсон эҳтиёжининг аниқ намоён бўлиш шакли қизиқишдир. Қизиқиш – билишга, меҳнатга, спортга, ўқишга ва ҳоказо бўлиши мумкин. Қизиқиш кенг тушунча. У шахснинг билишга йўналганлигини ёки маълум фаолиятга доимий лаёқатини англатади. Шахс маълум фаолият билан доимий ва зўр бериб шуғулланса қизиқиш лаёқатга айланади. Айрим ҳолларда лаёқат қизиқишларни фаоллаштирувчиси сифатида ҳам талқин қилинади. Шахснинг йўналганлиги ёки қизиқишининг намоён бўлиши интилиш, режа, орзу, истиқбол тарзида намоён бўлади.

Инсон ривожланишининг зарурий шарти, унинг оламга қизиқишининг кенглигидир. Қизиқишлар марказлашган ҳолда асосий бирон-бир масалага йўналганлигида яққол намоён бўлади. Аммо ёш ўтиши билан шахс қизиқишлари марказлашиб, касбий қизиқиши белгиловчи бўлиб боради. Касбий қизиқиш белгиловчи бўлиб, шахснинг маълум муҳим йўналганлигини белгилаб, касбга меҳр, қизиқишлар билан боғлиқ бўлиб қолади [29, 29].

Маълумки, касбга қизиқиш лаёқат асосини ташкил этиб, ўзини ва касбини такомиллаштириш ички мотивга айланиб боради, шу тариқа ўзи танлаган соҳасига (фаолиятга) муҳаббатга айланади.

Шуни ҳам инкор қилмаслик керакки, маълум фаолиятга доир қизиқиш ва лаёқатлар шахснинг бошқа сифатларининг ривожланишига асос ҳам бўлади. Улар қобилият шаклланишининг фаол асоси сифатида хизмат қилади. Шахс қобилиятининг ўсишида доимий ва кучли қизиқиши муҳим роль ўйнайди. Айрим ҳолларда қизиқиш шахс муваффақиятининг муҳим омилига айланади, ҳаттоки уни қобилият билан тенглаштиради. Жумладан, ўқувчининг жисмоний тарбия ва спортга доимий қизиқиши етук спортчи бўлиши учун асос бўлади. Спортга бўлган қобилиятининг ривожланишига ёрдам беради. Ўз навбатида қобилият қизиқишнинг доимий, мунтазам бўлишига, унинг маълум йўналиш олишига асос бўлади ва бир-бирини кучайтиради.

Педагогик эътиқод ўқитувчи касбий қизиқишининг юқори даражаси ҳисобланадн. Ўқитувчи ўз эътиқодини чуқур англаб,



педагогик қобилиятини ривожлантириш устида фаол иш олиб боради. Шахснинг маълум касбга қобилияти – мос меҳнат қилиши, ўз ишини севиши, унга ўзини бағишлашида намоён бўлади. Ўқитувчининг ўз касбини севиши, унга ўз ҳаётининг мазмуни сифатида қараши шу қизиқишини ўз ўқувчиларида тарбиялашига асос бўлади. Ўқитувчи ўз касбини севмаса, ҳар қандай қарор, кўрсатма, энг мукаммал тузилган дастур ҳам кутилган натижа бермайди. Педагогик мақолда – “ўзинг севмаган нарсани ўргана олмайсан” – чуқур маъно бор. Ўз ишига садоқат ўз-ўзидан келмайди, балки тинимсиз меҳнат орқали шаклланади. Меҳнатсеварлик ҳар қандай қобилиятни шаклланишининг муҳим шартидир. Қобилият меҳнатнинг функциясидир. Агар инсон меҳнатсевар бўлса, у кўп самарали ва ижодий ишлайди. Ўз навбатида севимли иш қийинчиликларсиз, рағбат, қандайдир ички бир интилиш билан амалга оширилади.

Педагоглик касбини севиш асосида меҳр-муҳаббат ҳисси ва болаларни севиш ётади. Болаларни севиш ҳам деярли ҳамма одамларга хос хусусиятдир. Аммо педагогик меҳр-оқибатнинг ўзига хос хусусияти бор. Педагогик меҳр-оқибат асосида жуда катта сабр-тоқат, болалар муваффақиятидан қувониш, бутун қалб кўрини уларга бағишлаш ётади. Ўқитувчи болани севиши асосида оддий инсонийлик, меҳр-оқибат эмас, балки уни шахс сифатида шакллантириш масаласи ҳам ётади.

Н.В. Кузьмина [66] ўқитувчи педагогик фаолиятининг муваффақиятини ўрганиш асосида, унинг жуда кўп сифатлари орасидан болалар билан ишлай олиш қобилияти, ўз ишига қизиқиш белгиловчи эканлигини аниқлади. Ҳар бир ўқувчида ўзига хос индивидуалликни кўра билиш, унинг ривожланишини кузатиш ва ўқувчилар билан тўғри ўзаро муносабат ўрната олиши педагогик фаолиятда муваффақиятлар гаровидир. Ўз иши ва ўқувчиларга муҳаббат ўқитувчига мунтазам ўз устида ишлаши ҳамда педагогик маҳоратини такомиллаштириш мотиви сифатида хизмат қилади. Шу билан бирга педагогик маҳорат ўқитувчи шахси, унинг ахлоқий сифатлари, онги, иродаси, характерига ҳам боғлиқдир. Бу сифатлар ҳар бир ўқитувчида турлича бўлса-да, уларни бирлаштирадиган хусусият болаларни севиш, уларга қизиқиш, улар камолотига ишонч, таълим-тарбиясидаги ютуқларидир. Ўқитувчи фаолиятида унинг шахсий қизиқишлари мотивларини тўла акс эттира олмайди. Инсон хулқ-атвори бир-бирига боғлиқ кўпгина мотивларни кўзлайди. Аммо улар ичида белгиловчиси бошқаларини ўзига бўйсундиради ва шахс мотивацион соҳалар тузилишини характерлайди.

Мотивлар шахс фаолиятининг мақсади билан узвий боғлиқ бўлади. Мотив инсонни мақсад белгилашга ундайди ва бу мақсадни амалга оширишга унинг фаолиятини йўналтиради.

Ўқитувчилик касбига қизиқиш ёшларни педагоглик касбини танлашга ва уни эгаллашга ундайди. Шахснинг фаолият мақсадини амалга оширишда мақсадга қаратилганлик белгиловчи ҳисобланади. Мақсадга қаратилганлик шахснинг энг муҳим хусусиятларидан биридир. Шахсни мақсад учун курашувчи сифатида таърифлаш мумкин. «Инсон учун муҳим бўлган нарса охир оқибатда унинг мотиви ва фаолиятининг мақсади сифатида намоён бўлиб, шахснинг ҳақиқий бош йўналишини белгилайди», - деб ёзади С.Л. Рубинштейн [97, 142].

Мақсад деганда бўлажак фаолиятнинг идеалда кутилган натижасини тушуниш керак. Мақсад шахснинг потенциал имкониятларини бирлаштириб, қўйилган вазифани ечишга йўналтиради. Агар бажариладиган иш (фаолият) ўз характери билан қийин ёки ёқимсиз бўлса, у мақсад таъсири остида амалга ошади. Мақсад фаолиятни амалга ошириш функциясининг бажарилиши билан ажралиб туради. Шунинг учун мақсад ва мотив ўртасида умумийлик ва фарқ ҳам бор. Мотив бу фаолиятни амалга ошириш воситаси бўлса, мақсад фаолиятни йўналтириш воситасидир. Шахснинг бирон-бир ишни амалга ошириш мақсади бўлса, мотив эса ундан манфаатдорлик ёки завқланиш, ўзини кўрсатиш, мақтов эшитиш, қизиқишини қаноатлантириш бўлиши мумкин. Фаолият учун мотив асос бўлса, мақсад уни якунига етказишдир. Мақсадсиз мотив потенциал мавжуд бўлиб, маълум фаолиятга ҳозирлик шаклида намоён бўлади.

Фаолиятда мақсад ва мотив яхлитликда қаралади. Улар бир-бирига мос бўлиши керак. Уларнинг яхлитлиги шундаки, мақсад мотивга айланиши мумкин. Агар мақсад шахс учун қизиқиш туғдирса, унинг учун муҳим бўлиб, ижтимоий моҳият касб этса, мотивга айланади.

Инсоннинг фаолияти мақсадини мотив асосида амалга оширишида онгли, иродавий ҳаракати муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ирода инсоннинг мотивацион соҳасини ташкил этиб, белгиловчи мотивни амалга оширади, мақсадга қаратилган онгли хулқ-атворини таъминлайди. Мақсадга қаратилган қийинчиликларни енгиш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракат иродавий ҳисобланади. Ирода қўйилган онгли мақсад асосида унга эришиш, шу йўлда қийинчиликларни фаол енгишда намоён бўлади. Фақат иродали одам мақсад сари ҳаракат қилади ва унга эришади. Ирода инсоннинг бошқа психик жараёнлари билан узвий боғлиқ бўлиб, энг муҳим билиш жараёнлари (идрок, хотира, тафаккур, хаёл) билан борлиқ ва улар билан ўзаро алоқадорликда бўлади. Ирода қобилият шаклланишида муҳим аҳамиятга касб этади. Қобилият тинимсиз ва завқли меҳнатда шаклланади. Шахснинг ахлоқий-иродавий сифатлари унинг тузилишида етишмайдиган бир қатор сифатларини компенсация қилади. Инсон иродаси унинг ҳиссиётлари билан ҳам



боғлиқ бўлади. Энг аввало жаҳлни ақлга бўйсундиришда кучли ирода муҳим роль ўйнайди. Ироданинг моҳияти инсоннинг ҳиссиётларини жиловлаш, ўзини тута билиш қобилиятида намоён бўлади. Ўқитувчининг ўз касбига садоқати ва қатъияти ҳиссиёт ва ироданинг аниқ намоён бўлиши сифатида педагогик маҳоратини эгаллашида муҳим ўринга эга. Педагог фаолиятининг юқори эмоционал-иродавий ҳаракатларнинг оптимал мутаносиблигида эришилади. Немис педагоги А. Дистервегнинг фикрига кўра, ўқитувчининг дидактик таъсир кучи, энг аввало, унинг кучли иродаси ва характеридадир. Ўқитувчи шахси ва педагогик маҳоратининг шаклланишида қийинчиликларни енгишга бўлган кучли иродаси муҳим ўрин тутади.

А.С. Макаренконинг [77] тасдиқлашича, ҳар қандай ўқитувчи моҳир педагог бўлиши мумкин, агар жиддий ва мунтазам ўз устида ишласа. Ўқитувчи меҳнатининг кўпқирралилиги ва қийинлигига қарамай, ўзининг шахси ва педагогик фаолиятини такомиллаштиришга интилиши асосида мустақиллик шароитида Ватан олдидаги бурчи ва масъулияти ҳамда кучли ахлоқий-иродавий сифатлари ётишини инкор қилиб бўлмайди.

Ўқитувчи мотивацион соҳасининг барча тушунчалари – эҳтиёж, қизиқиш, мақсад, ирода – педагогик қобилият шаклланишининг муҳим омиллари ҳисобланади. Ўқитувчи фаолиятининг мотивлари унинг шахси тузилишининг бошқа ташкил этувчи томонларини ҳам ўз ичига олади. Булар ичида шахснинг йўналганлиги ва ҳаракати муҳим ҳисобланади. Ўқитувчи шахсининг йўналганлиги мотивлар иерархиясининг шаклланиш натижаси, белгиловчи мотивларидир. Академик В.А. Сластенин [98] педагогик фаолиятда ижтимоий-ғоявий, касбий-педагогик тайёр бўлиши ўқитувчи шахсининг йўналганлигини белгилашини таъкидлайди. Педагогик фаолиятнинг белгиловчи мотивлари – ўз касбига муҳаббат, болаларни севиш, ўз касби билан фахрланиш, Ватан олдидаги бурч ва масъулиятини чуқур англашдир. Педагог шахснинг доимий йўналгалиги унинг касбий маҳоратини таъминлайди. Педагог иродаси ва шахснинг йўналганлиги мураккаб мотивацион соҳани ташкил этиб, унинг характер тузилишини ташкил этади. Иродавий сифатларнинг белгиловчилиги кучли характерни ташкил этади. Характер – шахс тузилишининг шундай қисмики, у доимий ва кучли инсон фаолиятининг турли шахсий хислатларида намоён бўлади. Педагогик фаолиятда белгиловчи – характер ва тарбияланганликдир. И.А. Каримов бу борада «Бировни ўқитадиган, тарбия қиладиган инсон аввало ўзи ҳар жиҳатдан баркамол бўлмоғи шарт», [6, 16] деб таъкидлади. Инсонни тарбиялаш деганда, энг аввало, унда кишилар, ўзи, табиат ва жамиятга тўғри муносабатни

шакллантириш лозимлигини унутмаслигимиз керак. Ўқитувчи бошқаларда тўғри инсоний муносабатларни шакллантира олиши учун унинг характерида тўғрилик, ҳаққонийлик, кишиларга меҳрибонлик, ҳозиржавоблик, яхшилик, жиддийлик, қатъият, принципиаллик каби сифатлар белгиловчи бўлиши лозим. Ўқитувчи характеридаги ўзига хосликни унинг алоҳида сифатларида эмас, балки шахси, ундаги барча мураккаб хислатларининг ўзаро таъсири асосида мотивацион онгининг белгилашини эътиборга олмоқ лозим.

Шундай қилиб, характер қобилият билан яқин алоқада бўлиб, унинг аниқ намоён бўлиши касбга лаёқат, маълум фаолиятга лаёқат ва қобилиятни белгилайди. Қобилият билан характернинг камол топиши ҳар бир шахсда ўзига хос намоён бўлади. Шунинг учун индивидуаллик характер билан ҳамоҳангдир. Характер инсон индивидуаллигининг яққол намоён бўлишидир. Шахс мотивациясининт таркибий қисмларини биз қараб чиқар эканмиз, унда дунёқарашнинг муҳим аҳамиятини назардан четда қолдирмаслик зарур. Дунёқараш шахс қарашларини маълум тизимга солиб, унинг борлиққа муносабатини белгилаб, мотивларни мустаҳкамлаб яхлитлигича хулқ-атворини тартибга солади. Дунёқараш ўз ичига билим, кўникма ва малакани олиб, уларни амалиётда қўллаш йўлларини белгилайди. Унинг таркибига эътиқод ҳам киради. Эътиқод қарашларнинг мустаҳкамлиги, шаклланган қарашларнинг тўғрилигига асосланиб, уларни фаолиятда амалга ошириш йўл, воситаларини белгилайди. Ишонч, эътиқод қарашларнинг маълум тизимини ташкил этиб, ахлоқий қарашлар, шахсий қадриятлар асосини ташкил этади ҳамда зўр мотивацион куч, шахснинг фаолиятини ҳаракатга келтирувчиси сифатида намоён бўлади. Шу асосда шахс ўзи ва фаолиятини такомиллаштиришнинг ички интилишини ташкил этади. Шахсда дунёқараш ва эътиқод таъсирида мотивациянинг юқори даражаси – идеал шаклланади.

Идеал инсон касб соҳиби ва шахс сифатида ўзига баҳо беришда кўринади. Идеал касбий такомиллашув мақсадига хизмат қилиб, педагогнинг ўз устида мунтазам ишлашида амалга ошади. Идеал педагогик фаолиятда ўқитувчининг хулқ-атворини ҳаракатга келтирувчи куч бўлиши учун идеал орзу сифатида эмас, балки педагог фаолиятининг ҳозирги ҳолати ва келажагини фаол ўзгартирувчи мотив сифатида намоён бўлмоғи лозим. Идеал педагогнинг ўз шахси ва таълим-тарбиянинг истиқболини кўра олиш ва унга эришишга ундовчи мотив бўлиши лозим.

Бундан кўринадики, педагогик фаолият муваффақиятини ўқитувчи билими, кўникмалари ҳамда малакаси белгилаб, унинг шахсий сифатлари орқали намоён бўлади. Шахс эса фаолиятининг мотивларида



ўзини намоён қилади. Педагог кадрлар касбий маҳоратини ошириш жараёнида англанган қизиқиш ва мотивлар ётади. Касбий маҳоратини оширишнинг ҳаракатлантирувчи кучи қизиқиш ва мотив бўлиб, унинг оқибатида билим, кўникма ва малакаларни ўрганиш, уларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳамда амалий кўникмаларга айлантириш содир бўлади.

Педагогларда касбий такомиллашув ёки ўқув жараёнига қизиқиш уйғотиш учун ўрганиладиган ўқув материалига мос ўқитиш-ўрганиш воситалари, методи ва ташкилий шаклларини танланиш ҳамда уларнинг психологик ҳамда дидактик жиҳатдан асосланиши ниҳоятда муҳимдир. Фақат шундай ҳолатда тингловчиларда ўрганиладиган материалларга қизиқиш пайдо бўлади. Педагоглар ва таълим муассасалари раҳбарлари билан малакасини ошириш соҳасида кўп йиллик тажрибаларимиз шуни кўрсатадики, кўпчилик ҳолларда тингловчиларнинг қизиқишлари, касбий эҳтиёжлари ҳисобга олинмай ўқув жараёни ташкил этилади. Курсларда ташкиллаштириладиган таълим-тарбия, касб-ҳунарга ўргатиш жараёнларидан ажралган ҳолда ўтилади. Натижада тингловчиларда ўтилаётган материалларнинг менинг фаолиятим ва шахсим учун керакли жойи йўқ, деган тасаввур ҳосил бўлади. Шунинг учун уларда дарсни диққат билан тинглаш шарт эмас, деган нотўғри тушунча пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам тингловчи малакасини ошириш курсидаги ўзининг асосий вазифасини машғулотда иштирок этиш холос, деб билади.

Малакасини оширишга бундай салбий муносабатларнинг ана бошқа бир неча сабаблари ҳам мавжуд. Чунончи, тингловчи педагогнинг фаолият йўналиши, шахсий сифатларининг педагог касби талабларига мос келмаслиги. Педагогик фаолият ўз моҳияти билан ижодийдир. Бундай сифатларга эга бўлмаган кишининг педагогик фаолият билан шуғулланиши, унинг сифатлари билан ижтимоий талабнинг бир-бирига мос келмаслиги ички зиддиятларга олиб келади. Бундай киши учун педадоглик касбининг моҳияти ижтимоий аҳамият касб этмайди. Айрим ҳолларда бундай ўқитувчилар малакасини ошириш курсларида ўзлари учун ҳамма керакли методик кўрсатма, кўргазма, қўлланмаларни тайёр ҳолда оламиз, деб курсга келадилар. Бунинг акси бўлгандан сўнг, малакасини ошириш курслари ҳеч қандай фойдали нарса бермади, деган нотўғри хулоса чиқарадилар. Педагогик фаолиятнинг ўзига хос хусусияти шахс интилишининг ўқув жараёни эҳтиёжлари ва педагогнинг касбий ҳамда маънавий қизиқишларига йўналганлигидадир.

Касбий маҳоратни ошириш жараёни педагогик қизиқишларини қаноатлантириш, ўқув жараёни ва шахсни такомиллаштиришга

қаратилиши лозим. Шунинг учун малакасини ошириш ўзининг қайси бир томонлари билан шу талабларга жавоб бермаса, тингловчининг унга қизиқиши пасаяди ёки умуман йўқолиб, пассив, эътиборсиз бўлиб қолади. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, малакасини ошириш жараёнига тизимли ёндашув, унинг мазмуни, мақсади, ташкил қилиш шакллари ўқитувчи шахси ва фаолияти эҳтиёжларига мос бўлиши зарур. Демак, малакасини ошириш курсларидаги ўқитишнинг энг муҳим тамойили – таълим муассасасидаги таълим-тарбия жараёнини касб-ҳунарга ўргатиш жараёни билан боғлашдир. Бунинг учун малакасини ошириш муассасасида машғулот олиб борувчи шахс (ўқитувчи) тингловчиларнинг хоҳиш-истакларини билиш асосида ўз дарсининг мантиқий мазмуни ва йўналишини белгилаши лозим. Тингловчиларнинг ишончини қозониш учун уларни ўқув жараёни субъектига айлантириш, дарсларни интерфаол методлар асосида ташкил этиши лозим. Машғулотни ўзаро ҳамкорлик асосида ташкил қилиб, тингловчилар билимини синаш, қизиқишларини аниқлаш, ўрганилаётган ўқув материалига муносабатини аниқлаш муҳимдир. Шу асосда курс маърузачиси ўзининг айнан шу соҳада етарли билимга эгалиги, яъни бошқаларга билим ўргата олишини кўрсата билиши керак. Фикримизча, том маънодаги ижодий изланувчан педагогнинг шаклланишида унинг хоҳиш-истаги муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, малакасини ошириш курсига тингловчилар нима мақсадни кўзлаб келганликларини билиб олиш ва уларнинг хоҳиш-истагини инобатга олиб, ўқув жараёнини ташкил этиш юқори самара беради.

### 3.4. Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида педагог шахсий сифатларини ҳисобга олишнинг аҳамияти

Ўқитувчилик фаолиятида фақат билим, кўникма, малакаларнинг ўзи етарли эмас. Ундаги билим, кўникма ва малака ўқувчи шахсини шакллантириш воситаси бўлиши учун ўқитувчидаги шахсий-ахлоқий ва касбий сифатлар ҳам муҳим роль ўйнайди.

Мустақиллик шароитида ўқувчиларда ўз Ватани, халқига садоқат, миллий ғурур, меҳнатсеварлик сифатларини тарбиялаш ўқитувчида бу борада чуқур билимга эга бўлиш билан бирга юксак ахлоқий сифатлар соҳиби бўлишини ҳам тақозо қилади. Ҳозирги шароитда ўқувчиларга чуқур билим, касб ўргатиш билан бирга уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда ўқитувчининг шахсий ахлоқий сифатлари белгиловчи роль ўйнайди. Шунинг учун ўқитувчи педагогик



маҳоратининг таркибий тузилишида билим, методик маҳоратнинг яхлит уйғунлигини унинг шахсий сифатларисиз шаклланиши мумкин эмас.

Маълумки, касбий педагогик маҳорат ҳар бир ўқитувчида индивидуал хусусиятга эга ва у энг аввало унинг назарий ҳамда мустақил иш фаолиятининг маҳсули сифатида шаклланади. Унинг шаклланиш муддати ва даражаси педагогнинг шахсий сифатлари ва касбига муносабати билан белгиланади.

Шунинг учун ўқитувчилик касбида унинг касбий маҳорати билан бирга шахсий сифатлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Касбий маҳорати билан унинг шахсий сифатлари мос келиб, бир-бирини тўлдирса, бу ёш авлод таълим ва тарбияси муваффақиятини таъминлайди. Педагогик фаолият самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқитувчининг шахсий, инсоний сифатларига боғлиқ. Шу сабабли ўқувчиларнинг ўқитувчига муносабати педагогнинг шахсий сифатлари таъсирида у ўқитадиган фанларга ҳам кўчади. Ўқитувчи шахсий сифатлари фанларнинг тарбиявий таъсирини кучайтириши ёки аксинча сусайтириши мумкин. Ўқитувчининг салбий сифатлари ўқувчиларга у ўқитадиган фанга нисбатан қизиқишни пасайтиради.

Ўқитувчи такомилида унда шахсий сифатларни шакллантириш уч муаммо билан боғлиқ, деб ҳисоблаймиз. Булар қуйидагилар:

***Биринчи муаммо*** – шахсий муҳим сифатлари: ўқитувчи учун муҳим орзу, идеаллар, касбий тасаввури, ҳаёли, касбига муҳаббату садоқатни шакллантириш керак, зеро бу педагогик фаолият муваффақиятини таъминловчи педагогик касби учун муҳим сифатлардир.

***Иккинчи муаммо*** – мотивацион муаммо, педагогик фаолиятга ундовчи сабабларни ўқитувчи англаб етиши ва шунга кўра ўзида шу касб учун керак бўлган сифатларни: қизиқиш, қобилият, лаёқат, иқтидорни ривожлантириши, ўз касбини эгаллаш учун етарли бўлмаган сифатларни: кўникма, малака, педагогик одат-одобни шакллантириши, касбни эгаллашга халақит берувчи ўзидаги шахсий сифатларни (ўзини тута билмаслик, уятчанлик, йиғлоқилик, бўшанглик, ялқовлик) йўқотиши керак.

***Учинчи муаммо*** – технологик бўлиб, ўзида педагогик маҳоратни шакллантириш методлари, воситаларини эгаллаши, ўқувчиларга ёш ва индивидуал хусусиятларига кўра таълим ва тарбия бериш методларини ривожлантириши керак.

Педагог яхши шахс сифатида алоҳида ақл, темперамент (мижоз) эгаси, ўзига хос ва касбига мос хулқ-атвори билан намоён бўлади. Педагогнинг касбий йўналиши ундан алоҳида ўзига хос шахсий сифатларини ривожлантиришини талаб қилади ва шу сифатларнинг мавжудлиги педагогик фаолият муваффақиятини таъминлайди.

Педагогик фаолият ўзига хос тузилишга эга бўлиб, унинг таркибий қисмлари, компонентларини ўз илмий ишларида Н.В. Кузьмина [70] ўрганар экан, у педагогик фаолият муваффақиятини педагогнинг умумий ақлий сифатларидан:

1. Тизимлилик, тушунарлилик, танқидийлик.
2. Кузатувчанлик, ижодкорлик.
3. Нутқ маданиятига эгаликни кўрсатади.

Олиб борилган тадқиқотларга кўра, ўқитувчи шахси тузилиши педагогик фаолият тузилишида ўз аксини топиши керак. Педагогик фаолият мазмуни педагог шахси мазмунини аниқлаб беради. Педагогик фаолият ўқитувчидан шунга мос педагогик қобилиятни талаб қилади, шуниси ҳам борки, ўқитувчи шахсий педагогик сифатлари ҳамма вақт ҳам педагогик фаолият тузилиши билан айнан мос бўлмаслиги мумкин.

Педагогнинг шахсий сифатлари тизимида унинг сиёсий қарашлари ва дунёқараши муҳим ўрин эгаллайди. Ўқитувчининг сиёсий йўналишлари унинг эътиқоди, дунёқараши асосида шаклланади. Ўқитувчининг бу сифатлари унинг касбий йўналишлари, вазифалари, эътиқоди ўқувчиларни тарбиялашга таъсир қилади. Ўқитувчида илғор, илмий-ғоявий дунёқарашнинг мавжудлиги педагогик фаолият самарасини белгилайди. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг ғоявий-сиёсий етуклиги ўқув-тарбия ишларига, унинг тамойилларига ҳам сезиларли таъсир қилади.

Ўқитувчи таълим-тарбияни рисоладагидек олиб бориши учун унда чуқур билим билан бирга чуқур эътиқод ҳам бўлиши керак. Ўқитувчи сиёсий тарбиячи ҳам бўлиши керак, чунки ўқитувчи олий вазифа – янги баркамол авлодни шакллантиради. Бу олий ишни уддалаши учун энг аввало унинг ўзи ҳам тарбияланган ҳамда билимли бўлиши керак. Ўқитувчи шахсий сифатларининг шаклланишида касбий идеал муҳим ўрин тутади.

Тадқиқотимиз натижасида шу нарса аниқландики, ўқитувчилар ахлоқий сифатлар (яхшилик, ҳақиқат, тўғрилик) ва касбий сифатлар (уюшганлик, босиқлик, ўқувчиларни тушуниш ва севиш)ни аниқ бир-биридан ажрата олмайдилар. Идеал ўқитувчи образида уларнинг ҳар иккаласи бир хил аҳамиятли эканлигини эътироф этадилар. Сўровлар натижасида аниқландики, педагоглар идеал ўқитувчи шахсида муҳим сифатлар сифатида – ҳалоллик, поклик, ҳақиқатгўйлик, талабчанлик, ташкилотчилик ва раҳбарликни таърифлайдилар. Сўровда иштирок этган тингловчилардан қарийб ҳаммаси (98 %) шуни эътироф этади.

Педагог кадрлар малакасини оширишни уларнинг шахсий сифатларисиз тадқиқ қилиш бир ёқламаликка олиб келади. Жумладан, шахснинг энг муҳим хислатларидан бири унинг йўналганлигидир. Шахс



йўналганлигида унинг маълум фаолиятга ҳозирлиги, қадриятлари, қизиқишлари, касбига нисбатан ҳаётий позицияси, бошқа кишиларга, ижтимоий ҳаётга муносабати марказлашган ҳолда акс этади. Шахс йўналганлигида унинг ҳар томонлама муносабатлари, ҳаётий интилиши ва позицияси, режалари ва идеали ўз ифодасини умумлашган шаклда топади. Шахс йўналганликнинг ядроси бу унинг “Мен”идир. Унда шахснинг ўзини намоён қилиши, ҳаётий, фаолиятнинг у ёки бу соҳасида ўсиш ва ривожланиши акс этади. Шахснинг ижтимоий ва меҳнат фаолиятида ўзини намоён қилиши, унинг ўзини англашида яққол кўринади. Ижтимоий психологияда шахснинг ўзи ҳақидаги тасаввури ўз “Мен”ида ифодаланиб, бошқа кишилар, айниқса, у фаолият кўрсатадиган жамоа кишилари баҳоси, муносабатлари орқали намоён бўлиши аниқланган. Шахснинг ўзи ҳақидаги тасаввури ўз «Мен»и асосида ташкил топиб, «Мен-образ» тарзида ифодаланади.

У ўзида:

А. Ўтмишдаги «Мен»ни.

В. Ҳозирги «Мен»ни.

С. Идеал «Мен»ни, яъни келажакда қандай бўлишини, ифолалайди.

Бунда шахс ҳозирги ҳолатини баҳолайди, ундаги ўзгаришлар (ижобий ёки салбий) асосида ўтмиш ҳамда келгусидаги идеал модель билан солиштиради. Табиийки, идеал билан талаб ўртасида маълум фарқ мавжуд бўлади. Умуман бундай фарқ ҳамма кишиларда бўлади. Масаланинг муҳим томони шундаки, шу фарқни англаш асосида шахснинг ҳаёт режаларини белгилаш, унинг шахсий ва касбий маҳоратини такомиллаштириш учун ҳаракатлантирувчи куч сифатида фойдаланиш мумкин. Шахс идеали мақсад сари интилиш мотиви бўлиб, унинг касбий такомиллашуви учун замин бўлади. Педагогнинг ўтмишдан ҳозирга, ҳозирдан келажакка ҳаракати ўзига бино берининг муҳим мезонидир. Инсоннинг «Мен»-образининг шаклланишини тадқиқ қилиш, унда образнинг мазмунини ташкил этиш унинг умумий сифатларини аниқлаш имконини беради. Булар: интеллектуаллик-билимсизлик, ташаббускорлик-пассивлик, ҳиссиётлилик-босиқлик, жиззакилик-ўзини идора қила билиши, чидамлилик-ялқовлик, ёқимлилик-ёқимсизлик, жиззакилик-ишончлилик ва бошқалар. Келтирилган мезонлар инсоннинг ўзига баҳо бериш меъёрлари бўлиб, улар бошқа кишиларга муносабатини ифодалайди [66]. Хўш, педагогнинг малакасини оширишига бу шахсий сифатлар дахлдорми? Шубҳасиз, дахлдор. Ҳар қандай фаолият маълум ички ва ташқи омилларни енгиш билан боғлиқ. Касбий такомиллашув жараёни ҳам ниҳоятда мураккаб фаолиятдир. У инсоннинг руҳий ва ақлий, жисмоний

кучини маълум мақсадга йўналтириш асосида билим, кўникма ва малакаларни, амалий фаолият қирраларини эгаллашни талаб қилади. Шунда шахснинг йўналтирилганлиги ва унинг ўзига баҳо беришидаги мезонларнинг ижобий томонлари муҳим бўлиб, ирода ва характерни қўйилган мақсадга йўналтириш учун хизмат қилади.

Яна шу нарса аниқландики, ўқитувчиларнинг иш стажи ошиши билан «идеал» ўқитувчи тимсолида ахлоқий сифатларнинг аҳамияти ошади. Аммо иш стажининг маълум бир муддатида (10 йил) идеал ўқитувчи образида кескин ўзгаришлар кузатилмайди. Ҳалигача идеал ўқитувчи образида белгиловчи сифатлар анча ноаниқлик билан тасаввур қилинади. Идеал ўқитувчи образида ахлоқий сифатлардан биринчи ўринда – яхшилик, ҳалоллик, поклик, ҳаққонийлик, кишиларга яхшилик тилаш туради. Иккинчи ўринда касбий сифатлар – фаоллик, талабчанлик, ташкилотчилик, босиқлик, раҳбарлик, сўзамоллик, ҳиссиётлилик, ўзига ишонч туришини эътироф этадилар. Учинчи ўринда шахсий ёқимлилик сифатлари асосини ташкил этувчи: юмшоқлик, талабчанлик, баркамоллик, қувноқлик, ҳазилкашлик туриши аниқланди. Ўқитувчи шахси ва фаолиятининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда шахсий сифатлар касбий муҳим хусусиятлар билан қоришиб, яхлитликда намоён бўлади. Шунинг учун методологик нуқтаи назардан касбий муҳим сифатларни ажратиш асосида педагогик фаолият, бошқа ўқув фаолиятини (ўқувчи, тингловчи) рефлексив бошқариш ётади. Яъни юқоридаги сифатларнинг ҳар иккаласининг бирлиги ўқитувчининг ўқувчи (тингловчи)ни тушуниши ва унинг ўрнига ўзини қўя олиши (рефлексив) имконини беради. Шу жиҳатдан ўқитувчи шахсий сифатларининг педагогик фаолияти учун аҳамиятини қўйидагича кўрсатиш мумкин: ўқитувчининг ўқувчининг (тингловчининг) ички дунёсини тушуниши, ўзини ўқувчи ўрнига қўя билиши, унинг ҳолатига, фикрига қўшилиши, унинг қизиқиш ва ташвишларига шерик бўлиши ва бошқалар. Бунинг учун ўқитувчида юксак маданият ва ахлоқий-ҳиссий сезгирлик бўлиши лозим.

Педагогнинг муҳим касбий сифатлари таркибидаги – рефлексив ҳиссиётнинг ривожланганлиги, ўқувчи ички дунёсини чуқур тушуниш, ҳамдард бўлиш, соддалик, уни ҳурмат қилиш кабилар муҳим ҳисобланади. Ўқитувчи шахсий сифатларидаги ҳаракатчанлик ҳам унинг касбий фаолияти учун муҳим бўлиб, у ўқувчига тез, фаол таъсир кўрсата олишида намоён бўлади. Ҳаракатчанлик ўқитувчида ички энергиясининг мавжудлиги, эгилувчан ва ташаббускорлиги ҳамда унинг турли-туман таъсир кўрсата олишида намоён бўлади. "Шундай сифатга эга бўлган киши нафақат бошқа кишилар билан тез эмоционал мулоқотда бўла олади, балки бошқаларни ўзига эргаштира олиш,



уларнинг муносабатларига таъсир кўрсатиш ва уларнинг ҳаракат йўналишини белгилай олади. Шу билан бирга ҳаракатчанлик хусусияти педагогнинг вазиятдаги ўзгаришни тез ва эътибор билан фаҳмлаб, ўзининг педагогик таъсир стратегиясини ўзгартира олади", - деб ёзади В.Н. Козиев [70].

Ўқитувчи фаолиятида ўзи, ҳиссиёти, қайғуси ва ўта хурсандлигини идора қила билиш сифатлари ҳам муҳим ҳисобланади. Ҳиссий барқарорлик: жиззакилик, ўз қайғусини ҳаммага ошкор қилиш, ўз ҳолатини бошқара олмаслик унда тескари салбий сифатлар ҳисобланиб, педагогнинг ўзини тута олмаслигига олиб келади.

Демак, ўқитувчининг касбий муҳим сифатлари сирасига:

а) ҳаракатчанлик;

б) ҳиссий барқарорлик;

с) бошқалар ҳолатини тушуниш киради.

Бу сифатларни ўқитувчилар тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида педагогларда шакллантиришга эътибор берилмайди. Улар умумий тайёргарлик тизимида, малакасини ошириш жараёнида эса турли фанларни ўқитишда ўша фан мантиқи доирасида умумий ҳолда тилга олинади, холос. Қайд қилиш керакки, ўқитувчилар тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида уларни шакллантиришнинг махсус методикаси ҳам ҳанузгача ишлаб чиқилган эмас. Биз тадқиқотимиз давомида уларни шакллантиришда педагогик ўйинлар, педагогик вазиятларни таҳлил қилиш, ижтимоий педагогик тренинг, мунозарали вазиятларни муҳокама қилиш, микродарслар тарзидаги усуллардан фойдаландик.

Ўқитувчи касбий фаолиятида шахсий сифатлар билан бирга касбий-педагогик кўникма ва қобилиятлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унинг бу кўникмаларига: билиш, лойиҳалаш, коммуникатив-нутқ ва ташкилотчилик кабилар киради. Ўқувчилар таълим-тарбиясини ва уларга касб-ҳунар ўргатишни муваффақиятли ташкил қилиш учун ўқитувчи уларнинг психикаси ва руҳий ҳолатларини чуқур билиши асосида ўқув жараёни учун зарур ахборотни танлаши ҳамда айни вақтда уни ўқувчиларга етказиши учун фаолияти ва хулқ-атворини назорат қила олиши лозим. Бунда ўқитувчи учун асосий қурол, унинг билиш кўникмаси (гностик) муҳим роль ўйнайди. Ўқитувчида билиш кўникмасини шакллантириш асоси унинг идроки, диққати, хаёли, тафаккури, ҳис қила олиш (интуиция) ва хотираси ривожланган бўлиши лозим. Чунки билиш кўникмалари ўқитувчи педагогик фаолиятининг умумий интеллектуал асосини ташкил этади. Ўз навбатида билиш кўникмалари ўз тузилишига эга. Улар ўз ичига педагогик кузатувчилик, ўқувчи ички дунёси ва руҳий ҳолатини тез ва тўғри сеза олиш,

педагогик вазиятларни сезиш ва тасаввур қилиш учун ижодийлик, ўзини, сўзини, хатти-ҳаракатини назорат қила олиш кўникмаларининг ривожланганлиги кабиларни олади. Педагог доимо ўзини ўзи назорат, ўз-ўзини таҳлил қилиш асосида ўзини тартибга солади. Бу рефлексив ҳолатлар негизида тафаккур шакллари таҳлил, синтез, индукция ва дедукция, таққослаш, аниқлаш, умумлаштириш ётади. Худди шундай ўқитувчи касбий сифатлари таркибида таълим-тарбия ва ўз фаолиятини лойиҳалаштира билиш ҳам муҳим ҳисобланади. Лойиҳалаштира олиш ўз навбатида билиш ва йўналтира олиш вазифаларини бажариш билан бирга ўқитувчининг амалий фаолияти учун шарт-шароит яратади. Лойиҳалашнинг таълим-тарбия жараёни ва педагогик фаолиятидаги функционал ўрни фаолиятнинг натижавий (охирги) образини тиклаш ва шу асосда қўйилган мақсадга эришиш режасининг бажарилишидир. Лойиҳалаш кўникмасининг амалий асоси психик жараёнлар ривожланишига асосланади. Лойиҳалаш кўникмаси шакл ва ҳаракатчан тасаввурга асосланиб, таълим-тарбия натижасини онгда образини моделлаштириш асосида охирги натижага эришишдир. Бунда амалий ва мантиқий тафаккур, педагогик жараён технологиясини ишлаб чиқишдир.

Ташкилотчилик кўникмаси ҳам ўқитувчи касбий фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Аммо шуни ҳам таъкидлаш керакки, у кўпчилик ҳолларда лойиҳалаш билан биргаликда, яхлитликда амал қилади. Ўқитувчининг таълим-тарбия жараёнида режалаштирганини амалга ошириш, унинг ташкилотчилиги билан боғлиқ. Ташкилотчилик кўникмаси ўз ичига уч компонентни олади:

а) ўқув материалини баён қилиш жараёни;

б) дарсда ўз хулқ-атвори, фаолиятини ташкил қилиш;

с) ўқувчилар фаолиятини ташкил қилиб, уларни доимий фаоллаштириш, билиш, ўрганишга йўналтириш.

Ўқитувчи ўқув материалини турли воситалар билан мунтазам баён қилиши билан бирга унга ўқувчиларни ҳам жалб қила билиши лозим. Шу билан бирга ўқувчилар билимини пухта ўзлаштиришни ташкил қила олиши зарур. Бунинг учун ўқитувчи ҳар бир ўқувчи фаолиятини билим ўрганишга жалб қила билиши керак. Ўқувчилар билиш фаолиятини ташкил қилишда ўзаро ҳамкорлик, улар билан биргаликда фаолиятни ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга таълимнинг барча босқичларида ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, керакли сўз, усул топа олиши унинг ташкилотчилигида намоён бўлади.

Ўқитувчи касбий фаолиятининг муваффақиятли амалга ошишида, унинг ўқувчиларга сўз воситасида таъсир қила билиши ҳам муҳим ҳисобланади. Сўзамоллик, сўз орқали таъсир педагогик фаолиятда



муҳим функцияни бажаради. Ўқитувчининг сўз орқали ўқувчиларга билим, фикр, эътиқоднинг сингдирилиши ҳамда уларга ўз ҳиссиётини кўчира билиши муҳимдир. Педагог сўзи таъсирида ўқувчиларда психик жараёнлар, руҳий ҳолат, ҳиссиётлар пайдо бўлиб, шахсий сифатлар шаклланади. Ўқувчиларга таъсир қила олишда сўз педагогик техника элементи сифатида намоён бўлса-да, у ўз навбатида педагогик маҳоратнинг намоён бўлиш даражасини ҳам ифодалайди. Бу борада А.С. Макаренко қуйидаги фикрни билдирган эди: «Мен фақат ўша вақтда, қачонки “бери кел”ни 15-20 хил (маънода) айта оладиган, сўзим, юзим, гавдамни 20 хил ўзгартира олганимдагина, ҳақиқий усто (мастер) бўлолдим» [77, 208-209].

Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида касбий фаолиятни муваффақиятли амалга оширишдаги шахсий сифатларнинг ўрнини таҳлил қилар эканмиз, уларни шахс тузилишидан ажрим қараб бўлмайди. Шахс тузилиши компонентлари таҳлилида К.К. Платонов таклифларига таянамиз. Унда қуйидаги компонентлар ажратиб кўрсатилади:

1. Йўналганлик (қизиқиш, интилиш, идеал, дунёқараш, эътиқод).

2. Шахс тажрибаси (билим, кўникма, малака, одатлар) унинг тайёргарлигини белгилайди.

3. Айрим психик жараёнларнинг доимий хусусиятлари (диққат, идрок, тафаккур, хотира, ирода, ҳиссиёт, психик ҳаракатлар) бўлиб, машқлар асосида ривожланади.

4. Биологик жиҳатдан белгиланган хусусиятлар машқ қилиш воситасида ва темпераментда ҳамда ёш, жинсий хусусиятларда намоён бўлади [89].

Юқорида келтирилган шахс тузилиши компонентлари педагог касбий фаолиятига кучли таъсир қилади. Бу таъсир йўналишлари ўқитувчи ижобий касбий сифатларининг шаклланганлик даражасига мос келишига боғлиқ бўлади. Ўз навбатида, уларнинг ҳам ривожланиш даражаси шахс фаолияти эҳтиёжи ва унинг жамият, яшаётган муҳит, касбдошлари билан шаклланган муносабатлари тизимига боғлиқ бўлади.

Бунда шахснинг умумий сифатлари, унинг ғоявий, сиёсий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик ҳислатлари ташкил этиб, улар шахс индивидуаллигининг асосини ташкил этади. Шахснинг алоҳида сифатларига унинг индивидуал тажрибаси ва касбий фаолияти киради. Булар ўқитувчининг назарий ва фан бўйича методик тайёргарлиги, психологик ва педагогик билимларида намоён бўлади. Буларга яна махсус касбий кўникмалар ва шахс хусусияти сифатида билиш, лойиҳалаш, коммуникатив, ташкилотчилик қобилиятлари ҳам киради. Шахснинг

индивидуал-такрорланмас сифатларига – психик функцияларнинг индивидуал хусусияти ва олий нерв фаолияти, темперамент ва айрим жисмоний сифатлар ҳам киради, чунки улар ўқитувчилик касби учун аҳамиятлидир. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бу сифатлар ҳар бир кишида турлича намоён бўлади. Ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларини тадқиқ қилиш ҳамда уларнинг фаолиятини кузатишларимизнинг кўрсатишича, ўқитувчиларнинг муҳим касбий ва шахсий сифатлари нафақат махсус билим ва кўникмалар асосида, балки бошқа сифатлар таъсирида шаклланади. Булар аввал айтилган: ватанпарварлик, ғоявийлик ва қатор ижтимоий сифатлар ҳам педагогнинг шахсий ва касбий муҳим сифатларига кучли таъсир ўтказади. Бу сифатлар ўқитувчи фаолиятининг ғоявий-сиёсий йўналишини белгилайди.

Педагогик маҳоратни эгаллашида ўқитувчининг педагогик вазифаларни умумлаштириш, кўчира олиш, таҳлил қила билиш, ҳамда ўз маҳоратининг сифатларини баҳолай олиш, камчилик ва ютуқларни кўра билиши, унинг муҳим пиллапоялари бўлиб хизмат қилади. Бунда пировард натижа – педагогнинг қатъий мақсадга қаратилган фаолияти ҳал қилувчи роль ўйнайди. Касбий педагогик йўналганлик – касбга лаёқат, унга қизиқиш, севиш, завқ билан шуғулланишдан иборат. Шу билан бирга педагогик жараённинг муҳимлиги, ижтимоий зарурлигини чуқур англаш – фаолиятда йўналишни кучайтиради. Англаш шахс фаолияти билан боғлиқ. Эътиқод эса кишининг касбига муносабатининг асослиги, муҳимлиги ва шахсий, касбий жиҳатдан асосланганлигини тақозо қилади. Педагогик йўналганлик умуман шахснинг йўналганлигидан фарқ қилади. Бу фарқ шунда намоён бўладики, шахс йўналиши анча кенг, аммо педагогик йўналиш фақат ўқитувчиликка доир маълум сифатлар доирасидаги сифатларнинг шахсда бўлишини тақозо қилади. Чунончи, педагогик йўналиш учун адабиёт, санъат, фан ва ижтимоий фаолият ишда муҳим бўлса, бошқа айрим касблар учун унча зарур эмас. Агар педагог бу соҳаларга қизиқмаса, унда педагогик йўналиш бўш бўлади. Педагогик йўналишнинг яна бир муҳим компоненти ўқитувчининг ўз касбини эмоционал – зўр ҳайрат, ҳаяжон билан севишида намоён бўлади. Ўқитувчи касбида уни қизиқтирувчи, ҳайратга солувчи, жалб қилувчи томонларини қанча кўп кўрса, унинг шуғулланиш иштиёқи шунча кучаяди, педагогик вазифаларни муваффақиятли ҳал қилади. Ўқитувчининг болалар билан ишлаши, ўқитиши, тарбиялашида ўз фанини севиши ҳам муҳим ҳисобланади. Кузатишларимиз педагогик касбидан қониқиш ҳосил қилиш педагогик маҳоратни эгаллаш даражасига боғлиқлигини кўрсатди.



Шундай қилиб, шахсий сифатларнинг касбий эҳтиёжга мос келиши, уларнинг касбий сифатлар билан омухталиги ўқитувчи педагогик фаолиятининг муваффақиятини таъминлайди.

**Мавзуни мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар:**

1. Педагогик маҳорат тузилишини эсланг.
2. Педагогик ҚТ ва МОда ёш хусусиятларини ҳисобга олиш нима учун керак?
3. ҚТ ва МОда ўқитувчи фаолият мотивларини инобатга олишнинг аҳамияти нимада?
4. Педагог шахсий сифатлари сирасига нималар киради?
5. Ўз фаолиятингизни доимий кузатиб, таҳлил қилиб борасизми? Нима учун?

**Мавзу юзасидан тавсия этилган адабиётлар:**


1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. -2008. -176 б.
2. Адизов Б.Р. Организационно-педагогические условия совершенствования системы повышения квалификации учителей начальных классов. Автор.: канд. дисс. –Т.:1990. -17 с.
3. Аминов А.Х. Халқ таълими ходимлари малака ошириш тизимини такомиллаштиришнинг ташкилий-педагогик асослари. – Самарканд, 2001. -99 б.
4. Александрова И.Ф. Специфика, методы и средства активизации учебного процесса в системе повышения квалификации. – М.: Знание,1975. -56 с.
5. Ананьев Б.Г. Интеллектуальное развитие взрослых людей как характеристика обучаемости // Советская педагогика. -1969, №10. 48-57 с.
6. Вершловский С.Г. Социально-педагогические и психологические вопросы повышения квалификации педагогических кадров. - М.: АПН СССР,1984. -50 с.
7. Гулбоев А.Т. Педагогик ташхис воситасида ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириш.-Т.: Фан ва технология, 2009. -112 б.
8. Загвязинский В.И. Педагогическое творчество учителя. –М.: Просвещение, 1987. -160 с.
9. Зарипов К.З. Научно-техническая революция: образование и повышение квалификации учителей. –Т.: Фан, 1979. -123 б.
10. Зарипов К.З. Дифференциация и индивидуализация обучения учителей в системе повышения квалификации // Ред. Т.П. Василько. – Л.: НИИ ООВ АПН СССР, 1989. -52 с.

11. Ибрагимов Х.И., Зарипов К.З. Узлуксиз таълим: бошқариш, ички назорат назарий асослари, шакл, методлари ва технологияси. –Т.: Фан, 2005. -334 б.

12. Йўлдошев Ж.Ғ. Узлуксиз таълим: Малака ошириш муаммолари ва ечимлари. –Т.: Ўқитувчи, 1975. -98 б.

13. Йўлдошев Ж.Ғ. Малака оширишнинг назарий ва методологик асослари. –Т.: Ўқитувчи, 1998. -208 б.

14. Ингемкамп К. Педагогическая диагностика. -М.:

15. Кузьмина Н.В. Очерки психологии труда учителя. –Л.: ЛГУ,1967. -124 с.

16. Мардонов Ш.Қ. Янги таълимий қадриятлар асосида педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш. –Т.: Фан, 2006. -232 б.

17. Мардонов Ш.К. Подготовка и повышение квалификации педагогических кадров. Тошкент: Фан ва технология, 2008. -128 с.

18. Нуриддинов Б.С., Абдуқудусов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муаммолари. –Т.: 2001. -114 б.

19. Обидов Қ.Қ. Педагогларнинг узлуксиз малакасини ошириш жараёнида фаолият мотивлари ва шахсий сифатларининг ўрни. –Т.: Фан, 2008. -100 б.

20. Основы педагогического мастерства // Под. ред. И.А. Зязюна. –М.: Просвещение, 1989. -302 с.

21. Очилов М. Муаллим – қалб меъмори. –Т.: Ўқитувчи, 2001. -431 б.

22. Сластенин В.А. Формирование личности учителя советской школы в процессе профессиональной подготовки. –М.: Просвещение, 1976. -160 с.



Тўртинчи бўлим

# ПЕДАГОГЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИНГ ДИДАКТИК АСОСЛАРИ

**Режа:**

1. Малакасини оширишда тингловчилар таркибини табақалаштириш – уларнинг маҳоратини такомиллаштириш воситаси.
2. Қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда таълим мақсади, мазмуни, шакл ҳамда методларини оптимал танлашнинг дидактик асослари.
3. Катталар таълими хусусиятини ҳисобга олиб, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун ўқитувчиларни махсус тайёрлаш зарурати.
4. Қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг тингловчилар педагогик маҳоратига таъсири, меъёрларини аниқлаш.

**Мавзунинг мақсад ва вазифалари:**

Мазкур мавзунинг мақсади Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда таълим мақсади, мазмуни, шакл ҳамда методларини дидактик асосларида оптимал танлаш орқали тингловчилар таркибини табақалаштириш ҳамда уларнинг педагогик маҳоратига таъсири, меъёрларини аниқлашдан иборат.

**Таянч сўз ва иборалар:** тингловчилар таркибини табақалаштириш, таълим мақсади, мазмуни, шакл ҳамда методлари, дидактик асослар, педагогик маҳорат, меъёрлар, катталар таълими, мотив, қизиқиш, йўналганлик, «иш стажи» ва «касбий тажрибаси», модель, ўқитувчи тоифаси, «юқори», «ўрта», «паст», мажбурийлик, комплекслилик, предметлараро алоқа; риторика ва нотиқлик санъати асослари.

## 4.1. Малакасини оширишда тингловчилар таркибини табақалаштириш – уларнинг маҳоратини такомиллаштириш воситаси

Таълим жараёнида таҳсил олувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш узоқ вақтлардан бери таъкидлаб келинади. Бунинг муҳимлигини таълим олувчиларнинг турли-туманлиги ва ўзига хослиги белгилайди. Бу талаб педагогика назариясига индивидуал ёндашув тарзида кирган, аммо турли даврларда турлича амалга оширилган.

Мустақиллик шароитида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да бу муаммо педагогика фани намоёндалари, амалиётчи ўқитувчилар,

халқ таълими ходимлари олдига ижтимоий буюртма сифатида қуйилди. Чунончи, «Ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табақалаштирилган ёндашувни жорий этиш» долзарб вазифа сифатида таъкидланади [11, 47].

Аммо масаланинг ҳозирги ҳолатини ўрганишларимизнинг кўрсатишича, ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш синфда ўқув ишларини индивидуаллаштиришдан нарига ўтилган эмас. Бу муаммо ҳали комплекс ўрганилиб, ўқув ишларини табақалаштириш мактаб таълими доирасида тадқиқ қилинмаган. Собиқ Иттифоқ даврида таълимни индивидуаллаштириш Эстония Республикаси мактабларига бир қадар татбиқ қилинган эди. Катталар таълими, айниқса ўқитувчилар малакасини ошириш тизимида уларнинг касбий маҳоратини оширишни табақалаштириш К.З. Зарипов, Ж.Ғ. Йўлдошев, Й. Асадовлар ишларида умумий ҳолда ўрганилган.

Бизнинг ишимизда асос қилиб олинган назарий концепция таълимнинг мақсади, мазмуни, шакл, метод ва воситаларининг таҳсил олувчиларнинг ёши, шахсий, касбий фаолиятига мос келишига асосланади. Шу билан бирга мазкур концепция талабларига кўра таҳсил олувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил қилиш ҳам уларнинг индивудиал хусусиятиларидан келиб чикиши лозим. Табақалаштириш таълимининг хилма-хил мақсадларини амалга оширишга хизмат қилиш билан бирга педагогларнинг шахсий ва касбий такомиллашувига асос яратиши керак. Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда таълим жараёнини табақалаштириш ўз-ўзидан эмас, балки катталарнинг ўзига хос психологик, касбий фаолияти талабларини амалга ошириш билан ҳам боғлиқ. Шунинг учун Андрогогика - катталар педагогикаси талабларидан келиб чиқиб, Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикасида фаолият кўрсатадиган ташкилотчилар, ўқитувчи, услубшуносларни махсус тайёрлаш ҳам масалани ечишга ёрдам беради. Буларнинг ҳаммаси биргаликда тингловчиларнинг такрорланмас, ўзига хослигини инобатга олиш имкониятини беради. Таълим жараёнида ҳар бир тингловчига танлаш имкониятининг яратилиши, унга таълим объектидан субъектига айланиши учун асос бўлади ҳамда билиш фаолиятини ўқитувчи эмас, ўзи бошқара олишга имкон туғилади.

Табақалаштириш ўқитувчиларнинг малакасини ошириш жараёнида ижтимоий-психологик (мотив, қизиқиш, йўналганлик, ўзига хос хусусиятлари, ёши, билиш имкониятилари) ва педагогик маҳорати даражаси, шахсий сифатларини ҳисобга олишдир. Шу тариқа тингловчиларнинг айрим ёки умумий хусусиятларини ҳисобга олиб, турли ўқув режа ва дастурлар асосида малакасини оширишини ташкил



қилиш лозим. Табақалаштириш кўп қиррали ва мураккаб жараён сифатида қатор ташкилий-педагогик, психологик, иқтисодий, илмий техникавий муаммолар билан боғлиқ илмий муаммо ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, уни тақозо қилувчи айрим омилларни келтириш ўринлидир. Фикримизча, улар ҳозирги вақтда қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

-мустақиллик ва таълим ислоҳоти асосида малакасини оширишни қайта қуриш;

-узлуксиз ўсиб борувчи илмий ахборотлар ҳажми ва мазмуни билан ўқув режалари ўртасидаги зиддият. Бунинг оқибатида айрим кўрсаткичларни расмий бажариш асосида тингловчиларни ортиқча банд қилиш;

-ўқитувчиларнинг реал билиш ва ижодий имкониятларининг ҳисобга олинмаслиги;

- ўқитувчи ишлайдиган мактабдаги фаолият шароити, унинг шахсий имкониятиларини эътиборга олмаслик.

Келтирилган омиллар малакасини оширишнинг барча буғинларида табақалаштиришни тақозо қилади. Бу омиллар тизимида белгиловчи методологик асос бўлиб, инсон шахсининг маънавий ва касбий камолотини таъминловчи шароит яратиш ҳисобланади. Шунингдек, таълимнинг барча шакллари, жумладан, малакасини ошириш жараёнини ҳам инсонпарварлаштиришни назарда тутади.

Табақалаштириш:

- ўқитувчиларнинг шахсий сифатлари, фаолият мотивлари, қизиқишларини уйғунликда ривожлантириш;

- ўқитувчиларнинг инллектуал, ҳиссий-иродавий, ижтимоий-психологик, психофизиологик фарқларини ҳисобга олиб, малакасини оширишни индивидуаллаштириш;

- тингловчиларнинг билиш фаолиятларини малакасини оширишнинг ҳамма бўғинларида инобатга олиш.

Малакасини ошириш жараёнида тингловчилар таркибини табақалаштиришнинг мақсади, ўқув-тарбия жараёни сифатини ошириш, шу асосда уларнинг ўз билимини чуқурлаштиришга бўлган қизиқишлари ва касбий эҳтиёжларини қаноатлантириш ҳисобланади. Табақалаштиришнинг вазифаси эса тингловчилар таркибини сифатли шакллантириш, уларнинг касбий маҳорати ва шахсий сифатларининг ривожланганлик даражасидан келиб чиқиб, оптимал мезонларини аниқлашдир. Табақалаштириш мезонларини аниқлаш унинг қайси жиҳатларини кучайтириш, салбий таъсир қилувчи омилларнинг олдини олиш имконини беради.

Демак, табақалаштиришнинг мақсад ва вазифалари ижтимоий зарурат бўлиб, мустакиллик шароитида ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, ўз навбатида малакасини ошириш жараёнини ҳам қайта қуришни тақозо қилади. Табақалаштириш педагогик тадбир сифатида малакасини оширишда тингловчилар таркибини шакллантирганда уларнинг ўзига хос жиҳатлари ва касбий маҳоратига ўртача ёндашувнинг олдини олиш имконини беради.

Табақалаштириш уч хил шаклда ташкил қилиниши мумкин:

1. Ички, яъни ҳар бир гуруҳ ичида.

2. Ташқи, махсус, яъни реал ўқув имкониятларини инобатга олган ҳолда.

3. Индивудиал.

Малакасини ошириш тизимида ички табақалаштиришни амалга ошириш анча қулай. Аммо бунда ўқув жараёнида таҳсил олувчиларнинг индивидуал фарклари ва мустақиллик хусусияти ўртача ҳисобга олинади. Табақалаштиришнинг бу шаклида тингловчиларнинг касбий маҳорат даражаси ҳамда шахсий қизиқишларини инобатга олиш анча мураккаб. Шунинг учун, бунда ўқув материали мураккаблиги ўртача танланади.

Узлуксиз таълимнинг ҳар бир бўғинида табақалаштириш кимнингдир ҳохиши билан эмас, балки эҳтиёж асосида амалга оширилиши керак. Табақалаштириш, энг аввало, унинг методологик, умумпедагогик, психологик ва дидактик жиҳатлари ҳамда уларни ўқув жараёнига тадбиқ қилувчи ўқитувчиларни тайёрлаш билан боғлиқ. Унинг илмий асослари ишлаб чиқилиб, ўқитувчилар унга тайёрланмаса, яна ўртамиёна ёндашиш гирдобидан чиқиб бўлмайди.

Малакасини ошириш тизимида фаолият кўрсатувчи ўқитувчиларнинг таъкидлашларича, ҳар доим гуруҳларда уч хил тайёргарликка эга - кучли, ўртача ва паст маҳоратли ўқитувчиларни учратиш мумкин. Ўқитувчи тенглаштириш принципи асосида ўқув материали мазмунини кучли тингловчига таяниб танласа, кучсиз тингловчининг мазкур ва бошқа фанларга бўлган қизиқиши пасаяди. Агар ўқитувчи паст таёргарлиги бўлган тингловчига таянса, бунда юқори ва ўртача тайёргарликка эга бўлган ўқитувчилар малакасини оширишдаги ўқишга қизиқиши йўқолади. Шунинг учун ўртача ёндашув принципидан воз кечиб, тахсил олувчиларнинг реал индивудиал хусусиятларини ҳисобга олиш шу куннинг тақозоси ҳисобланади.

Демак, табақалаштиришнинг иккинчи – ташқи шаклидан фойдаланиш лозим. Бунда тингловчилар таркибини белгилашда, уларнинг маълумоти (олий, ўрта махсус) ва бир турли касбга эгаликлари (физиклар, математиклар, тилчилар, тарихчилар ва ҳоказо) ҳисобга



олинади, яъни тингловчилар таркиби шу белгилар асосида шакллантирилади. Ёки тингловчилар таркиби ҳар хил фан ўқитувчиларидан иборат бўлиб, ўқув жараёни уларнинг:

- иш тажрибаси;
- ёши;
- педагогик мутахассислиги - физик, математик, химиклигидан қатъий назар педагогик маҳорати эътиборга олинади;
- малакасини оширишда маълум аниқ муаммоларни ҳал қилиш учун ҳам шундай ёндашиш мумкин. Чунончи: шу ҳудуд учун муҳим бўлган ўқувчилар касб танлаши билан боғлиқ ота-оналарни ўқитиш, оилада таълим-тарбия масалалари бўйича курслар ташкил қилиш;
- касбий фаолиятининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда янада юқорироқ ташкил қилиш учун маълум билимларни олиш зарурлигидан келиб чиқиш.

Ҳозирги вақтда кўпчилик ҳолларда малакасини ошириш муассасаларида тингловчиларнинг иш стажи, маълумоти (олий ёки ўрта махсус) мутахассислик (маълум фан ўқитувчиси) табақалаштириш учун илмий асос бўла олмайди.

Таъкидлаш лозимки, ўқитувчининг «Иш стажи» ва «Касбий тажрибаси» тушунчалари бир хилликни англатмайди. Иш тажрибаси - мутахассиснинг шу соҳада ишлаш вақтини билдиради, касбий тажриба эса унинг билим, кўникма, малакалари ва касбига доир шахсий сифатларининг мажмуини фаолияти даврида эгаллашини билдиради. Иш стажи ва иш тажрибаси ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлса-да, уларни тенглаштириш керак эмас. Чунки улар орасида ҳамма вақт ҳам тўғри мутаносибликни кўриб бўлмайди. Яъни иш стаж қанча кўп бўлса, иш тажрибаси ўз-ўзидан кўп бўлавермайди. Бир хил иш стажига эга бўлган ўқитувчилар фаолиятини ўрганишларимизнинг кўрсатишича, улардаги билим, кўникма, малакалар, амалий тажриба ҳамда касбий маҳорат даражаси турлича бўлади.

Малакасини оширишда таълим мазмуни, шакл ва методлари, уни танлаш қилиш мезонлари тингловчиларининг билим, кўникма ва малакалари ва шахсий сифатлари бўлиб, уларнинг педагогик маҳоратида ўз ифодасини топади. Айнан мана шу икки бир-бирига боғлиқ касбий белгилар ўқитувчи фаолиятида белгиловчи кўрсаткич ҳисобланади. “Фаолиятнинг касбий тузилиши, – деб ёзади И.Ф. Александрова, – нафақат курснинг предмет жиҳатидан тўлиқлигига, балки ҳар бир тингловчига ҳам индивидуал ёндашишни тақозо қилади” [28, 4].

Шунга асосан тингловчиларни танлаш, уларни ўқитиш ва муддатини белгилаш лозим.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талабларини малакасини ошириш тизимида амалга ошириш тингловчиларнинг қизиқишлари, касбий тайёргарлиги даражаси ва педагогик қийинчиликларини ҳисобга олиб ўқув жараёнини ташкил қилишни тақозо қилади. Бунинг боиси шундаки, ўқитувчида қанақа билим, кўникма, малакаларни ва қайси психологик даражаси (хотира, тафаккур, диққат), билимидаги қанақа ўзгаришлар лозимлиги ва шахсида ўқиш натижасида қайси интеллектуал ва умумий ривожланиш содир бўлганлиги нуқтаи назаридан ўқув жараёнини ташкил қилиш зарур.

Керакли тайёргарлик даражасига қараб ва "кимни нима учун ўқитиш" саволига жавоб тариқасида ўқиш муддати, таълим мазмунини акс эттирувчи ўқув режа ва дастурлар тузилиб, педагогларга касбий тайёргарлик бериш зарур.

Табақалаштиришда таълим мазмуни, шакл, метод ва воситаларини, бир томондан, ўқиш муддати аввалги тайёргарлиги (базавий маълумоти), келгуси фаолияти даражаси, ҳақиқий иш тажрибаси ва маҳоратини, иккинчи томондан, инобатга олиш лозим. Шундай қилиб, малакасини ошириш муассасасида ўқув жараёнини қайта қуриш, таълимни ахборотли ўқитиш, билим бериш шаклидан мақсадга йўналтирилган таълимга, яъни фаолият тури ва даражасига қаратилиши лозим. Бунда билимни тайёр ҳолда етказиш (фақат ўқитиш) эмас, балки тингловчининг фикрлаш фаолиятини ўстириш ҳамда бутун ўқув жараёнини шу мақсадга йўналтириш зарур. Шунда ўқитувчи фаолияти фақат курс машғулотлари давомида ўқитиш, тингловчилар интилиши, билиш қобилиятини ўстириш, тизимли, таҳлилий, ижодий фикрлашга ўргатиш билан чегараланмай, ундан кейинги даврларда ҳам амалга оширишларини таъминлаш мумкин бўлади.

Табақалаштиришнинг юқорида баён этилган турлари анча ишончли ва асосли бўлиб, у тингловчиларнинг малакаси ва шахсий сифатларининг ривожланишини таъминлайди.

Касбий малака – бу билим, кўникмалар тизими, касбий зарур шахсий сифатлари мажмуи бўлиб, касбий мажбуриятини маълум даражада бажариш имкониятини таъминлайди.

Шунинг учун айнан шу омиллар тингловчилар ва мактаб амалиётчи ўқитувчиларини табақалаштиришда белгиловчи бўлиб, келажакда малакасини ошириш курсида ўқитиладиганлар таркибини шакллантиради.

Айтилган фикрларни асослаш учун умумий ўрта таълим мактабларида фаолият юритаётган амалиётчи ўқитувчилар иш тажрибаси ҳамда уларнинг фаолиятини мактаб раҳбарлари томонидан баҳоланишига тўхталамиз.



Амалиётчи ўқитувчилар касбий даражасини аниқлаш ва уларни табақалаштириш учун Бухоро, Навоий, Кашкадарё, Жиззах вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари тингловчилари орасида турли тадқиқотлар ўтказилиб, уларнинг билим даражаси, турли топшириқларини бажариши ҳамда уларни ўқув жараёнини ташкил қилишда қўллашларини синаб кўрдик. Тингловчилар тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилиб, уларга педагогика, психологияга доир саволлар, масала-мисолларни ёзма равишда ечишлари (математика, физика ўқитувчилари) учун 45 дақиқадан вақт берилди. 340 тингловчидан берилган топшириқларни "5" ва "4" баҳоларга – 30-35 дақиқада 213 киши (67,1%); қолганлари 96 киши 41-48 минутда "3" баҳога; айримлари 32% жавоб беришга улгурмадилар. Мезон сифатида масала, мисолларнинг аниқ жавоблари белгиланди.

Шундай тажрибалар гуманитар фанлар – тарих, она тили ва адабиёт ўқитувчилари билан ҳам ўтказилди. Мазкур гуруҳларда ҳам ҳар учала даража бўйича натижалар 1-3 % га фарқланиши аниқланди. Мактаб раҳбарлари томонидан ўқитувчиларнинг фаолияти 2 марта эксперт ташхисдан ўтказилди. Уларнинг фикрларига кўра, қўл остида ишлаётган ўқитувчилардан «жуда яхши» ишлайдиганлар 10% ни ташкил этади. Яхши ишлайдиганлар анча кўп 52,4%; 27,2% ўқитувчи қониқарли; 10,3% ўқитувчилар ишидан раҳбарлар қаноатланмайди.

Қатор мактаб раҳбарлари (директор, унинг ўринбосарлари, фан методик бирлашма раҳбарлари) ўқитувчиларнинг ўқув фаолиятларини бошқара олишларига берган баҳолари қуйидагича. Раҳбарлар 18,6 % ўқитувчининг ўз фаолиятини бошқара олишини юқори баҳолайдилар; 61,3 % и - ўртача; 20,1 % ўқитувчи фаолиятини паст баҳолайдилар. Бу рақамлар ҳам кузатишларимиз асосида олинган натижаларни тасдиқлайди: мактабларимизда ишлаётган ўқитувчиларнинг аксарияти ўрта даражадаги тайёргарликка эга.

Маълумки, инсон касб танлашида маълум мақсадларни кўзлайди ва ўз имкониятларидан келиб чиқади. Агар у касбини севиб, моҳиятини англаб танласа, ўз касбининг фидоийсига айланади, агар аксинча бўлса, «кун ўтсин» қабилида фаолият кўрсатади. Ўқитувчиларни ўз касбига муносабатини аниқлаш мақсадида ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича: 67,6 % ўқитувчига танлаган касби жуда ёқади; 5,16 % ини «шунчаки ёқади»; 24 % ўқитувчига танлаган касби маъқул эмас; 3,0 % ўқитувчи танлаган касби унга умуман маъқул эмаслигини эътироф этадилар. Бу рақамларни таҳлил қилиш, ўқитувчилар билан ўтказилган суҳбатлар натижасида, амалиётчи-ўқитувчиларнинг ўз касбидан қониқмасликнинг бир қатор сабаблари бор экан. Улар орасида ўқитувчи касбининг жамиятдаги мавқеи, моддий ва маънавий

рағбатлантириш даражаси ва ҳоказоларни кўрсатиш мумкин. Шунинг билан бирга ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнининг мукаммал эмаслиги, яъни олий ўқув юртларида қабул қилишда фақат билим даражасини ҳисобга олиб, шахсий сифатларининг педагог касбига мос келишига эътибор бермаслик, ўқув режаларининг мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари хусусиятларини ҳисобга олиб тузилмаганлиги каби масалалар ҳам таъсир қилади.

Масаланинг асл моҳияти, яъни ўқитувчиларнинг касбий даражаси ва шахсий сифатларининг шаклланганлиги жиҳатидан табақалаштирадиган бўлсак, уларни «юқори», «ўрта», «паст», каби даражаларга бўлиш мумкин. Чунки бу даражалар ишлаётган реал амалиётчи-ўқтувчиларнинг билим, кўникма, малака ҳамда касбига доир шахсий сифатларининг шаклланганлик даражасини акс эттиради. Мазкур даражаларни белгилашда биз ўқитувчи фаолияти ва шахси сифатларини аниқлашга доир нафақат ўз тадқиқотлармиз натижаларига, балки Россия Федерациясида ўтказилган тадқиқотлар натижаларига ҳам таяндик [84].

Юқори даража ҳозирги замон ўқитувчисига хос ижтимоий-педагогик талабларга жавоб беради, уларнинг аниқланган педагогик қийинчиликларни бартараф қилишга етарли билим ва шахсий сифатлари ривожланганлиги билан характерланади, шунингдек, уларнинг касбий мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун билим, кўникма ва малакалари етарли ҳамда фаолияти ва шахси ҳозирги замон ўқитувчиси эталон-моделига тўлиқ мос келади.

Ўрта даража эса касбий билимларни етарли эгалламаган, шахсий сифатлари ва касбий малакалари анча бўш шаклланган амалиётчи-ўқитувчиларга хосдир.

Паст даража касбий билим кўникма ва малакалар ҳамда шахсий сифатларининг бўш шаклланганлигида намоён бўлиб, амалиётчи-ўқитувчи фаолиятини эталон-модель талабига мос таъминлай олмайди.

Амалиётчи-ўқитувчи касбий малакавий тузилишини анча муфассал ёритадиган бўлсак, улар қуйидагича мазмун касб этади:

1. Ўқитувчининг шахсий сифатлари: сиёсий-ғоявий савияси, ижтимоий фаоллиги, ишда янгиликни ҳис қила олиши, педагогик фаолиятга йўналганлиги; талабчанлиги; жиддийлиги; инсонпарварлиги; ўзига адекват баҳо бериш даражасининг шаклланганлиги.

2. Ўз фанини ўқитиш учун зарур билим, кўникма ва малакаларга эгалиги: ўз фанининг илмий-назарий ва амалий асосларини билиши; ўқув ишларини оптимал режалаштириш, ташкил этиши; ўқувчиларнинг фикрлаш жараёни ва интеллекти ривожини бошқара олиши; уларда ўқишга ва фанга қизиқишни ривожлантира билиши;



таълим жараёнига табақалаштирилган ва индувидуал ёндашувни амалга ошириши; ўз фаолияти натижаларини ташхис қила билиши.

3. Ўқувчилар билан тарбиявий ишларни ташкил қила олиш кўникма ва малакалари: тарбиявий жараённинг педагогик ва психологик асосларини билиши; тарбиявий ишларни оптимал режалатириши, ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражаси ва натижасини баҳолай олиши, ўқувчилар ижтимоий ташкилоти билан ишлай билиш кўникма ва малакалари, ягона талаб бўйича ўз фаолиятини бошқалар билан уйғунлаштира олиши.

4. Малакасини оширишни ташкил қилиш даражаси: мустақил ишлаш кўникмаларини эгаллаганлиги, уни режалаштириш ва ташкил қила билиш, ўзгартира олиши, мунтазам равишда ўз билимини ҳамма йўналишлар бўйича ошира олиши, илмий, илмий-оммабоп махсус адабиётларни конспектлаштириш, улар бўйича реферат ёза олиши; турли хил ишларни малакасини ошириш билан уйғунлаштира билиши.

Булар умумий эталон даражалар бўлиб, олиб борилган тадқиқотлар кўрсатишича, улар ўқитувчиларда турлича шаклланган. Шунинг учун уларни (юқорида таъкидлангандек) уч хил касбий малакавий - «юқори», «ўртача», «паст» даражада табақалаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқори касбий малакага эга ўқитувчилар учун характерли бўлган сифатлар:

1. Педагогик фаолиятда ижодкорлик; педагогик вазифаларни ечишда янги ечимларни топиш; янги ғояларни фаол қўллаб-қувватлаш; ўқувчиларга тўғри ёндаша олиш, ҳақиқатгўй бўлиш; ўз фаолияти ва шахсини ташхис қила билиш.

2. Дарс берадиган фани бўйича чуқур ва ҳар томонлама билимга эгалик; фан янгиликлари бўйича эркин йўналиш олиши; ўз тажрибаси ва илғор тажрибаларни ўрганиш, умумлаштиришнинг шакл, методларини билиши; илмий тадқиқот йўналишларини эгаллаганлиги; ўқув материалида муҳим ва асосийсини ажрата олиши; ўқув жараёнига янги педагогик ва ахборот технологияларини қўллаши; ўқувчиларда мустақил ва ижодий фикрлашни ўстириши, индивудиал ёндашувни амалга ошириши; ўқувчиларда ўқув меҳнати, фанга бўлган қизиқишларини ўстириши, дарснинг уч яхлит мақсадини амалга ошира олиши; ўқувчилар фаолиятини мукаммал ташкил қила билиши.

3. Ўқувчилар билан тарбиявий ишларни моҳирона режалаштириш ва ташкил қила билиши; тарбиянинг педагогик-психологик асосларидан фойдалана олиши; ўқувчилар жамоаси билан ишлаш кўникмаларини эгаллаганлиги; синф раҳбарлиги вазифасини яхши уддалай олиши.

4. Ўз устида мустақил ишлашни режалаштириш ва мунтазам амалга ошириши; фан, педагогика, психология ўқитиш методикаси янгиликларини ўрганиш ва ўз фаолиятида қўллаши; ўз фани ва бошқа соҳалар бўйича ўз шахсий кутубхонасига эга бўлиши, илмий-тадқиқот кўникмаларига эга бўлиши.

Юқорида баён қилинган касбий маҳорат ва шахсий сифатларга эга бўлган амалиётчи-ўқитувчилар асосан ижодкор, педагогик меҳнатнинг машъаллари ҳисобланиб, уларнинг умумий сони тахминан 15-25% ни ташкил этади. Ишлаётган ўқитувчиларнинг асосий қисмини ўртача касбий ва шахсий сифатлари ривожланган амалиётчилар ташкил этади. Улар учун касбий ва шахсий сифатлар даражаси қуйидагича:

1. Етарли ғоявий-сиёсий савия ва ижтимоий фаолликка эга, болалар билан ишлаш истаги бор; ўқувчилар ҳамда ҳамкасблари билан муомалада педагогик одобга риоя қилади; ўзига ва бошқаларга талабчан; ўз-ўзига баҳо бериш даражаси касбий фаолият даражасига мос эмас; янгилик, янги ғояларга ва ўқув жараёнини баҳолашга аҳён-аҳёнда интилади.

2. Ўз фанини етарли эгаллаган; ўқитиш жараёнининг педагогик-психологик асосларини билади; таълим-тарбияни амалга оширишда ҳамма вақт ҳам яхши натижага эриша олмайди; таълим-тарбия мақсадини англаган ҳолда уни тўла дидактик ва тарбиявий жиҳатдан амалиётда қўллай олмайди; ўзини тута билиши яхши, аммо ўқувчиларга чуқур билимларни шакллантира олмайди, ўқувчиларда ижодий ва мустақил фикрлашларини ўстириш хоҳиш даражасида.

3. Ўқувчилар билан тарбиявий ишлар режаларини тўла амалга ошира билмаслик; тарбиявий ишларнинг педагогик ва психологик асосларини эътироф этиши, аммо тўла амалга ошира билмаслиги, дарсдан ташқари тарбиявий ишларга етарли баҳо бермаслик ва уларни мунтазам ўтказмаслик, ўқувчилар муаммолари билан ишлаш истагининг юқори эмаслиги, таълимнинг тарбиявий имкониятини тўла амалга ошира олмаслик.

4. Ўз устида ишлаш ва янгиликларга интилиши, маъруза, ахборотларни тайёрлаш ва кишилар олдида чиқишга интилиши амалий иш билан мустаҳкамланмаган. Мунтазам ўқишга иштиёқининг юқори эмаслиги, китобхонликка эмас, бошқа соҳаларга интилишининг кучлилиги.

Паст даражадаги касбий ва шахсий сифатларга эга ўқитувчилар учун характерли хусусиятлар:

1. Ғоявий-сиёсий савиясининг пастлиги, сиёсий воқеаларга қизиқишининг пастлиги; янгиликка интилиш ғоясининг етарли шаклланмаганлиги; андозага асосан ишлаш истагининг кучлилиги;



ўқувчилар ва ҳамкасблар билан мулоқотга қийинчилик билан киришиши; ўзига ва бошқаларга етарли талабчанликнинг йўқлиги; ўзига юқори баҳо бериши.

2. Ўзи дарс берадиган фанни юзаки, ёки дарслик доирасида билиши; таълим жараёнига расмана қараши, ўқувчилар хусусиятини ҳисобга олмаслик; ўқув-тарбия жараёнининг мақсад ва вазифаларини тўлиқ англамаслик, масалаларни интуитив ҳал қилиши; таълим жараёнини табақалаштириш ва индивудиал ёндашувларни билмаслик; ўқувчилар билимини баҳолашга юзаки қараши.

3. Ўқувчилар тарбиясини ташкил қилишнинг илмий педагогик асосларини англай олмаслик, синфдан ташқари тарбиявий ишларни эътиборсизлик билан амалга ошириши, ўқувчилар ижтимоий ташкилотлари ишларига қизиқмаслик.

4. Доимий равишда ўз савияси, педагогик маҳоратини оширишга қизиқишнинг пастлиги, янгиликларга интилмаслиги, ўзгалар олдида маъруза ва ахборотлар билан чиқмаслик. Юқорида таъкидланганидек, умумтаълим мактабларида фаолият юритиб келаётган амалиётчи ўқитувчиларнинг 15-25 % ини шундай ўқитувчилар ташкил этади.

Фикримизча, келтирилган касбий ва шахсий сифатлар даражасини педагогик фаолиятда муқаррар учрайдиган яна бир педагогик қийинчилик тури билан тўлдириш лозим. Юқорида келтирилган ҳар учала даражадаги педагогик тайёргарликдаги амалиётчи-ўқитувчилар фаолиятида айнан бир хил методологик, илмий-назарий ва педагогик-психологик қийинчиликлар учрайди. Тадқиқотларимиз кўрсатишича, бунинг сабаби ўқитувчилар фақат бир фанни (она тили, физика, математика) ўқитишга тайёрланиб, уларнинг тарбиявий ишларига мутлақо эътибор берилмаган.

Шу билан бирга ўқув жараёнида ўқувчиларга турли ёндашувлар, уларнинг назарий-методолгик асослари, ўқитувчиларнинг шахсий-ахлоқий сифатларини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари кам эътибордан четда қолган. Бунинг оқибатида ўқитувчиларда таълим-тарбияга тор, утилитар ёндашув одати шаклланиб, тарбиявий имкониятлар, педагогик-психологик, ижтимоий-сиёсий фанлар ва илмий-методологик билимлар аҳамияти ва ўрнига етарли баҳо бермаслик муносабати шаклланган. Оқибатда, турли даражадаги тайёргарликка эга ўқитувчилар фаолиятида эслатилган қийинчиликлар мавжуд, уларни албатта малакасини ошириш жараёнида эътиборга олиш ҳамда йўқотишга ҳаракат қилиш зарур.

Шу нуқтаи назардан қараганда, қандай қилиб реал ўқитувчининг касбий маҳорат даражаси ва касбий-шахсий сифатлариниининг намоён

бўлишини аниқлаш ва уларнинг малакасини ошириш мазмуни, шакли ва методлари билан уйғунлаштириш лозим? деган савол туғилади. Бу ўта жиддий ва мураккаб масала бўлиб, бу саволга жавоб нафақат мамлакатимиз педагоглари изланишларида, балки чет элларда ҳам ҳали топилганича йўқ. Бу борада айрим интилишлар олиб борилган, холос. Жумладан: биз бу масалани махсус анкеталар воситасида, шунингдек, умумтаълим мактабларининг тавсиялари ҳамда малакасини оширишнинг бошқа шакллари орқали хал қилиш мумкин, деган ғояни илгари сурамиз. Мавжуд шароитда малакасини ошириш учун юбориладиган тингловчилар таркибини табақалаштириш халқ таълими органлари, малакасини ошириш институти, туман, шаҳар узлуксиз методик хизмат муассасалари ва мактаб ҳамкорлигида амалга ошириш мумкин бўлади. Бунинг учун мактабларда психологик хизматни юқори савияда ташкил қилиш, ўқитувчилар фаолиятини илмий асосда ўрганиб, уларга аниқ тавсиялар бериш лозим бўлади.

Мактаб, туман методик бирлашмаси малакасини ошириш институти томонидан тузган анкеталар асосида ўқитувчилар фаолиятини мутахассислар билан ҳамкорликда ўрганиб, уларнинг касбий малакаси даражасини аниқлаб, сўнг малакасини ошириш институтига юбориш лозим. Малакасини ошириш институтлари эса уларнинг касбий даражасини таҳлил (кириш тестлари орқали) қилиб, шу асосда малакасини ошириш мазмуни, шакл ва методларини белгилайди. Бундай шароитда малакасини ошириш институтида ўқиш охирида якуний таҳлил ўтказилиб, тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда шахсий сифатларидаги ўзгаришлар аниқланиб, уларга оралиқ топшириқлар берилади. Ўқитувчи ишлайдиган мактаб маъмурияти ҳамда туман методик бирлашмаларига тавсиялар беради. Тажрибаларнинг кўрсатишича, ўқитувчилар малакаси узвийлигини таъминлаш мақсадида курсгача ва курсдан кейинги топшириқлар бериш билан бирга туман (шаҳар) методик бирлашмаларидан курслар ўртасида ўқитувчилар малакасини оширишни **мувофиқлаштирувчи махсус хизмат** жорий қилиш зарур. Ҳозирги вақтда мактаб, туман методик бирлашмалари ҳамда малакасини ошириш институтларининг асосий эътибори курсларда миқдорий жиҳатдан режанинг бажарилишига қаратилган. Таклиф қилинаётган махсус хизмат воситасида мактаб фан методбирлашмалари, туман методбирлашмалари, малакасини ошириш институтининг мустаҳкам алоқаси ўрнатилади, натижада ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини муттасил такомиллаштириш, ўртамиёна малакасини оширишдан аниқ индивидуал эҳтиёжи, қизиқиши ва шахсий сифатларини ҳисобга олиб, уни ташкил қилиш имконияти пайдо бўлади.



Бундан табақалаштиришнинг яна бир муҳим шакли -малакасини оширишни индивидуаллаштириш муаммоси келиб чиқади. Индивидуаллаштириш нафақат малакасини ошириш шакли, балки уни амалга ошириш усули ҳамдир.

Малакасини оширишни индивидуаллаштириш - ўқитувчининг ўқув фаолиятини ўзи ташкил этиши, ўз маҳоратини оширишга юқори тайёргарлиги бўлиб, малакасини оширишнинг мақсад ва вазифаларига, унинг мазмун-моҳиятларини уйғунлаштирувчи, мустақил таълим олишга психологик тайёргарлиги даражасига қараб ўзгаришидир.

Индивидуаллаштириш ўқитувчи шахсининг йўналганлиги хусусияти билан мустақил ишлаш кўникмаси ҳамда ўз фаолиятини ўзи назорат қилишига боғлиқ. Индивидуаллаштириш ўзига хос хусусиятларни ривожлантириш учун қулай шароит яратиш ва уни оммавий фаолият шакллари билан уйғунлаштиришни тақозо қилади. Индивидуаллаштириш ўқитувчиларнинг ижтимоий-психологик, психофизологик хусусиятларини ҳисобга олишни талаб қилади.

Малакасини ошириш институтлари фаолиятини кузатишларимизнинг кўрсатишича, индивидуал малакасини ошириш шаклига юқори даражадаги касбий ва шахсий сифатлари ривожланган ўқитувчиларнинг аксариятини тавсия қилиш мумкин. Ўқитувчини индивидуал малакасини ошириш шаклига ўтказиш мактаб маъмурияти, туман методик бирлашмаси ва аттестация комиссияси биргаликда ҳал қилади.

Касбий фаолиятнинг шахсий сифатлар билан ўзаро боғлиқлигини ўрганишнинг кўрсатишича, шахс хусусиятлари фаолият жараёни ва ўқиш натижасига кучли таъсир қилади. Шунингдек, кишининг фикрлаш қобилияти хусусияти билан ақлий жараёнлар характери ҳамда ўрганиладиган материалларнинг муваффақиятли кечиши ўртасидаги боғлиқликнинг кучайишига олиб келишини тажриба кўрсатмоқда. Бундан хулоса шуки, тингловчиларнинг фаолиятларини қайта қуришда бу жараёнларни эътибордан четда қолдирмаслик зарур.

Амалиётчи ўқитувчилар малакасини ошириш жараёнларини табақалаштирмай, ўртамиёна амалга оширилганда ҳар учала тайёргарлик даражасидаги ўқитувчилар ҳам ноқулайлик сезади. Чунки ўқитувчиларнинг кўпчилиги учун таълимнинг етарли мураккаблик даражаси таъминланмаганлиги, уларнинг барча имкониятларининг очилмаслигига олиб келади. Бундан кўринадики, барча учун бир хил мазмун, шакл, методлардан фойдаланиб, ўқитувчилар малакасини мукаммал ошириб бўлмайди. Чунки турли тайёргарлик даражасидаги тингловчиларга турли мураккабликдаги билим, кўникма ва малакалар зарурлиги инобатга олинсагина, уларнинг шахси ва фаолиятини қайта қуриш мумкин бўлади.

Шунинг учун тингловчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, уларнинг малакасини эҳтиёжига кўра оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Шу билан бирга бу ўта муҳим педагогик муаммо ҳамдир. Шундан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг 25-сонли қарорида "Узлуксиз таълимнинг тегишли турдаги ўқув юртлари буюртмачи сифатида иш кўриб, ўқув-тарбия жараёни сифатининг ички назоратини ва таҳлилини амалга ошириб, рейтинг тизими бўйича ҳар бир педагог касбий фаолиятининг мониторингини олиб борадилар ва баҳолайдилар. Қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга эҳтиёж сезадиган ўқитувчилар контингентини белгилайдилар. Педагог кадрларнинг касбий малакаси даражасини ўрганиш асосида уларни табақалаштирадилар, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг тегишли турлари ва шаклларини белгилайдилар, педагогларни мақсадли қайта тайёрлаш ва улар малакасини оширишни ташкил этишнинг якка тартибдаги топшириқларини ёки аниқ йўналтирилган дастурларини тузадилар", [17, 9-10] дейилган.

Педагог кадрлар малакасини ошириш жараёнини уларнинг касбий маҳорати бўйича табақалаштириш борасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг эслатилган қарорининг 7.2 бандида "Педагог кадрлар малакасини оширишнинг даврийлиги ва қанча давом этиши уни ташкил этиш шаклларига ҳамда педагогнинг малакаси (рейтинги) даражаси ва индивидуал касбий эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда кадрлар буюртмачиси томонидан белгиланадиган талабларга боғлиқ бўлади", - дейилган. Шунингдек, қарорнинг 7.1 - бандида "Қайта тайёрлашнинг қанча давом этиши илгари олинган олий таълим даражасига, қайта тайёрлашнинг тури ва кўп меҳнат талаб қилишига, ўқитиш шаклларига боғлиқ бўлади," [17, 90] дейилган.

Демак, мазкур ҳужжатда қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда тингловчилар таркибини шакллантиришда у (ўқитувчи) фаолият кўрсатаётган таълим муассасаси масъул ҳисобланади.

Аммо масаланинг моҳиятига чуқурроқ кириб борилса, бир қанча масалаларни ҳал қилишга тўғри келади. Жумладан, қарорда малакасини ошириш даврийлиги 3 йил қилиб белгиланган. Ўқитувчи педагогика олий ўқув юртини битириб, мактабга ишга келади, уч йил ишлаб, биринчи марта малакасини оширишдан ўтди. Ўқитувчининг кейинги иш фаолиятида яна малакасини ошириш курсидан (2-, 3-, 4- маротаба ва ҳоказо) ўтишида малакасини ошириш мазмуни, муддати, унга қўйилган талаб қандай бўлади? Бу тизим умуман ишлаб чиқилмаган.

Малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнининг бевосита иштирокчиси доцент М.С. Яҳёев "Ўқитувчиларга қўйиладиган малакавий талаблар даражаланадими?" [111] мақоласида юқорида зикр



этилган қарорда белгиланган талаблар ўқитувчиларнинг тоифалари ("Мутахассис", "Ўқитувчи", "Иккинчи тоифали ўқитувчи", "Биринчи тоифали ўқитувчи", "Олий тоифали ўқитувчи") бўйича ажратиб кўрсатилмаганлигини ҳақли равишда таъкидлайди. Муаллифнинг ўзишича "агар улар (малакасини ошириш курслари) энг қуйи тоифадаги ўқитувчиларнинг тайёрланганлик даражасига нисбатан олинган бўлса, кейинги тоифа ўқитувчилари учун бундай талаблар тегишлича янада кучайтирилиши керак" [111].

Гарчи эслатилган ҳукумат қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳар бир фан ўқитувчиси, тегишли таълим муассасаси раҳбар ва мураббийлари учун давлат талабларини алоҳида-алоҳида ишлаб чиққан бўлса-да, уларни ҳам тоифалар бўйича аниқлаш лозим бўлади.

Юқоридагилардан кўринадики, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни табақалаштириш мазкур жараённинг энг мураккаб педагогик, ташкилий ва иқтисодий муаммоси ҳисобланади. Республика Ҳукуматининг эслатилган қарори ва М.С. Яҳёев мақоласида бунга ташхис қўйилди. Унинг расмий Низоми, қоида, тартибини ишлаб чиқиш бу соҳа мутасаддилари ва илм аҳлининг долзарб вазифасидир. Биз эса тадқиқот мантиқидан келиб чиқиб, ўз муносабатимизни билдирдик, холос.

Шундай қилиб, табақалаштиришнинг мақсади - ўқув жараёнида педагогик муаммо сифатида амалиётчи ўқитувчи педагогик фаолиятини такомиллаштириш имкониятини кенгайтиришдир. Таълимни табақалаштиришда малакасини оширишнинг ҳар бир шакли ўқитувчи касбий тайёргарлик даражаси ва имкониятларига мос келади.

## 4.2. Қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда таълим мақсади, мазмуни, шакл ҳамда методларини оптимал танлашнинг дидактик асослари

Ҳозирги вақтда малакасини ошириш курсларидаги таълим мазмуни билан танишиш, умумтаълим ва махсус фан ўқитувчиларининг курслардаги малакасини ошириш мазмунини белгилайдиган ўқув режалари ва бошқа ўқув ҳужжатлари юқоридаги талабларга тўла жавоб бермаслигини кўрсатди. Уларда курс мазмунини белгилашда айрим (касбий ва методик) фанлар соатлари кўпайтирилиб, назарий ва педагогик-психологик тайёргарлик соатлари миқдори камайтирилган.

Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ташкилотчилари курс машғулотларини илмий-методик, ташкилий жиҳатдан яхши савияда ташкиллаштирилишига алоҳида эътибор берилиши лозим.

Энг аввало таълим мазмунини белгиловчи ҳужжатлар - ўқув режалари ва ўқув дастурлари ўқитувчиларининг касбий ва шахсий эҳтиёжларини қаноатлантира олиш даражасида тузилиши лозим.

Юқорида таъкидланганидек, ўқитувчи фаолияти кўп қиррали ва улкан вазифаларни бажаришга йўналтирилган. Чунончи, у фан ўқитувчиси, тарбиячиси сифатида ўқувчилар билиш фаолиятининг ташкилотчисидир. Шунинг учун курс машғулотлари ўз мазмуни, ташкил қилиниши асосида ўқитувчининг бажарадиган ижтимоий-педагогик фаолияти мазмунини англаши ва уни амалга оширишга шароит яратиши керак. Бунинг учун малакасини ошириш муассасаси педагоги ўқитиш жараёнида қуйидагиларни амалга ошириши керак:

- ўқитувчиларнинг касбий фаолияти, тайёрлик даражасига баҳо бериши;

- тингловчиларни ўз фаолиятига танқидий қараш ва уни ўзгартиришга ёрдамлашиши;

- аниқ илғор педагогик тажрибани ўрганиши, умумлаштириши ҳамда тингловчиларни фаолият субъекти сифатида илғор тажрибаларни таҳлил қила билишга ўргатиши;

- тингловчиларда педагогик вазиятларни таҳлил қила билиш кўникмаларини такомиллаштириши;

- тингловларни ижодий ишлаш, таълим-тарбиянинг якуний мақсадга фаолиятини йўналтира олишга ўргатиши;

- курсдан кейинги даврда ўз устида мустақил ишлашига хоҳиш-истагини шакллантириши.

Ўқитувчилар фаолиятини ўрганишларимизнинг кўрсатишича, олий ўқув юртларида бўлажак ўқитувчиларга базавий билим бериш ҳамда амалий фаолиятга тайёрлашда жиддий камчиликлар мавжуд. Ўқитувчиларнинг шу каби камчиликларни бартараф қилиш, уларнинг амалий фаолиятида тўплаган тажрибаларини тартибга солиш ҳамда мустақил ишлашга ўргатишда курс машғулотларининг ўрни бениҳоя каттадир.

Шунинг учун қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ҳозирги босқичида ўқув мазмунини тўғри танлаш ва ташкиллаштириш ҳамда ўқув режа, дастурларини тузиш ўта мураккаб вазифадир.

Малакасини ошириш жараёнида таълим мазмунини тўғри танлашнинг илмий-методик масалалари билан К.З. Зарипов, Ж.Ғ. Йўлдошевлар шуғулланганлар. Шундан келиб чиқиб, биз курс машғулотларида таълим мазмуни танлаш ва шу асосда ўқув ҳужжатлари, ўқув режаси, дастурларини тузишда қуйидаги уч омилга эътибор беришни тавсия қиламиз:



1) умуман таълим тизимига ижтимоий ва умумпедагогик жиҳатидан ёндашиш;

2) умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчисининг таълим-тарбияларини ташкил қилишида, унинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш;

3) курс машғулотларини узлуксиз таълим тизими хусусиятлари асосида ташкил қилиш.

Биринчи гуруҳ талаблар таълимислоҳоти ҳужжатларида, айниқса «Таълим тўғрисида»ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”дан келиб чиқади.

Иккинчи гуруҳ омиллар ўқитувчининг фаолияти ва шахсини ўрганиш асосида эҳтиёж, талаб ва қийинчиликлар ҳамда таълим-тарбия, касб-ҳунар ўргатишни муваффақиятли амалга оширишга тайёрлаш эҳтиёжидан келиб чиқади.

Учинчи гуруҳ омиллар эса узлуксиз таълим талаблари ҳамда тингловчиларнинг хоҳиш-истаклари асосида белгиланиши мумкин. Буларни курс машғулотлари пайтида махсус сўровномалар асосида тингловчиларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш мумкин.

Мактаб амалиётчи ўқитувчилари малакасини оширишни ташкил қилиш бўйича ўқув режа ва дастурларни ўрганишларимизнинг кўрсатишича, бу борадаги ишлар ҳали тўла илмий асосланган меъёрлар асосида тузилган эмас.

Бу борадаги жуда муҳим иш махсус фан ўқитувчиларининг касбий-педагогик тайёргарлик даражасини ошириш бўйича наъмунавий ўқув режалари ва методик тавсияларнинг тайёрланишидир. Бу ҳужжатда махсус фан ўқитувчиларининг ҳаракатдаги курсларда малакасини ошириш муаммолари ўзининг илмий-назарий, методик талқинини бир қадар топган, десак хато бўлмайди.

Умумтаълим фанлардан тузилган мавзулар уни тузганларни қониқтиради, чунки улар ўз савияларидан келиб чиққан ҳолда тузганлар. Аммо ўқитувчининг олдида бошқа долзарб муаммолар турибди: курсдан кейин малака оширишни жамоада ташкил қилиш, ўз устида ишлаш, фанларнинг методологик ва бевосита таълим-тарбия билан боғлиқ томонларини мазкур режа ва дастурларга киритиш ва ҳоказо.

Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари қисқа муддатли, лекин ўқув материали кўп ва мураккаб ҳамда ундаги масалалар касбий талаблар билан боғланмаган, турли фанлар орасида боғлиқликлар йўқ, курс машғулотларининг баъзан ўқитувчиларнинг тайёргарлигидаги камчиликларни тўла бартараф қилишга йўналтирилмаганлиги уларнинг таъсирчанлигини пасайтиради.

Малакасини оширишда билимлар мазмунини белгилаш ўқитувчи эҳтиёжлари ҳамда таълим-тарбиянинг ҳозирги долзарб масалалардан келиб чиқмоғи керак.

Педагог кадрлар малакасини оширишнинг педагогик тизими хусусиятлари, ўқув-тарбия жараёни эҳтиёжлари, тингловчилар таркиби ҳамда уларнинг эҳтиёжлари асосида курслардаги таълим мазмунини белгилаш, мезонларини аниқлаш мумкин.

Малакасини ошириш курсларида таълим мазмунини тўғри танлашда умумий талабни амалга ошириш учун қуйидагиларга эътибор бериш зурур:

1. Таълим мазмуни ўқитувчи фаолияти ва шахсини такомиллаштириш вазифасига йўналганлиги.

2. Ўқув мазмунининг илмий ва амалий жиҳатдан ўқитувчи фаолияти учун аҳамиятлилиги.

3. Белгиланган ўқув мазмуни учун ажратилган вақтда тингловчиларнинг ўзлаштира олиш имкониятларига мос келиши.

4. Курс машғулотлари мазмунининг таълим муассасаси (малакасини ошириш факультети) кадрлар таркиби, савияси, ўқув, моддий-техник базаси, ўқув-методик имкониятларига тўғри келиши.

Малакасини ошириш курслардаги таълим мазмунини танлашда ўқитувчининг касбий профессиограммаси ва касбий характеристикалари назарий асос бўлиб хизмат қилади. Улар ўқув режа ва дастурларини тузиш учун ахборот олиш асоси ва ўқитувчини мустақил ишлашга ундовчи омил бўлмоғи керак.

Бу вазифани соддалаштириш учун малакасини ошириш курсларида таълим мазмунини аниқлашнинг илмий-методик кетма-кетлиги (алгоритм)нинг қуйидаги вариантини тавсия қиламиз.

**Малакасини ошириш курсларида таълим мазмунини белгиловчи ўқув режаси, дастурларини тузиш кетма-кетлиги алгоритми**

| № | Ҳаракатлар кетма-кетлиги | Ҳаракатдан кутилган мақсад |
|---|---|---|
| 1 | Ўқитувчиларнинг касбий профессиограммаси, касб тавсияномасини ўрганиш, улар билан сўров ўтказиш. Ўқув курс ҳужжатларини таҳлил қилиш | Ўқитувчиларнинг педагогик фаолияти мазмуни ва ўқув материалини танлаш мантиқини аниқлаш. Ўқув-мавзули режалар моделини тузиш |
| 2 | Ўқитувчининг вазифаларини аниқлаш | Ўқитувчи фаолияти тузилиши, хусусияти ҳамда эҳтиёжларини аниқлаб, уларни ўқув ҳужжатларда акс эттириш |
| 3 | Ўқитувчиларнинг сўровномалар асосида қийинчилик ва эҳтиёжларини ўрганиш | Қийинчиликларини аниқлаб тасниф қилиш ҳамда уларни бартараф қилувчи билимларни курс мавзусига киритиш |
| 4 | Илғор педагогик тажрибаларнинг шарт-шароитлари-ни ва афзалликларини ўрганиш | Курс машғулотларидан ўқитувчи учун ортиқча ахборотларни чиқариб ташлаш |
| 5 | Ўқув дастурини идеал моделда матн таҳлили асосида амалга ошириш | Ўқитувчи учун зарур ахборотни белгиланган мезон асосида танлаш |
| 6 | Танланган мазмунни таҳлил қилиб, ўзгартиришлар киритиш | Ўқув материалининг мазмунига фанлараро алоқа материлларини киритиш |
| 7 | Танланган ўқув мазмунини фанлар бўйича тартибга келтириш ва тизимлаштириш | Ўқув дастурини бўлим ва мавзулар бўйича мазмуннинг яхлитлигини таъминлаш |
| 8 | Бўлим ва мавзуларнинг назарий ҳамда амалий машғулотлар учун вақт тақсимотини амалга ошириш | Мутахассис экспертлар фикрини олиш, техник воситалардан фойдаланиш |
| 9 | Ўқув режа дастурларини, ўқув-мавзули режаларни тузиш | Асосий мазмунини белгилаш асосида ўқув мақсади, вазифаси, билим, кўникма ва малакалар кўламини белгилаш |
| 1 | Ўқув ҳужжатларни тажриба-синовдан ўтказиш | Таъсирчанлигини аниқлаш, мазмунга аниқлик киритиш, ўқитиш методлари ва методикасини синаш |
| 1 | Курс машғулотларида ўқув ҳужжатларини педагогик жараёнга тадбиқ қилиш | Натижаларни умумлаштириш |

Педагог кадрлар малакасини ошириш жараёни жуда мураккаб тузилишга эга ҳамда таълим-тарбиянинг қатор функцияларини амалга оширишда амалиётчи ўқитувчиларнинг энг яқин маслаҳатгўйи ва ёрдамчисидир. Юқорида таъкидлаганимиздек, бу педагогик тизимининг турли шакл ва босқичлари, компонентлари орасида ўзаро алоқадорлик, ворислик, узвийликни таъминлаш энг мураккаб илмий-амалий муаммодир.

Мана шу вазифани амалга ошириш олий ўқув юртлари қошида янги ташкил этилган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ишлаётган педагог ва муҳандис-педагоглари малакасини ошириш факультет ва марказлари фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Бу янги таълим муассасаларига ҳудудий жиҳатдан республика шаҳарлари ва вилоятларидаги мазкур таълим муассасалари педагогларининг малакасини оширишлари расман тақсимланган. Яъни уларнинг фаолият доиралари, ишлаётган ва янгидан ташкил этилган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари педагоглари малакасини доимий равишда ошириш билан белгиланади. Ҳозир биринчи марта малакасини ошириш курсларидан ўтаётганларнинг курслардан ўтиш даврийлиги уч йил қилиб белгиланган. Шу муддатдан сўнг айнан шу жойга яна малакасини оширишга келадилар. Бу эса малакасини ошириш факультет ва марказлари учун педагоглар малакасини ошириш жараёнини фақат курс машғулотлари даврида эмас, балки доимий назорат қилиш имкониятини беради. Шундай назоратни амалга ошириш воситаси сифатида курсгача ва курсдан кейинги топшириқлар бўлиши мумкин. Малакасини ошириш курсларига келган тингловчиларга курс якунида уларнинг имконияти, ишлаётган таълим муассасаси хусусияти ва малакасини оширишнинг ягона умумий илмий-методик муаммосидан келиб чиқиб, маълум топшириқлар (мавзулар)ни бериб, бу топшириқларни уч йил давомида ўрганишини назорат қилиш керак бўлади.

Таълим муассасалари билан келишган ҳолда малакасини ошириб келган тингловчиларни топшириқ устида ишлашларини назорат қилиш, уларга тегишли ёрдам кўрсатиш зарур. Бундай назоратни жойларда мактаб методбирлашмалари, ёки туман методбирлашмалари, ёки факультетга таклиф қилиб амалга ошириш мумкин.

Бундай фаолиятни амалга ошириш малакасини ошириш муассасалари билан ўқув юртлари, умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда тингловчилар билан алоқасини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бундан ташқари таълим-тарбия ва касб-ҳунарга ўргатиш жараёни эҳтиёжларини аниқлаш асосида курсларда малакасини оширишни ташкил қилишга ёрдам беради. Энг муҳими малакасини ошириш жараёнида узлуксизликни таъминлашга кўмаклашади. Шу билан бирга малакасини оширишни педагоглар эҳтиёжи ва қийинчиликларини инобатга олиб, конкрет ташкил қилишга асос бўлади.

Малакасини ошириш курсларидаги ўқиш педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашининг бошқа шакллари билан ўзаро алокадорликда бўлади. Жумладан, халқ таълими органларининг ўқитувчилар малакасини ошириш борасидаги ишлари, таълим муассасасида педагоглар касбий маҳоратини такомиллаштиришда ва



узлуксиз методик хизмат борасидаги ишлар ҳамда ўқитувчиларнинг мустақил ўз устида ишлашлари билан узвийлигини таъминлайди. Курсгача ва курсдан кейинги топшириқларнинг ижросини таъминлаш таълим муассасасида малакасини ошириш ва мустақил ишни яхшилашга ҳам кучли таъсир ўтказади.

Ана шу талаблардан келиб чиқиб, янги ахборот технологиялар асосида курсларда малакасини ошириш жараёнини такомиллаштириш ҳам муҳимдир.

Инсон ақл-заковатининг ютуғи воситалардан малакасини ошириш жараёнида кенг фойдаланиш таълим жараёнини такомиллаштириш билан бирга тингловчиларнинг таълим-тарбия, касб-ҳунар ўргатишда фойдаланишлари борасидаги қизиқишларини ҳам ўстиради.

Таълим жараёнига замонавий ахборот-технологик воситалар, ўқитиш методикаси, таълим мазмуни, таълимни бошқариш соҳаларига кескин таъсир қилиб, уларни ислоҳ қилишни тақозо қилмоқда. Бу ўз навбатида билим олиш ва малакасини ошириш имкониятларини ҳам кенгайтирмоқда. Бунинг оқибатида INTERNET орқали фан соҳасида дунёда рўй бераётган янгиликларни билиб олиш, улардан ўз амалий фаолияти, маънавий эҳтиёжлари, таълим-тарбияда фойдаланиш имкониятлари туғилмоқда. Шу тариқа масофавий таълим олиш ва малакасини ошириш, мустақил билим олиш асосида касбий маҳоратини такомиллаштиришнинг қулай шакллари пайдо бўлмоқда.

Таълимни, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни замонавий электрон ахборот маконида амалда ошириш, - деб ёзади Ш.Ш. Шаропов, Ш. Нуритдинов, Ў.Ж. Ҳайдаровлар, - таълимда информацион технологияларни қўллашнинг ҳам аудитория, ҳам мустақил, ҳам масофавий турларини қамраб олади, ёшларни, айниқса, олий малакали мутахассисларни постиндустриал информацион даврда, информацион жамиятда яшашга тайёрлайди [60, 7].

Шундай қилиб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг педагог кадрлар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш борасидаги талабларини ҳаётга татбиқ этиш, энг аввало, малакасини ошириш мазмуни, яъни ўқув жараёнини ташкил этишга доир меъёрий ҳужжатларни илмий-назарий ва методик ҳамда педагогик амалиёт эҳтиёжи асосида тузишни тақозо қилади. Бундан ташқари, бу ҳужжатларнинг реал воқеликка айланишини таъминловчи педагоглар малакасини оширишида ўқув жараёни ҳозирги замон илмий-техник, ахборот воситалари ривожи даражасида ташкил этилишни, ўзаро боғлиқликда амалга оширилишни талаб қилади.

Бу мураккаб ишни амалга ошириш, энг аввало, унга доир меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишни муҳим вазифага айлантирди.

Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқишда уларнинг қуйидаги талабларга жавоб беришига алоҳида эътибор бериш зарур.

1. Касб ва лавозимларга тегишли малакавий талабларга мос келиши.

2. Давлат стандартларига нисбатан изчиллиги ва уларнинг малакасини ошириш жараёнида амалга оширишга йўналтирилганлиги.

3. Мазкур ҳужжатларнинг замонавий таълим технологияларига йўналтирилганлиги, уларда ўқитиш принциплари, унинг шакл ва методлари (фаол методлар, масофавий таълим, табақалаштирилган таълим) ўз аксини топганлиги.

4. Малакасини ошириш турли шаклларининг яхлитлиги, бирлигини таъминлашнинг акс этганлиги [96, 10].

Юқоридаги талаблар асосида умумий ўрта таълим мактаблари амалиётчи ўқитувчиларининг малакасини ошириш тизими ҳақидаги фикрларини ўрганиш мақсадида суҳбатлар, кузатув ва сўровлар ўтказдик. Натижаларнинг кўрсатишича, педагогларнинг мустақил билим олишлари билан курс машғулотлари орасидаги боғланиш ҳали етарли шаклланмаган. Малакасини ошириш курсларида ўқиган тингловчиларнинг 21,5 фоизига курсда ўқиш сўнггидаги мустақил ўз устида ишлаши мавзусини танлашга ёрдам берган. Тингловчиларнинг 12,4 фоизига мустақил ишлаш учун тегишли адабиётларни топиш ва улардан фойдаланишида курс машғулотлари ёрдам берган. Айрим ҳолларда (10,4 фоиз) тингловчиларнинг мустақил ўз устида ишлаш мавзулари билан курслар оралиғидаги топшириқлар бир-бирига мос келмаган ҳолатлар ҳам мавжуд.

Курс машғулотлари тингловчиларни нафақат қисқа муддатли ўқиш даврида (курс давомида), балки ундан кейинги даврларда ҳам ўз устида ишлашларига тайёрлаши лозим. Бу курсларнинг ташкилотчилари тингловчиларга истиқболли мавзуларни танлашга кўмаклашишлари керак. Тадқиқотда иштирок этган тингловчилардан мустақил ишлаш мавзулари устида 1-2 йилдан бери ишлаб келаётганлар давомийлиги - 68,8 фоизни, 2-3 йил ишлаётганлар эса 31,1 фоизни ташкил этиши юқоридаги фикрларни тўла тасдиқлайди.

Малакасини ошириш курсларининг сифатини оширишда ўқув машғулотларини юқори савияда ташкил қилиш муҳимдир. Шу билан бирга тингловчиларни таълимга қизиқтиришда таълим мазмунининг педагоглар амалий фаолияти билан боғлиқлиги ҳамда таълим-тарбия жараёнидаги қийинчиликларни бартараф қилишга йўналтирилганлиги катта аҳамиятга эга.



Тингловчиларнинг касбий қизиқишини таъминлашда ўқув машғулотининг шакли ҳам муҳимдир. Тадқиқотда иштирок этган тингловчилардан фақатгина 7,7 фоизи малакасини ошириш курсларида маъруза машғулотлари қониқтиришини эътироф этса, 10,2 фоизи семинар дарсларини, 57,7 фоизи тажриба алмаштиришни, 24,2 фоизи ўқув машғулотларини иш ўйинлари тарзида ташкил қилишни маъқуллайдилар. Демак, тажриба алмаштириш ва иш ўйинлари тингловчилар фаолияти учун кўпроқ фойдали бўла олади.

Малакасини ошириш курсларида ўқув машғулотларини ташкил қилишда ўқитишнинг қандай методлари тингловчиларни қаноатлантиришини ҳам аниқладик: танланадиган методлар 46,6 фоиз тингловчига маъқул, 53,3 фоиз тингловчиларни қаноатлантирмайди. Тингловчилардан назарий машғулотларни 43,1 фоизи маъқуллайди, амалий машғулотларни эса – 54,8 фоиз сўралганларнинг маъқуллаши аниқланди.

Тадқиқотлар малакасини ошириш тизими, уни ташкил қилиш шаклларига ҳам жиддий ўзгаришлар киритишни тақозо қилади. Жумладан, тадқиқотда иштирок этган тингловчилардан малакасини оширишни мустақил билим олиш шаклида ташкил қилинишни маъқуллигини 24 фоизи эътироф этса, 48,4 фоизи асосан иш жойида малака оширишни ташкил қилиш тарафдори эканлигини, 27,5 фоизи моддий рағбатлантириш мақсадида, унинг натижасига кўра ташкил қилиш афзаллигини қайд қиладилар. Бу рақамлар малакасини оширишни такомиллаштириш борасида жиддий бош қотиришни талаб қилади. Малакасини ошириш тизимида курс машғулотларининг салмоғи ва аҳамиятини ошириш ҳам долзарб муаммога айланади. Буни шундан ҳам билса бўладики, тингловчилардан «Фаолиятингиздаги қийинчиликларни бартараф қилишга кимлар сизга ёрдам беради?», деган саволга фақатгина 8,3 фоизи малакасини ошириш муассасаси ходимлари эканлигини тан олиши ҳам фикримизни исбот қилади.

Республикамизда қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг миллий тизими шаклланаётган ҳозирги шароитда ўқув режа ва дастурларда тингловчиларнинг касбий тайёргарлик даражасини ҳисобга олиш муҳимдир.

Дидактик қонуниятларнинг ўзига хос хусусияти таълимнинг уч элементи: ўқитувчи фаолияти, ўрганувчи фаолияти ва ўзлаштириш объекти ўртасида мустаҳкам боғлиқликни талаб қилади. Жумладан, таълим самараси ўқитувчи, ўқувчи (таҳсил олувчи, тингловчи) ва ўрганиладиган объект ўртасида мақсадга қаратилган ўзаро боғлиқлик даражаси билан белгиланади. Айнан шу ўзаро боғлиқлик ўқув жараёни мантиқини белгилайди.

Шу асосида малакасини ошириш жараёнидаги таълимда уч хил мақсад амалга оширилиши лозим: 1) ўқитувчининг олий ўқув юртида олган билимларини янада чуқурлаштириш; 2) олий ўқув юртидаги касбий тайёргарлигидаги камчиликларни тўғрилаш; 3) ўқитувчи ижодий имкониятини ўстириш.

Шундан келиб чиқиб, малакасини ошириш курслари ўқув режалари ҳамма фан ўқитувчиларининг умумдидактик тайёргарлигини кучайтиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Бундан ташқари ўқитувчи касби, таълим-тарбия масалаларининг умумметодологик, педагогик-психологик жиҳатлари, ўқитувчи шахси ва фаолиятининг муаммолари ҳам малакасини ошириш жараёнидаги таълимда чуқурроқ ўрганилиши лозим.

Барча фан ўқитувчилари ўрганиши лозим бўлган масалалар қаторига таълим жараёнининг гносеологик асослари, унда шахслараро муносабатлар, ўқувчиларнинг ёши ва индувидуал хусусиятлари ҳам муҳим ҳисобланади.

Педагоглар малакасини ошириш жараёнини такомиллаштиришда унинг мазмуни билан бирга таълим шакл ва методлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Тажрибаларнинг кўрсатишича, малакасини ошириш муассасалари ходимларининг аксариятида таълим шаклларининг қайси бирининг таъсирчанлиги ҳақида аниқ тасаввур йўқ.

Ушбу фикримизни асослаш учун малакасини ошириш муассасаси ходимлари орасида ўтказилган тадқиқотларда малакасини ошириш курсларидаги машғулотларнинг таъсирчан шаклларини сўралганларнинг 11,3 фоизи маъруза ва семинарларни; иш ўйинлари ва педагогик вазиятларни таҳлил қилишни 15,2 фоизи муҳим, деб ҳисоблайди. Таълимни оғзаки баён қилиш, муаммоли ўқитиш, мунозара ва таълимнинг назарий методларини маъқуллаганлар 6 дан 9 фоизни ташкил этади.

Малакасини ошириш муассасаси ходимларидан 32,3 фоизи мазкур соҳа учун таълимнинг ўзига хос методлари ҳақида аниқ тасаввурга эга.

Таълимнинг таъсирчан шаклларини аниқлаш борасида тингловчилар ўртасида ўтказилган тадқиқотларда, улардан 30,1 фоизи маърузани, 30,6 фоизи семинарни, 15,2 фоизи тажриба орттиришни, 23,4 фоизи амалий лаборатория машғулотларини муҳим, деб топишган. Касбий маҳоратини такомиллаштиришда шахс фаолиятида учрайдиган ҳаракатлар муҳим ҳисобланади. Шунинг учун амалий машғулотлар тингловчиларни касбий ҳаракатлар асосида билим, кўникма ва малакаларини оширишни таъминлаб, ижодий ишлашга ундайди.



Ўтказилган тадқиқотлар катталар таълими тизимида амалий машғулотлар уларнинг касбий малакаларини такомиллаштиришда кўпроқ аҳамиятли эканлигини кўрсатди.

Бунинг боиси шундаки, амалий машғулотларда тингловчилар доимо ўқитувчи назоратида бўлиб, касбий кўникмаларни эгаллашга йўналтирилади. Бундан ташқари катталар таълимида ўқитиладиган ўқув материали касбий эҳтиёжи жиҳатидан баҳоланади. Бунинг гносеологик асоси шундаки, катта киши тафаккури ихтисослашиб, касбий йўналиш олади. Шунингдек, катта киши фаолиятида шуғулланадиган соҳа - касб белгиловчи бўлиб, унинг моддий ва маънавий мақомини белгилайди. Шунинг учун катта кишида ўқув материали мазмуни, ўқитиш шакли ва методи ҳамда ўқитувчи шахси уни қизиқтирмаса, у таълимга (ўқишга) эътибори сусаяди.

Бунинг учун амалий машғулотларда тингловчиларни педагогик вазиятларни ҳал қилишга ўргатиш, уларда назарий билимлардан фойдаланиш йўлларини ўргатиш муҳим дидактик эҳтиёж ҳисобланади. Ўз навбатида таълимни шундай ташкил қилиш назария билан амалиёт бирлигини таъминлаб, олган билимларни амалда қўллашни осонлаштириб, уларни умумлаштириш, мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш ва тизимлаштиришга асос бўлади.

Амалий машғулотларда ўзлаштирган билимларини аниқ педагогик вазиятларда қўллаш шароитини яратади, уларни амалиётда синаб кўриш имконини беради ҳамда тингловчи ишончини мустаҳкамлайди. Шу жиҳати билан мактабдаги иш шароитига курс машғулотини яқинлаштиради ва ўқитувчи фаолиятини такомиллаштириш учун асос бўлади.

Таълимни амалий шаклда ташкил қилиш тингловчи фаолиятини икки ёклама назорат қилиш имкониятини беради. Бундай назоратнинг моҳияти шундаки, бир томондан, тингловчи ўзи билим фаолиятини бошқариб, назорат қилса, иккинчи томондан, унинг фаолияти узлуксиз педагог томонидан бошқарилиб, йўналтирилиб турилади. Икки ёклама назорат натижасида тингловчи таълим жараёнининг фаол иштирокчиси сифатида ўз-ўзини бошқариш объектига – «мен ижрочи» ва бошқарув субъекти – «мен назоратчи»га айланиб, ўз ҳаракатларини ўзи ташкил қилади, режалаштиради ва таҳлил қила билади. Бу эса уни ўз фаолиятига нисбатан муносабатини кескин ўзгартиришига олиб келади.

Шундан келиб чиқиб, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида ўқитиш методларининг гносеологик ташкиллаштиришга эътибор бериш муҳимдир. Шу билан бирга ўқитиш методларини тингловчиларга қандай билим бериш, уларнинг ҳаракат, эҳтиёж ва қизиқишларини инобатга олиш ҳамда ўқитувчилар билан тингловчилар

ўртасида қандай муносабатлар шаклланиши жиҳатини ҳам ҳисобга олиб, танлаш керак бўлади. Методларни танлаганда ўқув материали характерини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Ўқитиш методларининг гносеологик функцияси, шунингдек, назарий ва амалий билимларни эгаллаш усуллари катталарнинг ёши ва билиш имкониятлари ҳамда касбий эҳтиёжлардан келиб чиқиши зарур. Фақат шундагина ўқув материаллари улар учун қизиқиш уйғотади ва фаол ўзлаштириш объектига айланади. Ўқитиш методларини танлашда тингловчиларнинг ўқув материалини ҳар бири ва гуруҳ бўлиб ўзлаштиришларига қараб танлашига ҳам эътибор бериш лозим. Шу билан бирга ўқитиш методларини танлашда, таъкидланганидек, тингловчиларнинг интеллектуал ва касбий даражаси, фикрлаш хусусияти, етуклигини ҳам эътибордан чиқармаслик керак.

Ўқитиш методларининг дидактик функцияси ўқув материалини фақат ўзлаштирилишини таъминлаш эмас, балки тингловчининг билиш фаолиятини фаоллаштириш ҳамда ижодий тафаккурини ривожлантиришни ҳам таъминлашдир. Чунки ижодий фикрлаш мустақил равишда олган билимларни вазиятга қараб қўллаш имкониятини беради. Демак, ўқитиш методларини танлаш фаолият мақсадидан келиб чиқиб, уни амалга ошириш воситаси бўлиб хизмат қилмоғи лозим. Фақатгина метод фаолият характеридан келиб чиқиб, унинг мақсадини амалга ошириш йўналишини белгилаши мумкин. Бундан ташқари ўқитиш методлари таълим мақсади билан билиш фаолияти яхлитлигини таъминлаб, ўрганадиган ўқув материалини фаол ўзлаштиришга ёрдам бериш лозим. Чунки билиш фаолияти субъектнинг объектга таъсир қилиш хусусиятини белгилайди.

Малакасини оширишдаги таълим ўзига хос билиш жараёни бўлиб, бевосита ёки турли ўқитиш воситалари орқали амалга оширилади. Шунинг учун ўқитиш методларининг бундаги дидактик функцияси, уларнинг билиш методларининг турли шакли эканлигида бўлиб, билиш жараёнида асосий роль ўйнайди. Уларнинг ўқувчиларни ўқитиш методларидан фарқи касбий йўналтирилишидадир. Малакасини оширишда қўлланиладиган методлар ўқувчиларни ўқитишдаги методлар билан умумий дидактик асосга эга. Аммо шу билан бирга катталарни ўқитиш хусусиятидан келиб чиқишига асосланади.

Уларни танлаш кўп жиҳатдан ўқитувчининг тингловчилар хусусиятларини ҳисобга олишига боғлиқ бўлади. Бунда ўқитувчи катталарнинг психофизиологик хусусиятларини инобатга олиши муҳимдир.

Педагогик амалиётда ўқитиш методларини шартли равишда «фаол» – буларга иш ўйинлари, педагогик вазиятларни таҳлил қилиш,



педагогик машқ ёки масалаларни ечиш, тажриба алмашиш ҳамда «пассив» - анъанавий ўқитиш методлари ҳисобланган оғзаки баён (тушунтириш, суҳбат, ҳикоя)га бўладилар. Фикримизча, бу унча ҳам тўғри эмас. Чунки дидактикада ўқитиш методлари фаолият мақсадини амалга ошириш усуллари сифатида қаралар экан, улар ўз-ўзича фаол ёки пассив бўлолмайди. У уни қўллайдиган субъект, унинг ақлий камолот даражаси, педагогик маҳорати даражасига боғлиқ бўлади. Методлар педагогик фаолият мақсадини амалга ошириш инструменти бўлиб, ўқитувчининг бу инструментдан қандай фойдалана олиш даражасига боғлиқ.

Шундан келиб чиқиб, кейинги вақтларда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида тингловчиларнинг хусусиятини ҳисобга олишга йўналтирилган методлар кўпроқ қўлланиладиган бўлди. Буларга: педагогик фаолиятни ўйин тарзида моделлаштириш, аниқ педагогик вазиятларни таҳлил қилиш, иш ўйинлари, микродарслар, педагогик вазиятларни акс эттирувчи видеоматериаллар ва ҳоказолар.

Педагогик моделлаштириш маълум педагогик вазиятни тўғри педагогик ечиш йўлларини ўргатишга асосланади. Педагогик вазиятларни таҳлил қилишда ўқув-тарбия жараёни билан боғлиқ педагогик муаммолар, ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларини танлаб олиш мумкин. Шу билан бирга, ахборот воситалари ёрдамида ёзиб олинган педагогик жараёнлар – дарс, тарбиявий тадбирлар, ўқитувчи фаолиятини акс эттирувчи материалларни муҳокама қилиш ҳам анча таъсирчан ҳисобланади.

Педагогик вазиятларни таҳлил қилиш методи таҳлил ва муҳокама учун кенг имконият очиб бериб, муаммони тўғри ҳал қилишга ўргатади. Шу билан бирга тингловчини фаол фикрлашга ундаб, уни маъруза, семинар материаллари ҳамда ўз шахсий тажрибасидан фойдаланишни тақозо қилади. Бу эса тингловчи шахсий қизиқишини ошириб, муҳокама жараёнига муаммоли ёндашишга яқинлаштиради.

Педагогик вазиятларни таҳлил қилишнинг бошқа шакли низоли вазиятларни таҳлил қилишдир. Низоли вазият объекти сифатида ўқитувчининг таълим-тарбия тажрибасидаги вазият, унинг ўқувчилар, ота-оналар билан муносабатлари ташкил қилиши мумкин. Бу метод тингловчиларга фаолиятини мураккаб вазиятларда ташкил қилиш, тўғри ўзаро муносабат ўрната олиш ҳамда бу вазиятларда ўз ҳиссиётини бошқара олиш, вазиятдан чиқишнинг тўғри йўлини топишга ўргатади.

Иш ўйинлари моделлаштиришнинг ўзгача шакли бўлиб, машғулотда ўқитувчи ва тингловчилар мактаб ҳаётидан олинган у ёки бу вазиятни «ўйнайдилар», муҳокама қилиб, тўғри ҳал қилиш йўлини аниқлайдилар.

Педагогик ўйинлар бошқа ўқитиш методларига қараганда бир қатор афзалликларга эга. Шулардан бири унинг таълимни ташкил қилиш методлари билан узвий боғлиқлигидир. Шу тарздаги ўйинлар бир ҳолатда таълимни ташкил қилиш шакли бўлиб келса, бошқа ҳолатда таълимни фаоллаштириш методи бўлиб хизмат қилади. Бунда уларнинг ўзаро ўрин алмаштириши ўйин (машғулот) давомийлигига боғлиқ. Уларнинг аҳамияти иштирокчиларни бевосита касбий фаолиятга жалб қилиш асосида касбий кўникма ва малакаларни эгаллаб, педагогик маҳоратни эгаллашни осонлаштиришидадир. Бундай методларни қўллаганда доимий ўзаро фикр алмашинади, иш тажрибаси ўртоқлашилади, қисқа вақтда фаолиятига доир қулай усуллар ўзлаштирилади.

Тингловчиларнинг педагогик фаолият сирларини ўрганишларини тезлаштиришда микродарслар ҳам муҳимдир. Амалий микродарслар жараёнида педагогик касбий кўникмаларнинг айрим компонентлари ишлаб чиқилади. Тингловчилар томонидан ташкил қилинадиган «Микродаслар» давомийлиги 5-10 минут бўлиши мумкин. «Микродарслар» видеомагнитофонга ёзилиши ва таҳлил қилиниши ҳам мумкин. Уларнинг мазмунини таълим-тарбиянинг алоҳида бир бўлаги – вазиятлар ташкил қила олади. Маълум вазиятлар «жонлантирилиб», муҳокамада уларнинг маълум жиҳатларига тингловчилар эътибори қаратилади.

Демак, ўқитиш методлари педагог (таълим берувчи) ва тингловчи, таълим олувчи фаолиятидан ажралмасдир. Ўқитиш методлари педагогик фаолият мақсадини амалга ошириш усуллари тарзида педагогик жараённи ўзгартириш, тингловчини ўқув материалига жалб қилиш ва шу асосда назарий билимларни амалиётда қўллаш жиҳатидан ўз фаолиятини баҳолашга имкон яратади.

Малакасини ошириш жараёнида турли-туман методларни қўллаш фақат касбий тайёргарлик даражасини кўтаришга хизмат қилмай, балки тингловчининг касбий фаолиятига тайёргарлик даражасини аниқлашга ҳам имкон беради. Жумладан, иш ўйинлари, педагогик вазиятларни таҳлил қилиш, микродарслар назарий билимлар билан уларни ўқитувчи амалий фаолиятида қўллаш ўртасидаги «кўприк» вазифасини ўтайди. Демак, доимий педагогик фаолиятни такомиллаштириш хилма-хил ўқитиш методларини қўллаш даражасига боғлиқдир.

Дидактикада ўқитиш методларини тасниф қилишга турлича ёндашишлар мавжуд. Турли вазиятларда уларнинг турли муҳим жиҳатларига эътибор берадилар. Малакасини ошириш тизимида уларнинг акси бўлиб, тингловчиларнинг билим олишидаги фаолият ва мустақиллиги кўпроқ аҳамият касб этади. Чунки айнан шундай ёндашув кўпрок ўқитувчи касбий тайёргарлигига мувофиқ келади. Шундан келиб



чиқиб, тажриба ва бу борада олиб борилган тадқиқотларни умумлаштириб, малакасини ошириш тизими учун уларни қуйида тасниф қилишга ҳаракат қиламиз.

### 4.2.1. Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида қўлланиладиган ўқитиш методлари таснифи

Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида қўлланиладиган ўқитиш методларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Назарий билимларни гуруҳлаштириш, янгилашга йўналтирилган методлар: тушунтириш, маъруза, муаммоли баён қилиш, эвристик суҳбат, ижодий мунозара.
2. Касбий кўникмаларни ва ижодий фаолиятини такомиллаштириш методлари: ўз-ўзини кузатиш, ўз-ўзини таҳлил, ўзига баҳо бериш, педагогик вазиятлар таҳлили, иш ўйинлари, ўз дарсини ўзи таҳлил қилиш.
3. Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш методлари: педагогик жараёнларни кузатиш ва таҳлил қилиш, ўз тажрибаси асосида маъруза, мақола, методик қўлланма ёзиш; семинар-кенгаш, илмий-амалий конференцияларда чиқишлар .
4. Мустақил билим олиш, мустақил ишлаш эҳтиёжларини такомиллаштириш методлари: илмий, илмий оммабоп адабиётларни ўқиш; мустақил ўқув дастурлари устида ишлаш; кўргазмали қуроллар, воситалар билан ишлаш, музей кўргазмаларга бориш; ишлаб чиқариш, фан ва маданият арбоблари билан учрашувлар; масофавий таълим.
5. Амалий иш методлари: семинар, ўзаро тажриба алмашиниш, лаборатория амалий машғулот; педагогик тренинглар, ўзаро дарсларга кириш ва таҳлил қилиш.

Келтирилган методлар таснифи малакасини ошириш жараёнининг барча жабҳаларини тўлиқ ифодалай олмайди. Чунки педагогик жараён мураккаб ва кўп қиррали. Ўқитувчиларнинг жонли фаолияти янги усул ва воситалар ҳамда улар асосида янги методларни шаклланишига замин тайёрлайди. Малакасини ошириш жараёнида келтирилган ўқитиш методлари ўринли ва табақалаштирган ҳолда қўлланиши лозим. Бу ерда табақалаштиришнинг функцияси шундаки, агар тингловчи камроқ амалий иш стажига эга бўлса, унда унинг касбий фаолиятини такомиллаштириш методлари сифатида қуйидагиларни тавсия этиш мумкин: иш ўйинлари, педагогик вазиятларни таҳлил қилиш, микродарслар ва тажриба алмашиш методлари. Агар тингловчилар анча тажрибали бўлсалар назарий билим бериш методларини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикасининг алоҳида фан сифатида тан олиниши, унинг принциплари ҳақида ҳам фикр билдиришни талаб қилади. Дидактик қонуниятлар умумий характерга эга бўлиб, улар ҳар бир жараёнда қўйилган мақсадга мувофиқ ўзига хос намоён бўлади.

Айтмоқчимизки, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёни ўзига хос катталар касбий таълими соҳасидир. Шунинг учун дидактикада умумий эътироф этган таълим тамойиллари фаолият мақсади ва билим олиш мотивига қараб ўзига хос гносеологик моҳият касб этади. Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнидаги таълимнинг дидактик тамойиллари кўпроқ билим бериш (гностик) характерда бўлиб, ўқитувчи шахси ва касбининг такомиллаштиришга йўналтирилган бўлади. Таълим жараёнида таҳсил берувчи ва таҳсил олувчи фаолиятининг умумий, такрорланувчи, ички моҳиятли жиҳатларида намоён бўлиб, самарадорлигини белгиловчи боғланишлар тамойилларини ифодалайди. Шунинг учун таълим тамойиллари ўқитишнинг моҳиятидан келиб чиқувчи объектив қонуниятлардир. Шунингдек, улар объектив қонуниятлар бўлиб, таълим берувчи хоҳишига боғлиқ бўлмайди, уларга риоя қилиш ва таълим жараёнида қўллаш мақсад ва мазмуннинг амалга оширилишини таъминлайди. Ҳозирги замон педагогикасида таълим тамойилларига турлича ёндашишлар мавжуд, чунончи, психологик, ижтимоий, фалсафий, тарихий-педагогик, ахборотли, психофизиологик, методик [31].

Психологик ёндашув таълимнинг турли жиҳатларини таъминловчи руҳий жиҳатлар, таълим ва шахс камолоти, ақлий ҳаракат шаклланиш назарияси, яъни таълим олишга инсон руҳий-билиш жараёнлари билан ўзаро уйғунликда қарайди.

Ижтимоий ёндашув эса таълим олувчи ва таълим берувчилар ўртасидаги инсоний муносабатлар, шахс ва гуруҳларнинг шаклланиши асосида таълимнинг тарбияловчи таъсирини чуқурроқ англаш, ўқитувчи ва тингловчининг ўзаро муносабатлари ҳамда мулоқотларини ифодалайди. Таълим тамойилларига ижтимоий ёндашиш малакасини ошириш мақсад ва вазифаларини чуқур англаш ва амалга ошириш, унинг жамият эҳтиёжларига мувофиқ ташкил қилинишини таъминлайди.

Ахборотли ёндашув малакасини ошириш жараёнини компьютер технологиялари ва турли электрон воситалар имкониятларидан кенг фойдаланиш асосида амалга оширишни тақозо қилади.

Инсон руҳий, ақлий фаолияти ва бош мияси хусусиятлари малакасини оширишда таҳсил олувчиларнинг шахсий сифатлари, ёши ва интеллектуал хусусиятларини инобатга олишни тақозо қилади.



Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш инсон билиш фаолиятининг ўзига хос шакли сифатида намоён бўлиб, дунёни билишнинг умумий қонуниятлари асосида кечади.

Таълим тамойилларига гносеологик ёндашиш кўпчилик ҳолларда умумий тизим - тарихий, педагогик, психологик ёндашувлар бирлигида қараланиб, алоҳида ажратилмайди. Бунинг боиси, фикримизча, гносеологик ёндашув табиатининг анча қийин ва мураккаблигидадир. Бунда энг муҳими таълим тамойилларини билиш жараёни сифатида қараб, уларни изчил тизим сифатида қўллашдир.

Таълим тамойилларига тизимли қараш малакасини оширишни фақат касбий жиҳатдан қарамасдан, тингловчи шахсий ва психофизиологик сифатларининг уйғунлиги тарзида талқин қилинса ҳар томонлама фойдали бўлади. Яъни касбий камолотнинг ривожланишида шахсий ва психологик-физиологик сифатлар кучайтирувчи роль ўйнайди.

Касбий сифатларнинг шахсий ва психофиологик жиҳатлари билан уйғунлашмаганлиги педагогик фаолият самарадорлигига салбий таъсир қилади.

Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикаси тамойиллари умумий асос, негиз сифатида таълимни ташкил қилиш мазмуни, метод ва шаклларининг ўзаро мутаносиблигини танлашга қўйиладиган талаблар мажмуасидир. Улар малакасини ошириш жараёнидаги таълимнинг ўзига хослигини ифодалаб, педагогик жараённинг умумий хусусиятларида фарқланади.

Уларга қўйиладиган айрим талабларни келтирамиз:

1. Мажбурийлиги. Малакасини оширишда таълим тамойиллари шунчаки маслаҳат ёки тавсия эмас. Уларни тўлиқ ва сўзсиз амалиётга қўллаш зарур. Уларга риоя қилмаслик, инкор қилиш таълим жараёни асосини емириб, самарадорлигини пасайтиради.

2. Комплекслиги. Тамойиллар айни бир вақтда, бир-биридан ажралмаган ҳолда, яхлитликда қўлланишни тақозо қилади.

3. Тамойиллар бир-бирига тенг, уларни асосий ёки иккинчи даражалига ажратиш мумкин эмас. Шунинг учун уларнинг айримларини ҳозир, қолганларини эртага қўллаш лозим, дейиш ҳам ўринли эмас.

Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдаги таълим тамойиллари – тайёр рецепт эмас, балки умумий талаб ва қоидалар бўлиб, уларга асосланиш ва амалиётда қўллаш юқори натижага эришишни таъминлайди. Улар таълим берувчи билими, тажрибаси, маҳоратига боғлиқ бўлмай унинг фаолиятига мажбуран киради.

Таълим тамойиллари тизимли ва кўп сонлидир. Тамойиллар таълим жараёни характери, мақсад ва мазмуни ўзгариши билан ўзгаради.

Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдаги таълим тамойиллари қуйидаги хусусиятлардан келиб чиқади:

- таълимнинг ижтимоий моҳияти;
- ҳаёт, ижтимоий тараққиёт, илм-фан ривожланиши билан боғлиқлиги;
- таълимнинг узлуксиз ва инсонпарварлиги;
- фаолият ва шахсий жиҳатларининг бирлиги.

Педагогикада, айнан педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдаги таълим тамойилларини тасниф қилиш муаммоли масала ҳисобланади. Аммо умумий эътироф этилган тамойилларни касбий фаолият ва катталар таълими хусусиятидан келиб чиқиб қўллаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Улар: илмийлик; фаоллик ва онглилик; кўргазмалилик; тушунарлилик; билимни пухта мустаҳкам эгаллаш; назарияни амалиётга боғлаш, ўқув материалини тингловчи фаолияти билан боғлаш ва бошқалар.

Бу тамойилларнинг мазмуни педагогикага доир тадқиқотларда батафсил ёритилганлигини инобатга олиб, улар устида тўхталмаймиз.

Юқорида таъкидланган фикрга қўшимча сифатида айтиш мумкинки, улар малакасини ошириш жараёнида касбий фаолият эҳтиёжига мослаштирилиб, кўпроқ билимий (гностик) хусусият касб этади. Шунинг учун малакасини ошириш жараёнида бу тамойилларни қўллаганда ўқитувчи шахси ва касби ҳамда интеллектуал даражасидан келиб чиқиш лозим. Жумладан, таълимнинг назарияни амалиёт билан боғлаш тамойили ўрганилаётган ўқув материалини ўқитувчининг мактабдаги фаолияти билан ўринли боғлаб ташкиллаштириш лозим бўлади. Агар бу қоидага риоя қилинмаса, курс машғулоти, ўқув материали тингловчига кераксиздек туюлади.

Яна бир жиҳатини алоҳида таъкидлашни истардик. Бу ҳам бўлса, таълим берувчининг ўқитиш методлари, шакл, воситаларини танлашдаги ўрни. Таълим жараёнида тамойиллар унинг самарасини ошириш воситаси сифатида таълим берувчи хоҳишидан қатъий назар қўлланади ҳамда уларга риоя қилинади. Шунингдек, таълим берувчи уларнинг бири, ёки бир нечтасини биргаликда қўллашга мажбур. Чунки тамойиллар асос, негиз, муҳим талаб сифатида дарс самарадорлигини оширади. Таълим берувчи методлар, восита шаклларини танлашда эркинликка эга ва уларни ўқув материали характеридан келиб чиқиб танлаши керак. Лекин тамойиллар унинг хоҳишига боғлиқ эмас.



Шундай қилиб, ислоҳот талаблари асосида ўқитувчилар малакасини оширишни илмий асосда ташкил қилиш таълим мақсади, мазмуни, восита, методлари ва тамойилларини касбий фаолиятга йўналтириш ҳамда тингловчиларнинг ёши, интеллектуал даражаси ҳамда фаолият мотивларини инобатга олишни педагогик заруриятга айлантиради.

Бу мураккаб вазифани эса катталар таълими хусусиятини ҳисобга олиб, махсус тайёргарликдан ўтган ўқитувчилар амалга ошириши мумкин.

## 4.3. Катталар таълим хусусиятини ҳисобга олиб, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун ўқитувчиларни махсус тайёрлаш зарурияти

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва кадрлар билан таъминлашни яхшилаш - ўқув жараёнини такомиллаштиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Аммо бу масаланинг илмий-амалий, ташкилий жиҳатлари билан мамлакатимизда бирон бир илмий тадқиқот муассасаси ёки алоҳида олимлар етарлича шуғулланаётгани йўқ. Бу муаммо билан махсус шуғулланиш, энг аввало, педагоглар меҳнатининг жамият ҳаётидаги ижтимоий зарурийлиги билан белгиланса, уларнинг малакасини ошириш давлат аҳамиятига эга ижтимоий-иқтисодий, илмий-педагогик муаммо сифатида белгиланади. Бундан ташқари педагог кадрлар малакасини ошириш муассасалари ўқув, илмий-методик жиҳатлари ва ундаги таълим ўз хусусиятига эга. Шунга қарамай, уларнинг моддий-техник базаси ва махсус тайёрланган, катталар, айниқса, ўқитувчиларнинг ижтимоий-психологик, психо-логик-физиологик хусусиятларини билиб таълим берадиган ўқитув-чиларни тайёрлаш масаласи алоҳида муаммо сифатида кун тартибига қўйилган эмас.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорида узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларини тубдан қайта қуриш вазифасини долзарб қилиб қўйган экан, унинг ажралмас қисми - педегог кадрлар малакасини ошириш тизими ҳам бундан мустасно бўла олмайди. Педагог кадрлар малакасини ошириш тизимини ислоҳ қилиш мураккаб ва кўп қиррали муаммодир. Шунинг учун уни бирданига, бир кунда ҳал этиб бўлмайди, балки қадам-бақадам ечиш лозим бўлади. Фикримизча, уни ислоҳ

қилишни шу тизим хусусиятларини биладигани педагог кадрлар тайёрлашдан бошлаш муҳим қадамлардан ҳисобланади.

Ҳар қандай таълим муассасасида таълим жараёнини ташкил қилишда асосий шахс ўқитувчи ҳисобланади. Худди шундай, биз таҳлил қилаётган таълим муассасаси учун ҳам давлатнинг ёшлар таълим тарбиясини амалга оширишдаги ижтимоий буюртмасини бажаришда тингловчиларни тайёрлаш асосий роль ўйнайди. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими педагогининг вазифаси бошқа таълим муассасалари ўқитувчиларига қараганда анча қийин ва мураккабдир. Чунки у таълим-тарбияни олиб боришда мутахассис ҳисобланган, олий маълумотли, касбий дипломи бор, жамиятда маълум ижтимоий мавқега эга, кенг билим ва тажриба эгаси бўлган шахс билан ишлайди.

Ўтказилган тадқиқотлар, кузатишлар, кўпчилик тингловчилар билан суҳбатлар ҳамда малакасини оширишни такомиллаштиришга бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуманлар ва давлат ҳужжатларида педагог кадрлар малакасини ошириш тизими фаолият натижаларининг пастлиги қайд қилинади. Ўтказилган тадқиқотлар бунинг қатор сабаблари ичида мазкур таълим муассасида ишлаётган ходимлар, айниқса, дарс берувчи педагогларнинг катталар билан ишлаш, уларни ўқитиш тажрибаси етарли эмаслигини кўрсатади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида таълим ниҳоятда кўп ижтимоий-психологик, физиологик-биологик муаммоларни инобатга олиб ташкил қилишни тақозо қилади. Бу талабларни амалга оширишда ҳар қандай олий маълумотли ёки илмий даражали киши муваффақият билан ишлай олмаслигини кўрсатади. Шунинг учун бу тизим учун педагогларни махсус тайёрлаш жиддий ва мураккаб муаммо ҳисобланади.

Олий ўқув юртида ишлаётган олимлар кўпчилик ҳолларда умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муаммоларини яхши билмайдилар. Шунинг учун малакасини ошириш курслари машғулотларида ўрганилаётган ўқув материалини тингловчи ишлаётган таълим муассасаси ҳаёти, унинг касбий фаолияти, таълим-тарбия жараёни билан боғлай олмайдилар.

Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида ўқитувчилик қилаётган кишилар камдан-кам ҳолларда ўриндошлик асосида умумий ўрта таълим мактаби, академик лицей, касб-ҳунар коллежларида дарс берадилар. Аммо малакасини ошириш тизимида ишлаб келаётган педагогларнинг кўпчилиги илмий даражали эмас ёки ўзлари ишлаётган соҳа бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб бормаганликлари учун ўрганилаётган муаммоларнинг илмий жиҳатларини еча билмайдилар,



тингловчиларни фан оламидаги масалалардан етарли даражада хабардор қила олмайдилар.

Ҳамдўстлик мамлакатларида малакасини ошириш жараёнларининг таъсирчанлигини ўрганишга бағишланган ишларда қайд қилинганидек, ўқитувчининг махсус касбий савиясини ошишида мунтазам илмий ишларда иштирок этиши белгиловчи ҳисобланади [32, 53-54].

Илмий изланиш ва таълим-тарбиянинг ўзаро уйғунлиги, уларнинг ҳар иккаласининг ҳам ривожланиши учун қанот ҳисобланади. Ўқув жараёни фаннинг, фан эса ўқув жараёни тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи, бир занжирнинг икки бўғинидир. Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёни билан боғлиқ илмий иш олиб борувчи олим илмий талаблар билан бирга таълим-тарбия, ўқитувчи касбий фаолияти эҳтиёжларини инобатга ола билади. И.Ф. Александрованинг ёзишича, малакасини ошириш тизимида фаолият кўрсатувчи ўқитувчи илмий мавзуда иш олиб бормаса, ўзининг эгаллаб турган лавозимига тўла лойиқ бўла олмайди [28].

Таълим жараёнини ислоҳ қилиш уни ташкил қилишни замон талаблари асосида олиб боришни тақозо қилади. Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими ўқитувчиси энг аввало ўзи ўқитадиган фани асосида ўқитишни ташкил қилиш билан бирга тингловчиларга ёшларни ўқитиш, касб танлаш, уларни ҳаётга тайёрлашнинг аниқ йўлларини ҳам кўрсата ва ўргата билиши керак.

Бундан ташқари малакасини ошириш жараёнидаги таълим турлича даражада бўлган тингловчилар билан ишлай олиш маҳоратига ҳам боғлиқдир. Уларга нисбатан индивидуал ёндашиш тамойилларини амалга ошириб, янги ўқув материалларини баён қилишда билими бўш тингловчиларга материалларни майда қисмларга бўлиб, улар устидан жиддий ишлашга, умумлаштиришга йўналтириши лозим. Маълум бир тушунчани шакллантириш учун узоқ вақт унинг ҳар бир белгиси, хусусияти устида алоҳида ишлаш ва шу асосида уларнинг алоқадорлигини кўрсатиш зарур. Бунда тингловчилар томонидан ўқув материалининг доимий тўғри ўзлаштиришини кузатиш, уни идрок қилиши, қийинчиликларнинг пайдо бўлиши ва уларни бартараф қилиш йўлларини кўрсатиши керак бўлади. Билим савияси турлича бўлган тингловчилар билан ишлаганда ўқув материалини кичик бўлакчаларга бўлмасдан ишлаш, уларнинг билимини назорат қилишда анча қийинчиликларга дуч келишини унутмаслик керак.

Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида билим савияси турлича бўлган тингловчилар билан ишлашнинг яна бир қийинчилиги - чуқурроқ билимга эга тингловчилар фаолиятини ташкил қилишнинг

анча мураккаб кечишидир. Уларнинг таълимга қизиқиши пасаймаслиги учун уларга индивидуал тарзда мураккаброқ топшириқлар бериш лозим бўлади.

Билим савияси турлича бўлган тингловчилар билан янги материалларни ўзлаштириш жараёни турлича ёндашувни тақозо қилса ҳам, мустаҳкамлаш жараёни анча осон кечади. Чунки ўқитувчида мустаҳкамлаш учун етарлича вақт бўлади. Шунинг учун ўқитувчи турлича билим савиясига эга тингловчилар билан иш олиб боришда вазият учун мос машқ, дидактик ўйинлар, вазиятларни таҳлил қилиш кабилардан кенг фойдаланиши лозим.

Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар учун бу соҳада таълим жараёнини ташкил қилишнинг мураккаблиги, бу борада махсус тадқиқотлар, ўқув қўлланмалар, методик тавсияларнинг камлиги ёки йўқлигидир. Тингловчилар фаолиятини ташкил қилиш, таълим жараёнида пайдо бўладиган қийинчиликларни бартараф қилиш йўлларини кўрсатувчи адабиётларга эҳтиёж борган сари кучаймоқда.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълим муассасаларида ўқитувчилик қилиш анча қийинлигини илмий таҳлил қилишдан ташқари бу фаолиятга ўқитувчиларни махсус тайёрлаш зарурлигини, шу тизимда ишлаётганларнинг ҳаммаси ҳам тушуниб етиши ниҳоятда муҳимдир. Чунки инсон бажараётган ишининг моҳияти, унинг натижасини тушуниб етсагина, унга рағбати кучаяди.

Шу мақсадда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муаммоларига бағишланган республика миқёсидаги турли илмий-амалий семинарлар, конференция иштирокчилари орасида, уларнинг малакасини ошириш тизимида ўқув жараёнининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш мақсадида сўровномалар ўтказдик.

Сўровларда иштирок этганлар (247 киши)дан 32,3 фоизи малакасини ошириш таълимнинг ўзига хос хусусияти борлигини эътироф этадилар. Улар мактабда фан асослари ўргатилишини, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида касб асослари, олий таълимда мутахассис тайёрланишини тушунадилар. Аммо малакасини ошириш муассасаси булардан фарқ қилиши, касб соҳибларининг маҳорати ва шахсини такомиллаштиришнинг чуқур моҳияти ҳамда илмий-методик асосларини тушуниб етганларича йўқ. Кўпчилик сўровда иштирок этганлар (54,4 фоиз) малакасини оширишнинг хусусиятини фақат бошқа таълимдан ёши, катталар ўқитувчи бўлганлиги билан фарқланади, деб эътироф этадилар. Улардан 8,8 фоизи ундаги таълим жараёни бошқа таълим муассасалардаги ўқишдан



унча фарқ қилмайди десалар, 4,4 фоиз сўралганлар жавоб беришни ўзларига эп кўрмадилар, ёки тушуниб етмадилар.

Келтирилган сўровнома натижаларининг кўрсатишича, педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида таълимнинг қийинлиги ва мураккаблиги, ўқитувчиларни махсус тайёрлашнинг зарурийлигини, ушбу тизимда ишлаётганларнинг ўзлари ҳали чуқур тушуниб етганлари йўқ. Бу касб таълими катталар таълимининг ўзига хос педагогик тизими эканлигини тушуниш, уни тан олиш вақти етди.

Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида ўқув жараёнини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда мазкур тизим учун ўқитувчиларни махсус тайёрлаш борасидаги шу муассасалар раҳбарлари, кафедра мудирлари, услубшуносларнинг фикрларини аниқлаш мақсадида ўтказилган тадқиқот қуйидагиларни кўрсатди. Сўраганлардан кўпчилиги 67,7 фоизи саволимизга ижобий жавоб берди. Улардан 30,5 фоизи мазкур тизим учун ўқитувчиларни махсус тайёрлаш шарт эмас, деб ҳисоблайдилар. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, ҳатто шу тизимда фаолият кўрсатаётганлар ҳам педагоглар малакасини оширишнинг нозиклиги, унинг моҳиятини етарли тушуниб етмаганлар.

Бундай мураккаб педагогик муаммоларни ҳал қилиш қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими ўқитувчисидан илмий тадқиқот олиб боришга лаёқати бўлиши, катталар психологиясини билиши, таълим жараёнида ҳозирги замон ўқитиш воситалари - педагогик ва ахборот технологияларни қўллаш сирларини билишни тақозо қилади. Шу билан бирга мазкур малакасини ошириш муассасаси педагогининг ечиши лозим бўлган муҳим вазифаларидан яна бири таълим жараёни иштирокчилари орасида илиқ дўстона муҳитни яратишидир. Бу муҳит тингловчиларни ўз билим ва фаолиятларининг такомиллашувига, уларда мустақил ишлаш кўникма ва малакаларни шакллантириб, яқиндан ёрдам берувчи, маслаҳатчи бўлиб қолишидир.

Айрим тадқиқотларда ҳозирги вақтда малакасини ошириш тизими ўқитувчиси ўз вазифасини тингловчилар билимини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда кўрмоқда. Бу ҳолат педагогларнинг маҳоратини ошириш учун етарли эмаслигини кўрсатди. Шунингдек, унда ўқитувчи-тингловчиларни ўз фаолияти, педагогик вазифаларни ноанъанавий ечиш усуллари билан қуроллантириш, малакаларини такомиллаштиришга ўргатишга етарлича эътибор бермасликларини кўрсатади.

Мазкур таълим муассасасида ўқув жараёнини бундай ташкил қилиш унга нисбатан ишончсизликни келтириб чиқариб, ҳозирги замон педагогикаси ва психологиясининг ўқув жараёнини такомиллаштиришдаги ютуқларини менсимасликка олиб келади. Бу эса бизни

қонуний равишда малакасини ошириш тизими учун ўзига хос педагог моделини ишлаб чиқиш заруриятига рўпара қилади. Бундай педагог тингловчилар фаолиятини қайта қуриш, таълим жараёнида шахслараро муносабатларни демократик асосда қура олиш намуналарини кўрсата билиши керак. Бу фақат бировларнинг субъектив хоҳиши эмас, балки таълим ислоҳотидан келиб чиқувчи муқаррар хулосадир. Малакасини ошириш курсларида тингловчилар нафақат илғор технологияларни таълим-тарбия жараёнида қўллашнинг илмий-методик асосларини, балки инсоний муносабатларнинг олижаноб намуналарни ҳам ўзлаштиришлари керак. Малакасини ошириш тизимининг бундай ўзига хос қийин томонларидан келиб чиқиб, ўқитувчилар таркибини танлаш ва уларни жиддий тайёрлаш лозим.

Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими ўқитувчисининг тингловчилар билан муносабатида уларга ижобий тарбиявий таъсир кўрсата олиши ҳам муҳимдир. Бу масалада улар ўқитувчининг таълим жараёнининг тарбиявий имкониятларидан имкон қадар тўла фойдалана олиш намунасини, ўқувчиларга тарбиявий ибрат бўла олиш андозаларини кўришни истайдилар. Мазкур масаланинг муҳимлиги шундаки, кўпчилик педагоглар дарсининг (мавзу, фаннинг) таълимий томонини тўлиқ очиб берган ҳолда, унинг тарбиявий ҳамда ўқувчи шахсини ривожлантириш масалаларида қийналишади, уларни четлаб ўтишга ҳаракат қилишади.

Ўқув жараёнида (дарсда) унинг уч дидактик мақсади (таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи)ни яхлитликда амалга ошириш ҳозирги кунда икки жиҳатдан зарур ҳисобланади. Биринчидан, тарихий меросимиз таълимида белгиловчи роль тарбияга берилган. Тарбияланган, аҳлоқий пок одамга билим ўргатилган.

Иккинчидан, мустақиллик шароитида таълимнинг муҳим вазифаларидан бири - эркин, озод, мустақил фикрловчи шахсни, комил инсонни тарбиялашдир. Бу иккала ҳолат таълимнинг барча шаклларида таълимий вазифаларнинг тарбиявий ва шахс камолоти билан омухта амалга оширилишини тақозо қилади. Шунинг учун умумтаълим мактабидан келган ўқитувчи малакасини ошириш муассасаси педагогида бу масалаларни санъаткорона ҳал қилишни кўра билиши зарур.

Ижтимоий ҳаёт тажрибаси, мулоқот, ўзаро биргаликдаги ҳамкорлик инсонга бошқалар билими кўламини аниқлаш имкониятини бериб қолмай, балки ўзини тушунишига ҳам асос бўлади. Чунки кишилар жамиятда яшаш жараёнида ўз хатти-ҳаракатларини бир-бирларига солиштирадилар. Бу солиштиришда айнан ўз аксларини кўргандек, ўзларининг ҳам хатти-ҳаракатлари, хулқ-атвор ҳамда муомала маданиятларини нисбатан таққослайдилар.



Тингловчи-ўқитувчилар ҳам қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаси педагоги фаолияти, муомаласи, муносабатини ўзидаги сифатлар билан таққослаб, ўзининг касбий фаолияти ва шахсини такомиллаштиришда фойдаланади. Шу асосда ҳамкасблари маҳоратига баҳо бериш, ундаги ижобий томонларни ўзи учун қабул қилиш истаги пайдо бўлади.

Бундан қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаси педагоги фаолияти:

- жараён сифатида қаралиб, унинг мақсади бевосита тингловчиларда нотўғри шаклланган стереотипларни ўзгартириш, улар фаолиятини қайта қуриш;
- тингловчиларда юқори касбий маҳоратга йўналтирилган мотивлар ва интилишни ташкил топтириш ва амалга ошириш, ўз фаолиятини танқидий баҳолаб, унинг натижаси сифатида уни такомиллаштиришга тайёрлаш тарзида қаралиши лозим.

Ҳар иккала педагогик вазифа ечимини топиши мумкин, агарда етарли тайёргарликка эга бўлган педагог малакасини оширишнинг мақсад ва вазифаларини тушунса ҳамда уни амалга ошириши учун зарур билим, кўникма ва малакаларига эга бўлсагина, шундай педагогик тизимини яратишга эришиш мумкин. Бунинг учун педагог юксак педагогик маҳорат ва юқори истеъдод соҳиби бўлиши лозим.

Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими педагоги фақат ўқув машғулоти олиб бориш билан чегараланиб қолмай, у тадқиқотчи ва илмий ходим ҳам бўлиши лозим. Таълим-тарбия ва илмий-амалий тадқиқот ўқитувчи фаолиятининг икки ажралмас қирраларидир. Бу сифатларнинг унда бўлиши касбий ва ижтимоий заруриятдир. Илмий тадқиқот педагогик фаолият билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, педагогни маънавий, касбий ва шахсий жиҳатдан бойитади. Шу асосда малакасини ошириш тизими педагогининг ижодий имконияти кенгайиб, ўқув машғулотларининг илмий савияси ошади. Шунингдек, фаол илмий тадқиқот олиб бориб, унинг натижаларидан ўқув жараёнида фойдаланадиган ўқитувчилар, тингловчилар орасида катта ҳурмат қозонадилар.

Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида фаолият юритувчи ўқитувчи ўзига хос вазифаларни ҳал қилар экан, уни тайёрлашда таълим жараёнининг хусусиятларини ҳисобга олиши керак. Малакасини ошириш муассасаларида ўқув муддати кескин чегараланган. Шунинг учун педагог тингловчиларга таълим бошланиши билан уларда ўз фаолиятларини мақсадга мувофиқ такомиллаштиришга хоҳишни шакллантириши керак. Бунинг учун уларни жипслаштириб, биргаликда ихтиёрий равишда малакасини ошириш мақсадини

англашларига эришиш таълимнинг таъсирчанлигини белгиловчи шарти бўла олади.

Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида тингловчилар ва ўқитувчиларнинг муносабатларини ўрганишнинг кўрсатишича, улар орасидаги муносабатлар ҳамкорликдан ҳали анча узоқ.

Тингловчиларга нисбатан бундай ёндашув уларда ўқишга нисбатан нотўғри муносабат шаклланишига, билимларни ўзлаштиришга салбий қарашни келтириб чиқаради. Тингловчиларга нисбатан бундай муомала асосида икки хил сабаб ётади. Биринчиси, педагоглар билимининг етарли эмаслиги бўлса, иккинчиси, уларнинг ташқи сийрати, хулқ-атвори, шахсий сифатларига энг мураккаб, қийин ва оширилган талаб қўйилган ўқитувчиликка мос келмаслигидир. Кейинги фикрнинг исботи сифатида шуни таъкидлаш ўринли, деб ҳисоблаймиз: ҳатто илмий даражали, малакасини ошириш тизимида ўн (10) ва ундан ортиқ йил ишлаган педагогларнинг айримлари тингловчилар билан «тил» топа билмайдилар.

Шунинг учун малакасини ошириш тизими учун ўқитувчилар тайёрлашда уларнинг шахсий ва ахлоқий сифатлари бажарадиган касблари характерига мос келишини ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак. Педагогларни танлаш ва тайёрлашда уларнинг тингловчилар билан ишчанлик ҳолатини ярата билиши, таълим жараёнини тенг ҳуқуқлилик, холисона мусобақа, мақсад ва фаолият бирлигини ҳосил қила олиш сифатларига жиддий қараш лозим бўлади.

Бунга эришиш учун:

- тингловчилар билан мунтазам педагогик вазифа ва вазиятларни ҳал қилишда уларни тажриба алмашишга кенг жалб қилиш;
- тингловчилар билан ўзаро очиқ мунозаралар, муаммоли педагогик масалаларни муҳокама қилиш;
- тингловчилар таклиф қилган янгиликни амалиётга жорий қилиш, ёки қилинган хатони очиқ тан олиш;
- тингловчилар билим, тажрибаси ҳамда шахсига ҳурмат билан қараш. Булар биргаликда яхшилик билан тугаб, ўқитувчи ҳурматининг ошишига олиб келади.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнлари ва ўқитувчилар иш тажрибасини ўрганишнинг кўрсатишича, педагоглар учун мураккаб масалалардан бири -тингловчиларга нисбатан аниқ вазиятларга қараб муносабатини ўзгартиришдир. Чунончи, педагог тингловчилар эътиборига таниш бўлмаган материални ҳавола қилиб, уларнинг барчаси ёки айримлари учун у ягона билим манбаига айланади. Бу пайтда тингловчилар тўлиқ ўқувчи ҳолатига тушиб қоладилар. Уларнинг бу ҳолатга тушмасликлари учун ўқув



материали, унинг мазмуни, машғулот мақсадини ҳамкорликда ўқитувчи-тингловчи тарзида педагогик муаммонинг ечимини ҳал қилиш лозим. Бунда ҳамкорлик, тенглик, шерикчилик катталарни ўқитишнинг ҳал қилувчи педагогик шарт-шароитини таъминлайди.

Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида самарали ишлашда амалий тажриба, яъни тингловчилар иш тажрибаси ҳам муҳим бўлиши мумкин. Жумладан, биз малакасини ошириш тизимида 2-5 йил ишлаган педагоглар фаолиятини ўрганганимизда, уларнинг қийинчиликларга дуч келиб, хатоларига йўл қўйганликларининг гувоҳи бўлдик. Бу эса тингловчининг малакасини оширишда ўз фаолиятини ички интилиш асосида такомиллаштиришга ҳам салбий таъсир қилади. Аммо катталар билан 10 ва ундан ортиқ йил ишлаган педагоглар тингловчиларга демократик муносабатда бўладилар.

Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида ўқув машғулотларини олиб борувчиларнинг баъзилари ўриндошлик асосида олий ўқув юртидан келиб ишлайдилар. Улар учун хос хусусиятлар талабалар билан муносабат, муомалани катталар таълимига олиб келиш, тингловчиларни менсимаслик, ўринсиз танбеҳ бериш, уларнинг устидан кулиш каби нохуш хатолар ҳам учрайди. Бундай муомала шакли тингловчиларни чарчатади, уларни таранглаштириб, педагог билан ҳамкорлик қилишига ҳалақит беради.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун малакасини ошириш тизими учун педагоглар тайёрлашда уларнинг педагогик-психологик тайёргарлиги, тингловчилар билан муомаласида педагогик одоб, назокатга риоя қилиш, уларни ҳамкасблар сифатида ҳурмат қилишини таъминлаш, ўқув жараёнининг барча педагогик тизимлари учун умумий қонуниятлари ҳамда малакасини оширишга хос хусусиятларини чуқур билишларига асосланиши лозим.

Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими учун педагог кадрлар тайёрлашнинг мақбул фаолият тузилиши ва самарали бўлишини таъминловчи омилларни аниқлаш учун тингловчилар орасида сўровномалар ўтказдик. Бунда уларнинг уларни ўқитаётган педагоглар фаолиятидан қониқиш ҳосил қила олишларини аниқлашга эътиборни қаратдик. Уларга ўқитувчиларнинг малакасини ошириш муассасасидаги таълим жараёнини олий мактаб, умумтаълим мактаби, академик лицей, касб-ҳунар коллежларидаги фаолият билан таққослаш, солиштириш, ўқув машғулотларини олиб борувчилар фаолиятига баҳо бериш таклиф қилинди.

Бунда тингловчилар фикрларининг кескин фарқ қилиши кузатилди. Олий ўқув юртида ишловчи илмий даражали профессор-ўқитувчилар илмий-назарий муаммоларни яхши баён қила туриб,

материални тингловчи ишлаётган ўқув муассасаси ва унинг фаолияти билан боғлай олмайдилар. Сўралган 347 кишидан 24,2 фоизи олий ўқув юрти ўқитувчиси фаолиятига юқоридагидек баҳо берди.

Ўқитувчилар бошқа гуруҳининг асосий иш жойи малакасини ошириш муассасаси, аммо бошқа ўқув юртларида ҳам ўриндошлик асосида ишловчилар. Улар ўқитадиган фаннинг муаммоларини амалий, методик томонларини била туриб, назарий асослашга қийналадилар. Улар ўқитадиган фанининг назарий томонлари ҳамда педагогика, психология фанлари соҳасидаги билимларни чуқурлаштиришга эҳтиёж сезадилар. Тингловчилардан 26,8 фоизи улар фаолиятига шундай баҳо бердилар.

Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими талабларига тўлиқроқ жавоб берадиган педагог моделини аниқлаш мақсадида тингловчилар фикрини ўрганишдан ташқари мазкур муассасалар раҳбарлари, кафедра мудирлари билан ҳам мулоқот ва суҳбатларда улар ҳам олий мактаб, малакасини ошириш тизимида ишловчилар фаолиятини маъқуллайдилар.

Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнининг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи яна бир омил, бу ўқитувчиларни шу жараён билан боғлиқ илмий ишларга жалб қилиш ҳисобланади. Бундай ўқитувчилар фаолиятининг фойдалилиги шундаки, улар илмий иш олиб бориб, ҳам касбий, ҳам шахсий жиҳатдан ўзларини такомиллаштирадилар. Бундан ташқари улар ўз касбларининг илмий-амалий томонларини чуқурроқ тушунадилар.

Аммо бу борада мазкур тизим ходимлари фаолиятини ўрганиш жараёнида маълум бўлишича, малакасини ошириш соҳасида фаолият юритиб келаётган педагогларнинг барчаси ҳам илмий иш олиб бормасликларини, олиб борадиганлари эса бевосита қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муаммоси билан эмас, балки бошқа мавзу ва соҳалардан изланишлар олиб боришларини таъкидлашди.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими учун махсус ўқитувчилар тайёрлаш муаммосини ўрганиш натижалари, тингловчилар учун намуна-ибрат, эталон бўла оладиган киши мунтазам илмий изланиш олиб борувчи, олий ўқув юрти ва малакасини ошириш муассасасида фаолият юритувчи педагоглар эканлигини кўрсатди.

Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими педагоги фаолиятининг алоҳида томонларини ўрганганимизда унинг меҳнати ижтимоий зарур ва кўп қиррали эканлигини кўрдик. Чунки малакасини ошириш тизими фан ўқитувчиси нафақат юқори савияда дарс бера олиши, балки тингловчиларда касбий зарур сифатларни ва илмий тадқиқот кўникмаларини шакллантира билиши ҳам зарур. Бунинг учун



унинг ўзи мунтазам илмий тадқиқот олиб бориши ҳамда унинг методологияси ва методларини чуқур эгаллаган бўлиши шарт. Аммо бунинг ўзи етарли эмас, педагог тингловчиларга уларни қўллаш усуллари ва имкониятларини амалий кўрсата олиши ҳам керак.

Шунингдек, фан ўқитувчисининг фақат фаол илмий тадқиқот олиб боришининг ўзи ҳам етарли эмас. Тингловчиларга ижобий тарбиявий таъсир кўрсатишда педагогнинг шахсий, ахлоқий сифатлари ҳам муҳим ҳисобланади. Булар энг аввало ғоявий етуклик, Ватани, халқига содиқлик, мустақиллик ва истиқлол мафкурасини чуқур билиши каби сифатлардир. Миллий истиқлол мафкурасини билиши ўқитувчининг таълим-тарбиянинг ғоявий асосини тўғри белгилаши, ёшларни Ватанига, халққа содиқ қилиб тарбиялаши, таълим-тарбия, ўз касбининг ижтимоий моҳиятини англаб олишига, ўқитадиган фаннинг ғоявий асосини аниқлашига ёрдам беради.

Малакасини ошириш тизими фан ўқитувчиси тингловчиларга эътиборли ва педагогик одобли муносабатда бўлиши лозим. Тингловчилар ҳолатини тушуниш, уларга ҳамдард бўлиш, улар билан ҳамкорликда ишлашга асос бўлади. Педагог шахсий сифатлари таркибида ўзгалар ҳолатига кира олиш, уларни тушуниш хусусияти муҳим ҳисобланади.

Малакасини ошириш тизими фан ўқитувчиси шахсий сифатлари таркибида янгиликка интилиш, янгиликни қадрлай ва сеза билиш, унга ташналик билан ёндашиш кабилар бўлиши лозим. Бу сифатлар унга педагогик фикрнинг олдинги сафида бўлиши, янгиликни амалиётга қўллашига замин ҳозирлайди.

Малакасини ошириш тизими фан ўқитувчиси фаолиятида педагогик техника ҳам зарур ҳисобланади. Педагогик техника - бу кўникма ва малакалар бирлиги бўлиб, тингловчиларга самарали таъсир кўрсата олиш методларини қўллаш, тингловчилар билан тўғри сўзлашиш, мулоқот ва муомала қила билиш, сўзлаш техникасини ва усулини тўғри белгилашидан иборат. Ўз диққат-эътиборини, ҳолатини бошқара олиш, таълим жараёнида эмоционал кўтаринки руҳни таъминлаш, ҳазилкашлик каби сифатлар ҳам педагогик техниканинг маҳсули ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳамда ҳукуматнинг 2006 йил 16 февраль 25-сон қарорига асосланиб, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаси педагоги қандай билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиш лозимлиги, ёки унга (унинг моделига) қўйиладиган талабларни белгилаш мумкин бўлади. Бу талаблар қуйидагича бўлиши мумкин:

**Ўқитувчи билиши керак:**

- миллий истиқлол мафкураси ва унинг таълим-тарбия, ижтимоий ҳаётдаги ўрнини;
- таълим ислоҳотига доир муҳим ҳужжатларни;
- маънавий, маърифий, маданий ва маориф соҳасига доир ҳукумат қарорларини;
- Президентнинг таълим-тарбияга доир асарларини;
- ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги муҳим ўзгариш ва воқеаларни;
- ўз фанини ва унинг илмий-назарий муаммоларини;
- янги педагогик ва ахборот технологияларини;
- компьютер технологиялари, интернетнинг глобал тармоғи билан ишлаш кўникмаларини;
- шахс психологияси, ижтимоий-психология муаммолари (фаолият мотивлари) ва психолого-физиологик (ёш, индивидуал хусусиятлар), катталар таълими муаммоларини;
- тингловчилар хусусиятига кўра таълимни ташкил қилиш шакл ва методларини танлашни;
- педагог фаолиятининг таркиби ва шахс тузилишини;
- педагоглар касбий, ахлоқий, шахсий сифатларини;
- предметлараро алоқадан фойдаланишни;
- риторика ва нотиқлик санъати асосларини;
- болалар ҳуқуқларига оид ҳужжатларни;
- таълим-тарбиянинг долзарб замонавий муаммоларини;
- илмий ижод методологияси ва илмий-педагогик тадқиқот методларини;
- тарбия назарияси, ўқувчиларни касбга йўналтириш асосларини;
- ўқувчиларни ўрганиш методларини;
- ўқувчилар ва тингловчилар билимини янги технологиялар асосида баҳолаш муаммоларини;
- таълимнинг давлат стандартларини;
- ўқувчиларни мустақил билим олиш ва фикрлашга ўргатиш усулларини;
- ўз фаолиятини ўзи таҳлил қила билишни;
- қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илмий-назарий асослари ва уни ташкил қилиш шакл ва методларини;
- илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва ундан таълим-тарбия, касб ўргатишда фойдаланишни;
- педагогик маҳорат асослари, педагогик технологияларни;
-мулоқот, муомала, шахслараро муносабатлар асослари ва б.



**Ўқитувчи бажара олиши, қила билиши керак:**

- ўз фаолияти ва ўқув жараёнида миллий истиқлол мафкурасини қўллай олиш, ўқув жараёнини ғоявий ташкил қилишни;
- катталар таълими педагогикаси талаблари асосида ўқув жараёни, тингловчилар билан муомала, муносабатини ташкил қилишни;
- Президент асарлари, таълимни ислоҳ қилиш ҳужжатларидан ўқув жараёнида фойдаланишни;
- таълим жараёнини ўқув юрти ҳамда мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий воқеалар билан боғлай олишни;
- умумий методология ва ўз фани методологиясини;
- янги педагогик ва ахборот воситаларидан таълим-тарбияда ўринли фойдалана олишни;
- тингловчиларнинг ўқув-билув фаолиятини ташкил қилишни;
- тингловчиларни амалий тадқиқотга жалб қила олишни;
- педагогик илмий тадқиқот методларидан моҳирона фойдалана билишни;
- ўз фаолиятида тингловчиларнинг мустақил билим олишининг қулай усулларини билишни;
- ўқув, илмий тадқиқот ишларини режалаштира олиши, мавзули режалар, дарс мажмуасини туза олишни;
- тингловчилар ва ўқувчилар билимини баҳолашнинг ҳозирги замон усулларини;
- синфдан, мактабдан ташқари таълим-тарбия ишларини ташкил қилиш методикасини;
- ўз фаолияти ва тингловчилар фаолиятларини ўзлари таҳлил (ауто таҳлил) қилишни ва ҳоказолар.

Булар қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими фан ўқитувчиси учун умумий талаблар бўлиб, таълим турига қараб алоҳида тавсифланиши ва даражаланиши мумкин.

Бундай педагогларни тайёрлаш жуда муҳим ва анча мураккаб. Ҳозирги пайтда фаолият юритиб келаётган фан ўқитувчиларни етарли моддий база ҳамда кадрларга эга ўқув юртларида мунтазам равишда илмий асосларда малакасини оширишини ташкил қилиш ҳам долзарб ҳисобланади. Уларни доимий равишда фан-техника, иқтисодий, педагогика, психология, катталар педагогикаси ютуқларидан хабардор қилиб туриш зарур. Улар таълим жараёнининг методологик муаммолари, ёшларнинг ҳаёти, шахслараро муносабатлар борасидаги янгиликларни ўз вақтида билишлари лозим. Буларни маълум бир режа асосида, марказлашган ҳолда ташкил этиш керак.

Шундай қилиб, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими учун юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш ижтимоий зарурият ҳисобланади.

## 4.4. Қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг тингловчилар педагогик маҳоратига таъсири меъёрларини аниқлаш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорининг асл моҳияти мазкур жараён самарадорлигини оширишдир.

Бунинг учун унинг ҳамма бўғинлари, жумладан, курс машғулотларининг асосий мақсади таҳсил олувчиларга фақат машғулот ўтиш, бор билимларини тайёр ҳолда бериш эмас, балки уларни ижодий фикрлаш, доимий равишда билиш қобилиятларини ўстириб бориш, ўз маҳоратларини мунтазам ошириш, мотивларини тўғри белгилаш, чуқур тизимли таҳлилий, ижодий изланишларни курс ва курсдан кейинги даврда шакллантириш кабилар киради. Бу анча муҳим ва мураккаб масала бўлиб, у илмий асосда тўлиқ ечимини топган эмас.

Ечилиши лозим бўлган муҳим муаммоларнинг яна бири қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими учун унинг натижаси ёки таъсирчанлигини аниқ белгилаб берувчи методика ва мезонларнинг йўқлигидир. Республикамиз ва чет элларда бу борада бир қатор уринишлар амалга оширилган. Шундай уринишлардан бири тингловчилар билим даражасидаги ўзгаришларни аниқлашдир. Бу борадаги ижобий тажрибалардан бири Болгарияда корхона раҳбарлари малакасини оширишда тўпланган тажриба ҳисобланади. Бутун Болгарияда курсларда машғулотларни бошланишидан 6 ой олдин тест топшириқлари анкета тарзида юборилиб, тингловчилар таркиби аниқланади. Топшириқ натижалари ҳисоблаш машиналари (компьютерлар) ёрдамида таҳлил қилиниб, топшириқларга етарли жавоб бермаганлар аниқланади. Шартли равишда бу биринчи тур ҳисобланиб, саволларга етарли жавоб бермаганлар малакасини ошириш курсларидаги даъвогарлар таркибидан чиқарилади. Анкета саволларнинг биринчи турдан синовдан ўтганларга машғулотлар бошланишидан 3 ой олдин ўқув тематик режа, адабиётлар рўйхати, битирув иш мавзуси ва кириш синов саволлари юборилади.

Шу тариқа курсга келувчилар билими дастлабки синовдан ўтказилади. Бунда юборилган анкета саволларига тасодифий жавоб берган ёки дастлабки кириш имтиҳонидан ўтолмаганлар курсга қабул қилинмайди. Дастлабки синовдан ўтганларга ўқишга рухсат этилади.



Дарс берувчи фан ўқитувчиларга тингловчилар билими даражаси ҳақида маълумот берилиб, машғулотлар давомида уни ҳисобга олиш лозимлиги уқдирилади.

Шунингдек, бу борада Латвияда ҳам халқ хўжалик ходимлари малакасини ошириш институти (ИПК)да ижобий тажриба тўпланган. Бу ерда курсда ўқитиладиган тингловчиларнинг ҳамма фанлар бўйича билим даражаси дастлабки кириш синовидан ўтказилади. Дастлабки синов икки хилда ўтказилади: бажарадиган лавозими бўйича анкеталар ёрдамида ва дастлабки билим даражасини дастурлаштирилган тестлар тарзида олинади [28, 4].

Тингловчилар билимининг дастлабки назорати, уларнинг тайёргарлик даражасини аниқлаб, эҳтиёж ва қизиқишларини курс машғулотлари давомида ҳисобга олиш имкониятини беради. Бундан ташқари тингловчилар таркиби табақалаштирилади, касбий тайёргарлиги бир хил даражада бўлган тингловчилардан гуруҳ ва потоклар таркиб топтирилади.

Шунингдек, бу каби тадбирлар курсларда машғулотлар бошланишидан олдин тингловчиларнинг ўқув машғулотларига муносабатини ўзгартириб, билимларидаги саёзликни ўзлари фахмлашлари учун ҳам асос бўлади. Ўқитувчининг ўз-ўзини билиши, уни фаолияти ва шахсининг узлуксиз такомиллаштириш воситасига айлантириши учун унга мос ўз-ўзини ва эксперт ташхислашнинг ўзига хос методикасини ишлаб чиқиш заруриятини туғдиради. Бу методика ўқитувчининг фаолиятини курсларда ўқиш ва ундан кейинги даврларда бўладиган ўзгаришлар натижаси бўйича белгилаш имкониятини беради. Шунинг учун бу методиканинг энг муҳим хусусияти ўқитувчи касбий фаолияти характерини ўзида акс эттириб, иш фаолиятининг ҳар қандай босқичида қўлланилишининг мумкинлигидадир. Бундан ташқари бу методика ўзини билишга ҳамда малакасини ошириш жараёнида педагогик ташхисга асосланганлиги сабабли, ундан ҳар бир ўқитувчи якка ҳолда ўз фаолиятини узлуксиз такомиллаштиришда фойдаланса бўлади. Шу билан бирга у қўлланиши осон, қулай ва аниқ. Педагогик ташхис воситаси сифатида бу методика аниқ, тушунарли мезонларга эга, улар ёрдамида ўқитувчига ўз педагогик маҳорати даражасини баҳолаш имконини беради. Унинг мезонлари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- ўқитувчи фаолиятидаги ўзгаришларни миқдор ва сифат жиҳатдан акс эттириши;
- ўқитувчи касбий фаолияти хусусиятини ҳисобга олиши;
- педагог фаолиятини такомиллаштириш мақсадларига хизмат қилиши;

- олинган маълумотларни турли йўллар билан аниқлаш имкониятини бериши ҳамда уларнинг ишончлилигини таъминлаши;
- ўқитувчининг ўз-ўзига баҳо бериш ва эксперт баҳолашни ўз ичига олиши;
- қулай ва ишонарли бўлиши;
- катталар психологияси ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олиши;
- ўқитувчи фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилиши ва ҳоказо.

Узоқ вақт кузатиш ва ташхиснинг турли йўлларини излашларимизнинг кўрсатишича, биз ишлаб чиққан ўзини билиш ва шу асосда ўз фаолиятини ўзи ташхис қилиш, (ички) бошқалар унинг фаолиятига баҳо бериши (ташқи эксперт) методика юқоридаги талабларга тўлиқ жавоб беради. Шунинг учун у бизнинг тадқиқотимиз асосини ташкил этди ва олдимизга қўйган вазифаларни ечиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ўқитувчиларнинг турлича хусусиятлари, уларнинг фаолият характери, педагогик фаолиятини ҳисобга олган ҳолда қулай малакасини ошириш тизимини яратиш фақатгина педагогик ташхисга асосланган ҳамда ўқитувчи педагогик фаолиятини рефлексив бошқариш асосида бўлиши мумкин. Юқорида кўриб чиқилган ўқитувчининг ўз-ўзини ташхислаш методикаси педагогик фаолият билан унинг натижаси орасидаги доимий икки ёқлама алоқани тақозо қилади.

Ўқитувчилар малакасини ошириш сифати ва натижаларини, мезон-меъёрларини аниқлаш, уларнинг ўз-ўзини ташхис (ички) ҳамда бошқалар (мактаб раҳбарлари, фан метод бирлашмалари раҳбарлари, ХТБ назоратчилари, экспертлар) томонидан ташхис (ташқи) қилиш асосида амалга оширилиши мумкин.

Ички ва ташқи ташхис яхлитлигида улар натижаларининг бир-бирига мос келиши ўқитувчи касбий тайёргарлиги ҳақида объектив маълумот бера олади. Бундан ташқари бу яхлит ташхис малакасини ошириш шакли, муддати, қанақа курсларга ўқитувчини юбориш учун асос ҳам бўла олади.

Ташқи ташхис курс машғулотлари давомида педагоглар ва услубчилар томонидан амалга оширилиб, улар тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакасини дастлабки (курсгача) ва якуний (курс охирида) аниқлаш имкониятини бериб, уларнинг курс машғулотларидан қониқиш, қаноатланиш даражасини аниқлашга ҳам хизмат қилади. Ўқитувчилар тайёргарлик даражасини бундай аниқлаш расмият учун эмас, балки ҳар иккала томон учун ўқув машғулотлари мазмунини такомиллаштиришда муҳим ҳисобланади. Айтиш жоизки, бундай ташхисни ўқитувчининг ўзи ҳам амалга ошириши мумкин. Ўз-ўзини ички ташхис ўқитувчининг ўз шахси ва фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларни аниқлаш, зарур бўлганда уларни коррекциялаш учун чора белгилаш имкониятини беради. Фикримизча, бундай ички ташхис фақат курс машғулотлари давомида эмас, балки иш жойида ҳам вақт-вақти билан ўтказилиб турилса, ўқитувчи шахсининг ривожланиши ва фаолиятининг такомиллаштиришга ундовчи мотив бўлиб хизмат қилади. Бундай тадбирларни амалга оширишга халақит берадиган бир қанча сабаблар ҳам бор. Энг аввало, ташхиснинг ҳар иккала шаклига (ички, ташқи) айни вақтда ўқитувчи шахси ва касбий маҳоратини ошириш ҳамда ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштиришнинг ажралмас компоненти сифатида қаралишидир. Юқорида айтилган муҳим ишнинг ташкилотчиси таълим ислоҳотлари талаблари асосида ташкил қилинган мониторинг кабинетлари, десак бўлади. Бу фаолиятни амалга оширишда ўқув-тарбия жараёнига янги педагогик технологиялар ва ахборот технологияларини киритиш, тизимни ялпи компьютерлаштириш - илмий таҳлил асосларини тайёрлашга кўмаклашади. Галдаги вазифа унинг педагогик, дидактик жиҳатларини ишлаб чиқиш, халқ таълими ходимлари, ўқитувчилар ҳамда педагог олимларнинг ҳамкорликда ишлашларига шароит яратишдан иборат. Таълим-тарбия, малакасини оширишда педагогик ташхисни қўллаш икки муҳим функцияни бажаради: уларнинг салбий томонларини аниқлайди ҳамда уларни бартараф қилишнинг аниқ йўлларини белгилаш имконини беради. Педагогик ташхиснинг икки даражали тузилиши (аввало тузатиш, сўров, интервью, тестлар орқали эмпирик маълумотларни йиғиш): тингловчилар шахси ва фаолияти ҳақидаги маълумотларга ишлов бериш, ўрганадиган объектни билиш, олинган маълумотлар билан солиштириш, иккинчидан, маълумотларга ишлов бериб, ўрганадиган объектни олинган маълумотлар билан солиштириш ҳамда мавжуд ташхис методикасига зарур ўзгаришлар киритиш имконини беради.

Педагогларда малакасини ошириш курсларида олган билимларини амалий фаолиятида қўллашлари анча мураккаб, лекин муҳим ҳисобланади. А. Содиқов "Малакадаги тангловчи: машғулотдан нима олди, кейинги фаолиятини қандай таҳлил қилинади?" [99] мақоласида курсдан кейинги самарадорликни ўрганиш жараёнида фаолияти ўрганилган 247 нафар ўқитувчининг 190 нафари, яъни 80 фоизида ижобий ўзгаришлар бўлганлигини таъкидлайди. Аммо бу ўзгаришлар ўқитувчи фаолиятининг қайси жиҳатларига: дарсда ёки тарбиявий ишлардами, ўз устида ишлашидами аниқ эмас. Маълумотларнинг умумий ҳолда келтирилиши бу борада ҳали аниқ мезон ва меъёрларнинг

ишлаб чиқилмаганлигини билдиради. Шуни эътиборга олиб, биз тингловчилар педагогик фаолиятидаги ўзгаришларни икки хил: курс машғулоти ҳамда курсдан кейинги жараёнларда қуйидаги мезонлар асосида аниқладик.

**Курсда ўқиш жараёнида:**

1. Билимлар тўлиқлиги.
2. Билимларни англаш ва амалиётда қўллаш.
3. Якуний иш сифати.
4. Курсдан қониқиш.

**Курсдан кейинги ўзгариш:**

1. Дарс, тарбиявий ишларни режалаштириш.
2. Педагогик қийинчиликни бартараф қилиш.
3. Ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари.

**Ўқитувчи фаолиятини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларидаги таълим ва ундан кейинги даврдаги баҳолаш мезонлари**

| № | Баҳолаш мезони | Баҳолаш объекти | Кўрсат-кичлар | Эталон | Ўрганиш методика-си | Босқич |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| | **I. ҚТ ва МОдаги ўқиш жараёнидаги ўзгаришлар** | | | | | |
| 1 | Билимлар кўлами, тўлиқли-ги - эталонга нисбатан | Имтиҳон | 5 балли | Ишчи дастур талабига нис-батан | Ёзма, оғзаки, тест | Курс машғу-лотлари охирида |
| 2 | Билим-ларни англаш ва турли вазият-ларда фойда-ланиш, амалий фаолият мақсадига мувофик қўллай олиш | Ўз били-мини муста-қил ошириш, дарсга тайёр-ланиш | Англаш ва қўллаш истаги | Тузил-ган режа-ларни МОИ даги эталон билан солиш-тириш | 1. Оғзаки сўраш 2. Иш ре-жани қиёслаш, таҳлил 3. Дарс кон-спекти сифати таҳлили | Курс тугаши олдидан |
| 3 | Якуний битирув иши, реферат сифати | Ёзма иш | 5-балли: мазмун тўлиқли-ги, баён қилиш мантиқи, амалиёт билан боғлик лиги, тавсия манбала-рини билиши | МОИда ишлан ган методик кўрсат-мага нисба-тан | Текшириш, тақриз ёзиш | Курс тугаши охирида |
| 4 | Курс машғу-лотлари мазмуни, шакли, метод лари, ташкил қилиш даражаси-дан қониқиш | Якуний конфе-ренция-да чиқиш, сўров-номага жавоб | Тинглов-чилар эҳтиёжи ва исталган саволлар-га олган жавоб-лари қониқи-ши | Курс-ларга бўлган фикрга нисба тан | Сўров, тест | Курс машғу-лотлари якунида |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| | **II. Тингловчи фаолиятида курсдан кейинги ўзгаришлар** | | | | | |
| 1 | Дарс, тарбия-вий ишларни режалаш-тириш ва ўтказиш | Ўқитув-чи фаолияти | Ўқитув-чилар нинг календар-тематик иш режа лари, тарбия вий иш режалари | Норма-тив хужжат-га нисба тан | Дарс, тарбиявий ишларга кириш, суҳбат, назорат, ўқувчилар ўзлашти-риши | Курсдан кейинги асосий иш жойида |
| 2 | Педаго-гик қийинчи-ликларни бартараф қилиш | Ўқув-тарбия жараёни | Педаго-гик қийинчи-ликлар жараёни | Курсда-ги даврга нисба-тан | Ўз фаолиятини ўзи таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш | Курсдан кейин |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | методла-ридан фой-даланиш | | | | | |
| 3 | Ўқувчи лар томо-нидан ўқув материа-лини ўз-лаштириш ва мустақ-кам эгаллаш | Ўқув жараёни | 5-балли. Ўқув жараёни сифати-нинг ошиши | Курсда-ги бўлган даврга нисба тан | Ўқувчилар ўзлаштиришини оғзаки, ёзма назорат, имтихон натижаси | Курсдан сўнг |

## I. Тингловчи фаолиятини курсда ўқиш даврида баҳолаш мезонларининг тавсифи

Педагогик билимнинг моҳияти - педагогик жараёнлар ва ҳодисалар моҳиятини тушуниш ва педагогик воқелик фактларини аниқ умумлаштиришдир. Бундан ташқари педагогик билимлар тизимлилиги ва яхлитлиги билан фарқланиб туради. Педагогик билимларнинг тизимлилиги ва яхлитлиги уларнинг гуруҳлиги, тўлиқлиги, яъни ўқитувчини касбий мажбуриятини етарли даража ва ҳажмда бажаришида зарурлиги билан характерланади. Педагогик билимнинг яхлитлиги методологик принцип сифатида ўз ичига касбий зарур даражани олиши билан бирга касбий мажбуриятни тўлиқ бажара оладиган зарур шахсий сифатларни шакллантиришни ҳам тақозо қилади. Педагогик билим, кўникма ва малакалар ўқитувчи амалий фаолиятининг зарурий элементи ва муҳим ашёси ҳисобланади. Шунинг учун курсларда малакасини оширишнинг мақсади уларни янгилаш, назарий ва амалий жиҳатдан тўлдириш ва амалиётда қўллашга ўргатишдир. Малакасини ошириш жараёнида педагоглар билимлари бойиб, янги кўникма ва малакаларни эгаллаб, уларни таълим-тарбия амалиётида такомиллаштириб, касбий жиҳатдан янада юқорироқ даражага кўтариладилар.

Тингловчилар билимларининг чуқурлик ва тўлиқлик даражаси малакасини ошириш жараёнидаги таълимнинг муҳим мезони ҳисобланади. Чунки айнан ўқитувчи мавжуд билимидаги ўзгаришлар кўлами ва чуқурлиги малакасини ошириш жараёнидаги таълим натижасини характерловчи кўрсаткичи саналади (82, 146). Шу билан бирга мазкур мезон малакасини ошириш институтидаги таълим



жараёнининг таъсирчанлигини акс эттирувчи кўрсаткич ҳамдир. Амалий жиҳатдан буни аниқлаш мақсадида тингловчиларга курс бошланиши ва охирида ўқув режасининг бирон бўлимига дахлдор саволларга жавоб беришни таклиф қилиш лозим. Ҳар бир саволга бериладиган жавобларни 5 балли тизимда баҳолаш орқали ўзгаришларни аниқлаш мумкин бўлади. Бунда тингловчиларнинг кириш ва якуний даврдаги саволларига берган жавобларини таққослаш асосида ўзгариш балини аниқлаш лозим. Бундай таҳлил ва таққослашни бетараф ҳакам-экспертлар ёки курс раҳбари – малакасини ошириш институти ходими ишлаб чиқилган методика асосида амалга ошириши мумкин. Мисол учун, малакасини ошириш институти ўқув режасидаги педагогика ёки бошқа бўлимлардан характерли бир неча саволларни танлаш мумкин. Бизлар малакасини ошириш жараёнида қуйидаги саволлар орқали таҳлил ўтказдик ва саволларга берган жавобларни 5 балли тизим билан баҳоладик. Бундай методикани танлашдан мақсад, тингловчилар билимидаги бўш жойларини аниқлаб, курс машғулотлари мазмунига курс давомида ўзгартиришлар киритишдир.

### Тинловчиларнинг курс ва курс охирида билимларининг ўзгариши ҳақида маълумот кўрсаткичлари

| № | Назорат саволлари | Курсгача савол-жавобига ўртача балл | Курс якунида саволга берган жавоби ўртача балл | Жавоб-лар ўртаси-даги фарқ |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Дунёқарашнинг моҳияти ва турлари | 3,2 | 4,0 | 0,8 |
| 2 | Тарбияга комплекс ёндашиш | 3,3 | 4,2 | 0,9 |
| 3 | Тарбия методлари | 3,1 | 4,3 | 1,2 |
| 4 | Тарбия принциплари | 3,1 | 4,2 | 1,1 |
| 5 | Таълим ислоҳотлари босқичлари | 3,2 | 4,3 | 1,1 |
| 6 | Таълим принциплари ва уларнинг мазмуни | 3,6 | 4,2 | 0,8 |
| 7 | Тарбия методларининг таснифи | 3,2 | 4,4 | 1,2 |
| 8 | Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва қўллаш | 3,5 | 4,0 | 0,5 |
| 9 | Муаммоли таълим усул ва воситалари | 3,7 | 4,2 | 0,5 |
| 10 | Таълим модели ва унинг тузилиши | 2,9 | 3,7 | 0,8 |

Билим кўламининг ўзгариши уни англаш ва амалда фаол қўллашда ҳам намоён бўлади. Буни аниқлаш учун тингловчилар билан суҳбатлар уюштирилди, айримларининг ёзган конспектлари кўриб чиқилди ҳамда курс якунида сўровномалар тўлғазилди. Натижаларнинг кўрсатишича, тингловчилар олган билимларини қўллаш йўлларини билишади, таълим жараёнида уларда янги ғоя ва фикрлар пайдо бўлган.

Ўтказилган имтиҳон натижалари таҳлилининг кўрсатишича, амалиётчи ўқитувчиларнинг курс охиридаги билимларининг тўлиқлиги аввалгисига нисбатан 0,87 % га ўзгарган. Сўров методикаси яна тингловчиларнинг ўзларини баҳолашлари билан таққосланди. Ўртадаги фарқ унча катта эмас. Бу эса танланган методиканинг тўғрилигини тасдиқлайди.

Билимнинг тўлиқлиги ва чуқурлиги тингловчиларнинг уни нафақат қўллаши, фикрий жиҳатдан амалга оширишида, балки уни тушуниш ва амалга ошириш воситаларини белгилашида ҳам намаён бўлади. Буни аниқлаш учун тингловчиларга ўзларининг мустақил билим олиш режалари, ёки мустақил дарслари таҳлили ёзма варианти – сценарийсини ёзишни, ёки ўз тарбиявий иш режаларини тайёрлашни таклиф қилиш мумкин. Бу саволларга жавоб беришлари орқали тингловчиларнинг қатор масалалар бўйича билимлари йўналиши ҳамда ўз фаолиятларини ўзлари ташхислаш методларини билишларини аниқлаш мумкин.

Тингловчилар курсдаги машғулотлар якунида ёзма реферат, битирув ишларини бажарадилар. Албатта бу ишлар бир қатор талабларга риоя қилиб, ёзилиши лозим: режа тузиш, мустақил фикрлаш, уни баён қилиш; мавзу мазмунини тўлиқ ва чуқур очиб бериш; унинг таркибий қисмлари орасидаги боғланишларни кўрсатиш, фикрини асослаш, баён қилиш, далиллаш ва исботлаш, хулосалар чиқариш, тавсиялар бериш ва унда йўл қўйилган грамматик хатолар, ноаниқ баён қилинган фикрлар миқдорини аниқлаш ва коррекциялаш. Малакасини оширишнинг муҳим мезонларидан бири тингловчиларнинг курс машғулотлари мазмуни, шакли, методлари, ташкил қилиш даражасидан қониқиш ҳосил қилганликлари ҳисобланади. Тингловчиларнинг қониқишларини курс сўнгида сўров орқали ҳам аниқлаш мумкин. Анкеталардаги фикрларнинг тўғрилигини, комплекслигини аниқлаш учун тингловчилар фаолиятидаги ўзгаришлар натижаси билан қиёслаш лозим. Курслар таъсирчанлигини дарҳол ёки маълум вақтдан кейин ҳам тингловчиларнинг малакасини ошириш ҳақидаги фикрлари орқали билиш мумкин.

Жумладан, илгари курсларда ўқиб кетган тингловчилардан янги курсларга келишдан олдинги фикрларини аниқлаш ҳам малакасини



оширишни такомиллаштириш учун қимматли материаллар беради. Ўтказган тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, 80 фоиз ўқитувчилар янгидан курсларга келиб, кўпроқ билим олганликлари ҳамда педагогик қийинчиликларни кўпроқ миқдорда ўтган курсга нисбатан бартараф қила билишларини ёзганлар.

Тингловчилардан:

- 91 фоизи бўлажак курслар типик камчилик ва қийинчиликларни бартараф қилишга ёрдам беради, деб ишонч билдирганлар;

- 96 фоиз тингловчилар бўлажак курслар уларнинг эҳтиёжларини қондиришига шубҳаланадилар;

- 49 фоизи курсдаги кераксиз материалларни олиб ташлашни таклиф қиладилар. Уларнинг фикрича, бу материаллар уларнинг фаолиятини яхшилашга ёрдам бера олмайди;

- 22 фоизи малакасини ошириш институти фан ўқитувчиларининг билим ҳамда фаолиятини ўзгартиришни таклиф қилганлар. Буларнинг 11 фоизи аниқ нималарни ўзгартириш лозимлигини билмайдилар.

## II. Тингловчи фаолиятини курсдан кейинги даврда баҳолаш мезонлари

Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларининг асосий мақсади ўқитувчини мактабдаги асосий фаолияти – ўқув-тарбия жараёнига муваффақиятли тайёрлашдан иборат. Шунинг учун курслардаги ўқишдан сўнг тингловчилар фаолиятида бўладиган ўзгаришлар муҳим саналиб, уларнинг малакасни оширишда қўлланилган таълим метод, шакл ва воситаларининг ҳамда уларни ташкил қилиш даражаси таъсирчанлигининг кўрсаткичи ҳисобланади. Ўқитувчининг курслардаги ўқишидан сўнгги фаолияти сифатини текшириш кўп имкониятлар беради. Аммо ҳозир бу борада аниқ мезон, меъёрлар ишлаб чиқилмаган. Шунга қарамай турли-туман тадбирлар орқали эмпирик жиҳатдан курс машғулотлари таъсирини аниқлаш мумкин. Чунончи, дарсларга кириш ва таҳлил қилиш, дарсни тайёрлаш ва ўтказиш сифати, ўқитувчи дарс берадиган фани бўйича ёзма ва оғзаки текшириш, педагогика ва психология, ўқитиш методикаси бўйича билимларини синаш мумкин. Шулар билан бирга ўқитувчи фаолиятини ўз-ўзини ташхис ва эксперт ташхис, ўз қийинчиликларини, ўз кузатиш натижаларини ёзиб бориши орқали ҳам аниқлаш мумкин.

Ўз-ўзини таҳлил қилиш методидан фойдаланиб, турли мактабларда фаолият юритувчи ўқитувчиларнинг ўз фаолиятларини курсдан кейин таҳлил қилиши ва улардаги ўзгаришларни белгилаб бориш таклиф қилинди. Уларнинг саволларга берган ёзма жавоблари қуйидаги ўзгаришлар содир бўлганлигини кўрсатди:

- дарснинг мақсад ва вазифасини тушуниш даражаси;
- дарснинг яхлит уч дидактик мақсадидан фойдаланиши;
- таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадларини аниқлаши;
- дарсга тайёрланиш ва ўтказиш жараёни;
- таҳлил ва ўз-ўзини таҳлил сифати;
- илғор педагогик тажриба моҳияти ва аҳамиятини тушуниши;
- дарс конспектини тузиши;
- ўз устида мустақил ишлаш режасини тузиши ва ҳоказолар.

Келтирилган ўзгаришлар ўқитувчилар фаолиятидаги муҳим кўрсаткичлар ҳисобланади. Бундан ташқари кўрсаткичлар сифатида ҳамкасбларнинг ўзаро бир-бирининг дарсларга кириши ва таҳлил қилиши; ўқувчилар учун тарбиявий иш тадбирларни ташкил қилиши; ўз-ўзини кузатиши, таҳлил қилиши, ўзига баҳо бериши каби жиҳатлар ҳам муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Ўқитувчиларда курсдан кейинги даврда рўй берган ўзгаришлар кўрсаткичи орасида ўз фаолиятларидаги педагогик қийинчиликларни аниқлаш ва бартараф қилиш ҳам муҳим саналади. Ўқитувчиларнинг ўз фаолиятларини ўзлари ташхис қила олиш методларини билиши курсдаги ўқишдан олдин ўз фаолиятларидаги қийинчиликларини аниқлашларига ёрдам беради. Амалиётчи ўқитувчилар малакасини ошириш жараёнида қийинчиликлардан халос бўлиб, бир вақтнинг ўзида мактабда ўз фаолиятлари моҳиятини англаш, ундаги камчиликларни тушуниш имкониятларига эга бўладилар. Бу эса уларнинг янгидан-янги, аввал фаҳмламаган камчиликларни аниқлашлари учун асос бўлади. Курс машғулотларининг ўқитувчилар кейинги педагогик фаолиятига таъсирини объектив баҳолаш орқали улардаги педагогик қийинчиликларни йўқотиш, ёки уларни камайтириш, аниқроғи, ўзгарувчанлигини ҳам аниқлаш мумкин. Аммо таъсирчанлигини бундай баҳолаш компетентли ҳакамлар томонидан амалга оширилмоғи лозим. Шу билан бирга ўқитувчи фаолияти сифатига курс машғулотлари таъсирини ўқувчиларнинг билими сифатига таъсири орқали ҳам аниқлаш мумкин. Бу ўз навбатида, ўқитувчиларнинг педагогик жамоада малакасини ошириши, айниқса методик ишларни амалиётга жорий қилишлари ҳамда ўзлари мустақил билим олиш йўналишларини кучайтиришга хизмат қилади.

Юқорида келтирилган педагогларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг фаолиятларидаги ўзгаришларни аниқлаш ҳукуматнинг қарорларида белгиланган ва Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган давлат талабларини амалга оширишга бўлган уринишдир. Бу билан мазкур масала ҳал қилинди, деб



бўлмайди. Ҳукумат қарорлари ва Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ҳар бир фан ўқитувчисига қўйиладиган талаблар ва малакаси тоифалари кесимида қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг педагог фаолиятига таъсирини янги педагогик технологиялар ва ахборот технологиялари, айниқса компьютер технологияси асосида ишлаб чиқишга жиддий киришмоқ лозим.

**Мавзуни мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар:**

1. Табақалаштириш турларини айтиб беринг.
2. Тингловчилар таркибини табақалаштиришнинг моҳияти нимада?
3. Малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда қўлланиладиган ўқитиш методларини эсланг.
4. Методларни тасниф қилганда нималар асос қилиб олинади?
5. Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун ўқитувчиларни махсус тайёрлаш зарурати нималарга боғлиқ?
6. Малакасини оширишнинг ўқитувчи фаолиятига таъсири қайси усуллар билан аниқланади?
7. Қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдан кейин ўз фаолиятингизда қандай ўзгаришларни сездингиз?

**Мавзу юзасидан тавсия этилган адабиётлар:**


1. Каримов И. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори // Шу номли тўпламда. –Т.: Ўзбекистон,1998. 4-18-бетлар.
2. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. -2008. -176 б.
3. Адизов Б.Р. Организационно-педагогические условия совершенствования системы повышения квалификации учителей начальных классов. Автор.: канд. дисс. –Т.:1990. -17 с.
4. Аминов А.Х. Халқ таълими ходимлари малака ошириш тизимини такомиллаштиришнинг ташкилий-педагогик асослари. – Самарқанд,2001. -99 б.
5. Александрова И.Ф. Специфика, методы и средства активизации учебного процесса в системе повышения квалификации. – М.: Знание,1975. -56 с.
6. Гулбоев А.Т. Педагогик ташхис воситасида ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириш.-Т.: Фан ва технология, 2009. -112 б.
7. Елканов С.Б. Профессиональное самовоспитание учителя.– М.: Просвещение, 1986. -143 с.

8. Загвязинский В.И. Педагогическое творчество учителя. –М.: Просвещение, 1987. -160 с.
9. Зарипов К.З. Научно-техническая революция: образование и повышение квалификации учителей. –Т.: Фан, 1979. -123 б.
10. Ибрагимов Х.И., Зарипов К.З. Узлуксиз таълим: бошқариш, ички назорат назарий асослари, шакл, методлари ва технологияси. –Т.: Фан, 2005. -334 б.
11. Йўлдошев Ж.Ғ. Узлуксиз таълим: Малака ошириш муаммолари ва ечимлари. –Т.: Ўқитувчи, 1975. -98 б.
12. Йўлдошев Ж.Ғ. Малака оширишнинг назарий ва методологик асослари. –Т.: Ўқитувчи, 1998. -208 б.
13. Кулюткин Ю.Н. Психология обучения взрослых. –М.: Педагогика, 1985. -128 с.
14. Мардонов Ш.Қ. Янги таълимий қадриятлар асосида педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш. –Т.: Фан, 2006. -232 б.
15. Мардонов Ш.К. Подготовка и повышение квалификации педагогических кадров. Тошкент: Фан ва технология, 2008. -128 с.
16. Нуриддинов Б.С., Абдукудусов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муаммолари. –Т.: 2001. -114 б.
17. Обидов Қ.Қ. Педагогларнинг узлуксиз малакасини ошириш жараёнида фаолият мотивлари ва шахсий сифатларининг ўрни. –Т.: Фан, 2008. -100 б.
18. Очилов М. Муаллим – қалб меъмори. –Т.: Ўқитувчи, 2001. -431 б.
19. Сластенин В.А. Формирование личности учителя советской школы в процессе профессиональной подготовки. –М.: Просвещение, 1976. -160 с.
20. Яҳёев М.С. Ўқитувчиларга қўйиладиган малакавий талаблар даражаланадими? // Маърифат газетаси, 2009 йил, 16 сентябрь.



**Бешинчи бўлим**

# ПЕДАГОГЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ЖАРАЁНИНИ ТЕХНОЛОГИЯЛАШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ

**Режа:**

1. Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида янги педагогик технологияларни қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари.
2. Масофавий таълим – педагоглар малакасини узлуксиз оширишни таъминловчи омил.
3. Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнини ташхис асосида ташкил қилишнинг дидактик муаммолари.

**Мавзунинг мақсад ва вазифалари:**

Мазкур мавзунинг мақсади қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида янги педагогик технологияларни қўллашнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиш, масофавий таълимнинг малакасини оширишнинг муҳим омил эканлигини асослаш ҳамда малакасини ошириш жараёнини ташхис асосида ташкил қилишнинг дидактик муаммоларини ёритиб беришдан иборат.

**Таянч сўз ва иборалар**: янги педагогик технологиялар, масофавий таълим, педагогик ташхис, тараққиёт омиллари, педагогик муносабатлар, таълимни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш, янги педагогик ва ахборот технологиялари, ҳамкорликдаги таълим, ўқув фаолиятини лойиҳалаш, таълим мониторинги, рағбатлантириш мезонлари, модуль блоклар.

## 5.1. Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида янги педагогик технологияларни қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари

Мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Аммо унинг келгуси тараққиёти омилларини инобатга олиш жаҳон амалиётида қўлланилаётган янги технологиялар ва илғор фан ютуқларидан кенг фойдаланишни тақозо қилади. Чунки янги технологиялар таълим олувчиларнинг интеллектуал, ижодий ва ахлоқий камолотининг зарурий шарти ҳисобланади. Бундай шароитда ривожланиш узлуксиз таълим тизимиинг ҳамма бўғинларида педагогик жараённинг чуқур моҳиятини ташкил этувчи асосий тушунчага айланди ва унинг ҳаракатлантирувчи кучи – янги педагогик технологиядир.

Кўпгина мамлакатларда ва шу жумладан Республикамизда ҳам ўтказилган тадқиқот ва кузатишлар таълим тизимининг барча

бўғинлари учун энг катта камчилик таҳсил олувчиларнинг олган билимларини амалий фаолиятида қўллай билмаслик, мураккаб ҳаётий, иқтисодий вазиятлардан мустақил чиқиб кета олмаслик эканлигини кўрсатди. Анъанавий таълим шароитида таҳсил олувчиларни кўпроқ назарий билимлар билан қуроллантириш, уларга тайёр билимларнинг педагог томонидан берилиши, ўтмиш даврдаги ҳаёт тарзимизга маъқул келарди. Аммо ҳозирги бозор иқтисоди шароитида таълимга бундай ёндашув мутлақо тўғри келмайди. Бозор ўз моҳияти билан ўзгарувчан. Унда бугунги ҳолат эртага тўғри келмайди. Шу асосда инсоний муносабатлар ҳам кескин ўзгарувчан тус олади.

Бу эса таълимнинг амалий йўналишини кучайтириш, таълим жараёнида нарса-ҳодисалар, объектлар ўртасидаги боғлиқликни, инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни ўрганишга эътиборни кучайтиришни талаб қилади. Таълим олувчилар билиш фаолиятида тайёр билимларни ўргатиш миқдорини камайтириб, интеллектуал фаолиятини кучайтириш, улар фаолиятини турли томондан синаш имкониятини берувчи топшириқлардан фойдаланиш, назарий билимини амалий қўллаш вазиятларини яратиш муҳимдир. Бу талабларни таълим жараёнида эски метод ва шакллар билан амалга ошириб бўлмайди.

Ҳар қандай мамлакатнинг таълим тизими унинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ечишга хизмат қилиши керак. Шунинг учун инсонни ижтимоий, иқтисодий, маданий ва сиёсий фаолиятга фаол тайёрловчи макон – бу таълим муассасадир. Ўз навбатида таълим тизими жамиятдагиислоҳотларни амалга оширишда ҳам асосий тезлаштирувчи роль ўйнайди. Маълумки, таълим жамият эҳтиёжларига жуда сезгирлик билан жавоб беради, шунинг учун бу борада жамланган ижобий тажрибаларни сақлаб қолиш зарур.

Кўпчилик педагоглар илмий-техник жиҳатдан ривожланган жамият учун мустақил фикрловчи, ўз ақлий, ижобий қобилиятини амалиётда қўллай оладиган, ўзига тўғри баҳо бера оладиган кишиларни тайёрлашни таълимнинг асосий бош мақсади сифатида таъкидлайдилар.

Хўш, бундай мақсадларни амалга ошириш учун биз қандай технологияларни таълим-тарбия жараёнига жорий қилишимиз керак?

Таълим-тарбия жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш аввало педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштиришни талаб этади. Чунки педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократиялаштиришни амалга оширмай туриб, қўлланган ҳар қандай педагогик технология кутилган самарани бермайди.

Педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократиялаштириш асосидаги технология авторитар таълимга қарама-қарши



бўлиб, педагогик жараёнда ҳамкорлик, ғамхўрлик орқали шахснинг таҳсил олиши, ижод қилиши ва ўз-ўзини ривожлантиришига қулай ижтимоий ва технологик муҳит яратади. Мазкур жараёнда шахс ўқув фаолиятининг субъекти саналади ва ўқитувчи билан ҳамкорликда таълим жараёнининг икки субъекти сифатида ўқув-тарбиявий вазифаларни ҳал этади.

Инсонпарвар педагогика ва психология фанлари таълим технологиясини ишлаб чиқишда таълим олувчи шахснинг такрорланмас кўп моҳиятлилиги ва шу билан бирга индивидуал мослашуви, яъни у шахсга йўналтирилган бўлиши лозимлигини таъкидлайди.

Шу билан бирга, ҳозирги ўтиш босқичида таълим технологияларини бирдан сакраш (революцион) орқали эмас, балки таълим-тарбиянинг мавжуд шакл ва методларини сақлаган ҳолда мавжуд имкониятлар доирасида (тадрижий) амалга оширилиши мумкин. Жумладан, биз ҳозир бирданига умумий ўрта таълим мактаби, ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларида синф-дарс тизимидан, олий мактабларида маърузаларидан воз кечиб, бутунлай янги таълим шаклларига ўта олмаймиз. Бу ўқув юртларида таълим шакллари – ноанъанавий дарслар, интерфаол ўқитиш методлари, янги педагогик ва информацион технологияларни босқичма-босқич қўллаш фойдали ва самарали бўлади.

Шахсга йўналтирилган технологиялар ўз моҳияти билан таълим-тарбияга табақалаштирилган ёндашувни амалга ошириб, таълим олувчининг интеллектуал тараққиёти, ўрганилаётган фанига (мавзуга) тайёргарлик даражаси ҳамда унинг лаёқат ва қобилиятини ҳисобга олишни тақозо қилади.

Янги педагогик ва ахборот технологияларни таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этиш тўғрисида гап кетганда, яна бир муҳим ҳолатни эътибордан четда қолдирмаслик керак. Бу ҳам бўлса, янги педагогик технологиялар ўқитувчи ақл-заковати, шахсий ҳамда касбий маҳорати орқали таълим-тарбия жараёнига татбиқ қилинади.

«Тараққиётнинг ҳозирги босқичида аниқ вазиятларда кадрлар малакасини узлуксиз оширишга ўтиш бир қатор мураккаб муаммоларни ечиш билан боғлиқ. Улар қисман амалий, қисман эса илмий-назарий характердадир. Бир томондан, узлуксиз педагогик таълимни, масалан, ижтимоий-иқтисодий, моддий-техникавий ташкилий бошқарув жиҳатдан таъминлаш масалалари, иккинчи томондан, унинг илмий-методик муаммоларини ажратиб олиш имкониятини беради. Уларнинг ҳаммасини битта умумий мақсад бирлаштиради, у ҳам бўлса, педагог кадрлар узлуксиз таълимининг энг самарали технологиясини белгилаш, ишлаб чиқиш»дир, - деб таъкидлайди Ж.Ғ Йўлдошев [57]. Бундай технологиянинг муҳим томони ўқитувчи малакасини оширишнинг

доимий, мунтазам, узлуксизлигини таъминловчи таълим стандартларини ишлаб чиқишдир. Чунки таълим ислоҳоти талаблари асосида узлуксиз таълимнинг кўпгина бўғинлари учун давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилинди. Аммо педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими бундан четда қолмоқда. Айнан илмий асосланган технология педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг асосий йўналиши, мазмуни, ўқитиш шакллари, усулларини танлашнинг назарий асосини белгилаб беради. Фикримизча, мазкур тизим учун бундай технологияларнинг яратилиши ҳар бир педагогнинг ижодий қобилиятлари ва ички имкониятларини тўла намоён қилишга асос бўлади. Хўш, бу технология қандай амалий-илмий, методик механизмлар ёрдамида киритилиши керак? Бундай технология энг аввало малакасини оширишнинг ҳар бир босқичида ўқитувчи билим, кўникма ва малакаларини ҳамда амалий тайёргарлигининг мезонларини белгилаши, педагогнинг ҳар бир курс машғулотларидан ўтиши, унинг мустақил (экстрнат) эгаллаши лозим бўлган билимини аниқлаш механизмларини белгилаб бериши лозим. Бу унинг малакавий функциясидир. Иккинчидан, ҳар бир малакасини ошириш босқичи педагог фаолиятини маънавий ва моддий рағбатлатириш мезонларини аниқ белгилаб берилишидир. Бу иккала масала узвийликда ҳал қилинмас экан, ўқитувчиларнинг мунтазам малакасини оширишини тўғри ташкил қилиб бўлмайди, бу борада ҳар қандай уриниш кутилган натижани бермайди.

Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида янги педагогик технологияларни қўллаш, энг аввало, уни такомиллаштиришга хизмат қилиши керак. Илғор технология, энг аввало, бу тизимдаги қуйидаги камчиликларни бартараф этишга қаратилмоғи лозим: таълим-тарбия ишидаги таҳсил берувчи ва таҳсил олувчилар орасидаги мажбурий итоаткорлик муносабатлари ўрнини онгли интизом билан алмаштириш.

Бизнинг фикримизча, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида қуйидагилар илғор педагогик технологияларнинг моҳиятини очиб бериши ва улардан фойдаланиш методикасини ўзлаштиришда муҳим ҳисобланади:

- ўқув матриалини модул блоклар шаклига келтириб ўрганиш;
- муаммоли ва дастурли таълим элементларидан фойдаланиш;
- ахборот кўламининг шиддатли кенгайиб боришини ҳисобга олган ҳолда таянч нуқталаридан фойдаланиш;
- дидактик ўйин ва ишлаб чиқариш мазмунидаги масалаларни ечиш;



- бир-бирини тўлдирувчи, кенгайтирувчи ва чуқурлаштирувчи ўзаро боғлиқ фанларни интеграциялаб (мужассамлаштириб) ўқитиш.

Бир-бирига мазмунан боғлиқ махсус фанларни мужассамлаштириб ўрганишни қуйидаги йўналишларда ташкил қилиш мумкин:

1. Бир-бирига яқин фанларни мазмунан мужассамлаштириб ўрганиш.

2. Процессуал (бир неча ўқитувчилар фаолиятини) мужассамлаштириш.

3. Ўқув кунларини ташкилий жиҳатдан мужассамлаштириш.

Фанларни шу тарзда ўқишни ташкил қилганда 15-20% фоиз вақтни тежаш мумкин бўлади.

Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш қуйидагиларга имкон беради:

1. Илғор педагогик технологиялар, энг аввало, ижодий изланишлар натижаси бўлганлиги сабабли назария билан амалиёт боғлиқлигини таъминлайди.

2. Бу технологияларни оммавий ўрганиш, тарғиб қилиш ва амалиётга жорий этиш.

3. Илғор педагогик технологияларнинг асл моҳияти, қўлланиш ҳоллари, имкониятлари ҳақида батафсил маълумотлар бериш.

4. Илғор педагогик технологияларнинг ижобий томонларини такомиллаштириш ва салбий жиҳатларини бартараф этиш чора-тадбирлари ҳақида умумлашган эксперт хулосаларини олиш. Шу фикрлардан келиб чиқиб, таъкидлаш ўринлики, малакасини ошириш тизими ва ўқув юртларида ҳозирги вақтда ишлаётган ҳамма педагоглар ҳам янги педагогик технологияларни ўрганиб, ўз фаолиятларида фаол қўллаётганлари йўқ.

Замонавий технологиялардан бири семинар-тренингдир. Семинар-тренинглар педагогларнинг тайёргарлик даражасини такомиллаштиришнинг муҳим шаклларидан бири ҳисобланади. Ушбу таълим технологияси қуйидаги масалаларни ҳал қилиш имкониятини беради:

- таълим мақсадларини тўғри белгилаш, ҳамкорликда таълим олиш ва ўқув фаолиятини лойиҳалаш;
- ўқув маълумотлари мазмунини белгилаш ва тартиблаштириш, улар билан ишлаш усулларини танлаш;
- таълим бериш ва ўқув фаолиятини ташкиллаштириш;
- фаол ва қизиқувчан таълим олувчиларни рағбатлантириш;
- таълим жараёни мониторингини амалга ошириш;
- таълим олиш натижасини (самарадорлигини) назорат қилиш ва баҳолаш.

Семинар-тренинг таълим олувчиларнинг билим, кўникма, малакаларни ўзлаштириш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш шаклида ташкил этиш назарияси ва методикасига асосланади.

Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда ўқув машғулотларини семинар-тренинглар шаклида ташкил этиш таълим олувчиларнинг индивидуал ва шахсий сифатларини, уларнинг таълим олишга, билимларини ўзлаштиришга бўлган интилиш ва эҳтиёжларини ҳисобга олиш имкониятини беради. Шу билан бирга малакасини оширувчиларнинг бевосита янги технологиялар билан амалда етарли билим ва тажриба, амалий кўникма ва малакаларга эга бўлишини таъминлайди. Шу асосда таълим олувчиларнинг фаоллигини оширувчи методлардан унумли фойдаланишга эришиш мумкин бўлади. Семинар-тренингдан фойдаланиш тингловчиларда мустақил фикрлаш, муаммоли вазиятлардан чиқа олиш, муаммонинг мустақил ечимини топиш каби сифатларни ривожлантиради. Уларда ўз фаолиятини баҳолаш, назорат қилиш кўникмалари шаклланади.

Таълим ислоҳотлари узлуксиз таълим тизимининг ҳамма бўғинларини жадал ривожлантириш вазифасини долзарб масала қилиб қўйди. Бу вазифани ҳал қилиш замонавий ишлаб чиқилган илғор технологиялар билан педагогларни қуроллантириш орқали амалга ошиши мумкин. Педагогик технологияларни ўрганиш ва таълим жараёнига татбиқ қилиш шакллари ичида семинар-тренинг қатор афзалликлари билан ажралиб туради. Чунончи, семинар-тренинг таълим-тарбия ва касб-ҳунар ўрганишнинг маълум аниқ шакл, метод, воситаларига бағишланиб, уни амалга ошириш учун турли дидактик тизимлар мажмуасидан унга мос технология танланади. Бу технологияни амалга ошириш икки томонлама фаолият - ўргатувчи (тренер) ва ўрганувчи (ўқитувчи, тарбиячи, тингловчи) ўртасида етарли тайёргарликка эга тренер раҳбарлигида амалга оширилади. Бу икки фаолиятнинг жонли мулоқот ва тренернинг йўналтирувчи маслаҳатидан ўрганувчининг ҳоҳиш-истаги (мотив) асосида таълим жараёнини технологик ташкил қилиш асосларида ўрганилади. Бунда белгиланган бир-бирига боғлиқ икки вазифа – ўрганиш ва амалиётда қўллаш яхлитлигида амалга ошади.

Семинар-тренинглар узлуксиз таълимнинг ҳамма бўғинларида муваффақиятли қўлланилиши мумкин.

Семинар-тренинг (тренинг – мунтазам машқ) таълимнинг интерфаол методларида таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларни фаол ўзлаштириши, мустақил фикрлаши, турли вазиятларда тўғри қарор қабул қилиши, интеллектуал қобилиятининг ўсишига асосланади. Унда таълим олувчиларнинг индивидуал ва



шахсий сифатлари, билимларни ўзлаштиришга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиш лозим бўлади. Тренинг давомида таълим олувчилар маълум билим, кўникма ва малакаларни ўрганиш билан бирга уни амалга ошириш технологиясини ўрганадилар. Бунда таълимнинг анъанавий, ноанъанавий шаклларидан бирдай фойдаланиш мумкин.

Семинар-тренингни ўтказишда унинг аниқ мақсадини белгилаш муҳим ҳисобланади. Чунки, мақсад натижага олиб борувчи йўлдир. Семинар-тренинг анъанавий таълим шаклларидан қатор хусусиятлари билан ажралиб туради. Булар умумлашган ҳолда қуйидагилар:

- таълим берувчи ва таълим олувчи мақсадининг уйғунлиги;
- ўқув жараёнига таълим воситаларидан, ахборот манбаларидан фойдаланиш имкониятининг кенглиги;
- таълим натижасида тренер ва таълим олувчининг ҳамкорликда ҳаракат қилиши;
- таълим жараёни иштирокчиларининг ўзаро тенглиги;
- тренингда фаол таълим методларидан кенг фойдаланилиши;
- таълим олувчиларнинг мустақил фикрлаши, муаммо ечимларини топишга шахсий масъулияти;
- таълим олувчиларнинг ўз фаолиятларини баҳолаши, жараённи назорат қила билиши;
- таълим олувчиларда ижодий ва танқидий фикрлаш вазиятларини таҳлил қила олиш каби шахсий сифатларнинг ривожланиши.

Жумладан, семинар-тренениигда тингловчилар қуйидаги муаммоларни ўрганишлари мумкин:

- педагогик технологиялар моҳиятини тушуниб етадилар;
- таълим мақсадини тўғри белгилаш малакасини эгаллайдилар;
- ўқитиш моделлари, методлари ва шаклларини тўғри танлаш ва улардан фаолиятларида фойдаланишни ўрганадилар;
- таълим жараёнининг технологик харитасини ва дарс ишланмасини тайёрлашни билиб оладилар;
- таълимда техник воситалардан фойдаланишни ўзлаштирадилар;
- кичик (микро) дарс намойиш қила оладилар;
- дарсни таҳлил қилиш ва баҳолаш кўникмаларига эга бўладилар.

Энг муҳими семинар-тренинг ўтказишнинг ташкилий ва услубий йўлларини ўрганадилар.

Семинар-тренинг янги педагогик технологияларни ўрганиш ва таълим жараёнида қўллашнинг таъсирчан ва жонли шакли эканлигидан келиб чиқиб, у ҳақда аниқ тасаввурга эга бўлиш учун О. Абдуқуддусов, Б. Нуриддиновларнинг қуйидаги педагоглар малакасини ошириш жараёнида семинар-тренинглардан фойдаланиш ишланмасини келтирамиз [82].

Тренинг – таҳсил олувчи (тингловчи) фаолиятига мўлжалланган таълим шакли бўлиб, унда таълим берувчи ўқитувчи эмас, балки тингловчилар фаолиятини ташкил этувчи, маслаҳатчи ва раҳбар сифатида иштирок этади.

Тренингларни ташкил қилиш ва ўтказишда қуйидаги тамойилларга асосланиш мақсадга мувофиқ.

**Таҳсил олувчиларнинг фаоллиги.** Тренинг қатнашчиларининг фаоллиги алоҳида характерга эга бўлиб, у маъруза эшитаётган ёки китоб ўқиётган кишининг фаоллигидан тубдан фарқ қилади. Тренингда тингловчилар махсус ишлаб чиқилган хатти-ҳаракатларга жалб қилинадилар. Бу хатти-ҳаракатлар бирон-бир вазиятнинг ечимини топиш, машқ бажариш, бошқаларнинг фаолиятини кузатиш ва шу кабилар кўринишида бўлади.

**Ўқув материали моҳиятини англаш.** Таҳсил бериш ушбу жараён қатнашчилари англаб етишлари орқали амалга оширилади. Қайта алоқа таҳсил олувчилар томонидан ўқув материалини англаб етишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Қайта алоқа тренинг қатнашчиси қўйилган мақсадга қай даражада эришганлиги тўғрисида ахборот олишдан далолат беради. Мазкур ахборотни тингловчи тренердан ёки бошқа қатнашчилардан олади.

**Тадқиқотчилик, ижодий ёндашув.** Мазкур тамойилнинг моҳияти шундаки, тренинг давомида унинг қатнашчилари ўрганиладиган ўқув материалига ижодий ёндашган ҳолда моҳиятини англаб етадилар, излаб топадилар, педагогик амалиётда маълум бўлган ғоялар, қонуниятларни, шунингдек, ўзларининг шахсий интеллектуал заҳираларини, хусусиятларини кашф этадилар. Ушбу тамойилдан келиб чиққан ҳолда, тренер шундай вазиятларни ўйлаб топиши, лойиҳалаштириши ва ташкил этиши керакки, натижада тингловчиларда материалнинг асл моҳиятини англаб етиш, синаб кўриш, тажриба ўтказиш каби имкониятлар юзага келсин, мазкур тамойил жуфт-жуфт бўлиб ишлаш, кичик гуруҳларда муҳокама қилиш кабилар кўринишида амалга оширилиши мумкин.

**Ҳамкорлик мулоқотлари.** Мазкур мулоқот тренинг гуруҳи қатнашчиларининг тенг позицияларини, бошқа киши ҳиссиётлари, манфаатларини ҳисобга олувчи қарор қабул қилишга интилишларини кўзда тутади. Тренернинг хатти-ҳаракати бунга имкон бериши лозим.

Юқорида айтиб ўтилган тамойилларнинг маълум кетма-кетликда амалга оширилиши тренинг гуруҳлари ишларининг самарадорлигини таъминлаш шартларидан биридир. Тренингларнинг самарадорлиги шундаки, улар тингловчиларни аниқ амалий фаолиятга тайёрлашда индивидуал ёндашувни таъминлашга имкон беради.



Тренинг олиб борувчи, яъни тренер қандай бўлиши керак? Катта ёшдаги таҳсил олувчилар билан ишлайдиган педагогнинг ҳар томонлама етук, билимли ва тажрибали мутахассис бўлиши талаб этилади. Тренингларда тренер (ўқитувчи)нинг асосий вазифаси – мунозара ва муҳокамани керакли томонга йўналтириш, тингловчиларни машғулот мақсадига эришишга ундаш ва бошқаришдан иборат. Тренер гуруҳда бўлаётган жараённи яратмайди, балки уни ташкил қилади, бошқаради, яъни у жараённинг катализатори ҳисобланади.

Тренер тренинг машғулотни ўтказишга киришар экан, ўзига учта саволни беради:

1. Мен қандай мақсадга эришмоқчиман?
2. Нима учун бу мақсадга эришмоқчиман?
3. Қандай воситалар ёрдамида уни амалга оширмоқчиман?

Тренернинг тренинг мақсадини амалга оширишга имкон берадиган дўстона руҳий қўллаб-кувватлаш муҳитини яратиш қобилиятига эга бўлиши фаолият муваффақкиятининг гаровидир.

Юқорида таъкидланганидек қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида катта ёшдагилар жамоаси билан ишлаш тренердан юқори даражадаги касбий маҳорат талаб қилади. Ҳамкасблари, малакали мутахассисларга таълим бериш юқори малакали, бой тажрибага эга бўлган педагог учун ҳам мураккабдир. Бироқ катта ёшдаги таҳсил олувчиларда ўқишга бўлган мотивация кучлироқ бўлади. Лекин уларнинг орасида янгиликка интилувчан, ўқиш истаги кучли бўлган тингловчилар, шунингдек, уларнинг акси ҳам учраб туради.

Тренинг бошланишидан олдин ўқитувчи тингловчилар тўғрисида муҳим ахборотларга эга бўлиш учун улар билан батафсил танишувни амалга ошириш лозим. Бунинг учун тингловчилар анкетаси билан яқиндан танишиб чиқиш, уларни қизиқтирган масалаларни аниқлаш керак бўлади.

Тренинг қатнашчиларининг фикрини, талаб-эҳтиёжларини ўрганиш орқали тренер тренинг дастурига ўзгартиришлар киритиш, тингловчилар билан индивидуал ишлаш имкониятига эга бўлади.

Тренингда қўлланиладиган ўқитиш методлари, ўтказилган тажриба-синов натижалари тренингларда асосан қуйидаги ўқитиш методларидан фойдаланиш юқори самара беришини тасдиқлайди: мунозара, «фикрлашга мажбурлаш» (мозговой штурм) «пинборд» (доскада мустаҳкамлаш), ишчанлик ўйини, ролли ўйин, китоб билан ишлаш, ҳамкорликда ўрганиш ва бошқалар.

**Мунозара.** Мунозара – фаол ўқитиш методи бўлиб, муҳокама, маълум муаммо бўйича фикр алмашинув кўринишида ўтади. Бу метод малакасини ошириш жараёнида ўзининг имкониятлари кенглиги

жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу методдан қуйидаги мақсадлар учун фойдаланилади:

- янги билимларни шакллантириш;
- таҳсил олувчиларнинг у ёки бу саволларни чуқур ўйлаб кўриш, туб маъносига етиш мотивациясини таъминлаш;
- таҳсил олувчиларни далил ва уларга асосланган хулоса орасидаги фарқни тушуниб етишга ўргатиш;
- коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, таҳсил олувчиларга ўз фикрида мустаҳкам туриш ва уни ҳимоя қилишга ёрдам бериш.

Шахсий тажрибаларимизнинг кўрсатишича, мунозара самарали бўлади, агарда:

- у эркин мунозара бўлса;
- ёки бирор йўналишдаги мавзу доирасида бошқариладиган мунозара бўлса.

Эркин мунозарани ўқитувчи бошлаб беради ва мунозарага аралашмайди, у ҳакам ролида бўлади. Бу ерда муҳокама қилинаётган жараённинг ўзига урғу бериш керак ва ҳар бир таҳсил олувчи ўз далилларини аниқ ифода этса рағбатлантирилиши лозим. Бошқариладиган мунозара қўлланилганда, ўқув вазифасининг туб маъносини акс эттирадиган хулоса қилиш учун уни режалаштиришга тўғри келади. У фақат ўзлаштириш лозим бўлган мавзу ва саволларга тегишли бўлиши керак.

**Фикрлашга мажбурлаш.** Фикрлашга мажбурлаш – ғояларни жамлаш методидир. Тренинг қатнашчилари биргаликда қийин муаммони ечишга ҳаракат қиладилар: уни ечиш учун шахсий ғояларни илгари сурадилар (генерация жараёни).

Бу методнинг асосий вазифаси – муаммони мустақил тушуниш ва ечишга таҳсил олувчиларнинг мотивациясини уйғотишдан иборат.

**Пинборд.** Бу ўқитиш методининг моҳияти шундан иборатки, унда мунозара ёки ўқув суҳбати амалий усул билан боғланиб кетади. Мазкур метод қўлланилганда таҳсил олувчиларда мулоқот юритиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади, шунингдек, ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади.

**Ишчанлик ёки ролли ўйинлар.** Ишчанлик ёки ролли ўйинлар муаммоли вазифанинг бир туридир. Фақат бу ўйинда, матнли материаллар ўрнига таҳсил олувчилар томонидан роллар ўйналадиган ҳаётий вазият саҳналаштирилади.

Ўқитиш методи сифатида қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ўргатувчи: ижодий қобилиятини ўстириш, шу жумладан, янги вазиятларни тушунтириш, аниқлаш ва таҳлил қилиш;



- ривожлантирувчи: мантиқий тафаккурни, нутқни, атроф-муҳит шароитига мослашиш қобилиятини ўстириш;
- мотивацион: таҳсил олувчиларни ўқув фаолияти ҳамда ундан мустақил, хулоса чиқаришга рағбатлантириш;
- тарбиявий масъулиятни, коммуникативликни шакллантириш.

**Эвристик суҳбат.** Эвристик суҳбатда ечими маълум маънода мураккаб, босқичма-босқич ечиладиган масалаларни ҳал қилишда фойдаланилади. Масалан, пахта териш машинасининг маълум қисмини таъмирлаш керак бўлса, унинг сабаблари бирин-кетин кўриб чиқилади ва якуний хулосага келинади.

**Психогимнастика машқлари.** Тренинг давомида ҳар куни машғулот бошланишидан олдин тингловчиларнинг ишга лаёқатлилигини ошириш, диққатларини жалб қилиш ва интеллектуал фаолликларини ошириш учун руҳий гимнастика машқларидан бирини бажариш тавсия этилади. Психогимнастика ўз ичига турли машқларни, жумладан, ёзма, оғзаки, вербал ва новербал машқлар қатнашчилари билан биргаликда бажарилиши мумкин. Руҳий гимнастика ёрдамида гуруҳларни фаоллаштириш, чарчоқни чиқариш, кайфиятни кўтариш каби масалалар ечилади.

**Тренингда тингловчиларнинг ўқув фаолиятларини ташкил этиш шакллари.** Тренинг машғулотларида таълимни ташкил этишнинг бир нечта турларидан фойдаланиш мумкин, лекин ўтказилган тажрибалар таълимнинг "жуфт-жуфт бўлиб ишлаш" ва "гуруҳларда ишлаш" каби ташкилий шакллари яхши самара беришини кўрсатади.

***Жуфт-жуфт* бўлиб ишлаш.** Жуфт-жуфт бўлиб ишлаш – таълимнинг ташкилий шаклларидан бири бўлиб, у жуда содда ва осон ташкил этилади, шунингдек, гуруҳларда ишлашни ўрганмаган тингловчилар учун жуда қулай, жамоавий ишлашга ўргатади. Ундан дастлабки амалий машғулотлар, унча катта бўлмаган қисқа муддатли семинарларда фойдаланиш мумкин. Камчилиги шундаки, қўйилган масалани икки кишига нисбатдан 4-6 кишилик кичик гуруҳларда ечиш самаралироқ ҳисобланади. Бундан ташқари катта семинар-тренингларда жуфт бўлиб ишлаш кўп вақтни олади ва нисбатан зерикарли бўлиши мумкин.

**Гуруҳларда ишлаш.** Гуруҳларда ишлаш принцип жиҳатдан кўп вақтини эгалласада, юқори натижа беради. Гуруҳда ишлашда 20 дақиқадан кам вақт бериш тавсия этилмайди. Бундан ташқари гуруҳда ишлашнинг барча босқичлари пухта ишлаб чиқилган бўлиши, барча ёрдамчи воситалар (қоғоз, фламастерлар, тарқатма материаллар, ватман ва бошқалар) олдиндан тайёрлаб қўйилган бўлиши лозим.

Тренинг машғулотлардан ҳар 12-15 қатнашчига 1 тренер бўлиши мақсадга мувофиқ. Тренинг машғулотларнинг давомийлиги 3 кундан 5

кунгача ва ундан ҳам кўпроқ (ўқув дастуридан келиб чиққан ҳолда) бўлиши мумкин.

Тренинг машғулотларида кичик гуруҳлар турли вазиятлар, муаммоларни мустақил ҳолда таҳлил қилади, умумлаштиради ва хулоса чиқарадилар. Шунингдек, ҳар бир кичик гуруҳ ўз ишини тақдим қилади. Куннинг якунида қатнашчилар ва тренер ўртасида икки ёқлама алоқани таъминлаш мақсадида машғулотга якун ясалади. Бунда қатнашчилар ўқув куни бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар: тренинг мақсадига қай даражада эришилди, қўйилган масалаларни ечишда уларга нималар ёрдам берди ва нималар ҳалақит берди ва ҳоказолар аниқланади.

**Тренинг машғулотларида фойдаланиладиган таълим воситалари.** Таълим воситалари – ўқув материалини намойиш қилиш учун мўлжалланган ва таълим жараёни самарадорлигини оширишни таъминлайдиган ёрдамчи материаллардир.

Таълим воситалари, одатда, икки турга бўлинади:

1. Ўқитишнинг техник воситалари.
2. Ўқув-методик материаллар.

Ўқитишнинг техник воситалари педагогга ўқув материалини кўргазмали намоён этишга ёрдам беради. Уларга: синф тахтаси, тахта-блокнот, кодоскоп, слайдлар, видеофильмлар, мультимедия, реал предметлар ва бошқалар киради.

Ўқув-методик материаллар тингловчиларнинг ишлаши ва уларнинг фаоллашувига кўмаклашади. Уларга тарқатма материаллар, ишчи варақалари, назорат (тест) варақалари, матнлар, ўқув қўлланмалари ва шу кабилар киради.

Педагоглар малакасини ошириш жараёнида уларнинг фаолият мотивларини инобатга олиб, курс машғулотлари ҳамда педагогик жамоада касбий маҳоратни такомиллаштириш масалаларини тадқиқ қилиш янги педагогик технологиялардан ўринли фойдаланиш лозимлигини кўрсатди.

Шундай технологиялардан: модулли таълим, ҳамкорликда ўқитиш технологияси, дидактик ўйинлар технологиялари, муаммоли таълим технологияларини педагог кадрлар малакасини ошириш жараёнида муваффақият билан қўллаш мумкин. Бу таълим технологияларнинг моҳияти ва уларнинг устунлиги нимада? Уларни қисқача баён қиламиз.

Таълим олувчиларда ўқув адабиётлари ва қўшимча адабиётлар билан мустақил ишлаш кўникмалари, ижодий ва мустақил фикрлашларини ривожлантиришда модулли технологиялар анча афзалликларга эга. Унинг ўзига хос томони ўрганилаётган мавзу бўйича тингловчиларнинг мустақил ва ижодий ишлашга имкон берадиган модулли



дастур тузилади. Тингловчилар модул дастури ёрдамида мустақил ва ижодий ишлаб, дарсда кўзланган мақсадга эришадилар.

Модул дастурлари ўрганилаётган мавзу юзасидан тингловчилар бажариши лозим бўлган топшириқлар, уларни бажариш бўйича кўрсатмаларни ўзида мужассамлаштиради. Модул дастурлари мазмуни ва моҳиятига кўра, билим олувчиларнинг индивидуал, 2-3 тингловчи, кичик гуруҳларда ўзаро ҳамкорликда ишлашига мўлжалланган. Улардан дидактик асосланган мақсадларда фойдаланилса, малакасини ошириш жараёнида юқори самара беради.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълим тизимида самара берадиган таълим технологияларидан яна бири ҳамкорликда ўқитиш технологиясидир. Бу технология XX асрнинг 50-йилларида дастлаб АҚШда пайдо бўлиб, ҳозир АҚШ, Англия, Германия, Франция, Исроил, Жанубий Корея каби мамлакатларда турли шаклларда кенг тарқалган. Бу технологиянинг моҳияти шундаки, у ҳар бир таълим олувчини ақлий меҳнатга, ижодий ва мустақил фикр юритишга ўргатади, шахс сифатида ўз фаолиятига онгли, мустақил ёндашувни тарбиялайди. Шу билан бирга таълим жараёнида тингловчиларни ўзаро ҳамкорликка, бир-бирига ёрдам бериш, ўзаро ҳурмат ҳамда ўз қадр-қимматини англашга ўргатади.

Шундай қилиб, тадқиқотимизнинг аввалги қисмларида педагоглар малакасини ошириш жараёнида фаолият мотивлари, ёши, интеллектуал даражаси ва шахсий сифатларини ҳисобга олиш уларнинг мунтазам ўз устида ишлашга ундайди, деган хулосага келган эдик. Мана шу талабларни амалга ошириш ҳамда уларнинг ўз малакасини оширишга интилишининг ўсишида янги педагогик технологиялар ҳам муҳим роль ўйнайди. Шу билан бирга улар малакасини ошириш жараёнини такомиллаштиришнинг ҳам кучли воситаси бўлиб хизмат қилади.

## 5.2. Масофавий таълим – педагоглар малакасини узлуксиз оширишни таъминловчи омил

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида таълим беришнинг таъсирчан, янги усулларини ишлаб чиқиш ва қўллаш масаласи муҳим қилиб қўйилган. Ана шу талаблардан келиб чиқиб, янги информацион технологиялар асосида педагоглар малакасини оширишини замон талабларига мослаштириш, жамият ривожининг эҳтиёжи сифатида пайдо бўлган ахборот воситалари – компьютер, INTERNET, электрон дарсликлардан кенг фойдаланиш асосида амалга оширилиши мумкин.

Мамлакатимиз таълим тизимида фаолият кўрсатаётган кўп минг сонли педагогларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг узлуксизлиги ва сифатини таъминлашда ривожланган давлатлар тажрибасидан кенг фойдаланиш ҳам муҳим. АҚШ, Германия, Англия, Жанубий Корея каби мамлакатларда бу борада ахборот ва информацион технологияларга асосланган малакасини оширишнинг таъсирчан шакллари ишлаб чиқилган. Булардан ўринли ва унумли фойдаланиш учун ҳар бир ўқитувчи ва малакасини ошириш ходими компьютер орқали INTERNETдан фойдаланишнинг техник ва илмий-методик асосларини билиши зарур.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, тараққиётнинг ҳозирги босқичида педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг барча бўғинларда янги педагогик технологиялар ва ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш кутилган натижани бериши мумкин. Шунинг учун ўқув юртлари ва малакасини ошириш тизимида педагогларга INTERNET ва компьтердан фойдаланишнинг техник ва методик асосларини ўргатиш ҳаётий зарурият ҳисобланади.

Бу борада глобал ахборот узатиш тармоғи сифатида ишлаб чиқилган ва лойиҳалаштирилган INTERNET тармоғи янги имкониятлар очиб бермоқда. Компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш ривожланган мамлакатларда таълим соҳасида қўлланилиб, улар воситасида янги технологияларни ўрганиш ва амалиётга жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг оқибатида ҳозирги вақтда мамлакатимизда INTERNET орқали сиртқи таълим, электрон тўловлар хизмати, электрон ҳужжат юритиш, вертуал манбалар ҳамда масофавий таълим асосида малакасини ошириш ривожланмоқда.

Маълумки, педагогик технологиялар назарияси ва амалиёти педагогик жараённи жадаллаштирувчи ахборот технологияси ва техник воситалардан фойдаланиш самарадорлигини оширувчи дидактик материалларни ишлаб чиқиш ва кенг қўллашга асосланади. Янги педагогик технологиялар тизимини ташкил қилувчи масофавий таълим ўқитишнинг самарадорлигини оширишда илмий асосланган дидактик таълимотга асосланади. Масофавий ўқитиш (МЎ) жараёнида таълим масалаларининг тўла-тўкис рўёбга чиқиш даражаси шундай дидактик таълимот (ДТ) сифатига боғлиқдир.

Ривожланган мамлакатларнинг масофавий таълим борасидаги тажрибасининг кўрсатишича, масофавий ўқитишни таъминлашнинг асосий кўрсаткичларидан бири тармоқли қурилмаларни танлай олиш, дидактик таълимотни таркибий қисмларга ажрата билиш ва дастурлашган даражага тақдим қилиш андозаларни белгилашдан иборатдир.



Масофавий ўқитишнинг дидактик таълимот мажмуини қуйидаги уч блок кўринишида тақдим қилиш мумкин (5.2.1- чизмага қаранг).

5.2.1-чизма




Жадвалда кўриб турганимиздек, мазмунли ахборот блоки иккита кичик блокларга (КБ)га бўлинади.

Биринчи кичик блок ўз ичига ўрганилаётган фан бўйича маълумотнинг ўрганилиш муддати, ўқув фани бўйича мавзу ва бўлимларнинг соат тақсимланиш графиги, назоратларнинг шакли, вақти, замонавий ахборот воситаларини тадбиқ қилган ҳолда ташкиллаштирилган амалий ва семинар машғулотлари, маслаҳатлар жадвалини қамраб олган.

Иккинчи кичик блок ўз ичига ўқув дастурлари, масалалар тўпламлари, ўқув қўлланмалари, луғат, кичик қомуслар, семинар режалари, қўшимча адабиётлар рўйхати, мазкур фан соҳаси бўйича рефератлар, курс ва малакавий битирув ишлари, тингловчилар билан илк танишув сўровномалари, лаборатория ишларини ўтказиш бўйича тавсияномалар, компьютер курсларида таҳсил олувчилар, компьютер тармоқлари ҳамда INTERNETдан фойдаланувчилар учун тавсияларни қамраб олиши зарур.

Мазмунли ахборот блоки таълимнинг ташкилий ва таълимий функцияларини (вазифаларни) бажаради ва магнитли, қоғозли ўтказгичлар тақдим этилиш мумкин. Бунда замонавий информацион технологиялар, мультимедия, INTERNET ва бошқалардан фойдаланиш мумкин.

Назоратли коммуникацион блок ҳам иккита кичик блокдан ташкил топган. Булар назорат ва коммуникацион блоклардир.

Биринчи кичик блок турли кўринишлардаги тестларни ўз ичига олади. Булар: таҳсил олувчиларнинг дастлабки тайёргарлигини аниқловчи тестлар; оралиқ, жорий ва якуний назорат тестлари; бир

мавзудан бошқа мавзуга ўтишга тайёргарлик даражасини аниқловчи тестлар; мустақил назорат саволлари ва баҳолаш меъёрлари; мазкур курснинг ўзлаштирилишини назорат қилувчи жадвал; якуний назорат аттестациялари ва ҳоказолар.

Иккинчи кичик блок қуйидаги вазифаларни бажаради: замонавий коммуникация воситалари асосида ташкил қилинган турли кўринишдаги жорий маслаҳатлар ва уларнинг жадваллари; турли соҳа бўйича педагог-координатор ва педагог-кураторлар билан учрашув жадваллари.

Шуни таъкидлаш жоизки, блокларга масала танлашда ўқув фанларининг хусусиятлари ҳисобга олиниши лозим. Масалан, тестларга жавоб бериш ва тингловчининг альтернатив тест тузиш схемаси 5.2.2-чизмада келтирилган.

5.2.2- чизма




Масофавий таълимнинг илмий-методик асосларини қуйидагилар ташкил қилади: а) таълим-тарбия принциплари, қонуниятлари; б) бихеористик таълимот; в) когнитив-креатив (билиш) таълимот; г) ишлаб чиқиш технологияси; д) педагогик тизим назарияси.

Масофавий ўқитишда назарий текширишлар турли педагогик усуллардан фойдаланган ҳолда тузилиши мумкин. Назарий-коммуникатив блок қуйидаги вазифаларни бажаради: таълимий, назорат, комуникатив, ташкилий, рефлектив. Бундан ташқари, у масофавий ўқитиш қатнашчилари ўртасида ўзаро қулай алоқа яратишга имкон беради. Бу блокда ўқув мазмунини қамраб олган ахборот уч ҳолатда жойлашади: назарий, амалий, мустақил ишлаш. Назоратлар жорий, оралиқ, якуний бўлиши мумкин. Бу назоратлар тингловчиларнинг ижодий ва мантиқий фикрлашга замин ҳозирлайди, билим савиясини кенгайтиради. Мустақил ақлий операцияларни бажариш кўникмаларини ривожлантиради.



Умумлаштирувчи коррекцион ўзлаштириш натижалари даражасини назорат қилувчи блок таҳсил олувчилар ўзлаштиришининг якуний натижаларини, ўқув-билиш фаолиятининг ташхисини, турли назорат натижаларининг таҳлилини ўз ичига олади. Масофавий ўқитишда ушбу ахборотларнинг аҳамияти шундаки, улардан ҳар бир таълим олувчи, ўқувчи, маъмурият, дарс берувчилар турли мақсадларда фойдаланишлари мумкин. Масофавий ўқитишда бундай блокларнинг ташкил қилиниши ўқув жараёнидаги ташкилий коррекцион, коммуникатив, рефлексив вазифаларни бажариш орқали ўқув жараёни сифатини такомиллаштириш, уни мазмунан бойитиш ўқувчиларнинг ижодий ривожига салмоқли таъсир қилади.

Масофавий ўқитишнинг таркибига кирувчи ёки унинг асосини ташкил қилувчи дидактик таълимотларни лойиҳалаш ва тузишда қуйидагиларга риоя қилмоқ керак:

- дидактик таълимотларни тузишда турли билим соҳалари бўйича ижодий уюшмалар фаолиятини ҳисобга олиш;
- тайёр дидактик таълимотларни харид қилиш ва ўқув даргоҳи шароитига мослаштириш;
- телекоммуникация ва INTERNET тармоқларида мавжуд ўқув ахборотларидан фойдаланиш.

Масофавий ўқитиш учун мўлжалланган дидактик таълимотларни лойиҳалаш ва тайёрлашда қуйидагиларни инобатга олиш зарур:

- таълим олувчиларнинг билим савияси ва шахсий сифатлари;
- уларнинг саломатлигини сақлаш;
- ўқув-билиш фаолиятидаги эркин танлов;
- улар шахсининг индивидуал хусусиятлари;
- масофавий ўқитиш жараёни иштирокчиларининг шахсий-эмоционал, интеллектуал даражаси ва шахсининг йўналганлиги.

Булар мухтасар тарзда масофавий таълимни ташкил қилишнинг техникавий ва дидактик асосларини ифодалайди.

Мамлакатимиз таълим тизими ва педагоглар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг истиқболли йўналишларидан бири – масофавий таълим маълум педагогик асосларда ташкил қилиниши керак.

Масофавий малакасини оширишнинг педагогик асослари сифатида қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим:

1. Малакасини оширувчи шахс мустақил билим олиш фаолиятининг белгиланганлиги.

2. Билим олиш, уни мустақил тўлдира билиш ва фаолиятда қуллай олиш инсон ҳаётининг асосий эҳтиёжига айланиши.

3. Тингловчининг билимни қаердан, қачон ўзига қулай шароитда ола билиши. Нафақат билим ола билиши, балки уни мустақил

ўзлаштира олиши ҳамда ахборот ва унинг воситалари, манбалари билан ишлай олиши асосида ўз билиш фаолиятини ташкил қила олиши. Шу тариқа олган билимларини ўз эҳтиёжи ва амалий фаолиятининг турли соҳаларида қўллай билиши ҳам муҳимдир.

4. Масофавий малакасини ошириш ўз моҳияти билан индивидуал характерга эга бўлиб, ҳамкасблари, ўқитувчилари билан фикр алмашишни инкор қилмайди, балки тақозо қилади. Малакасини оширишни масофавий ташкил этишда бу жараён иштирокчилари – таълим олувчилар, ўқитувчилар, масофавий таълимни ташкил этувчиларнинг ўзаро алоқалари муҳимдир. Булар орасидаги алоқадорлик таълим дастурини амалга оширишда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Тараққиётнинг ҳозирги хусусиятини таҳлил қилиш, ахборот воситаларининг жамият ва кишилар ҳаётига кенг кириб бориши, яқин келажакда ахборот воситаларига асосланган масофавий билим олиш таълимнинг алоҳида тури сифатида шаклланиб, ҳозирги анъанавий шаклларни сиқиб чиқаради. Таълим ва малакасини оширишнинг анъанавий шакллари билан масофавий таълимни солиштирадиган бўлсак, янги таълим шаклида ахборот (билим, маълумот)нинг миқдори кўпайиб ва уни ўқувчига (ўқитувчига) етказиш вақти кескин камаяди.

Масофавий таълимга асосланадиган янги техник ва технологик коммуникацияларнинг тармоқлари дидактик имкониятлар очади. Бу имкониятлар, фикримизча, қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- ўқув жараённинг тузилиши (тингловчи-билим олувчи, электрон почта, компьютер) ва вақт жиҳатидан (ҳоҳлаган пайт) қулайлиги;
- таълим олувчи фаолиятининг натижасини назорат қила олиши, таъсирчанлиги ва уни аниқлаш имкониятининг қулайлиги;
- ахборот (билим) фондларидан фойдалананиш ва уларга кира олиш имкониятининг кенгайиши;
- таълим олувчи (тингловчи) қизиқишини аниқ ҳисобга олиш ва уни тезлик билан қаноатлантириш;
- масофавий таълим (малакасини ошириш) жараёнида олган билимни зудлик билан амалий фаолиятда қуллай билиш.

Жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида ривожланишнинг бош омилларидан бири – ахборот воситалари ва технологияларидан ўринли ва ўз вақтида мақсадга мувофиқ фойдалана олишдир. Бунинг оқибатида инсоннинг маълумот олиши, малакасини ошириши ва уни қайта тайёрлаш янгича мазмун касб этмоқда. Бизнинг ҳозирги тасаввуримиздаги таълим олиш алоҳида жиҳозланган хона – мактабда ўқитувчи раҳбарлигида ўқитилиши, китоб орқали амалга ошиши касбий тушунчалар аҳамиятини кескин ўзгартирмоқда.



Ахборот воситалари ва манбаларининг кескин кўпайиши шахснинг маълумот даражасига таъсир қилиб, компьютер билан ишлай олишнинг амалий кўникмаларини ўзлаштириш, ахборотнинг янги технологиясини ўрганиш ва улар асосида информатика фанининг ғоя ва механизмларини чуқур ўзлаштиришни тақозо қилмоқда. Зеро, бу жараён оламнинг ахборот манзарасини белгилайди. Бу жараёнларни ўрганишда компьютер телекоммуникациялари етарли шарт-шароит яратиб, ахборотни ер юзининг ҳоҳлаган нуқтасидан ўзлаштириш имкониятини беради. Ҳозирги тараққиётнинг бу глобал хусусияти таълим тизимини четлаб ўта олмайди.

Масофавий таълим олишнинг педагогик жиҳатдан яна бир муҳим томони анъанавий таълимнинг синф-дарс тизими камчиликларини бартараф этишидир.

Масофавий таълимни ташкил қилиш учун қуйидагилар амалга оширилиши лозим:

- замонавий компьютер, унинг INTERNET тармоғига уланганлиги;
- INTERNETдан фойдаланиб ўқув ва илмий ахборотлар қабул қилиш ва таржима қилиш;
- унда ўз саҳифасини очиш;
- электрон кутубхона яратиш;
- масофавий ўқитиш тизимини яратиш;
- электрон дарслик ва улардан фойдаланиш асосларини ўзлаштириш.

Буларни амалга ошириш компьютер ва INTERNETдан фойдаланишни мукаммал ўзлаштиришни тақозо қилади. Шунинг учун имконият бўлганда ҳар бир ўқув юртида етарли шароит бўлмаганда ҳудудий компьютер ва INTERNET тармоғида ишлашни ўргатувчи курслар ташкил қилиш ва ўқув юртида янгиликларнинг доимий стендини ташкил қилиш ва уни доимий янгилаб туриш лозим бўлади. Ўқув юрти INTERNET саҳифасида унинг тарихи, таълим-тарбия борасида олиб бораётган ишларидан намуналар ва лавҳалар бериш керак. Шу асосда ўқув юрти электрон кутубхонасини ташкил қилиш, ўқув юртида тайёрланган электрон дарсликлар, маъруза матнлари каталогини тузиш лозим. Ўқув юртида масофавий таълимдан фойдаланиш самарали ва мунтазам бўлиши учун изчил тадбирлар режаси тузиш муҳимдир. Мазкур режада қуйидагиларни акс эттириш керак:

1. Масофавий таълимда иштирок этувчилар билан олиб бориладиган ташкилий ва ўқув услубий ишлар.
2. Масофавий таълимга доир ахборот ва телекоммуникацион технологиялари билан танишиш.

3. Техникавий имкониятларга эга бўлган компьютер ва дастурий янгиликлар яратиш.

4. Масофавий таълим бўйича ўқув-услубий қўлланмалар тузиш.

5. Электрон дарсликлар яратиш.

Биз мазкур параграфда кадрлар малакасини ошириш жараёнини такомиллаштириш ва унинг изчиллиги, доимий-мунтазам, узлуксизлигини таъминлаш масалаларини қараб чиқиб, бир неча технологияларни қўллашнинг намуналарини келтирдик. Бунда биз янги педагогик технологияларнинг моҳияти, мазмуни масалаларига чуқур тўхталмадик. Уни таълим жараёнида қўллашнинг зарурий, умумий қоида, мазмуни ҳақида қатор олимларнинг Республика матбуотида эълон қилинган ишлари мавжуд. Булар қатори Ж.Ғ. Йўлдошев, Н.С. Саидахмедов, О. Розиқов, М. Маҳмудов, М.О. Очилов, К.З. Зарипов, У.Н. Нишоналиев, Н.Н. Азизходжаева, У.Қ. Толипов, Л.В. Голиш, О. Абдуқуддусов, Б. Нуриддинов, Х. Абдукаримов, И. Мирзаев, Т. Ўразалиевлар, айниқса, касб-ҳунар таълими ходимлари малакасини ошириш институти ходимларининг босқичма-босқич янги педагогик технологиялар ва ахборот технологияларни таълим жараёнига тадбиқ қилишларини кўрсатишимиз мумкин. Аммо шунга қарамай, янги педагогик технологияларни таълим-тарбия, малакасини ошириш жараёнига тадбиқ қилишнинг бугунги ҳолатини етарли деб бўлмайди.

Олимлар, халқ таълими ходимларининг кўпчилигида, янги педагогик технологияларни тўлиқ ишлаб чиқиб, таълим жараёнида қўллашга бирданига эришамиз, деган ноўрин фикр мавжуд. Шунинг учун кўпчилик эълон қилинган ишларда асосан уларнинг умумназарий, умумпедагогик томонлари таҳлил қилиниб, ўқув жараёнида, аниқ фанларга жорий қилиш ҳақида фикрларни кам учратамиз. Янги педагогик технологияларни қўллашга бундай ёндашув моҳияти эътибори билан бирёқлама ҳисобланади.

Педагогик технологиялар қўлланиш соҳаси ва даражасига қараб, умумназарий, универсал ва хусусий бўлиши мумкин. Биз педагоглар малакасини ошириш жараёнида хусусий технологияларни қўллашнинг айрим конкрет намуналарини келтирдик. Бунда биз янги педагогик технологияларнинг моҳияти, назарий асослари, босқичлари, шакллари, таснифи каби масалалар юқорида номлари зикр этилган мутахассислар тадқиқотларида етарли даражада ўз аксини топганлиги учун четлаб ўтдик. Аммо масофавий таълимга техник, дидактик ва педагогик жиҳатдан қисқа ёндашишга жазм қилдик. Бунинг сабаби матбуотда бу тўғрисида маълумотларнинг камлиги ҳамда педагоглар малакасини оширишда яқин келажакда у ўз ўрнини эгаллаб, унинг мунтазам узлуксизлигини таъминлайди, деган умиддамиз.



## 5.3. Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнини ташхис асосида ташкил қилишнинг дидактик муаммолари

Таълим-тарбиянинг жамият ва ҳар бир киши ҳаётидаги аҳамиятининг ошиб бориши уни янада такомиллаштиришни тақозо қилади. Такомиллаштириш нафақат анъанавий усулларни, балки турли янги усул ва воситаларни ўзи ўрганаётган соҳасида маълум даражада тадқиқ қилиш имкониятини беради. Шу соҳа (чегара)дан чиқса, янги усул ва воситаларни излаш лозим бўлади. Янги усул ва воситалар аввалги эришилган даража пойдеворида уни янада ривожлантириш, унинг янги қирраларини очиш имкониятини беради. Бунга мисол тариқасида кейинги вақтда педагогиканинг анъанавий илмий тадқиқот методларидан рейтинг, тест каби методлар билан бойитилганлигини айтиш мумкин. Рейтинг, тест методлари таълим-тарбияни, инсон ва унинг фаолиятини, малакасини ўрганишда, мантиқий, лисоний (сўз билан таъсир) жиҳатларини миқдорий сон ва сифат жиҳатдан аниқлашга, тобора яқинлаштиришга хизмат қилмоқда.

Чунки тараққиёт қанча тезлашса, ҳамма соҳаларни ўрганишга мантиқий ёндашишни миқдорий аниқликларда ўлчашга эҳтиёж кучаяди. Педагогикада миқдорий катталикларнинг қўлланиши, унинг ривожланганлиги, етуклик сари интилишини ифодалайди.

XX асрда бошланган мавжуд фанларнинг ўз соҳаларини ўрганишга тизимли ёндашув, математика, статистика, кибернетика фанлари ютуқлари ва методларидан кенг фойдаланиш XXI асрда янада чуқурлашиб кетди. Ҳамма соҳаларнинг, шу жумладан ижтимоий-гуманитар ва табиий-математик фанлар ривожланишини компьютер технологияси, педагогик ва информацион технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Педагогик ва информацион технологиялари инсон ва унинг табиат-жамиятга бўлган муносабатларида туб инқилобий ўзгаришлар ясайди. Бу инқилобий ўзгариш XX аср бошида табиий фанлар (айниқса физика фани)да юз берган атомнинг бўлинувчанлиги билан боғлиқ янги бир олам – микрооламнинг очилишига қараганда, инсоннинг ўзини билиши, англаши ва борлиқни билишига қатор янги фанларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ глобал инқилобий ўзгаришлар киритди. Бу инқилобий ўзгаришлардан орқада қолмаслик учун инсон таълим-тарбияси, шаклланишини ўрганувчи педагогика ҳам янги методлар билан қуролланиши керак. XX асрнинг охирларида педагогикага рейтинг, тестнинг кенг кириши билан характерланган бўлса, XXI аср унга педагогик ва ахборот технологияларининг, шунингдек, фан соҳаларини ўрганишга аниқ фан методлари ва педагогик

ташхиснинг кенг кириб келиши, муҳим ўрин эгаллаши билан характерланади, десак хато бўлмайди.

Педагогикада ташхиснинг оддий методлари билан бирга мураккаб ташхис методлари кўпгина олимлар ва амалиётчи педагоглар фаолиятида амалий татбиқини топди.

Педагогик ташхис янгидан пайдо бўлган, бутунлай янги бир фан эмас. Инсон бирон фаолият билан шуғулланишдан олдин маълум натижани кўзлайди, хатти-ҳаракатини шунга мувофиқ ташкил этади. Таълим-тарбия, малакасини оширишда ҳам инсон ўз хатти-ҳаракатини маълум режа асосида ташкил қилиб, маълум натижани кўзлайди. Педагогик фаолият асрлар давомида шундай ташкил қилинган. Аммо тараққиёт ва фаннинг ҳозирги босқичида қўлланиб келган методларнинг имкониятлари ҳозирги талабни қаноатлантира олмай, содда бўлиб қолди. Тараққиёт тақозоси билан пайдо бўлган эхтиёж янгича йўл тутиш, ёндашишни тақозо қилади.

Худди шундай ташхис (диагноз) дастлаб тиббиётда қўлланилиб, касални даволашдан олдин унинг сабабини аниқлаш, сўнг уни тўғри даволаш воситаси бўлиб келди ва шу хизматини давом эттирмоқда. Ташхис (диагноз) гносеологик нуқтаи назаридан билишни англатади. Бирон бир ҳодиса ёки воқеа, нарса-ҳодисалар, жараёнларнинг моҳиятини тушуниш учун дастлаб уларни келтириб чиқарган сабабларни аниқлаб, ташхис қўйилади. Сўнгра салбий оқибатларини олдини олиш, ижобий жиҳатларини чуқурлаштириш, ривожлантириш чоралари кўрилади. Файласуфлар И.Н. Осипов, П.В. Копнинлар "Основные вопросы теории диагноза» [86] китобида ташхисни билиш усули сифатида таърифлайдилар.

«Педагогик ташхис» («Педагогическая диагностика») атамаси 1968 йилда олмон педагоги К. Ингемкамп томонидан биринчи марта қўлланилган эди [63].

Ҳозирги кунда педагогик ташхис фаол шаклланаётган педагогик фанлар тизимига мансуб. Шунинг учун ундан ҳар ким ўз қизиқиш ва ўрганадиган соҳасига мос равишда фойдаланади. Айримлар педагогик ташхисга педагогикага доир жараён ва муаммоларни ёритиш, уларнинг таъсирчанлигини аниқлаш ва ўқувчилар ўзлаштиришини яхшилаш, ҳар бир кишининг маълумот олиш имкониятини белгилаш воситаси сифатида қарайдилар. Педагогик ташхисни ўқувчи билиш жараёнини режалаштириш ва бу борада кишиларга маслаҳат бериш тарзида таҳлил қилиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Педагогик ташхисни кенг маънода қўллаш ўқув жараёни, ўқитувчилар ва ўқувчилар фаолиятини таҳлил қилиш, шундан келиб чиқиб, маълум ўзгаришлар киритиш воситаси сифатида қараш ўтган асрнинг 90-йилларида Республикамиз маориф



тизимида кенг қўлланган эди. Бу ишни профессор Ж.Ғ. Йўлдошев [57-59] бошқариб, ўзи ҳам тадқиқот олиб борган ҳамда таҳлилий ташхис орқали таълим камчилигини аниқлаш ва олдини олиш, ёрдам кўрсатиш тарзида хизмат қилишининг амалий татбиғини кўрсатган эди.

Педагогик ташхисни айнан юқоридагидек амалга ошириб, ўқув жараёнини ташкил қилиш, ўқувчилар ўзлаштириши билан таълимнинг мақсади ҳамда ташкилий шакли, шарт-шароитларининг бир-бирига мослигини аниқлаш ва бу жараёнда ўқитувчилар касбий маҳоратининг ўрни белгиланади. Кўпчилик ҳолларда ўқув жараёнини ташкил қилиш даражаси, ўқувчилар ўзлаштиришининг пастлиги таълимнинг мақсади, мазмуни, шакл ва методларини бир-бирига мос танламаслиги, педагогларнинг умумий маънавияти ва касбий савиясининг замон талабига тўғри келмаслиги билан боғлиқлиги аниқланди. Буни бартараф қилиш учун бизнинг ўқитувчилар малакасини оширишга аниқ эҳтиёж асосида ёндашишга доир ишларимиз, Ж.Ғ. Йўлдошевнинг педагоглар малакасини оширишнинг назарий-методологик жиҳатларига бағишланган тадқиқотлари жавоб сифатида пайдо бўлди. Педагогик ташхиснинг умумий назарий асоси яратилмаганлиги учун, у гўёки педагогика олдида турган масалаларни ечишда тез ёрдам кўрсатиш вазифасини бажараётгандек туюлади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, замон зайли билан педагогика олдида турган вазифалар ҳар доим янгича пайдо бўлаверади. Бундай шароитда педагогик ташхис ҳам ўз вазифаларни замонга мослаб такомиллаштириб боради. Бизнингча, педагогик ташхиснинг тарихий илдизи – гносологик, яъни кишининг билишга бўлган интилиши билан боғлиқ ва унга айни вазият учун педагогик жиҳатдан тўғри қарор қабул қилиш инструменти-воситаси сифатида қараш лозим. Педагогик ташхис жараёнларни билиш инструменти сифатида билиш назариясининг хусусий бир кўриниши ҳисобланади. Шунинг учун уни гносеология (билиш назарияси) билан тенглаштириш ҳам мумкин эмас. Гносеология борлиқ (табиат ва жамият)ни ҳамда инсон ва тафаккурини билишнинг умумий (фалсафий) қонуниятларини ўрганади. Шу жиҳатдан педагогик ташхис дунёни билишнинг умумий қонуниятлари билан қуроллантиради ҳамда назарий-методологик асос вазифасини ўтайди. Педагогик ташхис гносеологиядан фарқли ўлароқ умумий боғланишларни эмас, балки педагогик жараёнларга хос айрим ҳолатлар учун аниқ педагогик қарор қабул қилишга хизмат қилади. Бу жиҳатдан қараганда педагогик ташхис кўпроқ амалий жиҳати билан намоён бўлади.

Педагогик ташхис билан илмий тадқиқот узвий боғлиқ, аммо улар ўртасида фарқ ҳам бор. Илмий тадқиқот анча кенг бўлиб, педагогик

ташхис унга бўйсундирилган, унинг топшириғини бажарувчи, айрим жиҳатларини ҳал қилишга амалий ёрдам беради.

Педагогик ташхисга торроқ, бизни қизиқтирган педагоглар малакасини ошириш жараёнига нисбатан қарайдиган бўлсак, бу жараённи индивидуаллаштириш, аниқ бир педагог эҳтиёжига мослаштириш, унинг педагогик маҳоратининг замон талабига жавоб бериши, унинг маълум мезон (маҳорат даражасини аниқлаш меъёри)ларини белгилаб, малакасини ошириш жараёнини хато ва камчиликлардан халос қилиш, курс тингловчилари таркибини белгилашда бир хил билим, маҳоратга эга бўлганлар учун таълим мазмуни, мақсади, шакл ва методларини танлашга эришиш инструменти сифатида қараш мумкин.

Педагогик ташхисни айнан шундай тушунганда, унинг мақсадга мос усулларни қўллаш орқали тингловчиларнинг малакасини оширишга бўлган муносабатини шакллантириш ҳамда шароит яратиб, юқори натижага эришиш мумкин. Бунда педагогик ташхис ёрдамида малакасини ошириш жараёни таҳлил қилинади, унинг натижаси аниқланади. Ташхис фаолият жараёни тарзида қабул қилиниб, маълум мезонларга риоя қилади, курс раҳбарлари тингловчилар фаолиятини кузатиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини турли йўллар билан (суҳбат, сўров, анкета) ўрганади, курс мазмуни ва мақсади, ўқитиш шаклларига ўзгаришлар киритади. Ташхис фаолиятни шундай ташкил қилганда нафақат малакасини оширишнинг мазмун ва шакли ҳақида билиши, балки бошқа дидактик воситалар, методларининг қўлланиш даражасининг муҳимлиги, бошқа педагогик жараёнларга мос келишини аниқлаш мумкин. Бундай ҳолатда педагогик ташхис дидактика ва умуман илмий тадқиқот учун хизмат қилади.

Педагогик ташхисга хос хусусият малакасини ошириш жараёнининг ҳар бир босқичи ва бўғини ва тингловчиларнинг ўзига хос хусусиятлари, индивидуал фарқларини аниқлаш имконини беради. Бунда ҳар бир конкрет жараён учун хос хусусиятлар, унинг мезонларини аниқлаш алоҳида ёки бир гуруҳ кишилар учун умумий бўлиши ҳам мумкин.

Педагогик ташхис малакасини ошириш жараёнини такомиллаштириш, ундаги педагогик-дидактик масалаларни аниқ бир шарт-шароитдан келиб чиқиб ҳал қилиш жиҳатидан психологик диагностикадан фарқ қилади. Психологик диагностика кўпчилик ҳолларда турли мижозларнинг талабини бажарувчи хизматчи ролини ўйнаса, ташкилотчилар учун эса амалий фаолиятининг назарий пойдевори вазифасини ўтайди.

Бугунги кунда ҳар қандай фаолиятда ташхиснинг аҳамияти ошиб бормоқда. Маълумки, ишлаб чиқаришда техник назорат ва ўлчов



аппаратураларисиз иш кўриб бўлмайди. Машина ва механизмларни, шунингдек, социологияда ижтимоий жараёнлар ва ҳодисаларни, ташхис қилишга анча эътибор берилмоқда. Бунинг оқибатида мазкур жараёнларга юзаки қараш ёки ўртача ёндашув сақланиб қолган ҳолда, шахс шаклланиши ва билим олишида ўзига хосликнинг аҳамияти ошиб бормоқда.

XIX асрда буюк рус педагоги К.Д. Ушинский ўзининг «Инсон тарбия предмети сифатида. Педагогик антропология тажрибаси» [106] асарида, агар педагогика инсонни ҳар томонлама тарбия қилмоқчи бўлса, энг аввало уни ҳар томонлама билиши лозим, деган эди. Ҳар қандай педагогик жараён асосини ташкил қилувчи бу қонуниятга ҳамма вақт ҳам амал қилинмайди. Бунинг оқибатида инсон, унинг шахсий ва касбий сифатларини ўрганишда ноаниқликка, айрим ҳолларда юқори баҳо бериш, айрим ҳолларда умуман эътиборга олмаслик ёки ўртамиёна ёндашув асосида иш кўришга тўғри келади.

Мустақилликнинг муҳим ғояларидан бири ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий жараёнларни инсонга, унинг маънавий ва маърифий, касбий фаолиятига қаратишдир. Бунда чуқур мантиқ бор. Инсон ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиши билан бирга унинг таъсири остида ўзи ҳам камол топади. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиши билан инсон камолоти орасидаги ўзаро боғлиқликда инсон омили белгиловчи ҳисобланади. Чунки бу жараёнда инсон мавжудлиги, борлиги, яшаши билан эмас, балки ақл-заковати, касбий маҳорати билан кучли таъсир қилиб, жамиятнинг барча жабҳаларининг ривожланишини тезлаштиради, ўзи ҳам жисмонан, ҳам маънавий, ҳам касбий жиҳатдан ўзгаради. Бунга инсон жамият тараққиёти, фан-техника ютуқлари, янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришда қўллаши ҳамда ўзининг маҳоратидан унумли фойдаланиши орқали эришиши мумкин. Худди шунингдек ўз ақл-заковати, маънавияти, маҳоратини оширишда ҳам маълум усул ва воситалардан фойдаланади. Буларга мутассил ўз устида мустақил ишлаш, фан, техника, тарих, тиббиёт, ҳуқуқга доир янгиликларни ўрганиш, ўзининг умумий маданий савияси ҳамда ўз касбига доир янгиликларни ўрганиб, малакасини ошириш орқали эришилади. Жамият тараққиёти ҳамда инсон камолотини мукаммаллаштиришдаги диалектик боғлиқликда энг муҳими инсон ўз ўрнини тўғри англашидир. Ўзини англаш, ўз хатти-ҳаракатини бошқалар билан мувофиқлаштира билиш, бу жараёнда ўз масъулиятини англаб етиш, бу борада амалга оширилган ва қилиши лозим бўлган ишларни белгилай олиш инсонни янги интилиш ва ҳаракатларга ундайди.

Мустақиллик шароитда инсон омилининг ошиши, унинг моҳияти ва диалектикаси - инсон камолоти, жамият тараққиётидир. Бу объектив омил инсон камолотининг ижтимоий зарурий турткиси тарзида намоён бўлади. Бундай шароитда давлат инсон камолотини руёбга чиқарувчи субъектив омил сифатида шахсга таъсир қилувчи объектив ва субъектив омилларни ўзаро мувофиқлаштириши асосида инсон камолотининг шахсий ва касбий жиҳатларини ўзаро яхлитликда ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиши лозим.

Бу дастур, фикримизча, "Таълим тўғриси"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ҳисобланади. Бунда "Таълим тўғрисида"ги конун шахс камолотининг муҳим омили бўлган таълим-тарбияни юридик, сиёсий, иқтисодий асосларини белгилаб берса, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" уни амалга оширишнинг назарий-методологик, ташкилий-педагогик асослари, мазмун, моҳиятини белгилаб беради. Бунинг яққол ифодаси "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"даги таълим моделида шахс биринчи ўринга қўйилишидир.

Шахс – давлат – жамият – узлуксиз таълим – фан – ишлаб чиқаришнинг узвий бирлиги диалектикасида шахснинг белгиловчи қилиб қўйилиши, юқорида баён қилинган жамият тараққиётининг барча жабҳаларида инсон омилининг ошганлиги ҳамда инсон камолоти даражасига боғлиқлик қонуни ётишини таъкидлайди.

Бунда шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни бажарувчиси ҳамдир. Кадрлар тайёрлаш миллий моделида шахснинг белгиловчи роли бошқа компонентлар (давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш)нинг ривожланиши инсон ақл-заковати ва касбий маҳоратига боғлиқлигини билдиради. Кадрлар тайёрлаш миллий моделидаги компонентларнинг шахс камолоти таъсирида ўзаро мутаносибликда ривожланиши жамият, мамлакатнинг қиёфасини тубдан ўзгартиради. Бошқача қилиб айтганда, кадрлар тайёрлаш миллий моделининг бош компоненти Шахс – комил шахс, ҳар томонлама ривожланган шахс – давлат ва жамиятнинг бош мақсадини руёбга чиқарувчисидир, қолган барча компонентлар шахс ривожига хизмат қилади: давлат ва жамият унинг ривожланиши учун шарт-шароит яратади, фан уни илмий асослайди, узлуксиз таълим баркамол шахсни тайёрлайди, ишлаб чиқариш ундан халқ фаровонлигини оширишда фойдаланади ва ҳоказо.

Ўқитувчи "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга оширишда ҳам ҳал қилувчи меъмор ва амалга оширувчи шахс ҳисобланади. Унинг бу борадаги фаолиятида ҳал қилувчи бўлиб, ўз касбий маҳоратини узлуксиз такомиллаштириш, мустақил билим олиш



сифатини ошириш, қатъий интизом, иродаси асосида ўз бурчига онгли муносабатни шакллантириш кабилар ҳисобланади.

Аммо узоқ вақтдан бери педагогик фаолият кўрсатиш ва расмий ташкил қилинган малакасини ошириш курсларида иштирок этиш натижасида шу нарсага ишонч ҳосил қилдикки, мавжуд педагог кадрлар малакасини ошириш тизими унга қўйилган талабларни тўлиқ қаноатлантира олмайди. У педагог касбий маҳоратини узлуксиз ошириш, уни тизимли ташкил қилиш, малакасини ошириш шакллари ўртасидаги алоқадорликни ўрнатиш ҳамда тингловчиларнинг етарли даражадаги тайёргарлигини таъминлай олмайди.

Ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдаги умумий камчиликлар сирасига курслардаги таҳсилнинг ўта бўшлиги, курсгача ва курсдан кейинги тайёргарлик даражасини аниқлаш мезонларининг ишлаб чиқилмаганлиги, малакасини оширишнинг турли босқич ва шакллари ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг турли жиҳатлари ҳамда иш шаклларининг ўқитувчи шахси ва педагогик фаолиятини такомиллаштришга тўла мос келмаслиги, малакасини оширишнинг барча босқич ва шаклларида назарий-методологик, педагогик-психологик фанларнинг ўрнига етарлича эътиборнинг бермаслиги кабиларни кўрсатиш мумкин.

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда амалга оширилаётган жамиятнинг ҳамма соҳасини эркинлаштириш ва либераллаштиришни педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида ҳам қўллаш, малакасини оширишнинг шакл, муддат, даврийлиги, дастурларини педагогик тайёргарлик даражасига мос равишда танлашга ўтиш давр талаби ҳисобланади. Бунинг учун аввало ўқитувчиларни ўз тажрибаси, фаолиятини ўрганиши, ўз шахси ва касбий маҳорати, эҳтиёжларини тўғри аниқлаши, ўз касбининг қайси жиҳатларини такомиллаштириш ва уни амалга ошириш йўлларини аниқ тасаввур қилишга ўргатиш зарур. Педагоглар малакасини ошириш жараёнини эркинлаштириш унинг мажбурий шаклларини чегаралаб, педагогик жараёнда мустақил билим олиш шакл ва муддатларини эркин танлаш йўлидан боришни тақозо қилади.

Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнини эркинлаштириш унинг барча жиҳатларини инсонпарварлаштириш асосида кечиши керак. Педагоглар малакасини ошириш узлуксиз таълим тизимининг алоҳида бир бўғини, нисбатан мустақил педагогик тизими ҳисобланади. Мустақил педагогик тизим сифатида ўз тузилиши (шакллари) мақсади, мазмуни, ўқитиш шакли ва методлари, субъектлари - ўқитувчи, услубшунос, тингловчилар ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари, натижа (тингловчиларнинг билим,

кўникма, малакалари ёки педагогик маҳоратининг ошганлиги) билан характерланади.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан қайта қуриш фақат ўқитувчи педагогик фаолиятини рефлексив (ақл-идрок) бошқариш асосида бўлиши мумкин. Бунинг маъноси шуки, ўқитувчи педагогик фаолияти ва унинг натижаси орасидаги доимий икки томонлама алоқа махсус ташхис амаллари (методика)ни ишлаб чиқиш орқали амалга оширилиши лозим.

Ўқитувчи педагогик фаолиятини, бир томондан, унинг ҳамкасблари, ўқув юрти раҳбарлари, халқ таълими муассасаси раҳбарлари (назоратчи, услубчилар) ва жамоатчилик (ота-оналар, маҳалла) томонидан ташқи ташхис қилиниши мумкин. Ташқи педагогик ташхис натижалари ўқитувчилар аттестацияси, ёки уларнинг маҳоратини ошириш учун чора-тадбир белгилашда, ёки уларни малакасини ошириш курсларига юборишда асос бўлиши мумкин.

Иккинчи томондан ўқитувчи фаолиятини рефлексив ташкил қилиш ўзини ўзи («ички») ташхис қилишни тақозо қилади. Ички ташхис ўқитувчи шахси ва фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларни ўзи таҳлил қилиб, аниқлаб, уларни бартараф қилиш учун ўзгартириш киритиш тадбирларини кўришида намоён бўлади. Ўқувчилар педагогик фаолиятини педагогик ташхис қилиш узлуксиз бўлиши керак. Яъни бунда қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг барча бўғинлари – ўқув юрти, фан метод бирлашма ва малакасини ошириш институтларида узлуксиз тизим яратилиши лозим. Бу тизим малакасини ошириш мазмуни, шакллари ва методлари билан унинг охирги натижаси ўртасида ўзаро алоқадорликни таъминлаб, ўқитувчининг касбий камолоти, таълим-тарбиясининг такомиллашувига олиб келади.

Ижтимоий ва фан-техника тараққиёти педагогика фани олдига янги талабларни қўяр экан, уни амалга ошириш имкониятларини ҳам беради. Педагоглар малакасини оширишда узлуксиз методик хизмат тизими узвийлигини педагогик ташхис асосида амалга оширишни таъминлашнинг ҳамма босқичлари – ўқув юрти, туман, шаҳар, вилоятда ташкил қилинган мониторинг кабинетларида; техник асоси – компьютерлар воситасида; касбий даражаси эса илмий-амалий асосда тузилган тестлар воситасида ташкиллаштирилиши мумкин. Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнини эркинлаштириш давлат томонидан ташкил қилинган малакасини ошириш факультетлари (ФПК), марказлар, малакасини ошириш институтлари билан бирга нодавлат, хусусий марказларда (албатта ДТМ лицензияси ва рухсати билан) турли мақсад ва муддатли дастурлар асосида малакаси кўлами,



курсгача ва курсдан кейинги натижаларни холисона компьютер технологиясига асосланган тестлар асосида аниқлаш мумкин.

Мустақиллик шароитида ижтимоий муносабатларни инсонпарварлаштириш – тараққиётнинг олдинги сафига олиб чиқди. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида инсон омилини инобатга олиш, аввало, ўқитувчиларнинг ҳар бири ва жамоасининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг шахси ва касбий фаолиятини ҳар томонлама ўрганишни тақозо қилади. Бу борада ўқитувчининг муҳим сир-асрорларни таъсирчан ва мақсадга мувофиқ ўрганишнинг воситаси педагогик ташхис ҳисобланади. Маълумки, инсон ўз фаолиятига салбий таъсир қиладиган, унинг муваффақиятини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи нарсаларни қийинчилик сифатида қабул қилади. Агар у бу қийинчиликни аниқ ва эрта англаса, табиийки, уни муқаррар равишда бартараф қилишга интилади. Айниқса, бундай ҳодисалар ақлий фаолиятда тез-тез учрайди, педагогик фаолиятга ҳам бу хос хусусиятдир. Тажрибадан маълумки, ақлий меҳнат доимий равишда қийинчиликлар (шубҳа, ишончсизлик)ни бартараф қилиш тариқасида кечади.

Кўринадики, педагогик қийинчиликларни ўз вақтида аниқлаш муҳим муаммо бўлиб, уларни ҳал қилмасдан ўқитувчи фаолиятини такомиллаштиришга эришиш қийин кечади. Ўз вақтида ечилмаган қийинчиликлар хатоларга олиб келади ва таълим-тарбия сифатига ҳамда ўқитувчи фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Педагогик ташхис гуруҳ ва жамоада ўқитувчилар касбий маҳоратини ўрганишнинг метод ва воситалар тизими сифатида педагогик қийинчиликларни аниқлаш моҳиятини англаш ва уларни бартараф қилишнинг таъсирчан йўлларини топишга имкон беради.

Шу билан бирга педагогик ташхис ўқитувчи фаолиятидаги кучли ва кучсиз жиҳатларини аниқлаш, ижобий томонларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлларини белгилашга ҳам имкон яратади. Педагогик ташхис педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида бир-бирига қарама-қарши ижобий ва салбий томонларни аниқлашга хизмат қилиб, уларнинг олий нерв фаолияти, характер хислати, педагогик йўналганлиги, аниқ қадриятларга йўналганлиги ҳақида ҳам маълумот олиш имкониятини беради. Шу асосда педагогик ташхис, бир томондан, ўқитувчи фаолиятидаги бўш, кучсиз томонларга ташхис қўйса, иккинчи томондан, аниқланган қийинчиликларни бартараф қилишнинг аниқ йўлларини белгилаш имкониятини беради. Кўринадики, педагогик ташхис ўқитувчи фаолиятига аниқлик киритиб, уни таълим-тарбиянинг ечилмаган амалий вазифаларини ечишга ундаб, ўқув жараёнини оптимал ташкил қилишга замин ҳозирлайди.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида педагогик ташхиснинг вазифаси қуйидагича бўлиши мумкин:

- ўқитувчини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида ҳар бир бўғин (МОИ – ТМК – мактаб – ўқитувчи)нинг имкониятларини аниқлаш;

- ҳар бир бўғин фаолиятидаги ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлаш;

- ўқитувчилар касбий фаолиятини такомиллаштиришга йўналган методикаларни ишлаб чиқиш;

- ҳар бир бўғиннинг таъсир доирасини аниқлаб, улар ўртасида икки ёқлама алоқа шаклини белгилаш;

- ўқитувчи ишининг таъсирчан мезонларини аниқлаш;

- ўқувчилар таълим-тарбиясини такомиллаштиришда ўқитувчи шахсий масъулиятини ошириш;

- ўқитувчи касбий даражаси учун зарур билим, кўникма, малакани қайд қилиш;

- педагогларнинг психологик-физиологик хусусиятлари билан ишчанлиги ҳамда малакаси ўртасида боғлиқликни тадқиқ қилиш;

- қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими учун таълимнинг оптимал мазмуни, мақсади, шакл, метод ва воситаларини аниқлаш.

Баён қилинган вазифаларнинг ҳар бирини ечиш илмий асосланган ташхис тадбир ва маълум тамойиллар асосида амалга оширилиши мумкин.

Педагогик ташхиснинг принциплари қуйидагилар бўлиши мумкин:

1) ташхиснинг мақсадга йўналган ва аниқлиги;

2) унинг натижаларидан ўқитувчи фаолиятини ташкил қилишда фойдаланиш;

3) ҳар бир ўқитувчини ўрганишни педагогик жамоа билан боғликликда амалга ошириш;

4) танланган педагогик ташхис услуби, методининг педагогика фани ривожининг ҳозирги даражаси ва амалиётига мос келиши;

5) ўқитувчи фаолияти ва шахсини ўрганишнинг тизимлилиги ва узлуксизлиги.

Келтирилган педагогик ташхис тамойиллари қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ҳар бир бўғинида ўзига хос амал қилади. Жумладан, педагогик ташхиснинг мақсадга қаратилганлиги уни ташкил қилиш шакл, метод ва воситаларининг доимий бир-бирига мос кели-шини охирги натижа – ўқитувчи касбий эҳтиёжини қаноатлантириш ҳамда ўқув-тарбия жараёнининг сезиларли такомиллашувига олиб келиши билан белгиланади. Унинг натижаларини ҳар бир ўқитувчи



фаолиятини ташкил қилишда фойдаланиш малакасини оширишнинг шакл, метод, муддатлари, мазмун, моҳиятини ўқитувчиларнинг якка, жамоавий, тажриба, фан, ижтимоий йўналиши ва маълумот даражасига мос келиши асосида ташкил қилишни тақозо қилади. Чунки педагогик ташхис ўз-ўзича, мақсадсиз олиб борилмаслиги лозим. Унинг натижалари чуқур таҳлил қилиниши, шу асосда ўқитувчи шахси ва фаолиятини ўзгартириш – коррекциялаш лозим бўлади. Шунинг учун педагогик ташхис натижаларини ўқитувчи фаолиятида ҳисобга олиш унинг муҳим принципларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, ҳар бир ўқитувчи фаолияти у ишлайдиган педагогик жамоа билан узвий боғлиқликда амалга ошади. Бу ўзаро алоқадорлик кучли таъсирга эга бўлиб, ҳар бир ўқитувчининг индивидуал иш услубига таъсир кўрсатади. Педагогик жамоанинг ривожланганлик даражасига қараб, ҳар бир ўқитувчига педагогик ташхиснинг таъсири ҳам турлича бўлади. Маънавий, ахлоқий, руҳий жипслашган педагогик жамоада ўқитувчи ўзини бошқача тутади, таълим-тарбияси тарқоқ, ягона мақсад асосида бирлашмаган жамоа ўқитувчи шахси ва касбий фаолиятига салбий таъсир қилади. Шунга қараб жамоанинг алоҳида ўқитувчиларга таъсири ҳам унинг ижодий ривожланишига тезлаш-тирувчи ёки секинлаштирувчи таъсир кўрсатиши мумкин. Ҳар қандай шароитда ҳам ўқитувчи педагогик фаолиятини ташхис қилишда у ишлайдиган муҳит таъсирини ҳисобга олиш ва унга яхлитликда қараш лозим.

Педагогик ташхиснинг **аниқлик ва ишончлилик** талаби, унда қўлланиладиган метод, восита, тадбирларнинг илмий асосланганлигида намоён бўлади. Эскирган, талабга жавоб бермайдиган метод, воситалар, ҳозирги замон педагогик амалиётига мос келмайдиганлари кутилган натижани бермайди.

Нотўғри асосда амалга оширилган педагогик ташхис тузатиб бўлмас хатоларга олиб келиши, ўқув-тарбия жараёнини издан чиқариши мумкин. Ўқитувчига эса жисмоний, руҳий зарба бериши, қатор касбий мувофиқсизликни келтириб чиқариши мумкин. Педагогик ташхиснинг ҳозирги замон фани ривожланиши ва педагогик амалиётга мос келиши мақсадга эришишни осонлаштиради.

Педагогик ташхиснинг тизимлилик ва узлуксизлик принципи педагогик жараён ва ўқитувчи фаолиятини мунтазам, доимий ўрганишни, уларнинг ижтимоий, касбий сифатларини мунтазам ташхис қилишни ва уларнинг педагогик ахлоқи, касбига мослигини доимий таҳлил қилишни тақозо қилади. Педагогик ташхиснинг тизимлилиги, унинг узлуксизлиги ва ҳар бир бўғиннинг ўзаро алоқадорлиги, умумий тизимда вазифаси, ўрнини белгилашга қаратилиши билан белгиланади.

Педагогик ташхисни шу талаб ва тамойиллар асосида амалга ошириш уни ўқитувчи шахси ва касбини узлуксиз такомиллашувига замин ҳозирлайди.

Педагогик ташхис маълум принциплар асосида ташкил қилиниши билан бирга маълум восита ва методларга ҳам асосланади. Педагогик ташхис педагогик жамоа ва якка ўқитувчи фаолиятини ўргатиш жараёни сифатида мураккаб ва кўп босқичли ҳисобланади. Ҳар бир жараённи ўрганиш метод ва методикаси унинг характеридан келиб чиқади. Педагогик жараён ва ўқитувчи шахси ва фаолиятини ўрганишга йўналтирилган ташхис ҳам кўп қатламли, икки босқичли тузилишга эга.

Биринчи босқич эмпирик характерда бўлиб, жараён ҳақида ахборот тўплашдан иборат. Бу босқичда олинган маълумотларни ўқитувчи шахси ва фаолияти билан қиёслаш (идентификация)дан бошланади. Бу кузатиладиган объектнинг маълум характерли хусусиятларини билиш демакдир.

Иккинчи босқич, олинган маълумотларга ишлов берилиб, ўрганилаётган объект моҳиятини билиш ва олинган маълумотларни амалиёт билан қиёслаш, ўқитувчи шахси сифатлари ва фаолияти тузилишига зарур ўзгартиришлар киритиш режасини ишлаб чиқишдан иборат.

Педагогик ташхиснинг босқичларини эътиборга олган ҳолда ҳар бирига мос келувчи ташхис методларини ишлаб чиқиш зарур. Педагогик ташхиснинг эмпирик босқичида кенг равишда кузатиш, яккама-якка суҳбат, интервью, сўров, тажриба кабилар қўлланилиши мумкин. Ҳозирги вақтда ўқитувчилар ўртасида кенг қўлланиб келаётган тестлар ҳам дастлабки босқичда муҳим роль ўйнайди. Бунда тестларнинг педагоглар малакасини ошириш жараёнига мослигига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ҳозирги амалиётдаги педагогик ва психологик тестлар икки хил бўлиб, биринчиси анкета, саволлар (Q тест шакллари), ўқитувчининг шахсий сифатларига ўзи баҳо бериши тарзида бўлиб, унинг шахсий сифатларини аниқлашга қаратилган бўлади. Булар ёрдамида ўқитувчининг педагогик жамоадаги ўрнини социометрик методика билан, ёки унинг касбий мувофиқлик даражасини аниқловчи (ситуатив тестлар, тестларнинг натижаси) тестлар кўп қўлланилади. Иккинчиси, объектив тестлар (Т-типида) бўлиб, ўқитувчи шахсий сифатларини ёпиқ, номаълум синашлар орқали аниқлашга йўналтирилган.

Буларга қобилият, идрок, фикрни аниқлаш ва лойиҳавий тестлар киради. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, тестлар асосида педагогик жараён ва ўқитувчи фаолияти ҳақида бевосита маълумот олинади. Тестларнинг натижалари кўп жиҳатдан уларнинг назарий,



гоявий асоси ҳамда уларни тузувчиларнинг савияси ва йўналганлиги билан белгиланади. Бундан ташқари тестларнинг натижаларини шарҳлаш ҳам ўта жиддий ва нозик масала ҳисобланади. Шунинг учун унинг натижаларига ишлов бериш ва ундан фойдаланиш фақат билувчи-тушунувчи киши томонидан амалга оширилиши лозим.

Педагогик ташхис қўйиш жараёнида тест методикаларидан фойдаланишда яна бир муҳим жиҳатига эътиборни қаратиш лозим. Бу ҳам бўлса ҳар қандай тест объект билан бевосита алоқадорликда амалга оширилади. Бунда маълум қарорни қабул қилиш ёки фикрни баён қилиш, инкор қилиш тизими респондентга таклиф қилинади, бу тест методикалари таъсирчанлигига салбий таъсир қилиши мумкин.

Шу асосда тест ўтказилгандан сўнг «калит» ёрдамида жавоб аниқланади, сўнг у таҳлил қилинади ва ишлов берилади. Бунда тест педагогик ташхис инструменти сифатида ўқитувчи билиш объектига айланиб, унинг яхлит сифат ва хусусиятларининг аввалги ҳолатига маълум ўзгаришлар киритади. Бунинг натижасида ташхис маълум хатоликка олиб келиши мумкин. Тест методикалари, натижаларига чуқур педагогик ва психологик таҳлил, математик ишлов берилиши шарт. Демак, педагогик ташхисда тест методикаларидан фойдаланиш, унинг натижаларини таҳлил қилиш, ёки бошқа усул ва методлар асосида тўлдирилиш ўта эҳтиёткорликни талаб қилади.

Келтирилган тест методикалари педагогик ташхис учун ягона эмас. Улар билан бир қаторда шу соҳани билувчи экспертлар гуруҳи L-тип тест иштирокини ҳам назарда тутмоғи керак. Бундай шароитда ташхис бевосита объектга таъсир қилиб, уни ўзгартирмасдан «ташқи кузатувчи» (эксперт) вазифасини бажаради. Бундан ташқари эксперт методлари (аввалги якка-алоҳида ташхисни амалга оширувчиси эмас) талаб қилиш характерга эга бўлиб, кўпчилик тажрибасининг натижалари анча ишонарли ва педагогнинг ҳақиқий ҳолатини тўғри тавсифлайди. Ўз вақтида Америка психологи Э. Торндайк айтганидек, об-ҳаво ҳарорати ҳақидаги йигирма нафар эксперт баҳосининг аниқлиги термометрнинг ўртача кўрсаткичига тенг, яъни экспертлар фикри умумлаштирилиб, ўртача қиймат асос қилиб олиниши керак.

Педагогик ташхисда муҳим жиҳатлардан бири ўрганилаётган педагогик ҳодиса табиатига мос метод ёки методика танлашдир. Ҳар қандай эзгу-ниятлар ҳам тўғри танланмаган методика таъсирида барбод бўлиши, кутилган натижани бермаслиги мумкин. Педагогик ташхис методлар тарзида бўлиши ҳам мумкин: кузатиш; ўз-ўзини кузатиш; таққослаш; таҳлил; олинган натижаларни изоҳлаш-шарҳлаш; сўров (анкета); оғзаки сўров; интервью ва б.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, педагогиканинг илмий тадқиқот методларининг ҳаммаси ҳам ташхислик характерга эга. Улар педагогик жараён, ҳодиса ва воқеалар, педагогик жараён субъектларининг у ёки бу жиҳати ҳақида маълумот беради, унга ташхис қўяди, яъни билиш, англаш, таҳлил қилишга материал беради. Тадқиқот методологияси ва методикаси яхлитликда – у ёки бу метод, оддий ахборот берувчи, ёки ташхислик вазифани бажаради. Гап тадқиқот мақсадига мувофиқ методлар тизимидан методикани шакллантириш ва ундан қайси мақсадда фойдаланишни аниқлашдан иборат.

Педагогик ташхис методи сифатида рейтинг ҳам муваффақиятли қўлланилиши мумкин. Рейтинг – педагогик ташхис методи сифатида компетентли ҳакамлар фикрига асосланади. Рейтинг ёрдамида педагогик ташхис объектини ўрганиш бевосита уни узоқ йиллар кузатиш, шу соҳада ишлайдиган инсонлар томонидан баҳо беришига асосланади. Педагогик жараёнининг айрим жиҳатлари ҳамда ўқитувчи шахсий сифатлари, унинг касбий билим, кўникма ва малакасига баҳо беришда педагогиканинг бошқа фанлар билан боғлиқ жиҳатларини яхши биладиган мутахассислар гуруҳи орқали амалга оширилиши лозим. Эксперт гуруҳ таркибини маълум шарт-шароитларига риоя қилган ҳолда танлаш, ўрганиладиган объект хусусиятига мос ва унга доир юқори аниқликдаги маълумот олиш имкониятини беради. Экспертлар гуруҳи таркибини белгилашда уларнинг бир қатор хусусиятларига эътибор бериш керак. Чунончи, экспертлар ташхис қилинадиган объектни билиши, педагогик воқеа-ҳодисалар, ўқитувчига холисона баҳо бера олиши, бу борадаги иш тажрибасига эга бўлиши, мезонларга риоя қилиши зарур. Шунингдек, ўқитувчиларнинг ўзларини эксперт тарзида бу жараёнга жалб қилиш ҳам анча фойдали бўлади. Бундай ҳолатларда эксперт тарзида ўқитувчи ўзининг касбий фаолиятини ўрганиб, ижобий тажриба тўплайди, ҳамкасблари фаолиятини чуқур таҳлил қилиш эса, ўз фаолиятини ўзи таҳлил қилиши, ўзига баҳо беришига асос бўла олади.

Тажрибалар кўрсатишича, эксперт сифатида педагогик ташхис жараёнида иштирок этиш, ўз-ўзини ташхис қилишига замин яратгандагина умумий ижобий натижа бериши мумкин. Ташқи кузатувчилик фаолияти ички (ўз-ўзини) ташхисга айланганда ҳар иккала томон учун фойдали бўлади.

Педагогик ташхис жараёнида эксперт сифатида иштирок этаётган ўқитувчи ўзига ўзи савол беради:

- «Мана шу фаолият турини мен ўзим қандай бажараман?»;
- «Қайси биримиз буни мукаммал ва тўла ижро эта оламиз?»;
- «Қандай қилиб ҳамкасбим бундай натижага эришди?»;



- «Унинг фаолиятидаги педагогик қийинчиликка нима сабаб бўлган, ўз вазифасини яхши бажаришига нима халақит беради?»

Шу асосда педагог ўз тажрибасини бошқаларники билан қиёслаб, педагогик меҳнати моҳиятини англайди, ижобий тажрибани тўла таҳлил қилади, ўрганади ва ижобий тажрибани ўзининг кундалик меҳнат жараёнига кўчиради, хато ва камчиликларнинг олдини олади.

Бундан ташқари фаолиятига баҳо берилаётган ўқитувчи ҳам ўз ҳамкасблари фикри асосида, ўз фаолияти ҳақида жиддий, ижобий манфаат кўради. Ҳамкасблар фикри субъектив бўлишига қарамай, кўп марта такрорланиши ва аниқ ўртача даражадаги ўқитувчининг педагогик жамоага «ойнаси орқали» ўзига қараши, унга ўзининг «Мен»ига бошқа киши «кўзи билан» қараш имкониятини беради. Бу эса ўзи, шахси ва фаолиятини иш жойидаги ҳамкасблари томонидан қандай қабул қилинганлигини англатади. Ўзининг ҳозирги (актуал) ва рефлексив «Мен»ини таққослаш имконини беради. Экспертларнинг илмий асосланган ташхисий таҳлили натижасида ўқитувчига умумлашган баҳо берилади. Ўқитувчига қўйиладиган давлат талаби асосида берилган бу баҳо орқали, унинг индивидуаллаштирилган норматив ядроси мазмуни аниқланади. Норматив ядро стандарт-эталон бўлиб, унда ўқитувчи фаолиятининг қирралари ўз ифодасини топган бўлади. Бундай таққослашни нафақат алоҳида ўқитувчи билан, балки маълум педагогик жамоада ҳам қўллаш мумкин.

Педагогик ташхис учун мезон – меъёр бўлиб ҳукуматнинг келтирилган қарорида белгиланган қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйилган талаблари асос бўла олади. Ўз навбатида мазкур ҳужжатда белгиланган умумий талаблар ҳар бир фан ўқитувчиси, ҳар бир соҳа мураббийлари ва раҳбарлари учун Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ўқитувчиларнинг тоифалари доирасида даражаланиши (М.С. Яҳёев), айнан шу тоифага касбий мувофиқлиги ташхисланиши лозим.

**Мавзуни мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар:**

1. Малакасини ошириш жараёнини технологиялаштиришнинг илмий-методик асослари нимада?
2. Малакасини ошириш жараёнига қўлланиладиган таъсирчан технологияларни айтиб беринг.
3. Масофавий таълимнинг қулайлиги нимада?
4. Масофавий таълимнинг педагогик асосларини изоҳланг.
5. Педагогик ташхиснинг қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда қўллашнинг аҳамияти нимада?

6. Педагогик ташхис меъёрлари нима асосида танланади?
7. Ўз фаолиятингизни мунтазам таҳлил қилиб борасизми?

**Мавзу юзасидан тавсия этилган адабиётлар:**


1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. -2008. -176 б.
2. Адизов Б.Р. Организационно-педагогические условия совершенствования системы повышения квалификации учителей начальных классов. Автор.: канд. дисс. –Т.:1990. -17 с.
3. Аминов А.Х. Халқ таълими ходимлари малака ошириш тизимини такомиллаштиришнинг ташкилий-педагогик асослари. – Самарқанд,2001. -99 б.
4. Александрова И.Ф. Специфика, методы и средства активизации учебного процесса в системе повышения квалификации. – М.: Знание,1975. -56 с.
5. Ананьев Б.Г. Интеллектуальное развитие взрослых людей как характеристика обучаемости // Советская педагогика. -1969, №10. 48-57 с.
6. Вершловский С.Г. Социально-педагогические и психологические вопросы повышения квалификации педагогических кадров. -М.: АПН СССР,1984. -50 с.
7. Гулбоев А.Т. Педагогик ташхис воситасида ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириш.-Т.: Фан ва технология, 2009. -112 б.
8. Елканов С.Б. Профессиональное самовоспитание учителя.–М.: Просвещение, 1986. -143 с.
9. Загвязинский В.И. Педагогическое творчество учителя. –М.: Просвещение, 1987. -160 с.
10. Зарипов К.З. Педагогическая диагностика в системе непрерывного повышения квалификации учителей: Методические рекомендации //Под. ред. А.Е. Марона. –Л.: НИИ ООВ АПН СССР, 1989. -39 с.
11. Зарипов К.З. Научно-техническая революция: образование и повышение квалификации учителей. –Т.: Фан, 1979. -123 б.
12. Ибрагимов Х.И., Зарипов К.З. Узлуксиз таълим: бошқариш, ички назорат назарий асослари, шакл, методлари ва технологияси. –Т.: Фан, 2005. -334 б.
13. Йўлдошев Ж.Ғ. Узлуксиз таълим: Малака ошириш муаммолари ва ечимлари. –Т.: Ўқитувчи, 1975. -98 б.
14. Йўлдошев Ж.Ғ. Малака оширишнинг назарий ва методологик асослари. –Т.: Ўқитувчи, 1998. -208 б.





15. Кузьмина Н.В. Очерки психологии труда учителя. –Л.: ЛГУ,1967. -124 с.
16. Кулюткин Ю.Н. Психология обучения взрослых. –М.: Педагогика, 1985. -128 с.
17. Мардонов Ш.Қ. Янги таълимий қадриятлар асосида педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш. –Т.: Фан, 2006. -232 б.
18. Мардонов Ш.К. Подготовка и повышение квалификации педагогических кадров. Тошкент: Фан ва технология, 2008. -128 с.
19. Нуриддинов Б.С., Абдукудусов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муаммолари. –Т.: 2001. -114 б.
20. Обидов Қ.Қ. Педагогларнинг узлуксиз малакасини ошириш жараёнида фаолият мотивлари ва шахсий сифатларининг ўрни. –Т.: Фан, 2008. -100 б.
21. Основы педагогического мастерства // Под. ред. И.А. Зязюна. –М.: Просвещение, 1989. -302 с.
22. Очилов М. Муаллим – қалб меъмори. –Т.: Ўқитувчи, 2001. -431 б.
23. Сластенин В.А. Формирование личности учителя советской школы в процессе профессиональной подготовки. –М.: Просвещение, 1976. -160 с.
24. Содиқов А. Малакадаги тингловчи: машғулотдан нима олади, кейинги фаолияти қандай таҳлил қилинади? // Маърифат газетаси, 2009 йил, 10 октябрь.
25. Яҳёев М.С. Ўқитувчиларга қўйиладиган малакавий талаблар даражаланадими? // Маърифат газетаси, 2009 йил, 16 сентябрь.

Олтинчи бўлим

# ПЕДАГОГЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИНГ УЗВИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ТАЪСИРЧАН ШАКЛЛАР

**Режа:**

1. Педагогик жамоада малакасини оширишни тўғри ташкил қилиш унинг узвийлигини таъминловчи восита.
2. Илғор тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва ўзаро муҳокама қилиш – малакасини ошириш шакли сифатида.
3. Мустақил билим олиш – малакасини оширишнинг энг самарали шакли.
4. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг мазмуни, шакллари ҳамда таснифи.
5. Ўқув юртида қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни комплекс ривожлантириш унинг узвийлигини таъминловчи муҳим омил.

**Мавзунинг мақсад ва вазифалари:**
Мазкур мавзунинг мақсади педагогик жамоада малакасини оширишни тўғри ташкил қилиш унинг узвийлигини таъминловчи восита эканлигини кўрсатиб бериш ҳамда илғор тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва ўзаро муҳокама қилиш – малакасини оширишнинг муҳим шаклларидан эканини таъкидлаш, шунингдек, малакасини оширишнинг мазмуни, шаклларини таснифлаш орқали мустақил билим олиш – малакасини оширишнинг энг самарали шакли эканини кўрсатиб беришдан иборат.

**Таянч сўз ва иборалар**: илғор тажрибалар, ўрганиш, умумлаштириш, мустақил таълим, мустақил билим олиш, самарали шакл, профессионал тренинг, ДТС талаблари, ўқув режалари, мактаб методик кенгаши ва фан уюшмалари, педагоглар аттестацияси, фан ютуқлари, педагогик инновациялар, "устоз – шогирд" муносабатлари, педагогик ўқишлар, "илғор педагог", "ижодкор ўқитувчи", "новатор педагог", истиқболли режа.

## 6.1. Педагогик жамоада малакасини оширишни тўғри ташкил қилиш унинг узвийлигини таъминловчи восита

Мамлакатимиз таълим тизимини ислоҳ қилишнинг сиёсий-ҳуқуқий ва методологик асоси - "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да таълим-тарбия ва ёшларга касб-ҳунар ўргатишни жаҳон андозалари



даражасига кўтариш орқали юртимизнинг жадал ривожланишини таъминлаш мумкинлиги алоҳида таъкидланган. Дастурда белгиланган тарихий вазифаларни қайта татбиқ қилишда асосий ҳал қилувчи шахс - педагоглар ҳисобланади. Шунинг учун уларнинг педагогик маҳоратини оширишислоҳотнинг долзарб масалаларидан биридир. Шуларни назарда тутиб "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да ўқитувчилар тайёрлаш жараёнини илмий жиҳатдан асослаш мақсадида "профессионал тренинг, илғор технология ва ускуналарини, шунингдек, мураккаб фан ютуқларини талаб қилувчи технологик жараёнлар имитаторларини ишлаб чиқиш, яратиш ва амалий ўзлаштириб олиш" вазифаси қўйилган [11, 51].

Таълим ислоҳоти талабларини амалга ошириш мақсадида ўқув юртларида узлуксиз методик хизмат тизими жорий қилинди. Мазкур тизимга Республика таълим маркази, вилоят ва туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари қошидаги методик кабинетлари ва улар қошидаги методик кенгашлари киради. Шу билан бирга туман, шаҳар фан методик уюшмалари ҳамда умумий ўрта таълим мактаблари фан методик бирлашмалари, туман, шаҳар халқ таълими бўлими қошидаги методик кабинети кутубхонаси ҳам педагогларга илмий-методик хизмат тизимининг муҳим бўғини ҳисобланади. Туман, шаҳар методик кабинетлари қошида таянч мактаблари ташкил қилинди.

Келтирилган методик хизмат тизими умумий ўрта таълим мактабларининг педагог ходимларининг ўқув-методик ишларини ташкил этиш, ДТС талабларининг бажарилишини таъминлаш учун илмий-методик ёрдам кўрсатади. Шу билан бирга ижодкор ўқитувчилар уюшмасини ташкил этиш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларини режалаштиради ҳамда қайта тайёрлаш ишлари даврийлигини таъминлашга кўмаклашади. Шу билан бирга улар таълим-тарбия жараёнида илғор педагогик ва ахборот технологияларни қўллаш борасида ҳам кенг кўламли ишларни амалга оширади.

Қайд қилиш керакки, келтирилган методик хизмат тизимининг бир маромда ишлаши учун керакли меъёрий ҳужжатларни Республика Халқ таълими вазирлиги ишлаб чиққан. Мазкур тизим учун асос бўлиб умумий ўрта таълим мактаблари методик кенгашлари ва фан уюшмалари ҳисобланади. Чунки қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар, қарорлар бевосита таълим-тарбия жараёнига ўқув муассасасида амалга ошади, реал воқеликка айланиб, ўзгартирувчи, ривожлантирувчи кучга айланади. Шунинг учун биз кўпроқ умумий ўрта таълим мактаблари доирасида амалга ошириладиган малакасини ошириш ишларига тўхталамиз.

Мусатақил Ватанимиз тараққиётининг кўлами кўп жиҳатдан таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилишга боғлик. Бунда эса педагог-ларнинг умумий савияси ва касбий маҳорати муҳим ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Бу ўз навбатида, педагогларнинг камолотига ёрдам берадиган имкониятлардан кенг фойдаланишни тақозо этади. Уларнинг касбий камолотида умумий ўрта таълим мактаблари доирасида амалга ошириладиган тадбирлар муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун энг аввало умумий ўрта таълим мактабларидаги ўқув-тарбия жараёни имкониятларидан ўринли фойдаланиш лозим.

Мактабдаги барча методик ишларга раҳбарлик қилувчи орган – Методик кенгашидир. Методик кенгаши умуммактаб илмий-методик мавзуси бўйича ҳамма методик ишлар йўналишини белгилайди.

Умумий ўрта таълим мактаблари "Методик кенгашининг фаолияти Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш мақса-дида таълим муассасасида таълим жараёнини методик жиҳатдан таъминлаш ва мувофиқлаштириш ҳамда педагог кадрларнинг методик жиҳатдан билимини ошириб боришга қаратилган", - дейилади унинг Низомида [22-23]. Мазкур Низомда унинг вазифалари қуйидагича белгиланган:

– таълим жараёнининг методик таъминотини ўрганади, мактабда методик ишларни ташкил этади ва ўзаро мувофиқлаштиради;

– фан метод бирлашмаларига умумий раҳбарлик қилади, таълимга доир меъёрий ва методик ҳужжатларни ўрганади ва уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш йўллари бўйича тавсиялар беради;

– ўқитувчилар билим даражасини ошириш, уларни фан ютуқлари, педагогик инновациялар, илмий-оммабоп адабиётлар билан мунтазам таништириб боради;

– таълим жараёнида илғор педагогик технологияларни қўллаш ишларини ташкил этади;

– ДТС талаблари, ўқув режалари бажарилишини таҳлил қилади, бу борадаги камчиликларни бартараф этиш чораларини белгилайди;

– ўқитувчилар педагогик маҳоратини ошириш учун турли илмий-амалий тадбирлар ташкил этади;

– ўқувчилар билимини назорат қилиш ва мустақил ишларини ташкил қилишга раҳбарлик қилади;

– самарали ишлаган ўқитувчилар меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришга тавсиялар беради;

– педагоглар аттестациясини ўтказиш бўйича материалларни тайёрлайди;

– умумий ўрта таълим мактаби доирасида фан ойликлари (ҳафталиклари), фанлар бўйича синфдан ташқари (факультатив,



тўгарак) ишлар, фан олимпиадалари, кўрик-танловлар ўтказади ва уларнинг самарасини назорат қилиб боради.

Методик кенгаш таркибига мактаб директорининг ўқув (методик) ишлари бўйича ўринбосари ва фан метод бирлашмалари раҳбарлари киради. Кенгашга мактаб директорининг ўқув (методик) ишлари бўйича ўринбосари раислик қилади.

Методик кенгашнинг йиллик иш режаси фан метод бирлашмалари тавсия қилинган методик мавзулар асосида тузилади ва уни туман ХТБ қошидаги методик кенгаши маъқуллайди. Унинг йиғилишлари камида икки ойда бир марта ўтказилиб, кўрилган масалалар бўйича қарор қабул қилинади, йиғилиш баённомаси махсус дафтарда қайд қилиб борилади.

Умумий ўрта таълим мактаблари методик кенгашлари унда ташкил қилинадиган фан методик бирлашмаларига таяниб иш кўради. Умумий ўрта таълим мактабларида бошланғич синфлар бўйича алоҳида ва 5-9-синф фанлари бўйича фан методик бирлашмалари ташкил қилинади. Мазкур фан бирлашмалари ўқув фанларини ўқитишга доир меъёрий ва методик ҳужжатларни ўрганади ва ўқув жараёнига татбиқ этиш усулларини белгилайди. Фанлар бўйича тақвимий-мавзу режа-ларини тасдиқлашга тавсия қилади. Фан ўқитувчилари томонидан тав-сия қилинадиган оралиқ ва якуний назорат синовларини тасдиқлайди.

Илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибасини ўрганади ва омма-лаштиради. Шу билан бирга ДТС талаблари, ўқув режалари, дастур-ларининг бажарилишини таъминлашга доир методик ёрдам кўрсатади.

Фанлар бўйича тавсия этилган муқобил дарсликларни муҳокама қилади ва улардан сифатлисини танлаб, фан ўқитувчиларига қўллаш учун тавсия қилади.

Ўқитувчиларнинг чуқур билим олишларига кўмаклашувчи технологияларни таълим жараёнида қўллаш ишларига бошчилик қилади. Фан хоналарини меъёрий ҳужжатлар асосида жиҳозланишини ташкил этади.

Ўқитувчиларнинг мустақил билим олишларини назорат қилади ва тегишли методик ёрдам кўрсатади.

ДТС талабларини муваффақиятли бажарган, самарали меҳнат қилган ўқитувчиларни маънавий ва моддий рағбатлантиришга тав-сиялар киритади. Фанлар бўйича мактаб доирасида ҳафталиклар, фан олимпиадаларининг дастлабки босқичи, кўрик-танловларни ташкил этади. Демак, узлуксиз методик хизмат кўрсатиш тизими педагогик жамоаларининг ўқитувчилар касбий маҳоратини оширишидаги масъу-лиятини анча оширади.

Таълим муассасасининг педагоглар касбий маҳоратини такомил-лаштиришда имкониятлари ниҳоятда улкан. Аммо уларни ягона

мақсадга йўналтириш, улар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш таълим муассасаси раҳбарларидан чуқур билим ва тажрибани талаб қилади.

Педагог кадрлар касбий маҳоратини ошириш тизимида таъсирчанлиги ва уларга яқинлиги, вақт, куч, моддий ресурсларни иқтисод қилиши ҳамда бошқа жиҳатлардан қулайлиги билан ажралиб турадигани – бу ўз иш жойлари, яъни таълим муассасасида малакасини оширишдир.

Таълим муассасасида педагогларнинг малакасини ошириш ўзида қуйидагиларни қамраб олади: педагогик ва методик кенгашлари; илмий-амалий семинар, конференциялар; илғор педагоглар, олимлар билан учрашувлар; педагогик ўқишлар; фан метод бирлашмаси ишлари; илғор тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш; дарсларга кириш ва таҳлил қилиш; очиқ кўргазмали дарс; танловлар, чет эллар билан ҳамкорлик; компьютер ва ахборот, ахборот-техник воситалар орқали билим, тажриба ўрганиш ва масофадан малакасини ошириш, мактаб раҳбарларининг педагоглар билан якка ва жамоавий методик ёрдамлари, "Устоз – шогирд" – мураббийлик, ижодий таътил, илмий, илмий-методик анжуманлар, анъанавий август кенгашлари, "Педагогик ўқишларда" маъруза билан иштирок этиш ва ҳоказолар (6.1.1-чизмага қаранг).

"Устоз – шогирд"– мураббийлик асосида малакасини ошириш мумкин, ўқув юртида кўп йиллар ишлаган, тажрибали, таълим-тарбиянинг ўзига хос илғор усулларини ишлаб чиққан педагогларга ёш ўқитувчиларни бириктириш мумкин.

Бундан ташқари, "Устоз–шогирд" тарзида малакасини ошириш - мамлакатда (минтақада), илмий ва педагогик жамоатчилик ўртасида ўзининг юқори натижалари, касбий фаолиятининг юқори кўрсаткичлари, ўз илмий мактабига эга бўлган устоз раҳбарлигида фан бўйича мақсадли малакасини ошириш тушунилади.

Бу малакасини оширишнинг индивидуал тури бўлиб, унда педагог-устоз малакасини ошириш дастури мазмунини Давлат талаблари, ўқитувчининг таълим муассасасидаги касбий фаолиятининг ички аттестацияси талаблари асосида белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорида малакасини оширишнинг "устоз-шогирд" методидан ташқари "ижодий таътил" шаклининг ҳам муҳимлиги таъкидланади. Ижодий таътил педагогга педагогик кенгаш қарори билан берилиб, у янги дарслик, ўқув қўлланма ёзиш, замонавий ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва ўқув-тарбия



жараёнига жорий этиши учун берилади. Шунингдек, ўқитувчи номзодлик диссертацияси, китоб-монография устида ишлаётганида ҳам бериладиган малакасини ошириш шакли ҳисобланади. Жумладан, келтирилган ҳукумат қарорида педагогик жамоада малакасини ошириш шакл сифатида очиқ ўқув машғулотлари, замонавий педагогик ва ахборот технологиялари, ўқитишнинг интерфаол методлари асосида ташкил қилиш тарзида бўлиши мумкинлиги кўрсатилган. Бундай машғулотларга етук олим, тажрибали педагоглар таклиф этилади. Ушбу машғулотнинг сифати таълим муассасаси илмий-методик ёки педагогик кенгашида муҳокама қилиниб, баҳоланади. Шунингдек, илмий, илмий-методик семинар, конференциялар, педагогик ўқиш ва август кенгашларида таълим-тарбия, уни технологиялаштиришга бағишланган долзарб мавзуларда қилинган маъруза ҳам малакасини ошириш тарзида эътироф этилиши мумкин. Маълум мавзулар бўйича тадқиқот натижаларини эълон қилиш учун қилинган маърузалар, уларнинг тезислари ҳам шундай аҳамиятга эга бўла олади. Ўқитувчининг йирик илмий анжуманларда маъруза билан чиқиши, ўз тажрибаси билан ўртоқлашиши, унга таълим-тарбиянинг замонавий хусусиятлари ва технологияларини эгаллашига асос бўлади.

Бу тизимнинг кўп қирралилиги педагог касбининг мураккаб ва жамиятда муҳим ижтимоий аҳамиятга моликлигидан далолат беради.

Ўқув муассасаси педагоглари малакасини ошириш тизимида таъсирчанлиги ва узоқ вақтлардан бери ўқитувчиларга илмий-методик ёрдам беришда яқинлиги билан ажралиб турадиганлардан яна бири - махсус фанларнинг методик бирлашмаларидир.

Метод бирлашмаларда педагогларга ёрдам сифатида илғор педагогик тажрибалар умумлаштирилади, педагоглар, тарбиячилар, синф раҳбарларига фаол ёрдам берувчи махсус методик кутубхоналар ташкил қилинади.

Фан метод бирлашмалари педагоглар малакасини оширишнинг жамоавий шакли сифатида шаклланган ва тизимлашгандир. Улар педагогларнинг ғоявий-сиёсий ва касбий тайёргарлигини ошириш, таълим-тарбиянинг илғор метод ва шакллари, энг илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибасини ўрганиш, фан ютуқлари, илмий-оммабоп, педагогик, технологик адабиётлар билан мунтазам танишиб бориш, ўқув режалари ва дастурларнинг бажарилишини таъминлаш, мураккаб мавзуларни ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш каби муаммолар билан шуғулланади.

Фан методик бирлашмаси раҳбарлари таълим муассасасининг истиқболли ва йиллик иш режаларини тузишда фаол иштирок этишлари керак. Йиллик иш режага улар умумий ўрта таълим мактабида

малакасини ошириш масалаларининг етарли ўрин олишини таъминлашлари, таклиф ва мулоҳазалар билан иштирок этишлари лозим.

Демак, фан методик бирлашмалари ўз фаолиятларини йиллик иш режаси асосида ташкил этадилар. Умумий ўрта таълим мактабларнинг бу борадаги иш тажрибасини ўрганиш уларнинг иш режасида қуйидаги йўналишлар белгиловчи бўлиши мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатмоқда:

1. Ташкилий-педагогик масалалар.
2. Илғор тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш.
3. Очиқ-кўргазмали, дарс-танловлар, дарсларга ўзаро кириш ва таҳлил қилиш, синфдан ва мактабдан ташқари таълим-тарбиявий ишларни ташкил қилиш.
4. Дарсдан ташқари таълим-тарбиявий ишларни тематик режалаштириш ва методик ишлаб чиқиш.
5. Янги дастурларни тажриба-синовдан ўтказиш, мураккаб мавзуларни ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш.
6. Фан мавзулари бўйича кўргазмали қуроллар тайёрлаш.
7. Педагогларнинг даврий нашрларга обуна бўлишини ташкил қилиш ва улардан ўқув жараёнида фойдаланишнинг йўллари ва шаклларини ишлаб чиқиш.
8. Педагогларни компьютер, INTERNET, электрон-ахборот воситаларидан фойдаланиш йўл ва воситаларини ишлаб чиқиш.
9. Педагогларнинг мустақил билим олишларини ташкил қилиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш.

Фан методик бирлашмалари иш режасида белгиланган тадбирлар, унинг йиғилишларида кўрилиши лозим. Уларнинг йиғилишларида кўпчилик ўқув муассасалари учун умумий қуйидаги масалалар муҳокама қилиниши мумкин:

1. Ташкилий ишлар.
2. Маърузалар тинглаш ва уларнинг муҳокамаси.
3. Дарс ва дарсдан ташқари таълим-тарбия, касбга ўргатиш машғулотларига кириш ва таҳлил қилиш.
4. Янги ўқув дастурлари, ўқув қўлланма ва дарсликлар билан ишлаш.
5. Фан-техника, янги адабиётлар билан танишиш.
6. Имтиҳон, синов, ёзма ишлар матни ва саволлари, чипталарини тузиш ва муҳокама қилиш.
7. Фанлар бўйича давлат таълим стандартларини қўллаш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш.



8. Ўқув жараёнида янги педагогик технология, ахборот воситалари материалларини қўллаш.
9. Фанлар бўйича семинар, кенгаш, илмий-амалий конференция, педагогик ўқишларни, анъанавий январ, август кенгашларини тайёрлаш ва ўтказиш масалалари муҳокамаси.
10. Педагоглар мустақил ўқишини ташкил қилиш.

Методик бирлашма иши таъсирчан бўлиши учун унинг фаолиятини қатъий тартиб асосида ташкил қилиш лозим.

Ҳар бир йиғилишда кўпи билан 3-4 масала кўрилгани маъқул бўлади. Шулардан биттаси таълим-тарбия, касб-ҳунарга ўргатишнинг назарий-методологик муаммоси бўлса, қолганлари амалий масалалар: текшириш, ички назорат, дарс таҳлили, тажриба-синов натижалари муҳокамаси бўлиши мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, фан методик бирлашмалари ўз фаолиятларини тасдиқланган Низом ва йиллик иш режа асосида олиб борадилар. Иш режалари кўпинча бир ўқув йилига тузилади. Ўқув йилига мўлжалланган иш режаси умумий тузилиши бўйича турлича бўлиши мумкин. Уларнинг иш режасида мунтазамлик бўлиши учун ўтган ўқув йили иш якунлари билан боғлаш лозим. Шунинг учун режада қуйидагилар ўз аксини топиши шарт:

1. Ўтган ўқув йилидаги ишлар таҳлили.
2. Методик бирлашманинг ўқув йилидаги асосий мақсад ва вазифалари.
3. Белгиланган илмий-методик тадбирларни амалга ошириш йўллари.

Методик бирлашманинг йиғилишларини ўтказиш муддатлари 2 ойда камида бир марта, йиғилишларни ўтказиш даврийлигини белгилашда ҳар бир жой шароити, шаклланган иш тартибидан келиб чиқиш лозим.

Педагогик жамоада ўқитувчилар касбий маҳоратини оширишда ўзаро дарсларга кириш ва таҳлил қилиш ўта муҳим ҳисобланади. Чунки фан асосларини ўқитиш ёш авлодни ҳозирги замон фанларининг ютуқлари билан қуроллантиришга хизмат қилади. Шунга кўра дарс мактабдаги ўқув жараёнининг энг муҳим шакли бўлиши билан таълим-тарбия масалаларини ҳал қилишнинг амалий ва қулай шаклидир. Дарс ўз ичига ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини олади. Ўқитиш ишида унинг мақсади, мазмуни, усуллари, принциплари ва ташкилий шакллари биргаликда намоён бўлади. Бу эса дарснинг инсон шахсини шакллантиришдаги роли ва ўқувчининг фаоллиги, мустақиллиги ҳамда билимга қизиқишини оширади. Аммо дарс таълим-тарбиянинг ҳамма масалаларини ҳал қила олмайди. Дарснинг моҳияти ўқувчиларнинг

билиш фаолиятини ташкил этишдадир. Дарс ўқитувчи учун ўқувчиларга таълим бериш, уларни тарбиялаш ва камолотини бошқариш имкониятини беради. Шуни ҳисобга олиб фан-техника ва ижтимоий тараққиёт глобаллашган ҳозирги шароитда дарсларнинг таъсирчанлигини ошириш, уларни такомиллаштириш катта аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги дарс учта дидактик мақсад асосида ташкил қилиниши зарур. Булар дарснинг: таълимий, тарбиявий, ўқувчи шахсини камол топтириш вазифаларини биргаликда ҳал қилишдир. Дарсда ўқитувчи ҳар бир мавзуни ўтаётганда албатта билим беради. Бу билим ўқувчиларнинг дунё тўғрисидаги тасаввурларини кенгайтиради, уларни табиат, жамият, инсон ва унинг тафаккури қонуниятлари билан таништиради. Узоқ вақтлар давомида дидактикада русм бўлиб келган дарсга бир ёқлама ёндашув эндиликда мақсадга мувофиқ эмас, деб топилмоқда. Ҳозир ҳар бир дарс мазмундор, мантиқли, ўқувчиларда ахлоқий, эстетик, сиёсий қарашларни шакллантирадиган йўсинда ўтилиши зарур. Лекин дарснинг таълимий вазифасига путур етказиб, мақсадни амалга ошириш мумкин эмас.

Дарсда ўқувчи шахсини ривожлантириш учун аввало унинг идрокини, хотирасини кучайтириш асосида ўқув материалини мустаҳкам эсда сақлашини таъминлаш зарур. Шу билан бирга ўқувчининг диққатини, айниқса ихтиёрий диққатини, энг муҳими эмоционал ҳиссиётини – билимга, одамга муносабатини тарбиялаш муҳим саналади.

Дарснинг мақсадига эришиш учун ўқув материалини тўғри танлаш, бунда ўқувчиларнинг билим савиясини ҳисобга олиш ва дарсни жиҳозлашга жиддий эътибор бериш, ўқув материали ўқувчиларга тушунарли бўлиши учун таълимнинг метод ва усулларини ўринли танлаш ва қўллаш муҳимдир. Чунки таълим мақсадига тўғри метод танлаш орқали эришилади.

Ҳар бир фанни ўқитиш ўзига хос хусусиятларга эга, аммо дарснинг ҳамма фанлар учун умумий педагогик томонлари ҳам бўлади. Булар дарснинг асосий элементлари ҳисобланиб, ўзаро мутаносибликда ва муайян тартибда дарснинг тузилишини ташкил этади. Дарснинг тузилиши турлича бўлиши мумкин ва уни доимо бир анъанавий андоза билан ўтказиш мутлақо шарт эмас. Дарснинг тузилиши ўқув материалининг характери, ўқувчиларнинг билим савияси ва ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ. Дарс характерининг ҳар хиллиги унда асосий қисмлар бўлишини инкор қилмайди. Дарснинг қуйидаги асосий босқичлари мавжудлиги аниқланган:

1. Дарс мавзусини таърифлаш.
2. Дарснинг мақсадини тушунтириш.



3. Ўтган дарсда уйга берилган вазифани текшириш.
4. Янги материални баён қилиш ва ўқувчиларнинг мустақил ишлашини таъминлаш.
5. Ўтилган ўқув материалини такрорлаш ва уни машқ ёки амалий ишлар билан мустаҳкамлаш.
6. Ўрганилган материални суҳбат тарзида такрорлаш.
7. Ўқитувчилар билимини текшириш ва баҳолаш (дарс давомида такрорлаш ёки уй вазифасини текшириш пайтида ҳам амалга ошириш мумкин).
8. Уйга вазифа бериш ва уни тушунтириш.
9. Дарсни якунлаш.

Мана шу босқичлар ҳар бир дарсда айнан шу тартибда такрорланиши шарт эмас. Чунки ижодий ишлайдиган ўқитувчи буларни ўз тажрибаси билан тўлдириши, бойитиши ва дарснинг мақсади ҳамда вазифаларига кўра ўзгартириши ҳам мумкин.

Дарсларнинг ҳар хил (тип) турлари ҳам мавжуд бўлиб, қуйидагилардан иборатдир:

1. Аралаш дарс.
2. Янги билимлар бериш дарси.
3. Мустаҳкамлаш дарслари.
4. Умумлаштириш ва тизимлаштириш дарслари.
5. Кўникма ва малакаларни шакллантириш ва такомиллаштириш дарслари.
6. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини текшириш дарслари.

Булар орасида аралаш дарслар энг кўп қўлланади. Аралаш дарсда бир неча дидактик мақсад қўйилади. Бундай дарснинг тузилиши:

1. Ташкилий қисм.
2. Уй вазифаларини текшириш ва ўтган материални сўраш.
3. Янги материални баён қилиш.
4. Мустаҳкамлаш.
5. Уйга вазифа.

Ўқитувчи шароитни ҳисобга олиб ва ўқув материалнинг характерига қараб бу босқичларни ўзгартириши мумкин.

Дарс ўқитувчига жуда катта масъулият юклайди. Шунга кўра, дарсга атрофлича тайёрланиш тажрибали ўқитувчи учун ҳам, ёш ўқитувчи учун ҳам, зарур. Дарсга тайёргарлик кўриш махсус китоблар ва методик адабиётларни ўқиш, фан, дастур талабларини билиб олишдан бошланиши керак. Ўқитувчи ҳар бир дарсни аниқ режалаштириши, унинг умумий жиҳатларини аниқлагандан кейин конспектини тузиши лозим.

Ўқитувчи ўз вазифасини сифатли бажара олиши учун ўқувчилар шахсини ҳар томонлама ўрганиши шарт. Ўқувчи шахсини ўрганиш оддийгина тадбир эмас, балки таълим-тарбиядан кўзланган мақсадга эришишнинг энг муҳим йўлидир. Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнига жиддий ёндашиб, ўқувчилар билан ўзаро тўғри муносабатлар ўрната олиши керак. Шундагина у ўқув материали мазмуни, мақсади ва вазифалари, ўқитиш усуллари, ташкилий шакллари ҳамда дарс натижаларини ўзаро боғлашга эришади. Таълим жараёнининг бундай яхлит тизимини уни оптималлаштириш асосидагина яратиш мумкин. Оптималлаштириш ўқитувчи учун ижодий ишлаш, изланиш шароитини яратади ҳамда таълим-тарбиянинг таъсирчанлигини оширишга ёрдам беради.

Шу нуқтаи назардан педагогик таҳлил мактаб раҳбарлари ва ўқитувчиларнинг дарсларга кириши – оптималлаштириш усул, восита, метод ва мезонларини изчил ўрганишга ва ўқув жараёнини қайта қуриш, унга янгича ёндашишга хизмат қилиши лозим.

Дарслар турли мақсад ва йўналишларда кузатилади ҳамда таҳлил қилинади. Жумладан:

а) мактаб раҳбарлари дарсларни кузатишда таълим-тарбиянинг сифатини аниқлашни кўзда тутадилар ва уни бошқариш воситаси, деб карайдилар;

b) дарслар ўқитувчининг педагогик маҳоратини ошириш, унинг илғор иш усуллари ва методларини оммалаштириш мақсадида ҳам кузатилади ҳамда таҳлил қилинади;

c) ўқитувчилар ўзаро тажриба алмашиш учун ҳам бир-бирларининг дарсларини кузатадилар ва таҳлил қиладилар;

d) ўқувчиларнинг билим ва тарбияланганлик даражасини аниқлаш мақсадида ҳам дарсни кузатадилар;

е) илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш учун ҳам дарслар кузатилади ҳамда таҳлил қилинади ва ҳоказо.

Таҳлиллар кўзланган мақсадга кўра илмий-методик, дидактик ва умумпедагогик бўлиши мумкин. Амалда кўпинча умумпедагогик таҳлил тез-тез қўлланади. Таҳлил ўқитувчининг дарс турлари ва тузилишини тўғри танлагани, унинг босқичларини тўғри ташкил этгани, дарс самарадорлигини оширишга қандай таъсир қилганини аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Ўқув материалининг характерига қараб таълим методларини тўғри танлаш, 45 дақиқа вақтдан унумли фойдаланиш ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлиқдир. Дарс – мактаб раҳбари учун назоратнинг энг муҳим омили бўлиб, ўқитувчининг иш методини, ўқув жараёни босқичларини, ўқитувчиларнинг билимини аниқлашда унга ёрдам



беради. Мактаб раҳбарининг ўқитувчи дарсига бир неча марта кириш, унинг педагогик имкониятлари, ишлаш тизими тўғрисида, ўқувчилар камолоти ва ҳоказолар тўғрисида фикр юритиш имконини беради.

Қатор педагогик жамоалар, мактаб раҳбарлари ва ўқитувчиларнинг дарс таҳлили соҳасидаги ишларини ўрганиш бу борада айрим камчиликлар борлигини кўрсатди. Жумладан, дарсга яхлит тизим сифатида қаралмай, унинг умумий, бевосита кўринадиган ташқи жиҳатларига баҳо берилиши, дарс ҳақида юзаки мулоҳазалар юритилиши ва унда айрим методик усулларнинг ифодаланиши кабиларга баҳо берилишини шундай камчиликлар жумласига киритиш мумкин.

Кўпинча дарс таҳлили «ўқитувчи кўргазмали қуроллардан фойдаланди», «дидактик карточкаларни ишлатди» ва ҳоказолар айтилади-ю, аммо уларни нима мақсадда, қайси вазиятларда қўллангани, қанчалик муваффақиятли амалга оширгани ва вақтни тежашга эришгани, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган-олмагани тўғрисида фикр билдирилмайди.

Бундан ташқари яна бир жиддий камчилик - мактаб раҳбарлари ҳамда ўқитувчиларнинг ўзини ўзи таҳлил қилишга эътибор бермаслигидир. Шуни таъкидлаш лозимки, дарсни чуқур таҳлил қилмай, уни оптималлаштириш мумкин эмас.

Ўзини ўзи чуқур таҳлил қилиш мураккаб ақлий фаолиятнинг ютуқ ва камчиликларини аниқлаш ва нуқсонларни бартараф қилишга ишончни мустаҳкамлайди. Мактаб раҳбарлари дарс таҳлилининг усуллари, шакллари, босқичлари ва дастурларини ишлаб чиқиб, уни ўқитувчилар фаолиятига босқичма-босқич жорий этишлари керак.

Мактаб раҳбари ўқитувчининг дарсини таҳлил қилар экан, унинг дарс сифатини яхшилашдаги масъулиятини оширишни кўзлаши ва ҳар бир дарсга ўқувчиларда чуқур билим, ижобий фазилатларни шакллантириш воситаси сифатида қараши керак.

Мактаб раҳбари дарсларнинг таҳлили учун мезон сифатида ўқувчилар олган билимларнинг пухталигига эътибор бериши, дарсда вақтдан қандай фойдаланилганини аниқлаши, шунингдек, дарснинг мазмунига кўра таълимнинг шакллари, методлари ва принциплари тўғри танланганини кузатиши лозим.

Дарсларни таҳлил қилиш учун яна бир мезон ДТС ва ўқув дастурларидир. Чунки уларда ҳар бир фандан бериладиган билимнинг кўлами, мақсади, вазифалари, дарс самарадорлигини оширишга, фанлараро алоқа ва тарбиявий ишларга қўйиладиган талаблар баён қилинади. Ҳозирги вақтда таълим жараёни икки фаолият бирлигидан иборат эканлигини таъкидлаган эдик. Шуни ҳисобга олиб ўқитувчи болаларни ўқув материалини яхши ўзлаштиришга жалб қила олишига,

уларни мустақил фикрлашга ўргата билиши ва бошқа масалаларга алоҳида эътибор бериши дарс таҳлилига қўйиладиган жиддий талаблардир.

Ҳозирги фан-техника ривожи таълим жараёнига таъсир қилиб, уни муттасил такомиллаштиришни, ўқувчи ва ўқитувчи ишини фаоллаштиришни тақозо этаётир ва бу вазифаларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар ҳам яратмоқда.

Дарс ўқув жараёнининг жуда кўп таълим-тарбия масалаларини ҳал қилувчиси бўлганлиги учун унга тайёрланиш шарт. Бу тайёргарликнинг дастлабки омили махсус таҳлил дафтари тутишдир. Бу дафтарга дарснинг тўлиқ тафсилоти ёзиб борилади.

Педагогик жамоада ўқитувчилар маҳоратини ошириш тизимида ёш ўқитувчиларга методик ёрдам ҳам муҳим ҳисобланади. Мактаб раҳбарлари ишлаб чиқариш кенгашларида, педагогик ва методик кенгашларида мураббийларнинг ёш ўқитувчилар билан ишлаши ҳақидаги ҳисоботларини тинглаб борадилар. Ёш ўқитувчилар ўз малакаларини ошириш учун намунавий дарсларга кириб туришлари ва ўқув йили охиригача ўзлари ҳам намунавий дарслар ўтказишлари, рефератлар ёзишлари, айрим кенгашларда ёки метод бирлашмаларда илмий-методик маърузалари билан ҳисобот беришлари лозим.

Ёш ўқитувчига биринчи йил синф раҳбарлиги топширилмайди, уни синф раҳбарига ёрдамчи сифатида бириктириб қўйиш мумкин. Ёш ўқитувчилар билан турли мавзуларда кечалар, ижодкор, новатор, илғор фахрий ўқитувчилар билан учрашувлар ўтказиб туриш мақсадга мувофиқдир. Уларга ота-оналар билан суҳбатда бўлишлари учун маслаҳатлар уюштириш керак.

Мактабда «Ёш ўқитувчилар билан ишлаш методик кенгаши» тузилса, янада яхши бўлади. Кенгашни таълим-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари ёки тажрибали ўқитувчи бошқариши ҳам мумкин.

Ёш ўқитувчилар билан ишлашни нафақат битта мактаб доирасида амалга ошириш, балки ёш ўқитувчиларнинг мактаблараро слётларини уюштириб, уларга йўл-йўриқлар, маслаҳатлар бериб бориш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Мактаб раҳбарлари ёш ўқитувчилар билан тез-тез учрашиб уларнинг турли масалалар бўйича саволларига жавоб бериб туришлари зарур. Айниқса, мактабда ўзаро самимий муносабатлар ўрнатиб, ёш ўқитувчиларни бу касбнинг сир-синоатларидан хабардор қилиб боришлари лозим.



**Педагогик жамоада ўқитувчилар касб маҳоратини ошириш шакллари**

6.1.1-чизма




Демак, педагогик жамоанинг ўқитувчилар касбий маҳоратини оширишида кенг имкониятлари мавжуд. Биз мазкур бўлимда уларнинг айримлари ҳақида фикр юритдик, холос. Уни схематик равишда қуйидагича тасвирлаш мумкин (6.1.1 - чизмага қаранг).

## 6.2. Илғор тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва ўзаро муҳокама қилиш – малакасини ошириш шакли сифатида

Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва ёйиш ўқитувчилар учун ўз касбий маҳоратларини такомиллаштиришнинг энг қулай шаклидир.

Илғор педагогик тажриба ўқитувчининг ўз педагогик фаолиятига ижодкор ва новаторларча ёндашиб, ўқувчиларга таълим ва тарбия беришнинг янги йўлларини излаб топишидир. Бу борада Республика таълим марказида ўзига хос ижобий тажриба тўпланган ҳамда унда мамлакатимиз турли минтақаларидаги таълим муассасалари илғор тажрибаларининг ўзига хос банки жамланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорида тажриба орттириш орқали малакасини оширишнинг ишлаб чиқаришда, илмий-тадқиқот муассасасида, хорижда каби шаклларига тавсиф берилган. Унда "педагог кадрларни иқтисодиёт, фан, маданият, соғлиқни сақлашнинг тегишли тармоқларида фан-техника тараққиётининг энг янги ютуқлари, замонавий техника ва технологиялар билан таништириш, фанлар бўйича ўқув дастурлари мазмунининг узлуксиз такомиллаштирилишини таъминлаш, фанни ишлаб чиқариш билан интеграциялаш мақсадида аниқ фанлар бўйича мақсадли касбий таълим дастурларини ўзлаштириш" [17, 15] асосий вазифа қилиб қўйилган.

Шундан келиб чиқиб, биз мазкур бўлимда илғор тажрибаларнинг айрим педагогик хусусиятларига тўхталамиз.

Кейинги пайтларда "Илғор педагог", "Ижодкор ўқитувчи", "Новатор педагог" тушунчалари матбуот саҳифаларида, педагогларнинг ўзаро суҳбатларида, методик кенгаш, семинар ва конференцияларда кўп тилга олинмоқда. Лекин улар аслида унчалик янги эмас.

"Илғор педагог" аввало бошқа ўқитувчиларга қараганда ўз ишига масъулият билан қарайди. Шу соҳадаги ижобий тажрибаларни ўрганиб, ўз дарсларида, мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий тадбирларда қўллайди. Шу орқали у ўқувчиларнинг таълим ва тарбиясида муайян ютуқларни қўлга киритади.

"Новатор педагог", бизнингча, ўзининг яхлит педагогик восита ва усуллари мавжудлиги билан фарқланиб туради. Шу билан бирга новатор ўқитувчиларда илмий таҳлил, ўзига танқидий кўз билан қарай билиш хусусиятлари ҳам бўлади. Уларнинг кўпчилигида ғоят мураккаб,



бошқалар ўзига ишонмайдиган шароитларда ҳам ўз ишларининг тўғри эканлигига ишончи бўлади.

"Ижодкор ўқитувчи"да ҳам "Илғор педагог"даги хусусиятлар бўлиши мумкин. Уларнинг жиддий фарқи шундаки, илғор педагог мавжуд манбаларни ўрганиб, шулар асосида таълим ва тарбия бўйича муайян ишларни танқидий кўз билан кўра билмайди. Кўп ҳолларда мавжуд методик йўл-йўриқларга ўз муносабатини билдириб, шароит ва вазият тақозосига кўра ўзининг имкониятларига қараб мавжуд тартиблардан фарқли методик усуллардан фойдаланади.

Илғор педагогик тажрибаларни аниқлашда маълум мезонларга асосланиш керак. Бунда энг муҳим мезон ўқитувчи ўз педагогик фаолиятида қўллайдиган таълим-тарбиянинг янги шакл, метод ва усулидир. Бу мезон илғор ўқитувчини оддий ўқитувчилардан ажратадиган энг муҳим белгидир. Ўқитувчи қўллайдиган янгилик турлича: масалан, таълим ёки тарбиянинг янги мазмуни, шакли, методи, педагогик меҳнатнинг энг таъсирчан, такомиллаштирувчи омили, мавжуд усулларни такомиллаштириш ва ҳоказолардан иборат бўлиши мумкин.

Илғор педагогик тажрибани ифодаловчи яна бир мезон, унинг юқори натижага эришиш учун замин ҳозирлашидир. Бунда ўқувчиларнинг билими ва тарбияланганлик даражаси ҳисобга олиниши зарур. Уни баҳолаганда ўтказилган тарбиявий тадбирларнинг сони эмас, уларнинг ўқувчиларни инсон сифатида шаклланишига таъсири (мезони) сифатида қараш лозим.

Бундан ташқари, илғор педагогик тажрибанинг қулайлиги ва тежамлилиги ҳисобга олиниши лозим. Чунки юқори натижага эришишда ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг кучини, вақтини тежаш, уларни толиқишдан асраш ҳам муҳим.

Илғор педагогик тажриба ўз-ўзича эмас, балки оммавий тажриба, шаклланган тажрибалар, бошқа ўқитувчиларнинг иш услуби билан ворислик асосида таркиб топиши унинг таъсирчанлигини оширади ва тарқалишини осонлаштиради. Бу мезонлар илғор педагогик тажрибаларни оддий тажрибадан ажратиш ва уни авайлаб ёйишга ёрдам беради.

Илғор тажрибаларни фақат вилоят ёки республика бўйлаб излаб юриш шарт эмас. Ҳар бир педагогик жамоада ўз изланишлари билан бошқалардан ажралиб турадиган педагоглар бўлади. Бу эса педагогик жамоадаги муҳитга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шу муҳитни мўътадиллаштириб, керакли йўналишга буриб юборишда мактаб раҳбарлари, мактаб методика кенгашининг ҳам ўзига хос улуши бўлиши табиий.

Илғор тажрибаларни ўрганишда нималарга эътибор бериш керак? Мактаб раҳбарлари қуйидагиларни билишлари ва шу асосда илғор тажрибаларни ўрганишни йўлга қўйишлари керак:

1. Илғор тажрибанинг ўқитишнинг бирор педагогик концепциясига мос ёки мос эмаслигини.

2. Илғор тажриба мавжуд бирор психологик, педагогик концепциясига мос келмай янгича бир қарашни талаб этиши ҳам мумкин. Бунда унинг қайси томони янги эканлиги, бу концепциянинг тахминий мазмуни қандай бўлиши мумкинлигини аниқлаш лозим.

3. Бу тажрибада таълим ва тарбиянинг узвийлиги муаммоси қандай ҳал қилиниши, ўқувчининг умумий ва психик ривожланишига қандай таъсир кўрсатишини.

4. Мана шу тажриба асосида ўқувчиларнинг тафаккурида, муносабатларида қандай ўзгаришларни амалга ошириш мумкинлигини.

5. Тажриба ёрдамида ўқувчининг шахсий хусусиятларини ривожлантириш бўйича қандай иш олиб бориш мумкинлигини. Ўқувчи шахсини ҳар томонлама камол топтиришда бу тажрибанинг роли нимадан иборатлигини.

Илғор педагогик тажрибани ёйишдан олдин мактаб раҳбарияти унинг илғорлигини, нимаси билан бошқаларга ибрат бўлиши мумкинлигини аниқлаб олишлари керак.

Илғор педагогик тажрибани (қачон ва қандай) ўрганиш бўйича мактаб раҳбарларига қуйидагиларни маслаҳат берамиз:

1. Ўқитувчилар, халқ маорифи ходимлари билан ўтказиладиган суҳбатлар, учрашувлар жараёнида.

2. Ўқитувчиларнинг дарсларини кузатишда.

3. Методик адабиётларни мустақил мутолаа қилиш, педагогика, психология, мактабшунослик, халқ маорифига оид вақтли матбуотни мунтазам кузатиб ва таҳлил қилиб бориш орқали.

4. Қўшни мактабларда ташкил этиладиган семинарлар, конференцияларда иштирок этиш ва уларда билдириладиган фикрларни таҳлил қилиш йўли билан.

5. Методик кенгашларида.

6. Методик бирлашма йиғилишларида.

7. Айрим фанлар ёки баъзи йўналишлар бўйича мактабда, мактаблараро илғор тажриба мактабларининг иш фаолиятини кузатиш орқали.

8. Педагогик кенгашлардаги баъзи текширув ва методик маърузаларни тинглаш жараёнида.

9. Муайян муаммолар билан иш олиб бораётган тажриба гуруҳлари фаолияти билан танишиш жараёнида.



10. Намунавий дарсларни ўтказишда.

11. Мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий тадбирлар орқали ва ҳоказолар.

Мактаб раҳбарлари учун илғор педагогик тажрибани ўрганиб олишнинг ўзи етарли эмас, албатта. Уни ёйиш йўлларини ҳам ўрганиб чиқишлари лозим. Бунинг учун қуйидагиларни тавсия этамиз:

1. Ўқитувчиларнинг дарсларини гуруҳ бўлиб кузатиш ва таҳлил қилиш жараёнида.

2. Ўзаро суҳбат чоғида.

3. Педагогик ва методик кенгашларида, илғор педагогларнинг маърузалар билан чиқишлари ёки уларнинг иш тажрибаларни бошқалар изоҳлаб ва ёритиб бориши йўли билан.

4. Мактабда кўлёзма журналлар, альбомлар тайёрлашда.

5. Илғор тажрибани ёйишда, мактабда ўтказиладиган семинар ва конференцияларда (уларнинг миқёсини кенгайтириш ҳам мумкин).

6. Туман методик кенгашларида чиқишида. Ўз иш тажрибаси якунлари билан бошқаларни таништиришда.

7. Матбуотда (рисолалар, илмий-педагогик журнал ва газеталарда) мазкур ўқитувчи ёки тарбиячининг бошқа методистлар, журналистлар ёрдамида ёритилиши.

8. Вилоят ва республика педагогик ўқишларида иштирок этиш ва бажарилган ишлар ҳақида сўзлаб бериши.

9. Телевидение, радио орқали илғор педагогик тажрибани оммалаштириш.

Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш бўйича республикамиз вилоятлари ҳамда тумани халқ таълими бўлимларида диққатга лойиқ ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, Бухоро туманида “Ижодкор” ўқитувчилар уюшмаси тузилган. Уюшма ҳайъати, унинг президенти ва аъзолари сайланган. Уюшма ўзининг иш режасини ишлаб чиққан.

Ўрта умумий таълим мактабларида ўқув-тарбия ишларининг савияси кейинги пайтларда анча ошмоқда. Илғор тажрибали ўқитувчилар сафи эса кенгаймоқда.

Илғор педагогик тажрибаларни ёйиш ва оммалаштиришда мактаб раҳбарларининг энг муҳим вазифаси мактабда иноқ, таълим-тарбия иши билан сидқидилдан шуғулланувчи педагогик жамоани яратишдир. Шунингдек, илғор ўқитувчиларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш, уларнинг обрўсини кўтариш учун жонбозлик кўрсатишдир.

Илғор тажрибаларни ўрганиш ва ёйишнинг таркибий қисми ўқитувчиларнинг фан метод бирлашмалари ва малакасини ошириш курсларидаги ўқиш даврида ўзаро тажриба алмашишидир. Тажриба алмашиш ўқитувчилар малакасини оширишнинг алоҳида шакли

сифатида унинг амалий иш фаолиятида ўзининг иш тажрибасини тизимлаштириб, маълум даражада умумлаштиришининг маҳсули ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, малакасини ошириш курсларида тажриба алмашиш амалий машғулот тарзида ўқув машғулоти бўла олади. Ўзаро тажриба алмашишда ўқитувчилар ўз фаолиятларини, ўқув машғулотларида олган билимларини муҳокама қилиб, солиштирадилар. Курс машғулотлари жараёнида олган назарий билимларини ўз шахсий тажрибалари билан солиштириб, улар бир-бирига мос келса, уларга ишончлари мустаҳкамланиб, ўз тажрибаларини назарий асослайдилар. Агар назарий билим билан тажрибалари ўртасида номувофиклик (зиддият) пайдо бўлса, унинг сабабини аниқлаб, зиддиятни бартараф қиладилар.

Курс машғулотлари пайтида тажриба алмашиш - мунозара, ўз нуқтаи назарларини асослаш, шахсий тажрибасига таяниш орқали амалга оширилади. Ўз тажрибаларидан мунозарада фойдаланиш машғулотни жонлантириб, таълим-тарбия муаммоларини янгича ечишга олиб келади.

Ўз тажрибасидан фойдаланиш назарий билимларини мустаҳкамлаб, уларни педагогик муаммоларни ечишга ундайди. Шу асосда пайдо бўлган тажриба, яъни амалиёт ва назария маҳсули бўлса, уни махсус ўрганиш лозим. Бунда тажриба алмашувнинг вазифаси ўқитувчини мақсадли тарзда ўз тажрибаси ва ҳамкасблари ишини ўрганишга, ўз фаолияти ва бошқалар иш тажрибасини ўрганиишга қизиқиш уйғотиши билан белгиланади.

Албатта, ўзаро тажриба алмашиш ҳамма вақт ҳам бирданига эмас, балки жиддий тайёргарликни талаб қилади. Курс машғулотларида, амалий дарс машғулотларида тажриба алмашишни маълум муаммога йўналтирилиб, аввалдан эълон қилиниши керак. Тажриба алмашув машғулотларини қисқа қилиб ўтказилиши лозим. Бунда чиқиш қилган ўқитувчи ўз иш тажрибасини кўрсата олиши муҳим. Қисқа ахборотда қандай қилиб, қайси шароитда мазкур тажрибага эришганлигини таъкидлаб, ўз тажрибасини бошқалар ўз фаолиятларида қўллаши учун тавсиялар бериши зарур. Тажрибани баён қилишда кўргазмали воситалар, видео, дидактик материаллар, ўқувчилар ишидан намуналар келтирилса, янада ишончли бўлади.

Тажриба алмашиш ўқитувчини педагогик тадқиқотга яқинлаштиради ҳамда назарияни амалиёт билан уйғунлаштириш воситаси бўлиб ҳисобланади.

Педагогик тажриба ҳар қандай ҳаётий тажрибадагидек, ўзига хос такрорланмас, индивидуал характерга эга. Чунки тажриба педагогик ҳодисаларни ҳар бир ўқитувчининг шахси ва индивидуал ҳаёти ва ўзига



хос англаши ҳамда баҳолаши билан характерланади. Шунинг учун бирон бир тажрибани тўғридан-тўғри кўчириб бўлмайди. Унинг моҳиятини, ғоясини англаб, ўз фаолияти хусусиятидан келиб чиқиб, қўллаш лозим. Тажриба алмашиш машғулотларини шундай ташкил қилиш керакки, унда тингловчилар фаол иштирок этиб, ўз муносабатларини очиқ баён қилиш имкониятига эга бўлсин.

Педагогик маҳоратининг ошишида тажриба алмашиш ўта муҳим ҳисобланади. Унда ҳар бир ўқитувчи ўзининг шахсий сифатлари, мулоқоти, ўз усул ва воситаларини бошқаларники билан солиштиради, ўзи сийратини ойнада кўргандек, тўғри ёки нотўғрилигига ишонч ҳосил қилади. Шу асосда унда ўз фаолиятидаги камчиликларни бартараф қилиш истаги кучаяди.

Тажриба алмашиш илғор тажрибаларни ёйишнинг энг қулай шакли. Бунда ўқув-тарбия ишига хос ҳодисалар бевосита жонли кузатув, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ҳақида қатнашчиларда аниқ тасаввур ҳосил бўлади.

Ўқув-тарбия ишида тасодифий омад эмас, балки синчиклаб изланиш, қилаётган ишидан нима натижа чиқаётганлигини муттасил таҳлил қилиш орқали юқори натижага эришиш мумкин. Фаол кузатиш ижодий ишлашнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади. Кузатиш орқали билиш таълим олиш фаолиятига айланади.

## 6.3. Мустақил билим олиш – малакасини оширишнинг энг самарали шакли

Жамиятимизнинг ҳамма соҳалари мустақиллик мафкураси асосида жадал ривожланиб, ижтимоий-иқтисодий, ахлоқий ва инсоний қадриятлар янгича миллий мазмун касб этмоқда. Мамлакат ривожланишини жадаллаштириш инсон омили, маънавий қадриятларга таянган ҳолда амалга оширилмоқда. Бу эса таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган ҳар бир педагогдан юксак педагогик маҳоратга эга бўлишини тақозо қилади. Бунга эришиш учун педагоглар тинимсиз ўз устларида ишлаши, таълим-тарбия, касб-ҳунарга ўргатишнинг мураккаб сирларини янгича, мустақил фикр юритиб эгаллаб олишлари лозим.

Педагогларни қийин, аммо шарафли ижтимоий муҳим фаолиятга тайёрлаш давлат миқёсидаги муаммо. Мамлакатимиз ёшларини дунё талаблари даражасида илм эгаллашлари ва касб-ҳунар ўрганишларини таъминловчи ўқитувчилар армиясининг малакасини ошириш тизими ҳам шаклланган. Бу тизимда педагогларнинг ўз устларида мустақил ишлаб, билим олишлари учун барча шароитлар яратилган. Бу тизим,

шунингдек, иқтисодий арзонлиги, яқинлиги ва қулайлиги, вақтни эркин танлаш имконияти мавжудлиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида келтирилган 2006 йил 16 февралдаги қарорида педагоглар малакасини оширишининг алоҳида шакли сифатида "Мустақил ўқиб билим орттириш - таълим даражаси ва сифатига қўйиладиган Давлат талабларига мувофиқ ўқитиладиган фан бўйича янги билим, кўникма ва малакаларнинг педагог кадрлар томонидан мустақил ўзлаштиришидир", - деб таъриф берилади. Бунда ўқишнинг мазмуни, давомийлиги ва даврийлиги педагогнинг ўзи томонидан белгиланади.

Мустақил ўқиб малакасини оширишга тавсия қилинадиган педагог юқори касбий маҳорат, ҳозирги замон педагогик ва ахборот технологиялари билан ишлай оладиган ҳамда ўз фаолиятини самарали ташкил қила оладиган, унга танқидий ва ижодий ёндашадиган киши бўлиши лозим.

Шундан келиб чиқиб, мустақил таълим олишнинг умумпедагогик ва ташкилий жиҳатлари ҳақида фикр юритамиз. Унинг меъёрий ва ҳуқуқий асоси сифатида, ёки натижасини ҳисобга олиш - муддатидан олдин ўқитувчининг малака тоифасига имтиҳон топшириши, малакасини оширишнинг даврийлиги (уч йилда бир марта)да инобатга олишни ўринли, деб ҳисоблаймиз.

Ўқитувчи меҳнатининг ўзига хослиги, унинг кўп қирралиги ва мураккаблигидадир. Шу билан бирга бу меҳнат ижодий характерга эга, яъни у, фақат янгилик яратиб қолмайди, балки мазмунан ўзгариб ҳам боради.

Ўқитувчи меҳнатининг қийин ва мураккаблиги, ўқувчи билан муомала қилиш, унга таъсир кўрсатишнинг нозиклиги ундан тарбия назарияси ҳамда психология фанини чуқур билишни талаб қилади.

Таълим-тарбия, касб-ҳунарга ўргатишнинг мураккаблашиб бориши ўқитувчининг вазифасини қийинлаштиради ҳамда фаолият соҳасини кенгайтиради. Ўқитувчи ижоди ҳамма вақт маълум тажрибага асосланади. Чунки ижодкор киши доимо нимагадир интилиши керак. Унинг учун йўлчи юлдуз илғор педагогик тажрибадир. Ўқитувчи илғор метод ва усулларни эгаллаш ҳамда уларни ўз фаолиятида қўллаш йўлларини излаб, педагогика, психология ва таълим методикасининг ютуқларига мурожаат қилади.

Ўқитувчи касбининг ўзига хос хусусияти тўғрисида гапирганда, унинг муттасил равишда ўз устида ишлаши, мустақил билим олишини ижтимоий ва касбий зарурият эканлигини таъкидлаш керак.



Таълим мазмунининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб доимий ўзгариб бориши эса кадрларнинг малакасини ошириш шаклларини тубдан ўзгартиришни тақозо қилади.

Шундан келиб чиқиб, педагогларнинг ўз устларида ишлаб мустақил билим, касб-ҳунарга ўргатиш сирларини ўрганиш мазмуни ҳақида тўхталамиз.

Дидактикада ўз устида ишлаш, яъни мустақил таълим - муассасадан ташқарида билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш, такомиллаштириш, деб қаралади. У шахсдан интеллектуал даражасининг юқорилигини талаб қилади. Педагог онгли равишда ўз олдига маълум муаммони ҳал қилиш мақсадини қўйиб, унга мувофиқ мустақил ўқишнинг шакл ва методини танлайди. Ўқитувчилар таълимнинг маълум босқичини тугаллаб, ёшларга таълим-тарбия бериш билан шуғулланадилар. Бу улар учун ўқиш, ўрганишнинг тугаганлигини билдирмайди. Аксинча амалий фаолият кўпроқ ўқиш, ўз устида ишлашни тақозо қилади.

Мустақил ишлаш учун манба сифатида қуйидагилар хизмат қилиши мумкин:

- ўқув адабиётлари, яъни дарслик, ўқув қўлланмалар;
- луғат, энциклопедия, статистик тўплам, ахборотномалар;
- илмий-оммабоп адабиётлар;
- методик адабиётлар;
- илмий адабиётлар;
- ижтимоий-сиёсий адабиётлар ва ҳоказо.

Кўпчилик ўқитувчилар учун мустақил ишлашга ундовчи туртки, уларнинг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш, ўз фаолиятларида юқори натижага эришиш хоҳишидир.

Аммо мустақил ишлаш ҳар бир ўқитувчида ҳар хилдир. Энг аввало бу ўқитувчи шахсининг хусусиятлари, унинг қизиқиши, эҳтиёжлари, илмий ва педагогик, ғоявий-сиёсий, умумий тайёргарлик ва маданияти билан белгиланади. Иккинчидан, ўз педагогик фаолияти, унинг натижаси, унга ҳамкасблари, маъмурият томонидан берилган баҳо. Учинчидан, ҳозирги даврда таълим-тарбия, халқ таълимининг умумий мақсад ва вазифаси мустақил билим олишга ўз таъсирини ўтказади.

Педагогларнинг ўз устида мустақил ишлашининг мотивлари ҳар хил бўлиши мумкин. Булар: бевосита билим оширишга интилиш, ўқув машғулоти ёки методик ишларга, ёки ота-оналар учун маъруза, синфдан ташқари тадбирларни тайёрлашга киришганида маълум адабиётларни ўқиш зарурияти. Бундан ташқари маънавий ёки ишқибозлик (хобби) эҳтиёжини қондириш.

Мустақил ишлаш билим олишнинг алоҳида шаклигина эмас, балки унинг ўзига хос тизими бўлиб, касбий мустақил, тугалланган ва педагогик жиҳатдан ташкил қилинадиган жараёндир.

Мустақил билим эгаллаш тизим сифатида нафақат турли элементларни яхлит бир мақсадга қаратади, балки бутун амалий билиш фаолиятининг шаклланишидир.

Мустақил ишлаш инсоннинг ички эҳтиёжи ҳисобланади. Бунинг учун киши ўз ишига, соҳасига қизиқиши, доимий равишда билим излаши, уни кенгайтириш ва чуқурлаштириши ҳамда ижодий ишлаш кўникмаларини ташқаридан ҳеч ким аралашувисиз такомиллаштириши лозим. Мустақил ўз устида ишлаш ижодий жараён сифатида инсон фаолиятининг мотивлари билан боғлиқ ва у мустақил амалга ошириладиган фаолиятдир. Инсоннинг мустақил билим олиши мураккаб дидактик жараён бўлиб, унинг асосида ички ва ташқи ундовчи интилиш, қизиқиш ва мотивлар ётади.

Шуни таъкидлаш керакки, илмий-техникавий ахборотларнинг муттасил кўпайиб бориши, жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар таълим, педагоглар олдига таълим-тарбия, касб-ҳунарга ўргатишни янгича ташкил қилиш талабини қўймоқда. Шунингдек, ижтимоий тараққиётнинг ўзгариши педагог меҳнати моҳиятининг ўзгаришини зарурий қилиб қўймоқда.

Юқори малакага эга бўлиш, мавжуд билимлари билан янги билимларни боғлай олиш ҳамда уларни амалий фаолиятга қўллай билиш ўқитувчи муваффақиятли ишлашининг асосидир. Ҳозирги вақтда таълим муассасасида фаолият кўрсатаётган педагог фақат ўз фанини эмас, балки унинг олдида турган муаммолар, фаннинг асосий ривожланиш босқичлари, бошқа фанлар, ижтимоий муносабатлар билан боғлиқлигини ҳам чуқур фаҳмлаши лозим. Бу эса ундан ўз устида кунт билан доимий ишлашини талаб қилади.

Ўқитувчилар орасида ўтказилган сўровларнинг кўрсатишича, илмий адабиётларни муттасил равишда 19,9 фоиз ўқитувчи ўқиб боради. Сўралган педагоглардан 62,8 фоизи педагогика ва психология фани янгиликларини муттасил ўрганади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, педагогика, психология ва ўқитиш методикаси ўқитувчи касбининг назарий асосини ташкил этади. Ўзлаштирган билимлари, касб-ҳунар сирларини ўқувчиларга ўргатиш санъатини, ўқувчилар билан синфдан ва мактабдан ташқари таълим-тарбиявий ишларни ташкил қилиш маҳоратини мазкур фанларни чуқур билиш орқали эгаллаш мумкинлигини улар яхши билишади.

Тажрибалар кўрсатишича, педагог кадрларнинг ўз билимларини мустақил равишда оширишлари, ўз устларида қатъий режим асосида



муттасил, доимий, белгиланган вақтда ишлашлари самара беради. Мустақил ишлашни пала-партиш, доимий ташкил қилмаслик, кутилган натижани бермайди, кишидаги истак-хоҳишни сусайтиради.

Илғор педагоглар тажрибасини ўрганиш, ўз устида мустақил ишлашда маълум талаб ёки принципларга риоя қилиш зарурлигини кўрсатади. Чунончи улар:

- ўз устида ишлаш аниқ мавзу, мақсад, режа асосида бўлиши;
- ўз устида мустақил ишлаш мавзуси ҳар бир ўқитувчи эҳтиёжи, қизиқиши ўқув жараёнидаги қийинчиликларни ҳисобга олган ҳолда танланиши;
- ўз устида мустақил билим олиш даврий равишда якунланиши;
- ўз устида мустақил билим олиш бошқа педагогик жараён каби назорат қилиниши шарт.

Педагогларнинг мустақил билим олишлари кўп жиҳатдан етарлича моддий ва маънавий шароитлар яратилишига ҳам боғлиқдир. Уларга илмий-методик ёрдам кўрсатиш, тегишли адабиётлар билан таъминлаш зарур.

Педагоглардан "Ўз устингизда мустақил ишлаш учун жамоада шароит яратилганми?", деб берилган саволга 46,8 фоизи ижобий жавоб берса, 30,8 фоизи етарли шароит йўқлигини таъкидлайди. "Уй шароитида мустақил ишлаш учун шароитингиз етарлими?", деб сўралган 62 фоиз педагог уйида шароит мавжудлигини, уларнинг 38 фоизи шахсий кутубхонаси борлигини маълум қилади.

Мустақил ишнинг асосини китоб билан ишлаш ташкил этади. Ўқиш ва китоб билан ишлаш педагог меҳнатининг ажралмас қисмини ташкил этади. Ўқитувчи фаолиятида китоб билан ишлай билиш ва ўқиш маданияти таълим-тарбиянинг самарадорлигини белгилайди. Ўқитувчининг бу сифатга эга бўлишининг ўзи етарли эмас, у мазкур сифатни ўз ўқувчиларига ҳам сингдириши лозим.

Ўқиш маданияти ўқитувчидан китоб устида мунтазам ишлашни аниқ режалаштириш ва вақтни тўғри тақсимлашни талаб қилади. Педагогнинг амалий ва назарий фаолиятини китобсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мамлакатимиз президенти Ш.М. Мирзиёевнинг бу масалага алоҳида эътибор бераётгани бежиз эмас, албатта. Қадимги Юнон олими Цицерон **"Китобсиз уй, жонсиз танага ўхшайди",** – деган эди. Ҳақиқатдан ҳам китоб педагог фаолиятининг асосий маънавий озиқлантирувчи воситасидир. Тадқиқотлар кўрсатишича, китоб билан самарали ишлаш учун педагог:

- ўз вақтини тўғри ташкил қилиши;
- ишлаш учун қулай шароит яратиши;
- китоб билан ишлаш кўникмасини эгаллаши;

- ўқиш учун материални тўғри танлаши;
- керакли адабиётларга эга бўлиши муҳим ҳисобланади.

Бунинг учун ҳар бир педагог энг аввало ўз шахсий кутубхонасига эга бўлиши, уй анжомлари қаторида китоб жавонлари ҳам муносиб ўрин олиши кераклигини англаб етмоғи лозим. Шахсий кутубхона фондини доимий бойитиб бориш жуда муҳимдир.

Ўқитувчиларнинг шахсий кутубхоналарида китобларнинг мавжудлигини аниқлаганимизда, сўралганлардан 9,7 фоизида кутубхонасида 50-100 тагача; 19,3 фоизида 200-300 тагача; 53,5 фоизида 500-800 тагача; 19,5 фоизида 1000 ва ундан ортиқ китоби борлигини эътироф этдилар.

Умумий ўрта таълим мактабларида фаолият кўрсатаётган ҳамкасбларимиз ўз соҳалари, ўзларининг қизиқишларини, илмий-методик масалаларни ҳал қилишларига қараб, мустақил ишлаш режасини тузишлари керак.

Ўқитувчилардан ўз устларида мустақил ишлаш режаларининг мавжудлиги ва уларнинг қайси муддатларга мўлжалланганлигини аниқлаш учун ўтказилган тадқиқотда қуйидагилар аниқланди. Педагоглардан 30 фоизи мустақил билим олиш режасини бир ўқув йилига мўлжаллаб тузади. Улардан фақатгина 13,3 фоизи истиқболли (2-3 йил) мустақил ишлаш режасига эга, 33,3 фоиз ўқитувчи мустақил билим олишини методик бирлашма ва педагогик кенгаши орқали оширишини эътироф этса, 5 фоиз ўқитувчининг умуман мустақил иш режаларига эга эмаслиги аниқланди.

Мустақил билим олишнинг режа ва дастурини ҳар бир педагогнинг ўзи тузиши ёки жамоавий ҳолда – методик бирлашмалар йиғилишида ишлаб чиқиш мумкин. Ўрганилган илмий-методик ёки бошқа китоблар ва мақолаларнинг картотекасини, рўйхатини тузиш, шулар асосида дастур, жадвал, схема, конспектлар тузиш ғоят фойдалидир.

Мустақил билим олишни ҳар кимнинг шахсий иши ёки уни хўжа кўрсинга қилиш ярамайди. Уни таълим-тарбиянинг энг муҳим ажралмас қисми, деб қараш лозим. Шунинг учун таълим муассасаларида ҳаммага тегишли масалалар педагогик кенгашида, маълум фан ўқитувчиларининг бу борадаги ишлари директор ҳузуридаги ишлаб чиқариш йиғилиши, ёки методик бирлашмалар йиғилишида кўрилса, директор ва унинг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари педагоглар билан суҳбатларида мустақил билим олиш режалари ва натижаларини муҳокама қилишлари ва тегишли ёрдам кўрсатишлари мумкин.

Ҳозирда умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси мустақил билим олишининг мазмуни ва йўналиши тор, фақат ўз касби доирасида



тушунмаслиги лозим, у ўзининг билими, ҳунарини ҳар томонлама тўлдириб, такомиллаштириб бориши лозим. Шунинг учун педагог мустақил билим олишда ғоявий-сиёсий ҳамда методологик томонларга алоҳида эътибор бериши керак. Шундан келиб чиқиб, мустақил билим олишни қуйидаги йўналишлар бўйича олиб борилишини тавсия қиламиз:

I. Ғоявий-сиёсий,-методологик жиҳатдан савияни ошириш. Бунда энг аввало Республикамиз Биринчи Президенти И.А.Каримов ҳамда ҳозирги президентимиз Ш.М. Мирзиёев асарлари муҳим аҳамият касб этади. Чунки янги, мустақил жамият қуриш назарияси ва методологиясини ишлаб чиққан ҳамда унинг амалиётта қўлланишига бевосита И.А. Каримов раҳбарлик қилган. Шунинг учун ҳар бир педагог И.А. Каримов асарлари, нутқлари, маърузалари, интервьюларини доимий ўқиб бориши зарур. Президентнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари", "Аллоҳ қалбимизда", "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда", "Юксак маънавият - енгилмас куч" асарларини ўқиб, конспектлаштириши, бундан ташқари ҳар кунлик газета ва журналларни, радио ва телевидение ахборотлари билан танишиб боришлари лозим.

II. Илмий-назарий тайёргарлик. Бунда ўз фани ва касбининг назарий масалаларига асосий эътибор бериш керак. И.А. Каримовнинг "Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори" маърузасини, "Таълим тўғрисида"ги қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни, "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантиришнинг умуммиллий давлат дастури"ни, "Баркамол авлод орзуси" тўпламини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1998 йил 13 май 203-сон қарори ва ҳужжатларни ўқиш ва конспектлаштириш керак, деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари мунтазам равишда "Халқ таълими", "Касб-ҳунар таълими", "Узлуксиз таълим", "Мактаб ва ҳаёт", "Касб маҳорати ахборотномаси", "Тарбия", "Педагогик маҳорат" журналларида назарий, таълим-тарбия, касб-ҳунарга ўргатишнинг назарий муаммоларига доир мақолаларни ўқиш ва конспектлаштириш, турли йиғилишлар, илмий-амалий семинар ва конференцияларга маърузалар тайёрлаб, чиқишлар қилиб туриши муҳимдир.

III. Педагогика ва психология фанлари масалаларини ўрганиш.

Психология, педагогикага доир илмий адабиётлар, қўлланма ва тавсияларини, "Оила психологияси", "Мустақил фикрлаш" ўқув қўлланмаларини, доимий равишда ўз соҳаси учун энг муҳим ҳисобланган соҳаларини ўрганишга эътибор бериш зарур.

IV. Ўз фани ва уни ўқитиш методикаси бўйича янгиликлардан доимий равишда хабардор бўлиб туриши лозим. Энг аввало ўзи дарс берадиган фанлар бўйича методик масалаларга доир янгиликларни ўқиб, ўз амалий фаолиятида қўллаш зарур.

Методик маҳоратини ошириш учун тажрибали, илғор ўқитувчи, муҳандис-педагоглар ўқув машғулотларига кириши, мунтазам равишда журналлар, газеталарда босиладиган мақолаларни ўқиб, картотека тузиб бориши, янги педагогик технологияларни, айниқса ахборот технологияси, ўқитишнинг фаол методлари, иш ўйинлари, интерфаол методларни ўрганиб, ўз фанини ўқитишга жорий қилиш зарур.

Ҳаётимизнинг ҳамма соҳаси, чунончи таълим соҳаси ҳам бозор муносабатларига мослашмоқда. Таълим-тарбия беришда бозор муносабатлари талабларининг моҳиятини тушуниш, ҳаётимизга кенг кириб келаётган ахборот воситалари ва технологияларининг сирлари, INTERNET ва унга асосланган масофавий таълим масалаларини ўрганиш асосида касб-ҳунарга ўргатишни ташкил қилиш ўз устида мустақил ўқишининг барча йўналишлари ва келажакдаги режаларини амалга оширишда белгиловчи ҳисобланади.

Алқисса, педагогларнинг мустақил билим олишлари – малакасини оширишнинг ўқув юртидаги шакллари, курслардаги таълим, оммавий ахборот воситалари орқали билим олиш, маданият ютуқларидан фойдаланишнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилади.

## 6.4. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг мазмуни, шакллари ҳамда таснифи

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш даражаси ва сифатини янада ошириш, унинг ўқув-методик ва ахборот таъминотини мустаҳкамлаш ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талабларига мувофиқ мамлакат таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш вазифаси "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури"нинг йўналишларидан бири ҳисобланади. Мазкур ҳужжатларда қўйилган вазифаларни ҳаётга тадбиқ қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида" махсус қарор қабул қилиб, [17] унда педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган давлат талабларини тасдиқлади.



Қарорда педагогларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларидан, таълим муассасалари эҳтиёжидан, мазкур жараёнга янги педагогик технологиялари ва ўқитишнинг ноанъанавий шаклларини қўллаш, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасидаги жаҳон ютуқларидан келиб чиққан ҳолда ташкиллаштириш лозимлиги таъкидланади.

Қарорнинг тарихий аҳамияти шундаки, таълим ислоҳоти ҳужжатларида биринчи марта педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш узлуксиз таълимнинг алоҳида тури сифатида тавсифланганлигини эътиборга олиб, унга умумдавлат иши сифатида аҳамият берилди. Шу билан бирга унда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари билан бирга мазкур соҳага дахлдор таълим муассасаларининг фаолиятини ташкилий ва илмий-методик таъминлаш; педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими тузилмаси; асосий турлари ва шакллари; уларнинг мазмуни ва сифатига доир талаблар; кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга мутасадди таълим муассасаларида таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолаш тартиб-қоидалари; курслар учун ўқув юкламалари ҳажми аниқ белгилаб берилди.

Келтирилган қарорнинг муҳим аҳамияти шундаки, унда биринчи марта педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга дахлдор вазирлик ва идоралар, Давлат тест маркази, таълимни бошқариш ҳудудий органлари, узлуксиз таълим муассасалари (буюртмачи), қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан бевосита шуғулланувчи институт, факультет, марказларнинг ваколатлари ҳамда вазифалари аниқлаб берилди (6.4.1-чизмага қаранг).

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга дахлдор бўлганлар ўртасида бундай иш тақсимоти ҳозирга қадар бўлмаган эди. Мазкур ишни амалга ошириб, қарор дахлдор ташкилотларнинг вазифаларига аниқлик киритилиб, улар фаолияти координацияси ҳамда вазифалари чегараси (субординацияси)ни белгилаб берди.

Қарорнинг аҳамияти тўғрисида гапирганда, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш турлари ва шакллари таснифлари ҳамда мазмунининг очиб берилганлигини ҳам таъкидлаш муҳим. Биз уларни айнан мухтасар тарзда келтирамиз.

**Педагог кадрларни қайта тайёрлаш** – ўқитиш сифатига қўйиладиган талабларни амалга ошириш ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган таълим дастурлари бўйича янги касбий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш.

Қайта тайёрлашнинг асосий турлари:
- педагогик қайта тайёрлаш;
- касбий қайта тайёрлаш.

**Педагогик қайта тайёрлаш** – мутахассисларнинг базавий касбий маълумотини таълимнинг тегишли тури Давлат таълим стандарти (Давлат талаблари) билан белгиланадиган ўқув-тарбия жараёнининг талаб этиладиган сифатини таъминлайдиган даражада педагогик фаолиятни юритиш учун зарур ва етарли бўлган педагогик тайёргарлик талабларига мувофиқлаштириш мақсадида мутахассисларни қайта тайёрлаш.

**Касбий қайта тайёрлаш (ихтисослашув)** – таълимнинг тегишли тури Давлат таълим стандарти (Давлат талаблари) билан белгиланадиган ўқитишнинг талаб этиладиган сифатини таъминлайдиган даражада ўқув фани ёки курс бўйича педагогик фаолиятни юритиш учун зарур ва етарли ҳажмда янги касбий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш.

Педагог кадрларни касбий қайта тайёрлаш, қоидага кўра, кадрлар тайёрлаш ўқув режаларига янги ўқув фанлари ёки курслар жорий этилиши, кадрларнинг буюртмачилари ёки меҳнат бозорининг талаблари билан белгиланадиган айрим педагогларнинг қайта ихтисослашуви ёки янги мутахассисликка эга бўлиши муносабати билан таълим муассасаси маъмуриятининг ташаббусига кўра ташкил этилади.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш асосий ишидан ажралган ва ажралмаган, масофадан ўқитиш методлари қўлланилган ва ўз билимларини мустақил оширган ҳолда базавий ва ихтисослаштирилган олий таълим муассасаларида амалга оширилиши керак.

Таълим дастурларининг мазмуни ва ўқитишнинг қанча давом этиши Давлат талабларида белгиланган тартибда белгиланади. Қайта тайёрлашдан муваффақиятли ўтган педагог кадрларга белгиланган намунадаги диплом берилади.

Қайта тайёрлашга иккинчи олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олиш сифатида қаралмайди.

**Педагог кадрлар малакасини ошириш** – таълим турлари бўйича (Давлат таълим стандартлари талаблари) Давлат талаблари асосида касбий ва педагогик маҳорат доимий равишда ўсиб боришини, ўқув-тарбия жараёни юқори илмий-методик даражада олиб борилишини таъминлайдиган, ўқитиладиган ўқув фани ёки курс, педагогик ёки ахборот технологиялари ва ўқитишнинг интерфаол методлари бўйича касбий билим, кўникма ва малакаларни мунтазам ривишда янгилаб бориш.



**Мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими тузилмасига кирувчиларнинг ваколат ва вазифалари**

6.4.1-чизма



**Малакасини ошириш шакллари:**

1) **тўғридан-тўғри малакасини ошириш** (таълим дастурлари бўйича ўқитиш):

- малакасини ошириш бўйича ихтисослаштирилган таълим муассасасида (академия, марказ, факультет, курсларда) ўқитиш;
- базавий таълим муассасасида ўқитиш;
- “Устоз-шогирд” методи бўйича таълим муассасасида ўқитиш;
- ишлаб чиқаришда тажриба орттириш;
- илмий-тадқиқот муассасасида тажриба орттириш;
- хорижда тажриба орттириш;
- мустақил ўқиб билим орттириш;

2) **билвосита малакасини ошириш** (таълим дастурларисиз ўқитиш):

- илмий (илмий-педагогик) кенгашнинг қарори бўйича ижодий таътил;
- очиқ ўқув машғулотлари;
- илмий, илмий-методик ва илмий-амалий семинарлар, конференциялар, август ўқишлари ва ҳоказоларда маърузалар билан қатнашиш.

Қарорда буларнинг ҳар бирининг мазмун-моҳияти ва ташкил қилиш йўллари атрофлича кўрсатилган.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг юқорида баён қилинган асосий турлари ва шакллари узлуксиз таълимнинг ҳар бир турида алоҳида ҳолда, шунингдек, уларда кадрлар тайёрлашнинг хусусияти билан боғлиқ равишда педагог кадрлар малакасини оширишнинг бошқа шакллари ҳам киритилиши мумкин.

“Педагог кадрлар учун малакасини оширишнинг тегишли шаклини танлаш ўқув-тарбия жараёни сифати мониторинги (диагностикаси) натижалари ҳамда ўқув йили мобайнидаги ҳар бир педагогнинг касбий малакаси даражаси, Давлат талабларига мувофиқ ва педагогнинг ўз хоҳишларидан келиб чиққан ҳолда педагог кадрларни ички аттестациядан ўтказиш асосида амалга оширилиши”, [17, 18] қарорда белгилаб қўйилган.

Шу асосда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мазмуни ва сифатига қўйиладиган умумий талаблар тавсифлаб берилган. Бунда “Таълим муассасаларининг таълимнинг тегишли турларига бўлган эҳтиёжи қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш йўналиши, даражаси, ҳажми ва мазмунини” [17, 18] (муддатини) белгилайди.



Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифати тингловчилар тайёргарлигининг зарур ва етарли даражаси, уларнинг билим ва педагогик маҳоратлари педагог кадрларга қўйиладиган малака талабаларига мос келиши билан белгиланади.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни ва сифатига бўлган талаб тегишли таълим дастурларида кўрсатилган мезонлар асосида аниқланади. Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича таълим дастурлари мазмуни:

- касб ва лавозимларга бўлган касбий малака талабларига мувофиқлиги;
- таълим турлари бўйича Давлат таълим стандартларига мувофиқлиги;
- замонавий педагогик технологияларга йўналтирилганлиги;
- уларнинг мазмуни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш турлари ва шаклларига мос келиши эталон ёки мезонлар бўлиб ҳисобланади.

Демак, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш кўп компонентли яхлит педагогик жараёндир. Чунончи, қайта тайёрлаш мазмуни янги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга, малакасини ошириш эса педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма ва малакаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштиришга йўналтирилганлиги билан характерланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тўлиқ тасаввур қилиш учун уни тизимли ёндашувнинг методологик принциплари асосида тасниф қилишга ҳаракат қиламиз.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ташкил қилиш шакли, вақти ҳамда маблағ сарфланиши жиҳатидан таснифлайдиган бўлсак, уни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин. **Расмий,** яъни алоҳида вақт ва маблағ сарфлаб ташкил қилинадиган (**давлат**) **шакллари**: узлуксиз методик хизмат кўрсатиш; тўғридан-тўғри малакасини ошириш; ихтисослашган таълим муассасасида малакасини ошириш; базавий таълим муассасасида ўқитиш; “Устоз-шогирд” методи бўйича таълим муассасасида ўқитиш; ишлаб чиқариш (илғор мактаблар)да тажриба орттириш; илмий-тадқиқот муассасасида ва хорижда малакасини ошириш; ижодий таътил; амалий семинар, конференциялар, педагогик ўқишлар, анъанавий август кенгашларида маърузалар билан қатнашиш. **Ижтимоий,** ёки нодавлат, яъни расмий ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда (иш жойида) малакасини ошириш шакллари: курсгача ва ундан кейинги топшириқларни бажариш; педагогик жамоада малакасини

ошириш; ҳамкасбларнинг норасмий мулоқоти; маънавият-маърифат марказларида ташвиқот-тарғибот, оммавий ахборот материаллари ҳамда маданият ютуқларидан фойдаланиш; ҳамкасбларининг дарсларга кириш ва таҳлил қилиш.

**Шахсий,** яъни мустақил равишда касбий маҳорати, маънавий-илмий қизиқишларини қаноатлантириш, мустақил ўқиб, билим орттириш.

Мустақиллик тақозоси билан ҳамма соҳаларда инсон омилининг ошиши энг аввало ҳар бир соҳа тараққиётини илмий асосга қўйишни тақозо қилади. Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнини илмий асосга қўйиш учун энг аввало уни яхлит тизим сифатида тасаввур қилиш керак. Юқорида таъкидланганидек, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш узлуксиз таълимнинг таркибий қисми бўлиб, ўз навбатида унинг ўзи ҳам маълум таркибий тузилишга эга. Унга кирган ҳар бир бўғин ўқитувчининг касбий маҳоратини оширишда маълум вазифани бажаради. Яъни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бир-бирига боғлиқ ҳалқалар мажмуидан иборат бўлиб, у катталар касбий таълимини амалга оширишга хизмат қилади.

Мазкур педагогик мажмуани тизимли ёндашув асосида ўрганиш, унга кирувчи таркибий қисмларнинг энг муҳим хусусиятлари уларнинг умумий тизимда бажарадиган вазифаларини аниқлашни тақозо қилади. Тизим мавжудлиги учун улар маълум структуравий тузилишга эга бўлиши керак. Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳақида тўлароқ тасаввурга эга бўлиш учун унинг фаолият кўрсатишига асос бўлувчи омилларни мухтасар баён қиламиз:

1. Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш фаолиятини белгиловчи мақсад ва вазифалар.
2. Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни.
3. Тингловчилар нуфузи.
4. Моддий-техник базаси (бинолар, уларнинг жиҳозлари, ўқув қуроллари, техник воситалар, шарт-шароитлар, кадрлар салоҳияти).
5. Маблағ билан таъминланиши.
6. Қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни амалга оширувчи шахслар: кафедра ўқитувчилари, услубшунослар, раҳбарлар.
7. Тизим ишини режалаштириш, ташкил этиш ва бошқариш.
8. Тизимни такомиллаштиришга доир илмий тадқиқотлар.
9. Тингловчиларнинг давлат талабларига мувофиқ билим, кўникма ва малакалари кўлами.

Қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг бир маромда ишлай олиши учун юқорида келтирилган ҳар бир компонент ўз мазмуни, моҳияти, бажарадиган вазифасига кўра ўзаро боғлиқ муносабатларда



бўлади. Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш фаолиятини таъминловчи воситалар билан бирга бир-бирига узвий боғлиқ шаклларни ҳам ўз ичига олади. Келтирилган компонентлардан ҳар бири ёки унда иштирок этувчилар ўз фаолиятлари мазмуни, ўрни ва бажариши лозим бўлган вазифасини тушуниб етса, тизим бир маромда фаолият кўрсата олади. Акс ҳолда қўйилган мақсад амалга ошмай, натижа паст бўлади.

Шунингдек, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этувчи шаклларни ҳам тасниф қилиш ўта муҳим ҳисобланади. Чунки, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш узлуксиз таълимнинг (катта тизимнинг) таркибий қисми бўлиши билан бирга ўзи ҳам кўп компонентли структуравий тузилишга эга. Мақсад ва мазмунини амалга оширишда унинг фаолиятини таъминловчи воситалар ўз навбатида таркибий қисмларнинг ҳам самарали ишлашига шароит яратади.

Шундай қилиб, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни яхлит педагогик тизим сифатида тасниф қиладиган бўлсак, у қўйидагича кўриниш олади (6.4.2-чизмага қаранг).

6.4.2-чизма



## 6.5. Ўкув юртида қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни комплекс режалаштириш унинг узвийлигини таъминловчи муҳим омил

Бу тизимнинг барча таркибий қисмлари ўз тузилиш, шакл ва воситаларига эга. Уларнинг яхлитлигини таъминлашдан ягона мақсад - педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга йўналтиришдан иборат, лекин бу анча мураккаб илмий-амалий муаммо ҳисобланади. Аммо буни амалга оширса бўлади. Буңинг учун назорат ва ташкилий-педагогик ишларни амалга ошириш керак бўлади.

Педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими узлуксиз таълимнинг таркибий қисмидир. Ўз навбатида, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳам мураккаб тузилишга эга бўлиб, бир неча таркибий қисмлар мажмуидан иборатлигини (6.4.2-чизма) келтирилган тасниф кўрсатди. Педагоглар малакасини оширишнинг бўғинлари ўзаро боғлиқлик ва тизимлиликда фаолият кўрсатади. Педагоглар малакасини ошириш тизимининг айрим таркибий қисмлари ўқув юртидан ташқарида бўлса-да, ўқитувчилар касбий маҳоратини такомиллаштиришда бевосита иштирок этади. Уларнинг ҳар бирининг ўзига хос томонлари, ўз тузилиши, кичик мақсад ва вазифаларга эга. Шунинг учун уларни бошқаришда уларнинг умумий қонуният, тамойил, шакл ва методлардан фойдаланиш билан бирга ўзига хос томонлари мавжудлигини ҳам эътироф этиш зарур.

Бошқариш кенг маънода маълум тизим ҳолатини тартибга солиб, керакли натижага эришишдир. Тизимга таъсир қилиб, унинг ҳолатини ўзгартириб, керакли натижага эришиш эса мақсадга эришиш демакдир. Демак, мақсад инсон фаолиятида кутилган натижага эришишдир. Педагогик тизимларни бошқариш жамиятни бошқариш умумий қонуниятлари асосида амалга оширилсада, унинг ўзига хос томонлари ҳам мавжуд. Жумладан, улардан бири, таълим муассасасида педагоглар малакасини оширишнинг ташкил этилиши, ўқув юрти ички назоратининг функцияси сифатида намоён бўлишидир. Бошқаришни амалга ошириш учун, энг аввало, бошқариладиган объект, тизимни ташкил қилиш керак. Бу борада биз ўз фикрлашимизни батафсил аввал эълон қилганмиз [49; 76].

Бошқарувнинг бош мақсади - ушбу соҳани такомиллаштиришдир. Бунда эришилган натижа билан қаноатланиб қолмай мукаммал шакл ва методларни излаш, ўз умрини яшаб бўлган методлардан воз кечиш муҳим роль ўйнайди. Бошқаришда яна бир муҳим томон борки, уни эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Бу ҳам бўлса режалаштиришдир. Режалаштириш бошқарувни бевосита раҳбарлик билан яқинлаштиради



ёки уни амалга ошириш йўлидир. Бошқарувда белгиланган мақсад, тадбирларни ҳаётга тадбиқ этиш учун режалаштириш керак. Сўнг уни ижрочилар ҳукмига ҳавола қилиш лозим. Режалаштириш - қарор қабул қилиш ва ижросини назорат қилишдир. Режалаштиришнинг моҳияти шундаки, унда бошқарувнинг мақсад ва вазифалари аниқланади, ҳар бир тадбирнинг бажарилиш муддати, масъул шахс, унинг ижросини текшириш ва назорат усули аниқланади.

Режалаштириш бошқарувнинг модели, фикрий нусхасини ишлаб чиқиш демакдир. Режалаштириш педагоглар малакасини ошириш тизимини ривожлантириш мақсади ва бу мақсадга эришиш восита, йўлларини белгилашдир. Бунда амалга оширилиши лозим бўлган талаблар кетма-кетлиги, бажариш муддати ҳамда шакли белгиланади. Режалаштириш бошқариш лозим бўлган соҳаларни маълум кетма-кетлик, схемавий, график ёки модель тариқасида амалга оширилишидир. Режалаштиришда бошқарув билан боғлиқ ҳаракатлар ўзаро мувофиқлаштирилиб, юқори натижага эришиш мумкин. Бу эса ўз навбатида жараёнда иштирок этувчилардан ҳаракат ва муносабатларни онгли ва қатъий ташкил этишни талаб қилади. Шу асосда ягона мақсадга эришиш мумкин бўлади.

Таълим ислоҳотлари қўяётган мураккаб таълим-тарбия, ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш энг аввало педагоглар фаолияти орқали амалга оширилади. Бу эса уларнинг педагогик маҳоратини узлуксиз оширишни талаб қилади. Малакасини оширишни ягона мақсад асосида ташкил этиш, тизимнинг бир маромда, аниқ ишлашини таъминлайди. Ишнинг аниқ, бир маромда боришини ташкил этишда фаолиятни режалаштириш муҳим роль ўйнайди. Режалаштириш малакасини ошириш тизимининг аниқ ишлашини таъминловчи восита сифатида бутун тизимнинг ритм билан ишлашига асос бўлади. Шу билан бирга малакасини ошириш жараёнида иштирок этувчилар – таълим муассасаси, халқ таълими органлари, ижтимоий ташкилотлар, маданият соҳалари малакасини ошириш курсларидаги ўқишни туман, шаҳар, вилоят, мамлакат миқёсида мувофиқлаштиради. Уларнинг ҳар бирининг умумий тизимдаги вазифаларини аниқлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Педагог кадрлар касб маҳоратини ошириш тизимининг фаолиятини режалаштиришда бевосита тизим билан боғлиқ масалаларни умумдавлат талаблари ва миқёсида амалга ошириладиган тадбирлар билан оптимал мувофиқлаштириш ниҳоятда муҳимдир. Малакасини ошириш жараёнларини ягона мақсадга қаратиб режалаштириш уни қатъий тартиб, кетма-кетлик асосида ташкил этишни таъминлаш билан бирга, тасодифий, бир-бирига боғланмаган тадбирларнинг олдини олиш имкониятини беради.

Бунда режа жараён, фаолиятга қатъийлик, бутун тизим олдида турган вазифаларни, шунингдек, ҳар бир бўғиннинг умумий тизимда ўз ўрнини белгилашига ёрдам беради. Шу тариқа қатъий тартибга солинган, бир-бирига боғланган ва чуқур ўйлаб тузилган режа умумий мақсадга эришишни осонлаштиради.

Буюк ўзбек педагоги Абдулла Авлоний «Халқ маорифи ишининг алифбоси режалаштиришдан бошланади. Режа маёқдир, ўлчовдир ва йўл кўрсатувчидир», - деган эди. Ўқитувчилар малакасини оширишни режалаштириш ўз навбатида шу соҳага доир қарорлар, ислоҳот талабларини амалга ошириш, уларни ҳаётга тадбиқ қилиш дастури ҳамдир. Шунинг учун режалаштириш малакасини ошириш тизимининг олдига қўйган вазифаларни бир маромда, кетма-кет ҳал қилишга хизмат қилувчи воситадир. Бу жиҳатдан қараганда режалаштириш тизим фаолиятини сиёсат билан боғлаш, малакасини оширишга бўлган ижтимоий талабни амалга ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади. У асосий масалани эътибордан четда қолдириб, майда-чуйда ишларга ўралашиб қолишдан асрайди. Бундан ташқари режа билан ишлаш белгиланган мақсадни олдиндан кўра билиш имконини беради. Режа малакасини оширишнинг мақсади, мазмуни уларни амалга ошириш усулларини аниқлашга хизмат қилади. Тўғри амалга оширилган режалаштириш хатога йўл қўйишдан асраш билан бирга, уларни такрорламаслик, камчиликларни бартараф қилиш воситаси ҳамдир. Режа таълим муассасаси ички бошқаруви билан педагоглар малакасини ошириш жараёнининг яхлитлигини таъминлаб, унинг натижаларини назорат қилиш асосида бўғинлар ўртасида узвийликни таъминлайди. Биз тадқиқот олиб борган айрим таълим муассасаларининг бу борадаги иш режалари талабга тўла риоя қилмасликларини кўрсатди. Пала-партиш, хўжа кўрсинга тузилган иш режалар оз эмас. Таълим муассасаси иш режаларида жамоадаги малакасини ошириш, ўқитувчилар, тарбиячиларнинг ўз устларида мустақил ишлашлари етарли равишда ўз аксини топмаган. Уларда расмият учун ёки иккинчи даражали ишлар кўп, такрорловчи тадбирлар белгиланган бўлиб, ягона мақсадга йўналтиришга эътибор берилмаган. Ҳар қандай режа, жумладан, педагоглар касбий маҳоратини ошириш ишларини режалаштиришда ҳам қатор талаблар, қонуниятлар ва принципларга риоя қилиш керак. Чунки у таълим муассасасида ўқитувчилар, тарбиячилар, малакасини ошириш умумжамоа иш режасининг таркибий қисми ҳисобланади.

Шунинг учун таълим ислоҳотлари ва мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ривожланиши хусусиятларидан келиб чиқиб, таълим муассасаси



фаолиятини режалаштиришда қуйидаги принципларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир:

1. Илмийлик.
2. Демократиклик.
3. Инсонпарварлик.
4. Изчиллик ва тизимлилик.
5. Таълим муассасаси ривожланишининг истиқболи.
6. Педагог ходимларни илмий-методик, умумий ва касбий савияларини такомиллаштириш.

Бу принциплар иш режасининг назарий асосини ташкил этади. Таълим муассасасининг назарий ва амалий жиҳатдан асосланган фаолият режасининг қуйидаги турлари бўлиши мумкин.

**Истиқболли режа**. Бу режа маълум даврга мўлжаллаб (бир, икки, беш йил) тузилади. Кўпинча истиқболли режа халқ хўжалиги кўрсаткичлари асосида таълим муассасасининг истиқболини ифодалайди. Унда таълим муассасасининг ўқув-моддий базаси, қурилиши лозим бўлган бинолар сони, спорт саройлари, сув ҳавзалари, ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг кўпайиш сони, битирувчилар сони, ўқув хоналар, устахоналар сони ва педагоглар таркиби ҳамда малакасини ошириш каби кўрсаткичлар рақамлар тарзида режада ўз аксини топади.

Умумий ўрта таълим муассасасининг бир ўқув йилига мўлжалланган фаолият режаси, бажарилиши лозим бўлган ишлар мазмунидан келиб чиқиб тузилади. Йиллик иш режа ўқув юрти турли бўғинларининг жорий иш режалари асосида тузилса, анча таъсирчан бўлади. Жорий иш режага қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ўқув муассасаси директори ва ўринбосарларининг бир ўқув йилига мўлжалланган иш режалари;
- фан методик бирлашмаларининг иш режалари;
- гуруҳ раҳбарларининг иш режалари;
- ўқув юрти кутубхонасининг иш режаси;
- фан тўгаракларининг иш режалари;
- ота-оналар қўмитасининг иш режаси;
- врач ва соғлиқни сақлаш ходимларининг иш режалари;
- педагогларнинг ўқув-мавзули, календарь-тематик ўқув режалари;
- кадрлар билан ишлаш ва улар малакасини ошириш режалари ва б.

Режани тузиш билан иш битмайди, уни амалга ошириш усулларини аниқ белгилаш муҳимдир. Ўқув муассасаси иш режасини амалга оширишда қуйидагилар муҳим педагогик аҳамият касб этади:

1) умумий ўрта таълим мактабининг юқори ташкилотлар, турли муассасалар, оталиқ, ҳомий ташкилот, корхоналар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилганлиги;

2) бошқариш ва раҳбарлик қилишга билимли, маъмурий қобилиятли кишиларни жалб қилиш;

3) ходимлар ўртасида иш тақсимотини тўғри ташкил қилиш;

4) жамоа барча аъзоларининг умумий режа асосида ўз шахсий иш режасига эга бўлиши;

5) директорнинг мактаб иш режасининг бажарилиши устидан самарали ҳамда узлуксиз назоратнинг ўрнатганлиги.

Иш режасида педагоглар жамоасидаги кучларни шундай тақсимлаш керакки, уларнинг ҳар бири топшириқларни бажаришга бутун куч-ғайратини сафарбар қилсин. Бунинг учун режалаштиришда қуйидаги учта шартга риоя қилиш лозим:

1. Ишнинг бошланғич ҳолатини чуқур педагогик таҳлил қилиш асосида бажарилиши лозим бўлган ишлар мазмунини аниқ белгилаш.

2. Ишни режалаштиришда жамоанинг ўқувчиларга берадиган таълими, касб-ҳунарга ўргатиш даражасини аниқ тасаввур қилиш.

3. Ўқув юрти ишини ислоҳот талабларига жавоб бериши учун имкон берадиган воситаларнинг энг мақбулини танлаш.

Одатда таълим муассасаси ишини режалаштиришда унинг тузилишини икки қисмдан иборат қилиб тузиш тавсия қилинади:

I қисм – аналитик (таҳлилий) бўлиб, унда ўқув юрти ишининг ўтган ўқув йилидаги якуний таҳлили, янги ўқув йилидаги вазифалар ўз аксини топиши керак.

II қисм эса амалий хусусият касб этиб, унда бу вазифаларни бажариш тадбирлари режалаштирилади. Шулардан келиб чиқиб, биз бир ўқув йилига мўлжалланган мактаб иш режасининг тузилишини намуна сифатида тавсия қиламиз.

**Биринчи қисм.** Мактабнинг ўтган ўқув йилидаги иш якунлари ва янги ўқув йилида вазифалари.

1. Мактаб ҳудудининг ўзига хос хусусиятлари ва иш шароити. Бунда мактаб ҳудудидаги аҳол, ўқув юртлари, улар билан ўқувчиларни таништириш вазифалари. Ишни қийинлаштирадиган шарт-шароитларга қисқача тавсиф берилади.

2. Ўтган ўқув йили якунлари ҳақида қисқача таҳлил. Бу бўлимда ўтган ўқув йилига мўлжалланган иш режанинг барча бўлимлари бўйича иш якунлари берилади ва улар таҳлил қилинади. Бунда ўтган ўқув йили режасининг бажарилиш даражаси, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари, касб ўргатишдаги кўрсаткичларга баҳо берилади. Жамоа иш услуби таҳлил қилиниб, камчиликлар кўрсатилади.



**Иккинчи қисм.** Унда таълим ислоҳоти талаблари асосида жамоа олдида турган вазифалар белгиланади. Аниқланган вазифалардан келиб чиқиб, аниқ тадбирларни амалга ошириш режалаштирилади. Шу асосда режанинг мундарижаси (тузилиши) қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Ташкилий-педагогик ишлар.
2. Мактабнинг ўқув моддий базасини мустаҳкамлаш.
3. Мактаб шароитида таълим ислоҳотини амалга ошириш.
4. Мактабни педагоглар билан таъминлаш ва улар фаолиятини ташкил қилиш.
5. Мактабда ўқув-тарбиявий жараённи йўлга қўйиш.
6. Мактабда синфдан ва мактабдан ташқари таълим-тарбиявий ишларни ташкил этиш.
7. Ота-оналар, маҳалла, жамоатчилик билан ҳамкорликда олиб бориладиган ишлар.
8. Мактабнинг ҳомий, оталиқ, соғлиқни сақлаш ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлиги.
9. Мактаб педагогик кенгаши ишини ташкил қилиш.
10. Мактаб ўқув-тарбия жараёнининг ички назоратини амалга ошириш.
11. Мактабнинг молия-хўжалик ишлари.
12. Мактабда кадрлар билан ишлаш ва улар малакасини оширишни ташкил қилиш.

Мактаб иш режасининг ҳар бир бўлими жуда кўп тадбирларни ўз ичига олади. Аммо биз унинг ҳамма бўлимларига тўхтамасдан **«Мактабда кадрлар билан ишлаш ва малакасини ошириш»** бўлимига анча муфассал тўхталамиз. Мактаб иш режасининг «Кадрлар билан ишлаш ва улар малакасини ошириш» қисмида энг аввало ўқув масканини малакали, ўз ишини биладиган педагоглар билан таъминлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Шу билан бирга мактаб педагогларининг ғоявий-сиёсий, илмий-назарий, касбий ва умумий савиясини оширишга доир тадбирлар мажмуи белгиланади.

Бир ўқув йилига мўлжаллаб режа тузганда, педагоглар малакасини оширишни жамоада ташкил қилишни, уларнинг илмий ва амалий ёрдамга эҳтиёжларини аниқлаш асосида режалаштириш фойдалидир.

Таълим муассасасида кадрлар касбий маҳоратини ошириш ва бошқариш (макон жиҳатидан) қуйидагича бўлиши мумкин.

1. Ўқув юрти доирасида.
2. Вилоят (шаҳар) доирасида.
3. Мамлакат миқёсида.
4. Чет эллар билан ҳамкорликда.

Булардан ташқари ҳозирги кучли тараққиёт даврида ахборот ва информацион-техник воситаларнинг кенг ривожланганлигини, педагогларнинг компьютер, INTERNET орқали масофадан малака оширишлари ва билим олиш имкониятлари кенгайганлигини эътиборга олиш талаб қилинади. Шунга эътибор бериш керакки, малака ошириш воситалари тизимида улар борган сари кўпроқ ўрин эгаллайди.

Юқорида келтирилган шаклларнинг ҳар бири воситасида турли-туман тадбирларни амалга ошириш мумкин. Буларни умумий бир мақсадга қаратиш, турли бўғинлар ишини ўзаро мувофиқлаштириш, режалаштириш ва бошқаришда энг долзарб, энг мураккаб вазифадир.

Педагоглар касбий маҳоратини оширишнинг турли-туман шаклларини ўзаро мувофиқлаштиришни таъминлаш билан бирга бу шаклларни маълум йўналишларга бўйсундириш ҳам жуда зарурдир. Ўқув юртидаги таълим-тарбия сифати педагоглар савияси билан белгиланар экан, уларнинг малакасини оширишга, моддий ва илмий-методик шароит яратиш, амалий ёрдам бериш ҳамда натижасини назорат қилиш муҳимдир. Педагог кадрлар касбий маҳоратини оширишнинг турли шаклларини режалаштириш тўғрисида фикр юритар эканмиз, бутун тизимнинг имкониятларини педагоглар касби ва шахсини такомиллаштиришга йўналтириш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни талаб қилади. Бутун тизим имкониятларини ўқитувчилар педагогик маҳоратини оширишга йўналтириш, уларнинг ҳаётини чароғон қилиб, нур каби йўлини ёритади. Фикримизча, бу масалани жамоада ҳал қилишда малакасини оширишни мамлакат, вилоят, туман ва курс тадбирлари ҳамда шакллари билан уйғунлаштириш ўта муҳимдир. Шундан келиб чиқиб, биз қуйида мактаб миқёсида малака оширишнинг барча шаклларини режалаштиришнинг намунасини тавсия қиламиз.

**Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни яхлит режалаштириш намунаси**

| № т/р | Бажарилиши ва режалаштирилиши лозим бўлган ишлар мазмуни | Бажариш муддати | Ижрочи шахс | Ижро этиш шакли |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Мактабнинг умумий ягона илмий-методик мавзусини ва шу асосда фанлар бўйича метод бирлашмалар, ўқитувчилар, тарбиячилар ўрганадиган масалаларни аниқлаш | Июл-август | Директор, ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосар, маърифий-маънавий ишлар бўйича ўринбосар | Режа асосида |
| 2. | Педагоглар, тарбиячиларнинг ҚТ ва МОдан ўтиш йиллик режасини тузиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш | Август | Директор, ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосар | Режа асосида |
| 3. | Мактабда ташкил этиладиган турли семинар, ўқув ишлари раҳбарларини танлаш ва иш режаларини тузиш ҳамда тасдиқлаш | Август | Директор ва ўринбосарлар | Ҳисобот |
| 4. | Қайта тайёлашдан ўтувчи педагогларни аниқлаш ва уларни тегишли таълим муассасаларига йўллаш | Август | Директор МБР | Педагогик кенгашга ҳисобот |
| 5. | Таълим islоҳотига доир қарор, фармонларни, Президент асарларини жамоада мустақил ўқишни ташкил қилиш | Ўқув йили давомида | Директор ва ўринбосарлар, МБР | Педагогик кенгаш мажлиси |
| 6. | Мактаб, вилоят, туман, Республика миқёсидаги илмий-назарий, методик ўқишлар, семинар, конференция, кенгашларни аниқлаш ва уларга тайёргарлик кўриш, иштирокчилар ва маърузачиларни белгилаш | Август-сентябрь | Директор ва ўринбосарлар, МБР | Директор олди йиғилиши |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 7. | Педагогик тарғиботни йўлга қўйиш, ота-оналар, маҳаллага илмий-методик ёрдам бериш, бунинг учун аниқ кишиларни бириктириш ва режаларини тасдиқлаш | Ўқув йили бошланиши билан | Директор ўринбосарлари | Ҳисобот |
| 8. | Олий ўқув юртлари, бошқарма, Республика Кенгашлари, конференцияларга қатнашчилар маърузачилар танлаш | Сентябр-октябр | Директор, ўринбосарлар | Директор олди йиғилиши |
| 9. | Ижодий таътилга талабгорларни аниқлаш ва расмийлаштириш | Ўқув йили бошида | Ўқув-тарбиявий ишлари бўйича ўринбосар, МБР | Педкенгаш қарори |
| 10. | Илғор тажриба мактаби, мураббийлик ҳаракатини ташкил этиш | Ўқув йили бошида | Ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосар, МБР | Педкенгаш йиғилишида ҳисобот |
| 11. | Касб-ҳунар ўргатиш бўйича корхоналар ҳамкорлиги бўйича ишларни ташкил қилиш | Ўқув йили давомида | Директор, ўринбосарлар | Педкенгаш йиғилиши |
| 12. | Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш | Ўқув йили давомида | Директор, ўринбосарлар, МБР | Педкенгаш йиғилиши |
| 13. | Ёш ўқитувчиларга илмий-методик ёрдам кўрсатиш | Доимий | Директор, ўринбосарлар, МБР | Директор олди йиғилиши |
| 14. | Мунтазам равишда ўзаро дарсларга кириш ва таҳлил қилишни ташкил этиш ва назорат қилиш | Доимий | Бутун жамоа | МБР йиғилиши |



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 15. | Педагогларга доимий якка ва жамоавий маслаҳат, методик ёрдам бериш | Доимий | Директор, ўринбосарлар МБР | МБР йиғилиши |
| 16. | Мактаб методик ишлар тизимини ташкил этиш, улар фаолиятини ташкил этиш | Мунтазам | Директор, ўринбосарлар МБР | Педкенгаш йиғилиши |
| 17. | Мактабдаги методик бирлашмалар ишини ташкил ва назорат қилиш | Ўқув йили давомида | Директор, ўринбосарлар МБР | Ҳисобот |
| 18. | Очиқ ўқув машғулотлари жадвалини тузиш | Ўқув йили давомида | Директор, ўринбосарлар МБР | Педкенгашда муҳокама |
| 19. | “Устоз-шогирд” методи бўйича МОни аниқлаш ва таълим муассасасини белгилаш | Ўқув йили бошида | Директор, ўринбосарлар МБР | Педкенгашда муҳокама |
| 20. | Педагогларнинг мустақил билим олишларини ташкил этиш. | Доимий | Директор, ўринбосарлар МБР | МБР йиғилиши |
| 21. | Метод кабинетни жиҳозлаш ва уни илмий-методик адабиётлар билан тўлдириш | Доимий | Директор, ўринбосарлар МБР | Ҳисобот |
| 22. | Мактаб доирасида бўладиган кенгаш семинар, конференциялар мавзусини аниқлаш ва ўтказиш | Режа асосида | Директор, ўринбосарлар МБР | Директор олди йиғилиши |
| 23. | Фанлар, ихтисослар бўйича ўқув мавзули режалар, календар-тематик режаларни тузишни ташкил этиш | Ўқув йили бошида | Директор, ўринбосарлар МБР | МБР йиғилиши |
| 24. | Педагогика, психология, методика | Доимий | Директор, ўринбосарлар | Ҳисобот |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | фанлари бўйича кутубхонадаги китоблардан фойдаланиш ва янги китоблар тўғрисида кутубхона мудирининг ахборотини тинглаш | | | |
| 25. | Педагоглар ва ўқувчиларнинг INTERNETдан фойдаланиш, ахборот восита-лари ва масофавий билим олиш масалаларини ташкил ва назорат қилиш | Даврий равишда | ЭҲМ ўқитувчиси, директор ўринбосари, кутубхона мудири | Оғзаки ҳисобот |
| 26. | Тажриба орттириш шакллари бўйича МОларни аниқлаш ва расмийлаштириш | Ўқув йили бошида | Директор, МБР | Педкенгашда ҳисобот |
| 27. | Фан янгиликлари, касблардаги янги-ликларни ўрганиш, йирик олим ва педа-гоглар билан учра-шувлар ташкил қилиш | Ўқув йили давомида 1-2-марта | МБР, Директор, ўринбосарлар | Ҳисобот |
| 28. | Ўқувчилар ва педа-гогларни музей, кўр-газма, театр тамо-шаларига боришла-рини ташкил қилиш | Ўқув йили давомида 1-2-марта | Директор, ўринбосарлар | Ҳисобот |
| 29. | Фан, ҳунар ўрганиш, спорт тўгараклари ишини ташкил қилиш | Доимий | Тўгарак раҳбарлари | Директор олди йиғи-лиши |
| 30. | «Ҳозирги замон педагоги», «Ҳозирги замон дарси», «Ҳо-зирги замон ўқитув- | Ўқув йили давомида 1- марта | МБР, Директор ўринбосарлари | Ҳисобот |



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | чиси» мавзуларида баҳс уюштириш | | | |
| 31. | Ўқув жараёнига янги технологияларни қўллаш, масалаларини ўрганиш | Семинар тажриба алмаш. | МБР, Директор ўринбосарлари | Педкенгаш йиғилиши |
| 32. | Даврий матбуот материалларини доимий ўқиш ва уларни ўқув жараёнига фойдаланиш | Доимий | МБР, Директор ўринбосарлари | Ҳисобот |
| 33. | Таълим жараёнига таълимнинг нос-тандарт шаклларини, қўллаш ишларини ташкил этиш | Доимий | Директор, ўринбосарлар, жамоа | Педкенгаш йиғилиши |
| 34. | Сиртдан ўқиётган-ларга шароит яратиш ва ёрдам бериш | Режа асосида | Раҳбарлар | Ҳужжат |
| 35. | Тажрибали педаго-гларнинг мустақил билим олиш тажри-баларини оммалаш-тириш | Ўқув йили давомида | МБР, Директор ўринбосарлари | Ҳисобот |
| 36. | Педагогик жамоа-нинг малака ошириш натижалари бўйича (реферат) ҳисобот-ларини тинглаш | Ўқув йили охирида | МБР, Директор ўринбосарлари | Ҳисобот |
| 37. | Режа бажарилишини якунлаш | Ўқув йили охирида | Директор | Педкенгаш йиғилиши |

Ушбу режа намунавий бўлиб, уни ўқув муассасаси хусусияти, педагогик жамоа эҳтиёжи, қизиқишлари асосида шароитга мослаштириш мумкин.

**Мавзуни мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар:**

1. Педагогик жамоада малака оширишнинг қанақа шакллари кўпроқ фойда беради?

2. Методик бирлашма фаолияти мактабингизда қандай ташкил қилинган?
3. Методик бирлашма нима асосида иш олиб боради?
4. Илғор тажрибалардан фойдаланасизми?
5. Илғор тажрибалар қандай ўрганилиб, умумлаштирилади?
6. Мустақил билим олишни режалаштириш шартми?
7. Мустақил билим олишда нималарга эътибор қаратиш лозим?
8. Педагогик жамоада ҚТ ва МОни режалаштириш шартми?

**Мавзу юзасидан тавсия этилган адабиётлар:**


1. Адизов Б.Р. Организационно-педагогические условия совершенствования системы повышения квалификации учителей начальных классов. Автор.: канд. дисс. –Т.:1990. -17 с.

2. Аминов А.Х. Халқ таълими ходимлари малака ошириш тизимини такомиллаштиришнинг ташкилий-педагогик асослари. –Самарқанд, 2001. -99 б.

3. Александрова И.Ф. Специфика, методы и средства активизации учебного процесса в системе повышения квалификации. –М.: Знание, 1975. -56 с.

4. Вершловский С.Г. Социально-педагогические и психологические вопросы повышения квалификации педагогических кадров. -М.: АПН СССР,1984. -50 с.

5. Гулбоев А.Т. Педагогик ташхис воситасида ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириш.-Т.: Фан ва технология, 2009. -112 б.

6. Елканов С.Б. Профессиональное самовоспитание учителя.–М.: Просвещение, 1986. -143 с.

7. Загвязинский В.И. Педагогическое творчество учителя. –М.: Просвещение, 1987. -160 с.

8. Зарипов К.З. Педагогическая диагностика в системе непрерывного повышения квалификации учителей: Методические рекомендации //Под. ред. А.Е. Марона. –Л.: НИИ ООВ АПН СССР, 1989. -39 с.

9. Зарипов К.З. Научно-техническая революция: образование и повышение квалификации учителей. –Т.: Фан, 1979. -123 б.

10. Зарипов К.З. Дифференциация и индивидуализация обучения учителей в системе повышения квалификации // Ред. Т.П. Василько. – Л.: НИИ ООВ АПН СССР, 1989. -52 с.

11. Ибрагимов Х.И., Зарипов К.З. Узлуксиз таълим: бошқариш, ички назорат назарий асослари, шакл, методлари ва технологияси. –Т.: Фан, 2005. -334 б.





12. Йўлдошев Ж.Ғ. Узлуксиз таълим: Малака ошириш муаммолари ва ечимлари. –Т.: Ўқитувчи, 1975. -98 б.

13. Йўлдошев Ж.Ғ. Малака оширишнинг назарий ва методологик асослари. –Т.: Ўқитувчи, 1998. -208 б.

14. Ингемкамп К. Педагогическая диагностика. -М.:

15. Кузьмина Н.В. Очерки психологии труда учителя. –Л.: ЛГУ,1967. -124 с.

16. Кулюткин Ю.Н., Сухобская Г.С. Индивидуальные различия в мыслительной деятельности взрослых учащихся. –М.: Педагогика, 1971. -132 с.

17. Кулюткин Ю.Н. Психология обучения взрослых. –М.: Педагогика, 1985. -128 с.

18. Мардонов Ш.Қ. Янги таълимий қадриятлар асосида педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш. –Т.: Фан, 2006. -232 б.

19. Мардонов Ш.К. Подготовка и повышение квалификации педагогических кадров. Тошкент: Фан ва технология, 2008. -128 с.

20. Нуриддинов Б.С., Абдукудусов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муаммолари. –Т.: 2001. -114 б.

21. Обидов Қ.Қ. Педагогларнинг узлуксиз малакасини ошириш жараёнида фаолият мотивлари ва шахсий сифатларининг ўрни. –Т.: Фан, 2008. -100 б.

22. Основы педагогического мастерства // Под. ред. И.А. Зязюна. –М.: Просвещение, 1989. -302 с.

23. Очилов М. Муаллим – қалб меъмори. –Т.: Ўқитувчи, 2001. -431 б.

24. Сластенин В.А. Формирование личности учителя советской школы в процессе профессиональной подготовки. –М.: Просвешение, 1976. -160 с.

## ХОТИМА

Таълим ислоҳотларини амалга ошириш одимлари ва самараси кўпминг сонли ўқитувчилар ва раҳбарларнинг юксак онглилик ҳамда интеллектуал салоҳиятига боғлиқ. Чунки ислоҳотлар илгари сураётган муаммоларни ҳал қилиш, унинг иштирокчиларидан тинимсиз ўқиш ва ўрганишни талаб қилади. Бу эса доимий изланиш асосида ёш авлод таълим-тарбиясига истиқлол илгари сураётган мураккаб масалаларни ечиш калитини беради. Доимо изланиш, ўқиш, янгиликка интилиш ва уни педагогик фаолиятида қўллаш педагог учун нафақат ўзининг маънавий эҳтиёжларини қондириш воситаси, балки касбий зарурат ҳисобланади. Чунки ўқиш, ўрганиш педагогларга хос хусусият бўлиб қолмай, улар бу сифатларни ўз ўқувчиларига ҳам сингдиришлари керак. Ёшлигидан ўқиш ва билишга ташналикка ўргатилган инсон бутун умри давомида ўз маънавий ва касбий қизиқишларини мунтазам қаноатлантириб, ўз маънавиятини ошириш орқали касбий бурчини юқори савияда амалга оширади. Бу билан у фақат ўз камолотини таъминлаб қолмасдан, балки атрофдаги кишиларга – ўз фарзандлари, ҳамкасблари ҳамда жамиятга маънавий ва моддий фойда келтиради.

Мамлакатимизда дунёга келган барча ёш гўдаклар таълим тизими орқали оила, жамоа ва жамиятнинг тўлақонли фуқароси бўлиб шаклланади. Айниқса мамлакатимизда мажбурий 12 (9+3) йиллик таълимнинг жорий қилиниши, барча ёшларни таълим тизими орқали шахс ва касб соҳиби сифатида ҳаётга қадам қўйишлари учун ижтимоий шароитни вужудга келтирди. Тажрибаларнинг кўрсатишича, инсондаги ижобий сифатларининг асоси, пойдевори мактабда шаклланади, унинг касбий фаолияти эса шу пойдеворни мустаҳкамлаб, кейинги баркамоллигини таъминлайди. Шунинг учун айтадиларки, ёшликда олинган билим - тошга ўйилган нақшдир, деб. Инсондаги юксак инсоний-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий, ғоявий-мафкуравий сифатлар мактаб таълимининг ҳосиласидир. Мактаб том маънода инсонни яратади. Шунинг учун ҳозир мактаб қанақа бўлса, келажак ҳам унга боғлиқ. Мактаб - ҳаёт ойнаси. Жамиятнинг бутун муаммолари унга ўз таъсирини ўтказади. Мактаб жамият ҳаётининг таркибий қисми сифатида унинг муаммолари ечимини топадиган кишилар – ўқитувчилар орқали ҳал қилади. Ўз навбатида мактаб ҳамма вақт жамият эътиборига эҳтиёж сезади.

Умумтаълим мактаби жамиятнинг таркибий қисми сифатида унинг тараққиётини таъминлаб берадиган кадрлар фаолияти орқали мислсиз тезлаштиради. Қолаверса, жамият тараққиёти унинг олдига таълим-тарбия ва касб-ҳунар ўргатишнинг янги муаммоларини кўндаланг қилиб қўяди. Бу муаммолар ечими таълим соҳасида фаолият



кўрсатаётганлардан мунтазам равишда фан-техника, ўзи ўргатадиган фан, педагогика, психология фанларининг ютуқларини ўрганиш асосида таълим-тарбияни ташкил қилишни тақозо қилади.

Таълим-тарбия барча ижтимоий муаммолар ичида энг қадимгиси ва шу билан бирга абадий, ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайдиган масаладир. Таълим ва тарбия жамият пайдо бўлиши билан пайдо бўлган ижтимоий ҳодисадир. Шунингдек, у жамият тараққиётининг ҳар бир даври, босқичи таълим-тарбияси, шахс шаклланиши ва касбий тайёргарлигига ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб, янгича талаблар қўяди.

Шунинг учун ёшларга таълим-тарбия ва касб ўргатувчиларнинг ўзларини ўқитиш, уларнинг педагогик маҳоратини таълим ислоҳотлари талабларига мувофиқлаштириш, ижтимоий буюртма ҳисобланади. Аммо уларнинг ўқиши ўқувчи ёки талаба ўқишига ўхшамайдиган касбий таълимининг алоҳида тармоғи ҳисобланади. Буни айрим ҳолларда касбий таълим, қўшимча таълим, қайта тайёрлаш, ёки кўпинча, малака ошириш, деб айтадилар.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими узлуксиз таълимнинг барча бўғинлари ва касбий таълимнинг тўлдирувчиси сифатида, у билан бир вақтда пайдо бўлди, десак хато бўлмайди. Чунки бошқаларни ўқитадиган киши энг аввало ўзи ўқиган, чуқур билимли бўлиши керак. Аммо унинг педагогика фанининг махсус бир тармоғи - мустақил фан сифатида шаклланиши узоқ тарихий даврни бошидан кечирди. Педагогик жараён ривожи асосида пайдо бўлган маълум талаблар, ғоялар, фикрлар яхлит таълимот бўлиб шаклланиши, фикримча қатор омилларга боғлиқ. Биринчи омил – жамият эҳтиёжи. Иккинчиси, унинг ўрганиш соҳаси, тегишли таркибий қисмлари (объекти, предмети, мақсад ва вазифаларнинг мавжудлиги), қонуният ва принциплари, тушунча ва методларининг яхлитликда шаклланишидир. Шу билан бирга бу соҳада амалий ва назарий фаолият кўрсатаётган кишиларнинг етуклик даражаси – мавжуд соҳа муаммоларини тушуниши, милтиллаб кўринаётган ғояларни пайқай олиши, уларни илмий ва амалий умумлаштира билиши кабиларни киритиш мумкин.

Айтиш мумкинки, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикасининг мустақил фан бўлиб шаклланиши учун ҳам барча шарт-шароитлар, омиллар тўла етарли. Истиқлол эса буни тезлаштириб, ижтимоий буюртмага айлантирди.

Мустақиллик тақозоси билан ҳамма соҳаларда инсон омилининг ошиши, энг аввало ҳар бир соҳа тараққиётини илмий асосга қўйилишини тақозо қилади. Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнини илмий асосга қўйиш учун энг аввало уни яхлит тизим сифатида тасаввур қилиш керак. Юқорида таъкидланганидек, педагогларни қайта

тайёрлаш ва малакасини ошириш узлуксиз таълимнинг таркибий қисми бўлиб, ўз навбатида ўзи ҳам маълум таркибий тузилишга эга. Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга кирган ҳар бир бўғин ўқитувчининг касбий маҳоратини оширишда маълум вазифани бажаради. Яъни педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бир-бирига боғлиқ ҳалқалар мажмуидан иборат (6.4.2-чизма) ва у катталар касбий таълимини амалга оширишга хизмат қилади.

Шундай қилиб, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўз ичига бир қанча шаклларни олади, улар умумий тизимда бажарадиган вазифаси жиҳатидан бир-бирига боғлиқ. Шунингдек, уларнинг ҳар бири ўз тузилиши, шакллари, методларига эга бўлиб, умумий тизимда бажарадиган «мақсадчалари» билан ҳамоҳангдир. Уларни ягона мақсадга қаратиш, уларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш бутун тизимнинг самарадорлигини таъминлаш асосидир. Аммо бу муаммо ҳали тўла илмий ва амалий жиҳатдан ҳал қилинмаган.

Тажриба ва тадқиқотлар кўрсатишича, ўқитувчи шахси ва фаолиятини ички ўз-ўзини билиш мотивлари асосида ташкил этилсагина, ўзини англаши учун шароит вужудга келади.

Инсон ўзини билиши учун уни шундай ҳолат-вазиятларга қўйиш керакки, оқибатда у ўзини шахс ва касб соҳиби сифатида англасин, фақат шундагина шахсда ўз-ўзини англаш жараёни содир бўлади. Ўз-ўзини шакллантириш учун инсон, ўзининг «Мен»ини англаб, шахслараро муносабатлар нуқтаи назаридан - «Кимман?», касбий мавқеи жиҳатидан - «Нимани биламан?», «Мен ўз касбий, бурчимни қай даражада муваффақиятли амалга ошира оламан?» каби саволларни ўзига бериб, фикран ўз фаолиятини таҳлил қила олмас экан, унинг шахси ва фаолиятига ташқаридан аралашиш кутилган натижани бермайди.

Интеллектуал салоҳият, юксак ахлоқий маданият педагог учун ҳам касбий ва ҳам инсоний хислатларини белгиловчи муҳим хусусиятдир. Чунки баркамолликка эришмаган педагог комил инсонни тарбиялай олмайди. Бу эса мустақиллик шароитида ижтимоий талаб сифатида педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини илмий асосга қўйишни тақозо қилади.

Бу ўз навбатида ўқитувчининг ёши, психологик-физиологик хусусиятларини билган ҳолда педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг шакл ва методлари, мазмуни ҳамда унинг фаолият мотивлари, шахсий сифатларини уйғунликда ташкил қилишни заруратга айлантиради. Ўқитувчининг бу муҳим инсоний сифатларни чуқур билмасдан тахминан, ўртамиёна ёки интуитив малакасини ошириш жараёнига ёндашув, унинг таъсирчанлигини пасайтиради,



қуруқ расмиятчиликка олиб келади. Эътироф этиш керакки, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини касбий таълимнинг алоҳида шакли – катталар таълими сифатида тан олмаслик, унинг муаммоларининг юқоридаги жаҳатларини инобатга олиб, тадқиқ қилинмаганлиги ҳам унга яхлит мустақил фан сифатида қарашга халақит беради.

Шунинг учун мазкур тизимда фаолият кўрсатадиган мутасадди ташкилотчилар катталар педагогикаси асосида бу жараённи ташкил қилишида, тингловчиларнинг руҳий-ижтимоий, шахсий, касбий хусусиятларини билмоқлари зарур. Бу эса мазкур тизим учун кадрларни махсус тайёрлашни тақозо қилади. Бунга зарурат шунда намоён бўладики, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида иштирок этувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар умумий ўрта таълим мактаби, ўрта махсус, касб-ҳунар, ҳатто олий мактабдаги ўқитувчи ва талаба муносабатлари, ёки субъект ва объект муносабатларидан кескин фарқ қилади. Энг аввало бу фарқ таҳсил олувчининг ўқув жараёнидаги мақоми билан белгиланади. Чунки педагог маълум касб эгаллаб, жамиятда маълум ижтимоий мақомга эга бўлган шахс ҳисобланади. Ҳаёт тажрибаси, ёши билан ўқувчи ва талабадан фарқ қилувчи мутахассис ҳисобланади.

Демак, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш объекти ҳисобланган тингловчи ўзининг ижтимоий мақоми, ёши ва шу ёшдаги психологик-физиологик (сезги, хотира, идрок, тафаккур, хаёл, ирода, диққат) хусусиятга ҳамда ўзига хос билимга (интеллектуал салоҳиятга) эга бўлган киши, мутахассис сифатида гавдаланади. Бу эса унга билимли киши ва касб соҳиби сифатида ёндашишни тақозо қилади.

Шунинг учун, бунда катта кишиларни ўқитиш - андрогогик педагогика ҳамда касб соҳибини ўқитиш - касбий педагогика (профессионал) талаблари асосида ташкил қилиниши зарурий шарти ҳисобланади. Демак, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълимида амалиётчи ўқитувчилар катталар педагогикаси (андрогогика) ҳамда касбий таълим - касбий педагогиканинг ўзаро мужассамлаштирган талаблари асосида ўқитилиши лозим.

Шундай қилиб, бу жараён иккита ниҳоятда муҳим ва мураккаб катта кишиларнинг таълим-тарбияси билан боғлиқ ва асосий фаолияти - ўқитиш, ўргатиш, ёшларга таълим-тарбия берувчи инсонларни ва бу соҳада махсус тайёргарликдан ўтган мутахассисни ўқитишга хос субъект-объект муносабатларини ташкиллаштиришдан иборат. Шу билан бирга қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълимини ташкил қилишда, дидактик принциплар, қонуниятлар, таълимнинг мазмуни,

мақсади, ташкил қилиш шакллари ва методларини ҳам ўзига хос танлаш ва қўллаш ўта муҳимдир.

Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлашда, мазкур китобнинг бош қисмида амалга оширилган назарий-методологик таҳлил: унга илмий тадқиқот объекти сифатида қараш; унинг мамлакатимиз узлуксиз таълимининг ажралмас қисми эканлиги; унинг билиш назарияси нуқтаи назаридан гносеологик таҳлили; педагог фаолиятининг тузилиши муаммоларини тадқиқ қилиш педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълимининг ўқитишнинг бошқа шаклларидан фарқли эканлигини эътироф этиш имконини беради. Шунингдек, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикаси фанининг – инсон билиш фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини асослашида педагогик ташхиснинг ўрнини белгилаб берди ҳамда тингловчилар таркибини табақалаштириш ва шу асосда курсларда таълим мазмуни, шаклларини объектга мос равишда танлашнинг дидактик масалалари имкон даражасида тадқиқ қилинди.

Тадқиқотда баён қилинган илмий таҳлил ва мулоҳазалар тўла асос билан **қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикасини** махсус мустақил педагогик фан сифатида қарашга асос бўла олади. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, мазкур тадқиқот бу соҳада амалга оширилган дастлабки тадқиқотлардан бири бўлганлиги учун унда қайта тайёрлаш ва малака ошириш педагогикасининг ҳамма муаммолари ечилди, деган фикрдан йироқмиз. Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикасининг ечилиши лозим бўлган муаммолари умумий педагогика ёки бошқа педагогик фанлардаги муаммолардан кўп бўлса бордир, аммо кам эмас. Бизнинг тадқиқотимиз педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикасини мустақил фан сифатида тан олиб, унинг муаммоларини ечишга тадқиқотчилар эътиборини қаратди, ташхис қўйди, десак тўғри бўлар.

Шунинг учун китоб ҳақидаги холисона фикр ва мулоҳазаларни қабул қиламиз. Улар келажакда бу борадаги тадқиқотларга туртки бўлади, деган умиддамиз. Фикр-мулоҳазаларни: 100076. Тошкент шаҳар, Баку 4-берк кўча, 29-уй, ёки Тошкент шаҳар, Талабалар шаҳарчаси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Педагогика кафедрасига юборишингизни сўраймиз.



## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари / Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Асарлар, 2-том. –Т.: Ўзбекистон, 1996, 3-28-б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида / Асарлар, 3-том. –Тошкент: Ўзбекистон, 175,364-б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда / Асарлар, 7-том.–Т.: Ўзбекистон, 1999, 370-404-б.
4. Каримов И. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори // Шу номли тўпламда. –Т.: Ўзбекистон, 1998. 4-18-б.
5. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008, 176 б.
6. Каримов И. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили / Асарлар, 4-том. –Т.: Ўзбекистон, 1996, 39-55-б.
7. Каримов И. Ислоҳотлар стратегияси – мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир // Халқ сўзи газетаси, 18 февраль, 2003 йил.
8. Мирзиёев Ш.М. Танкидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак.-Тошкент:Ўзбекистон, 2017, 104 б.
9. Баркамол авлод орзуси. Тўплам. Тузувчилар: Ш.Қурбонов, Р.Аҳлиддинов, Х.Саидов. -Т., 199. -184 б.
10. "Таълим тўғрисида"ги қонун // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.–Т., 1998, 20-29-б.
11. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.–Т., 1998, 31-62-б.
12. «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13 май 1998 йилдаги 203-сонли қарори. –Т., 1998.

13. Ўзбекистон Республикасида кадрлар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлар. I қисм. Педагог кадрлар малакасини ошириш бўйича ўқув режа ва дастурлар. –Т., 2000.

14. «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони // Маърифат газетаси, 2004 йил, 22 февраль.

15. «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони // Маърифат газетаси, 2004 йил, 22 май.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 9 июль 321-сон қарори // Халқ сўзи, 2004 йил, 10 июль.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида". 16 февраль 2006 йил 25-сон қарори. –Тошкент, 2006.

18. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш давлат талабларининг қайта такомиллаштирилган варианти. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги. 1-қисм. Умумий талаблар. Ижтимоий фанлар. Умумкасбий фанлар. Мутахассислик фанлари. –Тошкент, 2009.

19. Аниқ ва табиий фанлар: математика, информатика, физика, кимё, биология, география, чизмачилик. 2-қисм. –Тошкент, 2009.

20. Тиллар, адабиёт, тарих. Давлат ва ҳуқуқ асослари, иқтисодий билим асослари. Миллий ғоя ва маънавият асослари. Мусиқа маданияти. Тасвирий санъат. 3-қисм. –Тошкент, 2009.

21. Бошланғич таълим, меҳнат таълими, ЧЁТ, мактаб амалиёти психологлари, ташхис маркази дефектологлари, мактабдан ташқари таълим педагог ходимлари, мактабдан ташқари таълим муассасалари



раҳбарлари, махсус таълим муассасалари педагоглари, меҳрибонлик уйлари раҳбарлари, меҳрибонлик уйлари педагог ходимлари. 4-қисм. – Тошкент, 2009.

22. Раҳбар ва педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисида Низом // Маърифат газетаси, 4 февраль, 2006 йил.

23. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг "Халқ таълими муассасаларида фаолият кўрсатаётган номутахассис кадрларни тегишли мутахассисликка қайта тайёрлаш Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги 2007 йил 3 апрель 90-сонли буйруғи.

24. Абдулина О.А. Общепедагогическая подготовка учителя в системе высшего педагогического образования. –М.: Просвещение, 1990, 141 с.

25. Абдукаримов Х. Профессиональное воспитание личности учителя в процессе непрерывного образования. Автореф.: докт. дисс. – Т., 1998, 48 с.

26. Адизов Б.Р. Организационно-педагогические условия совершенствования системы повышения квалификации учителей начальных классов. Автор.: канд. дисс. –Т., 1990, 17 с.

27. Аминов А.Х. Халқ таълими ходимлари малака ошириш тизимини такомиллаштиришнинг ташкилий-педагогик асослари.- Самарқанд, 2001, 99 б.

28. Александрова И.Ф. Специфика, методы и средства активизации учебного процесса в системе повышения квалификации. – М.: Знание,1975, 56 с.

29. Ананьев Б.Г. Интеллектуальное развитие взрослых людей как характеристика обучаемости // Советская педагогика. -1969, №10. 48-57 с.

30. Ананьев Б.Г. Человек как предмет познания. -Л.: ЛГУ,1968, 340 с.

13. Ўзбекистон Республикасида кадрлар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлар. I қисм. Педагог кадрлар малакасини ошириш бўйича ўқув режа ва дастурлар. –Т., 2000.

14. «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони // Маърифат газетаси, 2004 йил, 22 февраль.

15. «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони // Маърифат газетаси, 2004 йил, 22 май.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 9 июль 321-сон қарори // Халқ сўзи, 2004 йил, 10 июль.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида". 16 февраль 2006 йил 25-сон қарори. –Тошкент, 2006.

18. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш давлат талабларининг қайта такомиллаштирилган варианти. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги. 1-қисм. Умумий талаблар. Ижтимоий фанлар. Умумкасбий фанлар. Мутахассислик фанлари. –Тошкент, 2009.

19. Аниқ ва табиий фанлар: математика, информатика, физика, кимё, биология, география, чизмачилик. 2-қисм. –Тошкент, 2009.

20. Тиллар, адабиёт, тарих. Давлат ва ҳуқуқ асослари, иқтисодий билим асослари. Миллий ғоя ва маънавият асослари. Мусиқа маданияти. Тасвирий санъат. 3-қисм. –Тошкент, 2009.

21. Бошланғич таълим, меҳнат таълими, ЧЁТ, мактаб амалиёти психологлари, ташхис маркази дефектологлари, мактабдан ташқари таълим педагог ходимлари, мактабдан ташқари таълим муассасалари



раҳбарлари, махсус таълим муассасалари педагоглари, меҳрибонлик уйлари раҳбарлари, меҳрибонлик уйлари педагог ходимлари. 4-қисм. – Тошкент, 2009.

22. Раҳбар ва педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисида Низом // Маърифат газетаси, 4 февраль, 2006 йил.

23. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг "Халқ таълими муассасаларида фаолият кўрсатаётган номутахассис кадрларни тегишли мутахассисликка қайта тайёрлаш Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги 2007 йил 3 апрель 90-сонли буйруғи.

24. Абдулина О.А. Общепедагогическая подготовка учителя в системе высшего педагогического образования. –М.: Просвещение, 1990, 141 с.

25. Абдукаримов Х. Профессиональное воспитание личности учителя в процессе непрерывного образования. Автореф.: докт. дисс. – Т., 1998, 48 с.

26. Адизов Б.Р. Организационно-педагогические условия совершенствования системы повышения квалификации учителей начальных классов. Автор.: канд. дисс. –Т., 1990, 17 с.

27. Аминов А.Х. Халқ таълими ходимлари малака ошириш тизимини такомиллаштиришнинг ташкилий-педагогик асослари.- Самарқанд, 2001, 99 б.

28. Александрова И.Ф. Специфика, методы и средства активизации учебного процесса в системе повышения квалификации. – М.: Знание,1975, 56 с.

29. Ананьев Б.Г. Интеллектуальное развитие взрослых людей как характеристика обучаемости // Советская педагогика. -1969, №10. 48-57 с.

30. Ананьев Б.Г. Человек как предмет познания. -Л.: ЛГУ,1968, 340 с.

31. Баранов С.П. Сущность процесса обучения. –М.: Просвещение, 1986, 144 с.

32. Буева Л.П. Человек: деятельность и общение. –М.: Мысль,1978, 216 с.

33. Вершловский С.Г. Молодой учитель в системе непрерывного образования. –М.: Педагогика, 1987, 183 с.

34. Вершловский С.Г. Социально-педагогические и психологические вопросы повышения квалификации педагогических кадров. -М.: АПН СССР, 1984, 50 с.

35. Вопросы руководства самообразованием педагогических кадров. Методические рекомендации //сост. Туркина З.К. и др. –Л.: НИИООВ АПН СССР, 1982, 85 с.

36. Голиш Л.В. Фаол ўқитиш усуллари: мазмун, танлаш ва амалга ошириш. –Т., 2001, 68 б.

37. Герасимов И.Г. Структура научного исследования (философский анализ познавательной деятельности). –М.: Мысль, 1985.

38. Горская Г.И., Чупрякова Р.Г. Мактабда ўкув-тарбиявий жараённи ташкил этиш. –Т.: Ўқитувчи, 1990, 216 б.

39. Гулбоев А.Т. Педагогик ташхис воситасида ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириш.-Т.: Фан ва технология, 2009, 112 б.

40. Даньков А.Л. Диагностика асосида малака ошириш // «Халқ таълими» журнали. -Тошкент, 1996, 5-сон. 53-54-бетлар.

41. Данилов М.А. Всеобщая методология науки и специальная методология педагогики и их взаимоотношения. -М.: 1971, 36 б.

42. Диалектика процесса познания. –М.: МГУ,1985, 367 с.

43. Дьяченко В.К. Управление переподготовкой слушателей в ИПК // В кн.: Проблемы организации непрерывного образования руководящих работников и специалистов народного хозяйства. –М.:1981. 101-103 стр.

44. Дьяченко В.К. Организационная структура учебного процесса и её развитие. –М.: Педагогика, 1989, 74 с.



45. Елканов С.Б. Профессиональное самовоспитание учителя.– М.: Просвещение, 1986, 143 с.

46. Жураев Р.Х. Теория и практика интенсификации профессиональной подготовки учителей. –Т., 1992, 159 с.

47. Загвязинский В.И. Педагогическое творчество учителя. –М.: Просвещение, 1987, 160 с.

48. Зарипов К.З. Педагогическая диагностика в системе непрерывного повышения квалификации учителей. Методические рекомендации //Под. ред. А.Е. Марона. –Л.: НИИ ООВ АПН СССР, 1989, 39 с.

49. Зарипов К.З. Научно-техническая революция: образование и повышение квалификации учителей. –Т.: Фан, 1979, 123 с.

50. Зарипов К.З. Дифференциация и индивидуализация обучения учителей в системе повышения квалификации Ред. Т.П. Василько. –Л.: НИИ ООВ АПН СССР, 1989, 52 с.

51. Зарипов К.З. Некоторые вопросы обучения учителей самодиагностике и использование её результатов в их деятельности. В кн.: Использование педагогического опыта в работе учителей. Методические рекомендации. –Л.: НИИ ООВ АПН СССР, 1988, 39-42 с.

52. Зарипов К.З. Профессионально-педагогическое общение как фактор развития творческого потенциала учителя. В кн.: Развитие мастерства и творческой деятельности учителей естественно-математических дисциплин. Методические рекомендации для ИУУ. –Л., 1988.

53. Зарипов К.З. Ўқитувчилар малакасини оширишнинг дидактик муаммолари // «Халқ таълими» журнали. -Тошкент, 2002, 3-сон, 64-67-б.

54. Зарипов К.З. Ўқитувчи фаолияти ва шахсини педагогик ташхис асосида ўрганиш // «Халқ таълими» журнали. –Тошкент, 2002, 3-сон, 83-87-б.

55. Ибрагимов Х.И., Зарипов К.З. Узлуксиз таълим: бошқариш, ички назорат назарий асослари, шакл, методлари ва технологияси. –Т.: Фан, 2005, 334 б.

56. Ибрагимов Х.И., Йўлдошев Б, Бобомирзаев Х. Педагогик психология. –Т., 2007, 410 б.

57. Юлдашев Ж.Г. Узлуксиз таълим. Малака ошириш муаммолари ва ечимлари. –Т.: «Ўқитувчи», 1975, 98 б.

58. Йўлдошев Ж.Ғ. Системы повышения квалификации педагогических кадров. –Т.: «Ўқитувчи», 1996, 160 с.

59. Йўлдошев Ж.Ғ. Малака оширишнинг назарий ва методологик асослари. –Т.: «Ўқитувчи», 1998, 208 б.

60. Касбий-педагогик маҳоратни ривожлантириш: муаммолар, ечимлар. Илмий-методик конференция материаллари. –Т., 2000, 196 б.

61. Коменский Я.А. Буюк дидактика. –Т.: Ўқитувчи, 1975.

62. Инге Унт. Индивидуализация и дифференциация обучения. – М.: Педагогика, 1980, 192 с.

63. Ингемкамп К. Педагогическая диагностика. -М.: Педагогика, 1991, 240 с.

64. Каримов А. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимига янгича ёндашув // «Халқ таълими» журнали. – Тошкент, 2001, 3-сон, 41-44-б.

65. Королёв Ф.Ф. Системный подход и его применения в педагогических исследованиях // Советская педагогика. –М., 1970, №9, 103-105 с.

66. Кузьмина Н.В. Психологическая структура деятельности учителя и формирование его личности. –Л.: ЛГУ, 1967, 183 с.

67. Кузьмина Н.В. Методы исследования педагогической деятельности. –Л.: ЛГУ, 1970, 115 с.

68. Кузьмина Н.В., Кухарев Н.В. Психологическая структура деятельности учителя. –Гомель, 1976, 57 с.



69. Кузьмина Н.В. Очерки психологии труда учителя. –Л.: ЛГУ, 1967, 124 с.

70. Козиев В.Н. Формирование профессиональных качеств личности учителя. –Л.: Знание,1987, 16 с.

71. Кулюткин Ю.Н., Сухобская Г.С. Индивидуальные различия деятельности взрослых учащихся. –М.: Педагогика, 1971, 132 с.

72. Кулюткин Ю.Н. Психологическая готовность взрослого человека к обучению. В кн.: Психолого-педагогические проблемы непрерывного образования. Отв. ред. А.М. Матюшкин. -М.: АПН СССР, 1980, 31-42 с.

73. Кулюткин Ю.Н. Психологическая природа деятельности педагога. В кн.: Творческая направленность деятельности педагога: Сборник научных трудов АПН СССР. -М., 1978, 8-14 с.

74. Кулюткин Ю.Н. Психология обучения взрослых. –М.: Педагогика, 1985, 128 с.

75. Малака ошириш: муаммолар, изланишлар, ечимлар. -Т., 2000, 98 б.

76. Лернер И.Я. Процесс обучения и его закономерности. –М.: Знание, 1980, 96 с.

77. Макаренко А.С. Некоторые выводы из моего педагогического опыта. Соч. Т. 5. -М., 1978, 98-11 с.

78. Мардонов Ш.Қ. Янги таълимий қадриятлар асосида педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш. –Т.: Фан, 2006, 232 б.

79. Мардонов Ш.К. Подготовка и повышение квалификации педагогических кадров. –Ташкент: Фан ва технология, 2008, 128 с.

80. Методы системного педагогического исследования. Учебное пособие. Под ред. Н.В. Кузьминой. –Л.: ЛГУ,1980, 172 с.

81. Методы изучения профессиональной направленности личности учителя. Сборник научных трудов / Под ред. Ю.Н. Кулюткина, Г.С. Сухобской. –Л.: НИИ ООВ АПН СССР, 1980, 82 с.

82. Нуриддинов Б.С., Абдукудусов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муаммолари. –Т., 2001, 114 б.

83. Обидов Қ.Қ. Педагогларнинг узлуксиз малакасини ошириш жараёнида фаолият мотивлари ва шахсий сифатларининг ўрни. –Т.: Фан, 2008, 100 б.

84. О дидактических затруднениях в деятельности учителей и пути их преодоления / Под. ред. Ю.К .Бабанского. –М.: НИИ Минпрос РСФСР, 1974, 64 с.

85. Онушкин В.Г., Кулюткин Ю.Н. Образование взрослых как предмет исследования // Советская педагогика. –М.: 1981, №6, 89-101 с.

86. Осипов И.Н., Копнин П.В. Основные вопросы теории диагноза. -Томск: ТУ, 1962.

87. Основы педагогического мастерства / Под. ред. И.А. Зязюна. –М.: Просвещение, 1989, 302 с.

88. Очилов М. Муаллим – қалб меъмори. –Т.: Ўқитувчи, 2001, 431 б.

89. Платонов К.К. Вопросы психологии труда. –М.: 1962, 261 с.

90. Подласый И.П. Педагогика. Новый курс. В 2 кн. Кн.1. –М.: Владос, 1999, 576 с.

91. Педагогическая диагностика в школе. -Минск: Народная асвета, 1987, 223 с.

92. Проблемы повышения профессиональной квалификации руководителей школ. / Под ред. Е.П. Тонконогой. –М.: Педагогика, 1987, 170 с.

93. Профессиональная педагогика. –М.: Педагогика, 1997.

94. Психологические проблемы самообразования учителя. Сборник научных трудов. -М.: НИИ ОП АПН СССР, 1986, 80 с.

95. Психология труда и личности учителя. Сборник научных трудов. Вып. 1. / Под ред. А.И. Шербакова. -Л.:ЛГПИ им. А.И.Герцена, 1976, 134 с.



96. Психология труда и личности учителя. Сборник научных трудов. Вып. 2. / Под ред. А.И. Шербакова. –Л.: ЛГПИ им. А.И.Герцена, 1977, 136 с.

97. Рубинштейн Л.С. Проблемы обшей психологии. / Отв. ред. Е.В. Шорохова. -М.: Педагогика,1973, 432 с.

98. Сластенин В.А. Формирование личности учителя советской школы в процессе профессиональной подготовки. –М.: Просвешение, 1976, 160 с.

99. Содиқов А. Малакадаги тингловчи: машғулотдан нима олади, кейинги фаолияти қандай таҳлил қилинади? // Маърифат газетаси, 2009 йил, 10 октябрь.

100. Степанова Е.И. Умственное развитие и обучаемость взрослых / Под ред. А.И. Шербакова. –Л.: ЛГПИ, 1981, 84 с.

101. Структура интеллекта взрослых. Сборник научных трудов. / Под ред. Е.И. Степановой. -Л.:НИИ ООВ АПН СССР, 1979, 110 с.

102. Сухомлинский В.А. Ёш мактаб директори билан суҳбат. –Т.: Ўқитувчи, 1989, 179 б.

103. Творческая направленность деятельности педагога. –Л.: НИИ ООВ АПН СССР, 1978, 102 с.

104. Теоретические основы непрерывного образования / Под ред. В.Г. Онушкина. –М.: Педагогика,1987, 208 с.

105. Усмонов С.А. Малака ошириш курси сифатини аниқлаш меъёри // Малака ошириш: муаммолар, изланишлар, ечимлар. –Т., 2001,. 16-26 б.

106. Ушинский К.Д. Человек как предмет воспитания. Опыт педагогический антропологии / Пед. Соч, Т.1. -М.: Педагогика, 1974, 697 с.

107. Фёдорова О.Ф. Об эффективности повышения квалификации педагогических кадров сферы производства// Советская педагогика. –М., 1976, №7, 103-108 с.

108. Хидиров Ў.Д., Мирсаидов К.Ш., Чориев Р.К. Ишлаб чиқариш таълими. Касб-ҳунар коллежлари учун услубий қўлланма. –Т.: Ўқитувчи, 2002, 104 б.

109. Шакуров Р.Х. Творческий рост педагога. –М.: Знание,1985, 80 с.

110. Шукина Г.И. Роль деятельности в учебном процессе. –М.: Просвещение, 1986, 144 с.

111. Яҳёев М.С. Ўқитувчиларга қўйиладиган малакавий талаблар даражаланадими? // Маърифат газетаси, 2009 йил, 16 сентябрь.

112. Юзликаев Ф.Р. Интенсификация дидактической подготовки будущего учителя в педагогическом вузе. –Т., 1995.

113. Ҳасанбоев Ж. ва б. Педагогика фанидан изоҳли луғат. – Тошкент: Фан ва технология, 2009, 672 б.



## МУНДАРИЖА

Мукаддима........................................................................ 3

Биринчи бўлим
ПЕДАГОГЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ПЕДАГОГИКАСИ ЯНГИ ФАН СИФАТИДА

1.1. Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикасининг мақсад ва вазифалари........................................ 11
1.2. Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикасининг илмий тадқиқот методлари............................ 22

Иккинчи бўлим
ПЕДАГОГЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ПЕДАГОГИКАСИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

2.1. Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёни илмий тадқиқот объекти сифатида ............................... 30
2.2. Узлуксиз таълим тизимида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ўрни.............................. 38
2.3. Педагогларни қайта тайёрлаш малакасини оширишда таълимнинг гносеологик таҳлили, унинг ўзига хослиги.............. 45
2.4. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш малакасини ошириш таълимини ўқитишнинг бошқа шакллардан фарқи ......................... 59
2.5. Ўқитувчи педагогик фаолиятининг тузилиши ва унга бўлган ижтимоий педагогик талаблар ...................................... 71

Учинчи бўлим
ПЕДАГОГЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

3.1. Ўқитувчи касбий маҳоратини такомиллаштириш – қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг муҳим талаби...................... 83
3.2. Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида педагогларнинг ёши ва интеллектуал даражасини ҳисобга олиш................ 92
3.3. Педагогларнинг фаолият мотивларини ҳисобга олиш - касбий маҳоратини оширишнинг таъсирчан омили................................ 104

3.4. Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида педагог шахсий сифатларини ҳисобга олишнинг аҳамияти…….............. 112

**Тўртинчи бўлим**
## ПЕДАГОГЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИНГ ДИДАКТИК АСОСЛАРИ

4.1. Малакасини оширишда тингловчилар таркибини табақалаштириш – улар маҳоратини такомиллаштириш воситаси................. 123
4.2. Қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда таълим мақсади, мазмуни, шакл ҳамда методларини оптимал танлашнинг дидактик асослари ........................................................................ 137
4.2.1. Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида қўлланиладиган ўқитиш методлари таснифи................................ 151
4.3. Катталар таълим хусусиятини ҳисобга олиб, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун ўқитувчиларни махсус тайёрлаш зарурияти........................................................................................ 155
4.4. Қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг тингловчилар педагогик маҳоратига таъсири меъёрларини аниқлаш…................. 168

**Бешинчи бўлим**
## ПЕДАГОГЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ЖАРАЁНИНИ ТЕХНОЛОГИЯЛАШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ

5.1. Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида янги педагогик технологияларни қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари...... 181
5.2. Масофавий таълим - педагоглар малакасини узлуксиз оширишни таъминловчи омил.......................................................... 193
5.3. Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнини ташхис асосида ташкил қилишнинг дидактик муаммолари..…................................................................................ 201

**Олтинчи бўлим**
## ПЕДАГОГЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИНГ УЗВИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ТАЪСИРЧАН ШАКЛЛАР

6.1. Педагогик жамоада малакасини оширишни тўғри ташкил қилиш унинг узвийлигини таъминловчи восита…...........……....… 218



6.2. Илғор тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва ўзаро муҳокама қилиш – малакасини ошириш шакли сифатида……....… 232
6.3. Мустақил билим олиш – малакасини оширишнинг энг самарали шакли ……………….. …………………….………. 237
6.4. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг мазмуни, шакллари ҳамда таснифи………............ 244
6.5. Ўқув юртида қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни комплекс режалаштириш унинг узвийлигини таъминловчи муҳим омил ........................…….......................................................... 252
**Хотима**……..…………………………………………............... 266
**Адабиётлар рўйхати**……………………………………………… 271

**Комил ЗАРИПОВ,**
**Шукурулло МАРДОНОВ**

# ЎҚИТУВЧИЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ПЕДАҒОГИКАСИ

**Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2018**

Муҳаррир: Ф.Исмоилова
Тех. муҳаррир: Ф.Тишабоев
Мусаввир: Д.Азизов
Мусаҳҳиҳа: Н.Ҳасанова
Компьютерда саҳифаловчи: Н.Рахматуллаева

**E-mail: tipografiyacnt@mail.ru Тел: 245-57-63, 245-61-61.**
**Нашр.лиц. AI№149, 14.08.09. Босишга рухсат этилди: 19.02.2018.**
**Бичими 60х84 1/16. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.**
**Шартли босма табоғи 17,5. Нашр босма табоғи 17,75.**
**Тиражи 100. Буюртма №296.**

**«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.**
**100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.**